

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **41-42-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(281-282)**
ТЎПЛАМИ **2007 й.**
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

418. «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 октябрдаги ПҚ–704-сон қарори

Учинчи бўлим

419. «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрдаги 216-сон қарори

Бешинчи бўлим

420. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари»ни тасдиқлаш тўғрисида (ЎЗР АҚ-91)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 сентябрда 1723-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
421. «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 августдаги 22/9-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрда 1518-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
422. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
423. «Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 10 октябрда 1725-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
424. «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2007 йил 14 августдаги 367-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 10 октябрда 1726-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
425. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 октябрда 1727-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
426. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 октябрда 1728-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 6 октябрдан 19 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

418 Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 3-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 4-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳамда Ислом тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ҳисобидан 2008 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 6-иловага* мувофиқ;

корхоналарнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли қурилишлари рўйхати 7-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 8-иловага* мувофиқ.

3. Қуйидагилар маъқуллансин:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 9-иловага* мувофиқ;

хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан касб-ҳунар коллежлари қурилишининг 2008 йилги аниқ манзилли рўйхати 10-иловага* мувофиқ; устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 11-иловага* мувофиқ.

* 1—11-иловалар берилмайди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, буюртмачи вазирликлар ва идоралар:

ўн кун муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги қурилишларнинг дастлабки аниқ манзилли рўйхатини, 2007 йилнинг 1 ноябригача бўлган муддатда эса 2008 йилги қурилишларнинг маромига етказилган узил-кесил аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2008 йилда қурилиши янги бошланадиган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар объектлари бўйича — 2007 йилнинг 20 октябригача, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича эса 2007 йилнинг 25 октябригача танлов савдоларини ўтказишни таъминласин;

2007 йилнинг 1 ноябригача пудратчи ташкилотлар билан биргаликда, белгиланган тартибда, йилдан-йилга ўтказиладиган объектларнинг 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ нархини қайта ҳисоб-китоб қилсин;

2007 йилнинг 1 декабригача корхоналарнинг шахсий маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги лойиҳаларни амалга оширишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган тармоқли жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этсин;

танлов савдоларининг натижалари тасдиқлангандан сўнг ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномалари тузилишини таъминласин ва қурилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тақдим этилгандан сўнг, икки ҳафта муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги қурилишларнинг узил-кесил аниқ манзилли рўйхатларини келишиб олсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда минтақавий инвестиция дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзинфоинвест» агентлиги 11-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари билан биргаликда устувор инвестиция таклифлари бўйича уларни сифатли тайёрлаш ва хорижий инвесторларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этсин.

Вазирликлар ва идоралар — халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг буюртмачилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вакил банклар билан

биргаликда қарз битимларининг кучга кириши бўйича чора-тадбирларни 2008 йилнинг 1 январигача якунига етказсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил якунлари бўйича 2007 йилги Инвестиция дастурининг амалга оширилиши натижаларини танқидий кўриб чиқсин, зарурат туғилганда 2008 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрларига тегишли аниқликларни киритсин.

9. Хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2008 йил мобайнида тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурига ва айрим буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини йиғма рўйхатдан дастурнинг аниқ манзилли қисмига ёки аниқ манзилли қисмидан йиғма рўйхатга ўтказиш ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўтказилган танлов савдолари ҳамда айрим қурилишлар ва объектлар бўйича маблағларни амалда ўзлаштириш натижаларига кўра тасдиқланган лимитлар доирасида буюртмачилар қурилишларининг аниқ манзилли рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳар қурилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоида ва стандартларига инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган бутун давр мобайнида rioя этилиши устидан назоратни амалга оширсин;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари ижроси мониторинги, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятларига rioя этилиши устидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

2008 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича мониторинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.М. Ханов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 9 октябрь,
ПҚ-704-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

419 Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан теле-, видеомонитор ўрнатиш тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:
ўн кун муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарор талабларининг транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳамда аҳоли эътиборига, улар ўртасида зарур тушунтириш ишлари олиб борган ҳолда, белгиланган тартибда етказилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-бандига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш»;

б) қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, куёш соявонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-, видеомониторлар ўрнатиш».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 октябрь,
216-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

420 Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари»ни (ЎзР АҚ-91) тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
29 сентябрда 1723-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 9 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида ИКАО стандартлари ва тавсияларини инобатга олиб **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари» (ЎзР АҚ-91) иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.
3. Мазкур буйруқ кучга кирган вақтдан бошлаб Дававианазорат бошлигининг 2000 йил 18 октябрдаги 170-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қилиш қоидалари»ни (ФЭАПҚ-2000) тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Ҳ. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь,
141-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил
12 сентябрдаги 141-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари Ўзбекистон
Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз
қоидалари (ЎЗР АҚ-91)**

Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси АҚ-91) Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом», Халқаро стандартларга (Халқаро ФА тўғрисидаги Конвенцияга 2, 6-иловалар, 1944 й.) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиацияси парвоз қоидаларини қўллаш тартибини белгилайди.

I. Мазкур қоидаларда қўлланиладиган таърифлар, қисқартиришлар

1-§. Атамалар

— **Абсолют баландлик** — ўртача денгиз сатҳидан (MSL) маълум бир нуқта сифатида олинган объект ёки нуқта сатҳигача бўлган вертикал масофа. +

Авиакомпания, авиакорхона — мунтазам халқаро ҳаво қатновларни амалга оширувчи ёки шу соҳада ўз хизматларини таклиф этувчи ҳар қандай авиатранспорт корхонаси.

Авиация хавфсизлиги — ФАни ноқонуний аралашиш билан боғлиқ ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун мослаштирилган, инсоний ва моддий ресурслар ҳамда комплекс чоралар.

Ноқонуний аралашиш билан боғлиқ ҳаракатлар:

а) парвоздаги ҳаво кемаси бортидаги шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, агар бундай ҳаракат ушбу ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдид қилиши;

б) парвоздаги ҳаво кемасини бузиш ёки уни фойдаланишдан чиқаришга ёки парвозда унинг хавфсизлигига таҳдид қиладиган тарзда шикаст етказиши;

в) парвоздаги ҳаво кемасида мазкур ҳаво кемасини бузиш ёки уни фойдаланишдан чиқаришга ёки парвозда унинг хавфсизлигига таҳдид қиладиган тарзда шикаст етказиши мумкин бўлган қурилмалар ёки моддаларнинг қайси йўллар билан бўлмасин пайдо бўлишига олиб келувчи ҳаракатларни жойлаштирилиши (кетма-кетлиги) ёки содир этилиши;

г) аэронавигация ускуналарини бузиш ёки шикаст етказиш ёхуд ундан фойдаланилишига аралашув, агар бундай ҳаракат парвоздаги ҳаво кемасининг хавфсизлигига таҳдид этса;

д) парвоздаги ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдидни юзага келтирадиган ёлғон маълумотларни била туриб хабар қилиш;

е) ноқонуний ва қасддан ҳар қандай қурилма, модда ёки қуролдан фойдаланиш;

ФАга хизмат кўрсатувчи аэропортдаги шахсга нисбатан соғлиғига зиён етқа-

зиш ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд ўлимига олиб келадиган зўрлик ҳаракатини амалга ошириш учун;

аэропорт иншоотлари ва ускуналарини ёхуд фойдаланишда бўлмаган, аэропорт ҳудудида жойлашган ҳаво кемаларини ишдан чиқариш ёки жиддий шикаст етказиш ёхуд аэропортдаги хизматларнинг ишини издан чиқариш учун фойдаланиш;

агар бундай ҳаракат аэропорт хавфсизлигига таҳдид этса ёки таҳдид этиши мумкин бўлса.

Авиация ҳодисаси — ҳаво кемасидан фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёки ҳар қандай босқичда парвозни таъминлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳодиса.

Авария ҳолати — бу:

а) экипажга нисбатан психофизиологик босимнинг сезиларли даражада ошиб кетиши;

б) ҳаво кемаси (парвоз характеристикаси) чидамлилиги ва бошқарувининг сезиларли даражада ёмонлашуви билан ифодаланадиган энг сўнгги чекловларга эришилишига (ошиб кетишига) ва/ёки ҳисобга олинган вазиятларга олиб келадиган алоҳида ҳолатдир.

Тижорат авиацияси — йўловчиларни, юкларни, почтани (ҳақ эвазига ёки ёллаб) тижорат мақсадларида ҳавода ташиш, шунингдек махсус авиация ишларини бажариш билан боғлиқ парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемалари.

Умумий мақсадлардаги авиация — тижорат мақсадларида ҳавода ташиш ва махсус авиация ишларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемалари.

Авария хабари; авария хизмати — тегишли ташкилотларни қидирув-қутқарув хизмати ёрдамига ва шундай ташкилотларга керакли ёрдам кўрсатишга муҳтож ҳаво кемалари ҳақида огоҳлантириш тақдим этиш хизмати.

Аэродромдаги атмосфера босими (аэродромдаги босим) — УҚЙ юзаси даражасида атмосфера босимининг симоб устунида миллиметрларда (см.уст.мм.), миллибарларда (МБАР) ёки гектопаскалларда (ГПа) белгиланиши.

Аэродром (гидроаэродром) — юзаси тўлиқ ёки қисман ҳаво кемаларининг қабул қилиб олиниши, жўнатилиши ва ҳаракатланиши учун мўлжалланган ер ёки сув юзасидаги маълум бир ҳудуд (ҳар қандай бино, иншоот ва ускуналар билан биргаликда).

База аэродроми — ҳаво кемаларини асосий туриш жойи бўлган ва бунинг учун зарур иншоотларга эга бўлган аэродром.

Вақтинчалик аэродром — йилнинг маълум бир даври мобайнида ҳаво кемаларининг парвозини таъминлаш учун мўлжалланган, стационар иншоот ва ускуналарга эга бўлмаган, аммо белгиланган тартибда ҳисобга олиннадиган аэродром.

Тоғ аэродроми — аэродром назорат нуқтасидан 25 км радиусда 500 метр ва ундан ортиқ баландликларга эга бўлган нотекис рельефда жойлашган аэродром, шунингдек денгиз сатҳидан 1000 метр ва ундан ортиқ баландликда жойлашган аэродром.

Белгиланган аэродром — парвоз режасида ва парвоз учун топшириқ (вазифалар) кўзда тутилган қўниб ўтиш аэродроми сифатида кўрсатилган аэродром.

Аэродромда парвоз қилиш доираси (қўтарилиш ва қўниш ҳудудида парвоз қилиш схемаси) — қўтарилиш, қўнишга кириш учун пасайиш, қўнишни кутиш, аэродром устида парвоз қилиш учун аэродром ҳудудида белгиланган парвоз йўналиши.

Аэродромда ҳаракатланиш — аэродромнинг маневр қилиш майдонидаги барча ҳаракатлар, шунингдек барча ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудидаги ҳара-

кати. Ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудидаги ҳаракати деганда ҳаво кемасининг аэродромда парвоз қилиш доирасидаги ҳаракати тушунилади.

Аэродром диспетчерлик пункти — аэродромдаги ҳаракатни диспетчерлик хизмати билан таъминлаш учун мўлжалланган орган.

Аэродром диспетчерлик хизмати — аэродромдаги ҳаракатларга диспетчерлик хизматини кўрсатиш.

Аэронавигация маълумоти — аэронавигация маълумотларини саралаш, таҳлил этиш ва форматлаш натижасида олинган маълумот.

Аэронавигация ёқилғи захираси — белгиланган йўналишга риоя қилмаслик, шамол тезлигининг кучайиши, захирадаги аэродромга юбориш ва бошқа вазиятлар туфайли парвоз режаси ўзгарган ҳолларда керак бўладиган, учиш аэродромидан қўниш аэродромигача ҳисобланган ёқилғидан ортиқ захира ёқилғи миқдори.

Аэропорт — ҳаво кемаларини қабул қилиб олиш, жўнатиш ва ҳаводаги ташишга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, ушбу мақсадлар учун аэродром, аэровокзал ва бошқа ер усти иншоотларига ва керакли ускуналарга эга бўлган иншоотлар комплекси.

Багаж — эксплуатант билан келишувга биноан ҳаво кемаси бортида ташиладиган йўловчиларнинг ва экипажнинг шахсий буюмлари.

Барометрик баландлик — стандарт атмосфера бўйича ушбу босимга мос акс эттирилган абсолют баландлик ўлчамларидаги атмосфера босими.

Хавфсиз иложсиз қўниш — амалга оширилиши натижасида ХК (самолёт/вертолёт)даги ёки юзадаги шахсларга зиён етмаслигини тахмин қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлгандаги иложсиз қўниш ёки авария қўниши.

Хавфсиз баландлик — ҳаво кемаси ер (сув) юзаси ёки ундаги тўсиқлар билан тўқнашиб кетмаслигидан кафолатланган парвознинг минимал рухсат этиладиган баландлиги.

Парвозлар хавфсизлиги — парвозларни инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун таҳдид солмайдиган қилиб бажариш имкониятига эга эканлигини англатувчи ҳаво транспортининг ва авиация ишларининг мажмуи.

Силкиниш — уярмавий атмосферада парвоз вақтида ҳаво кемасининг бетартиб кўчиши (кучсиз силкиниш — юкланиш $\pm 1,0g$ гача бўлганда, кучли — $\pm 1,0g$ ва ундан ортиқ бўлганда, қўниш конфигурациясида кучсизидан юкланиш — $\pm 0,3-0,4g$, кучлигида — $\pm 0,4g$ дан ортиқ).

Борт ускуналари — ҳаво транспорти бортида парвозлар вақтида фойдаланиш учун мўлжалланган предметлар, шу жумладан, биринчи ёрдам кўрсатиш воситалари ва авария-қутқарув ускуналари, борт жихозлар ва қўчма эҳтиёт қисмлар бундан мустасно.

Борт жихозлар — парвоз чоғида ҳаво кемаси бортида фойдаланиш ёки сотиш учун мўлжалланган, истеъмолга тайёр предметлар, шу жумладан борт озик-овқатлари.

Борт ўзи ёзиш қурилмаси — авиация ходисасини текширишни амалга ошириш учун қўшимча манба сифатида ҳаво кемаси бортига ўрнатиладиган ҳар қандай ўзи ёзадиган ускуна.

Бошқарилмайдиган учувчисиз аэростат — эркин парвоз этадиган, кучли қурилмага эга бўлмаган, учувчисиз бўлган ҳаво кемаси (газ баллони).

Катта самолёт — максимал сертификатланган учиш массаси 5700 кг.дан юқори бўлган самолёт.

Вертолёт — ҳавонинг, тахминан вертикал ҳолатда жойлашган ўқлар атрофи-

да кучли қурилма ёрдамида ҳаракатлантириладиган бир ёки бир нечта асосий винт билан таъсирлашиши ҳисобига парвоз қилувчи, ҳаводан оғир учувчи аппарат.

Вертодром — тўлиқ ёки қисман вертолётларнинг келиши, жўнатилиши ва ҳаракатланиши учун мўлжалланган аэродром ёки иншоот юзасидаги маълум бир белгиланган ҳудуд юзаси.

Самолётнинг кўтарилиши — парвознинг самолётнинг юришидан бошлаб ердан узилишигача ўзида қамраб олиб, парвоз қилиш конфигурациясига ўтиш билан тугайдиган босқичи.

Кўтарилиш масофа — самолёт горизонтал йўналишда старт нуқтасидан самолёт старт нуқтаси сатҳидан 10,7 м. баландликка кўтарилгунча босиб ўтган масофа.

Векторлаш — ХХФБ (ХХБ) билан келишилган ҳолда радиолокацион назорат остида маълум курсни (диспетчер томонидан бериладиган траекториялар) кўрсатиш орқали белгиланадиган йўналиш.

Қўнишга визуал кириш (1, 2 ва 3-класс ХК учун) — ускуналар бўйича қўнишга ўтиш тугамай туриб қўнишга кириш УҚЙ ва унинг мўлжаллари билан визуал контактда давом этиши.

Параллел УҚЙга қўнишга визуал кириш (Side step approach) — Параллел УҚ ўқлари орасидаги масофа 300 м.дан кам бўлмаган шароитда параллел УҚЙга ускуналар бўйича қўнишга ўтишни тугаллаш учун бажариладиган визуал маневр.

Визуал парвоз — ХКнинг фазодаги ҳолати ва жойлашиш ўрни горизонт ва ерусти мўлжаллари ҳамда бошқа ХК, объектлар ва тўсиқлар билан горизонтал ва вертикал бўйича ўзаро жойлашиши экипаж томонидан визуал амалга ошириладиган парвоз.

Визуал метеорологик шароитлар — ўрнатилган минимумларга мос келадиган ёки улардан ортадиган, кўриш узоқлиги ўлчовларида ифодаланган, булутларгача бўлган ва булутларнинг пастки чегараси баландлигигача бўлган оралиқдаги масофа.

Учиш-қўниш йўлаги — ҳаво кемаларининг қўниши ва учиши учун мўлжалланган, қуруқликдаги аэродромнинг маълум бир тўғри бурчакли қисми.

Кўриш имконияти — атмосфера шартлари билан аниқланадиган ва масофа бирликлари билан ифодаланадиган, чироқлар ёрдамида ёритилмаган, сезиларли даражадаги объектларни кундузи ҳамда чироқлар ёрдамида ёритилган, сезиларли объектларни кечаси кўриш ва аниқлаш имконияти.

Парвоздаги кўриш имконияти — парвоз йўналтирилган тарафнинг ҳаво кемаси учувчи кабинасидан туриб кўриниши.

Ердаги кўриш имконияти — ваколатли кузатувчи томонидан маълум қилинадиган аэродромдаги кўриш имконияти.

Вертикал кўриш имконияти — ер юзасидан вертикал ҳолатда пастда, ер юзасидаги объектлар кўринарли бўладиган маълум бир жойгача бўлган максимал масофа.

УҚЙда кўриш имконияти (УҚЙда кўриш имконияти узоқлиги) (RVR) — УҚЙ ўқ чизигида турган ҳаво кемаси кабинасидан УҚЙ сатҳидаги маркировка белгилари ёхуд УҚЙ чегараларини ёки ўқ чизигини белгиловчи чироқлар кўринадиган масофа.

Қўнишдаги кўриш имконияти — учиш-қўниш йўлагига кўриш мўлжалларининг (ердаги мўлжаллар) қўнаётганда ҳаво кемаси кабинасидан кўриниши.

Самовий ҳолат — самовий ҳудуднинг маълум бир ҳудудида бир вақтнинг ўзида

ҳаво кемалари ва бошқа объектларнинг горизонтал ва вертикал ўзаро жойлашуви (ҳаво трассасида, МХЙ, улардан ташқари йўналишда, аэродром ҳудудида, авиация ишлари ҳудудида).

Самовий ҳаракатга хизмат кўрсатиш самовий ҳудуди — парвозларнинг аниқ бир кўриниши амалга ошириладиган ва бунинг учун ҳаводаги ҳаракатларга хизмат кўрсатиш ва парвоз қоидалари белгилаб қўйилган, маълум бир ҳажмдаги, ҳарф билан белгилаб қўйилган ҳаво ҳудуди. Самовий ҳаракатга хизмат кўрсатиш самовий ҳудуди ҳаво ҳудуди А-Г классдаги АҚСларга бўлинади.

Ҳаво трассаси — назорат остидаги йўлак кўринишидаги ҳаво ҳудуди (ёки унинг қисми).

Ҳаводаги ҳаракат — парвоздаги ёки аэродром маневр майдонида ҳаракатланаётган барча ҳаво кемалари.

Ҳаво кемаси — атмосферада ўзининг ҳаво билан ўзаро таъсири ҳисобига ушлаб туриладиган ҳар қандай аппарат, ер юзасидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсир бундан мустасно.

Ҳалокатга учраган ҳаво кемаси — қулаши чоғида жиддий шикастланган ёки бутунлай бузилиб кетган, шунингдек аэродромдан ташқарида (аэродромдан бошқа жойда) иложсиз қўнган ҳаво кемаси.

Ҳалокатга учраётган ҳаво кемаси — ҳаво кемасининг ўзига ёки унинг бортидаги одамларга бевосита хавф солиб турган таҳдидни экипаж ўзининг ҳаракатлари билан бартараф этиши мумкин бўлмаган шароитда қолган ҳаво кемаси.

Шарқий ишлаб чиқариш ҳаво кемалари — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари.

Ғарбий ишлаб чиқариш ҳаво кемалари — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташқарида ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари. Ғарбий ишлаб чиқариш ҳаво кемаларининг ХК ПФҚ ва эксплуатация бўйича техник ҳужжатлари қоида тариқасида инглиз тилида нашр этилган бўлади, экипажининг минимал таркиби — иккита учувчидан иборат.

Самолётнинг парвози вақти — самолётнинг учиш чоғидаги ҳаракатланиши ёки жорий стартда тўхтовсиз учишда двигателлар ишлаш тартибининг ортишидан бошланадиган ҳамда қўнишдаги юриб бориш тўхтагунча бўлган муддат.

Вертолётнинг парвоз вақти — вертолётнинг кўтарилишда юриши бошланишидан (вертикал кўтарилишда «Шаг-газ» олинishi бошланган вақтдан) қўнганда юриши тўхтагунча (вертикал қўнишда «Шаг-газ» қўйилгунча) ўтган вақт.

Юкни тушириш — ҳаво кемаси ерга қўнганидан сўнг унинг бортдан юкларни, почтани, багажни ва борт захирасини туширилиши, айнан шу тўғридан-тўғри йўналиш яна давом этувчи юклар, почта, багаж ва борт захираси бундан мустасно.

Ҳаво кемасидан тушириш — ҳаво кемаси қўнганидан кейин айнан шу тўғридан-тўғри йўналиш бўйича ҳаракатланувчи экипаж аъзолари ва йўловчилардан бошқа барча шахслар уни тарк этиши.

Мажбурий қўниш — режага асосан парвозни амалга оширишга имконият бермайдиган сабабларга кўра аэродромга ёки аэродромдан бошқа жойга қўниш.

Булутлар қуйи чегарасининг баландлиги — осмоннинг ярмидан зиёд қисмини қоплаб олган ва 6000 метр (20000 футдан) паст бўлмаган баландликда жойлашган, энг қуйидаги булутлар қатламининг қуйи чегараси билан ер ёки сув юзаси оралиғидаги вертикал масофа. Булутларнинг қуйи чегарасини аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда вертикал кўриш имкониятларига риоя қилиш зарур.

Ўтиш баландлиги — аэродром ҳудудида берилган эшелонни олиш вақтида

барометрик баландлик ўлчагич (альтиметр) шкаласини 760 мм с.у.га (1013,2 мбар) ўтказиш баландлиги.

Қарор қабул қилиш баландлиги (ҚҚБ, DA/DH) — қўнишга қатъий кириш ёки, ҳаво кемаси сардори қўнишга киришни давом эттириш учун зарур бўлган мўлжаллар билан визуал контактга эришмаганлиги сабабли, ёхуд ҳаво кемасининг фазодаги ҳолати туфайли унинг ҳаракати параметрлари хавфсиз қўнишни таъминламаса, иккинчи айланага кириш учун белгиланган абсолют ёки нисбий баландлик.

Қўнишга киришни визуал тўхтатиш баландлиги — ҳаво кемасининг фазодаги ҳолати ёки унинг ҳаракат параметрлари хавфсиз қўнишни таъминламайдиган ҳолларда иккинчи айланага кириш учун қўнишга визуал кириш схемасида кўрсатилган баландлик. ҚҚВТБ ҳар қандай ҳолатда УҚЙда белгиланган, иккинчи айланага кириш баландлигидан пастда бўлиши мумкин эмас.

Давлат авиацияси — Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ бошқа давлат бошқаруви органлари юритувида бўлган авиация.

Рўйхатга олувчи давлат — ҳаво кемаси реестрига киритилган давлат.

Эксплуатант давлат — эксплуатантнинг асосий фаолият жойи жойлашган, агар эксплуатант бундай жойга эга бўлмаса, эксплуатант доимий келадиган давлат.

Фуқаро авиацияси — давлат ва экспериментал авиация таркибига кирмайдиган авиация.

Рухсат этилган ҳаракатланиш чегараси — ҳаво кемасига берилган диспетчерлик рухсатнинг амал қилиши ҳақиқий бўлган жой.

Юк — ҳаво кемаси бортида ташилаётган ҳар қандай мулк, почта, борт захира ва кузатиб бориладиган ёки нотўғри жўнатилган багаж бундан мустасно.

Аҳолиси зич ҳудуд — шаҳарга ёки аҳоли пунктига нисбатан қўлланади — истиқомат қилиш, тижорат фаолияти юритиш ёки дам олиш учун фойдаланиладиган ҳар қандай ҳудуд.

Стандарт атмосферада денгизнинг ўртача даражасига (QNH) келтирилган аэродром босими — барометрик баландлик ўлчагичнинг босим шкаласида ўрнатилганда аэродромнинг (пунктнинг) барометрик баландлиги унинг абсолют баландлиги билан мос келадиган атмосфера босими.

Кириб келиш диспетчерлик пункти (КДП) — бир ёки бир нечта аэродромларга келувчи ёки улардан учиб кетувчи назорат қилинувчи парвозларга диспетчерлик хизматини кўрсатиш учун мўлжалланган орган.

Диспетчерлик ҳудуди — ер юзаси устидан белгиланган чегарадан юқорига қараб чўзилиб, назорат қилинадиган ҳаво ҳудуди.

Ҳаво ҳаракатларига диспетчерлик хизмати кўрсатилиши — самовий ҳаракатни бошқариш. Самовий ҳаракатни бошқариш қўидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) тўқнашувлар содир бўлишини олдини олиш:

ҳаво кемалари ўртасида;

самовий ҳаракатланишни тартибга солиш ва тезлаштириш;

б) самовий ҳаракатланишни тартибга солиш ва тезлаштириш.

Диспетчерлик маълумоти — диспетчерлик хизматини кўрсатувчи орган томонидан ХК экипажига метеорологик шароитлар, самовий ҳолат, радиотехника ускуналарнинг ишлаши, аэродромнинг аҳволи ва парвозни амалга ошириш учун керакли бошқа маълумотларнинг узатилиши.

Диспетчерлик ҳудуди — ер юзасидан юқорига қараб, белгиланган юқори чегараларгача чўзилиб ётган, назорат қилинадиган ҳаво ҳудуди.

Учиб келишга диспетчерлик хизмати кўрсатилиши — учиб келаётган

ёки учиб кетадиган, назорат қилинувчи ҳаво кемаларига диспетчерлик хизматини кўрсатиш.

Кун — қуёш чиқишидан қуёш ботгунича бўлган давр (сутканинг қисми).

Юк ортиш майдончаси — аэродромдаги ёки қўниш майдонидаги ҳаво кемаларига юк ортиш ёки тушириш учун, шунингдек юкларни ташки илгичларга илиш ёки илгичлардан тушириш учун махсус мослаштирилган ер участкаси. Юк ортиш майдончаси мазкур ҳаво кемасининг ХК ПФҚларида ва мазкур авиация ишлари технологиясида кўрсатиб ўтилган талабларга жавоб бериши шарт.

Парвозга топшириқ — ҳаво кемаси, экипажи ва парвознинг мақсади тўғрисида лозим бўлган маълумотларни ўзида акс эттирувчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат.

Захира аэродроми — кўзда тутилган аэродромгача учиб бориш имкони бўлмаса ёки мақсадга мувофиқ бўлмаса, ёхуд унда қўниш имкони бўлмаса ҳаво кемаси учиб бориши мумкин бўлган аэродромлар қуйидагилардир:

а) учишдаги захира аэродром — ҳаво кемаси учиб чиққанидан кўп ўтмасдан бунга зарурат туғилса, ҳаво кемаси учиб чиққан аэродромга қайтиб қўниш иложи бўлмаса ҳаво кемаси қўнишни амалга ошириши мумкин бўлган аэродром;

б) йўналишдаги захира аэродроми — йўналиш бўйича парвози чоғида бунга зарурат туғилганида ҳаво кемаси қўнишни амалга ошириши мумкин бўлган аэродром;

в) назарда тутилган жойдаги захира аэродроми — белгиланган аэродромда қўнишни амалга оширишнинг иложи бўлмаганида ёки бу мақсадга мувофиқ бўлманида ҳаво кемаси қўниши мумкин бўлган аэродром.

Ҳаво кемаси учишни амалга оширган аэродром ушбу ҳаво кемаси учун йўналишдаги ёки етиб келиши назарда тутилган аэродром ҳам бўлиши мумкин.

Захира вертодром — агар дастлаб назарда тутилган вертодромда қўнишни амалга ошириш мақсадга номувофиқ бўлган ҳолда вертолёт учиб бориши мумкин бўлган, режада кўрсатилган вертодром.

Учиш амалга оширилган вертодром захира вертодром бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Самолётнинг қўнишга кириши — парвознинг парвоз конфигурацияси баландлигидан қўнишга кириш конфигурациясининг УҚЙ сатҳидан 15 метр (кириш тезлиги 200 км/соат бўлган самолётлар учун 9 метр)гача бўлган босқичи.

Усуналар бўйича қўнишга кириш — УПК, ўрнатилган схема бўйича, СҚБ диспетчери бошқаруви ва назорати остида радио техника воситалари (РТВ)дан фойдаланиб бажариладиган кириш.

Визуал парвоз қоидалари (ВПҚ) бўйича қўнишга кириш — парвознинг ВПҚ қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган ВПҚ минимумларида визуал бажариладиган босқичи.

Кўтарилиш ва қўниш ҳудуди — аэродром сатҳидан иккинчи эшелон баландлигигача бўлган ҳаво ҳудуди, ҳаво кемаларининг кўтарилиш ва қўнишдаги маневр қилишини таъминлайдиган ёндош ҳудудлари билан.

Кутиш ҳудуди — ҳаво кемалари кейинги диспетчерлик рухсатларини кутиши учун қоида тариқасида, аэродром (аэроузел) РНН устида белгиланган, маълум бир ҳажмдаги ҳаво ҳудуди.

Қўнишга киришнинг сўнгги босқичи ва кўтарилиш ҳудуди (FATO) — қўнишга кириш маневрининг муаллақ осилиш ёки қўнишгача бўлган сўнгги босқичи ва кўтарилиш маневри бошланиши белгиланган ҳудуд. FATO 1-классли учиш-

техник характеристикаларига эга вертолётлар томонидан фойдаланилиши лозим бўлган ҳолларда бу белгиланган ҳудуд узилган парвоз ҳудудини ўз ичига олади.

Ерга тегиш ва ердан узилиш ҳудуди (TLOF) — вертолёт қўниш ёки ердан узилишни бажариши мумкин бўлган юкланишни кўтарувчи майдонча.

Таъқиқланган ҳудуд — давлатнинг ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устида белгиланган, унинг чегараларида ҳаво кемаларининг парвозларни амалга ошириши таъқиқланган ҳаво ҳудуди.

Аэродромнинг ҳаракатланиш ҳудуди — аэродромда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун аэродром атрофида белгиланган ҳажмларда ажратилган ҳаво ҳудуди.

Парвозларни амалга ошириши чекланган ҳудуд — давлатнинг ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устида белгиланган, унинг чегараларида ҳаво кемаларининг парвозларни амалга ошириши маълум шартлар билан чекланган ҳаво ҳудуди.

Ўтиш ҳудуди — маҳаллий ҳаво йўли ҳудудидаги ҳаво ҳудуди ҳамда учиш ва қўниш ҳудудидан ташқари, аэродром (аэроузел) доирасидаги ҳаво ҳудуди.

Самовий ҳаракатни бошқариш ҳудуди — самовий ҳаракатни бошқариш органи ўз функцияларини амалга оширадиган, белгиланган ҳажмдаги ҳаво ҳудуди.

Самовий ҳаракатланишнинг интенсивлиги — бир вақт бирлигида самовий ҳаракатни бошқариш ҳудудидан (ҳаво ҳудуди сектори, трассаси, маҳаллий ҳаво йўли, трасса қисми (участкаси), аэродром ҳудуди) ўтиб кетадиган ҳаво кемалари миқдори.

Ҳаракат тўғрисида маълумот — самовий ҳаракатни бошқариш органларининг учувчиларга уларнинг тўқнашиб кетишларини олдини олиши учун ёрдам берувчи, бошқа маълум ва кузатувдаги ҳаво кемалари тўғрисида маълумот.

Ҳолат — авиация ҳодисасидан ташқари, ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, ҳаво кемасидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодиса.

Катастрофик вазият — унинг юзага келишида инсонлар ҳалок бўлишининг олдини олиш амалда мумкин бўлмай қоладиган алоҳида вазият.

ҲК парвозининг таснифланиш тезлиги — сертификатланган максимал қўниш массасида қўниш конфигурациясида эркин тушиш парвози вақтидаги тезликдан 1, 3 марта катта тезлик.

Ҳаво кемаси командири — эксплуатант томонидан ёки умумий фойдаланишидаги авиацияда ҳаво кемаси эгаси томонидан командир вазифасини бажариш ва парвознинг хавфсиз бажарилишига жавобгар этиб тайинланган учувчи.

Тижорат парвозлари (ҳаводаги тижорат ташиш) — ёллаш ёки тўлов эвазига йўловчиларни, юкни ёки почтани ташиш учун ҳаво кемасининг парвози.

Компенсацияловчи ёқилғи захираси — метео шароитлар прогнози ва ёқилғи-ўлчов тизими хатоликлари, шунингдек, ёқилғининг ҳақиқий сарф қилиниши ҳисобланганидан фарқ қилган тақдирда ёқилғи тўлдириш ва ҳисоб-китоблардаги эҳтимолий ноаниқликларни компенсациялаш учун мўлжалланган ёқилғининг таркибий қисми.

Назорат қилинувчи ҳудуд — учиш майдонининг учиш-қўниш йўлаги, учиш йўлкасининг (полоса) режалаштирилган қисми, тормозланишнинг якуний йўлкаси (полоса) ва эркин ҳудудни ўз ичига олувчи қисми.

Аэродромнинг назорат нуқтаси — аэродромнинг географик жойлашувини англатувчи шартли нуқта.

Назорат пункти (мўлжал) — ҳаво кемасининг жойлашган ўрни унга нисбатан маълум қилиниши лозим бўлган, маълум бир географик мўлжал.

Назорат баландлиги — ўтиш эшелонида босим аэродром босимиға ўтказилганида ёки денгиз сатҳи даражасига келтирилган минимал босимға ўтказилганида ҳаво кемасининг баландлик ўлчагичи шкаласи кўрсатиши лозим бўлган баландлик. Назорат баландлиги аэропортнинг штурманлик хизмати ҳисобланади, қўнишга киришдан олдин эшелондан пастлаш парвозида ХК бортига узатилади (назорат баландлиги даражаси ХК экипажига тоғли аэродромға қўниш вақтида узатилади).

Назорат қилинадиган парвоз — диспетчерлик рухсати мавжуд бўлган ҳолда амалға ошириладиган ҳар қандай парвоз.

Консультатив самовий ҳудуди — чегаралари доирасида самовий ҳаракатларға консультатив хизмат кўрсатиладиган, маълум белгиланган йўналиш ёки маълум бир ҳажмдаги ҳаво ҳудуди.

Самовий ҳаракатға консультатив хизмат кўрсатиш — консультатив ҳаво ҳудудида ускуналар бўйича парвоз қоидалари бўйича парвозлар режаси бўйича парвозлар бажараётган ҳаво кемаларининг оптимал эшелонлашишини таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган хизмат.

Консультатив йўналиш — самовий ҳаракатға консультатив хизмат кўрсатиладиган белгиланган йўналиш.

Назорат қилинадиган самовий ҳудуд — ҳаво ҳудудининг ҳаво ҳудудининг таснифланганлигига мос равишда диспетчерлик хизмати билан таъминланган маълум бир қисми. Назорат қилинадиган ҳаво ҳудуди — А, В, С, D ва E класслардаги самовий ҳаракатға хизмат кўрсатадиган ҳаво ҳудудини англатувчи умумий атама.

Назорат қилинувчи аэродром — аэродромдаги ҳаракатлар диспетчерлик хизмати билан таъминланган аэродром. «Назорат қилинувчи аэродром» атамаси мазкур аэродромдаги ҳаракатлар диспетчерлик хизмати билан таъминланганлигини англатади, аммо диспетчерлик ҳудуди мавжуд бўлиши шартлигини англатмайди.

Йўналиш — ҳаво кемаси бўйлама ўқининг шимолий йўналишдан (ҳақиқий, магнит, компас ёки шартли меридиан), даражаларда ўлчанадиган бурчакка фарқланувчи йўналиши.

Йўл чизиги — исталган нуқтадаги йўналиши шимолий йўналишдан (ҳақиқий, магнит, компас ёки шартли меридиан), даражаларда ўлчанадиган бурчак билан ифодаланувчи ҳаво кемаси парвози траекториясининг ер сатҳига проекцияси.

Ҳаво кемасининг учиш эксплуатацияси — ҳаво кемаси, унинг тизимлари ва ускуналарининг учиш эксплуатацияси бўйича қўлланмада назарда тутилган, экипаж томонидан парвоз вазифасини бажаришда амалға ошириладиган, двигателларнинг ёқилишидан то учирилгунича бўлган ишлар мажмуаси.

Экипажнинг учиш таркиби — парвозларда ҳаво кемасининг мазкур тури ва/ёки унинг ускунасини эксплуатация қилишга ҳуқуқ берувчи махсус гувоҳномаға ва тайёргарликка эга экипаж аъзолари.

Учиш майдони — аэродромнинг эркин ҳудуд, бурилиш йўлакчаси, перронлар, тўхташ жойлари ва алоҳида мақсадлар учун махсус ажратилган майдониға эға бир ёки бир нечта йўлкалар жойлашган қисми.

Учиш йўлаги — аэродромнинг учиш-қўниш йўлагини ва агар улар назарда тутилган бўлса, ҳаво кемаларининг учиши ва қўнишини, УҚЙ ташқарисига чиқиб кетган ҳаво кемалари шикастланиши хавфини камайтиришни, учиш ва қўниш вақтида унинг устидан учиб ўтиб кетаётган ҳаво кемаларининг хавфсизлигини таъминлашға мўлжалланган, якуний тормозланиш йўлкаларини ўз ичига олувчи қисми. Учиш йўлагининг ўлчами ҳар бир аэродром учун ушбу аэродромдаги парвозларни амалға ошириш йўриқномасида белгилаб қўйилади.

Халқаро аэропорт — давлат томонидан ўзининг ҳудудида халқаро самовий

ташишни амалга оширувчи ҳаво кемаларни қабул қилиш ва жўнатиш учун ажратилган, божхона, иммиграция, санитария, карантин (ҳайвонлар ва ўсимликлар ташилганда) ва бошқа шунга ўхшаш тартиботлар амалга ошириладиган ҳар қандай аэропорт.

Метеорология маълумоти — ҳақиқий ва кутилаётган метеорологик вазиятга алоқадор метеорологик маълумот, таҳлил, прогноз ва бошқа ҳар қандай хабар.

Белгиланган чегара — ҳаво ҳудудида ҳаво трассасига, маҳаллий ҳаво йўли, коридор, парвоз йўналишига перпендикуляр жойлашган, ўрни бурчак ва узоқлик ўлчанувчи радионавигация РННдан ёки алоҳида узатиш радиостанциясидан ўрнатилиш жойи, маркер маёғидан аниқланадиган вертикал текислик. Бу текисликни учиб ўтгач, хавфсиз баландликдан (эшелондан) паст бўлмаган ҳаво кемаси ҳаракатини ташкил қилиш диспетчерига қўнишга кириш учун пастлашишга рухсат беришга, экипажга пастлашишга ҳуқуқ берилади.

Самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатиш йўналиши — самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадларида ҳаракат оқимини йўналтириш учун мўлжалланган, белгиланган йўналиш. «Самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатишнинг йўналиши» атамаси тегишли ҳолатларда ҳаво трассасини, консультатив йўналишни, назорат қилинадиган ёки назорат қилинмайдиган йўналишни, учиб келиш ёки учиб кетиш йўналишини ва ҳ.к. ифодалаш учун қўлланилади.

Самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатиш йўналиши ўз ичига самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатиш йўналишининг индекси, йўлнинг асосий нуқталаргача (йўлнинг нуқталари) бўлган ёки орқага қайтиш йўналишидаги чизиги, асосий нуқталар орасидаги масофа, эшитишларни узатишга нисбатан бўлган талаблар, шунингдек самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатишни ваколатли органнинг тегишли қарорига асосан, энг пастки хавфсиз абсолют баландликни олувчи йўналиш — техник талаблар билан аниқланади.

Жой — тоғлар, тепаликлар, чўққилар, водийлар, сув, абадий музлик ва қор тўплами каби табиий элементларни ўзида қамраган ер юзаси, тўсиқлар бундан мустасно. Амалий мақсадларда, маълумотларни олиш усулига боғлиқ равишда жой қуруқ ер, қоплама сирти, ёки улар орасидаги бирор нарсадан ўтувчи юза сифатида тасаввур қилинади ва «биринчи қайтарувчи юза» дейилади.

Тоғли жой — нотекис рельефли, 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 500 метр ва ундан ортиқ бўлган, шунингдек денгиз сатҳидан 1000 метр ва ундан ортиқ бўлган жой.

Қирлик жой — нотекис рельефли, 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 200 метрдан 500 метргача бўлган жой.

Текислик жой — 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 200 метргача бўлган жой.

Маҳаллий ҳаво йўллари (МХЙ) — маҳаллий ҳаво алоқаларини амалга оширишда барча идораларнинг ҳаво кемалари парвозларни амалга ошириши учун мўлжалланган, баландлиги ва кенглиги бўйича чегараланган, ҳаво ҳудудидаги коридор.

Тўсиқлар устидан учиб ўтишнинг минимал хавфсиз баландлиги — тўсиқ устидан учиб ўтиш мезонларига риоя қилиш учун фойдаланиладиган учиш-қўниш йўлаги остонасидан ёки тегишли ҳолларда аэродромдан минимал нисбий баландлик. Тўсиқ устидан учиб ўтиш баландлиги учиш-қўниш йўлаги остонасидан, қўнишга ноаниқ кирилган ҳолларда аэродром сатҳидан ёки учиш-қўниш йўлаги остонасидан ҳисобланади, агар ундаги фарқланиш камида 2 метрдан кам бўлса. Қўнишга визуал кирилган ҳолда тўсиқ устидан учиб ўтиш баландлиги аэродром баландлигидан ҳисобланади.

Минимал пастлашиш баландлиги (МПБ) — қўнишга ноаниқ кириш ёки қўнишга визуал кириш схемасида кўрсатилган, мўлжаллари билан визуал контактиз янада пастлашиш мумкин бўлмаган баландлик. МПБ аэродромнинг баландлашиш нуқтасидан ёки учиш-қўниш йўлаги остонаси баландлашишидан ҳисобланади, агар ундаги фарқланиш камида 2 метрдан кам бўлса. Қўнишга визуал кирилган ҳолда МПБ аэродром баландлигидан ҳисобланади.

Аэродром минимуми — аэродром учиш-қўниш йўлаги ва қарор қабул қилиш баландлиги (булутлар қўйи чегарасининг баландлиги)да мазкур русумли ҳаво кемаларига кўтарилиш ва қўнишни бажаришга рухсат этиладиган минимал кўриш масофаси.

Аэродромнинг машқ минимуми — аэродром учиш-қўниш йўлаги ва қарор қабул қилиш баландлиги (булутлар қўйи чегарасининг баландлиги)да мазкур русумли ҳаво кемаларига машқ парвозларни бажаришга рухсат этиладиган минимал кўриш масофаси.

Ҳаво кемаси минимуми — учиш-қўниш ва қарор қабул қилиш баландлиги (булутлар қўйи чегарасининг баландлиги)да мазкур русумли ҳаво кемаларига кўтарилиш ва қўниш имконини берувчи минимал кўриш масофаси.

Авиация ишларида кўриш минимуми — маълум бир авиация ишларини бажаришга рухсат этиладиган кўриш имконияти ва булутлар пастки чегарасининг йўл қўйиладиган минимал ўлчами.

Авиация ишлари ҳудуди минимуми — маълум физик-географик шароитларда, маълум турдаги авиация ишларини бажаришга рухсат этиладиган кўриш имконияти ва булутлар пастки чегарасининг йўл қўйиладиган минимал ўлчами. Жойнинг кенглиги, денгиз (тоғ) сатҳидан баландлиги, жойни қоплаб турган юзанинг хусусиятига (қор билан қопланган, мўлжалсиз) ва унинг ёритилганлик даражасига (кундузги вақт, ғира-ширалик) қараб белгиланади.

Ҳаво кемаси командирининг минимумлари — учиш-қўниш йўлаги ва қарор қабул қилиш баландлигида (булутлар қўйи чегарасининг баландлигида) командирга маълум турдаги ҳаво кемасида ВПКга асосан учиш, қўниш ёки парвоз қилишга рухсат этиладиган, йўл қўйиладиган минимал кўриш имкониятлари.

Учиш-қўниш йўлагида кутиш жойи — аэродром диспетчерлик пунктдан бошқача кўрсатма бўлмаганида, ҳаво кемалари ва транспорт воситалари тўхтаб кутиб турадиган маълум бир жой.

Унча катта бўлмаган (енгил) самолёт — сертификатланган максимал учиш массаси 5700 кг.дан 750 кг.гача бўлган самолёт.

Қўнишнинг ноаниқ мўлжали ва қўниш:

а) ён тарафни кўрсатувчи ускуналардан фойдаланиб, аммо вертикал кўрсатувчилардан фойдаланмаган ҳолда қўнишга кириш ва қўниш;

б) ён тарафни кўрсатувчи ва вертикал кўрсатувчи, аммо қўнишга аниқ киришиш учун белгиланган талабларга жавоб бермайдиган, ускуналардан фойдаланиб, қўнишга киришиш ва қўниш.

Тун — куёш ботишидан чиқишигача бўлган вақт (сутканинг қисми).

Экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари — парвозга топширикни бажариш вақтида маълум хизмат вазифаларини бажаришга ҳуқуқ берувчи гувоҳномага ва махсус тайёргарликка эга, ҳаво кемасининг учиш эксплуатацияси билан боғлиқ бўлмаган экипаж аъзолари (борткузатувчилар, юк ҳаво кемалари бортоператорлари ва парвоз топшириғига киритилган авиация персоналининг бошқа шахслари).

Самовий ҳаракатга хизмат кўрсатиш (СХХК) — умумий атама, тегишли ҳолатларда парвоз-ахборот хизмати, авариядан огоҳлантиришни, самовий ҳара-

катга маслаҳат хизмати кўрсатишни, самовий ҳаракатга диспетчерлик хизматини (худудий диспетчерлик хизмати, кириб келишга диспетчерлик хизмати ёки аэродром диспетчерлик хизмати) англатади.

Умумий ҳисобланган ўтиш вақти — ускуналарга асосан учишнинг белгиланган вақти самога кўтарилишдан то ҳисобга олинган белгиланган нуқтадан ўтиш билан ускуналарга асосан қўнишни мўлжаллаш ёки агар бошқариш қурилмалари самолёт билан уланмаган ҳолда — белгиланган аэропорт устидан учиб ўтишни талаб қилувчи вақт, ташқи манзарага асосан назарий учишнинг — белгиланган вақти самога кўтарилишдан то белгиланган аэропорт устидан учиб ўтишни талаб этувчи вақт.

Шамол тезлиги бўйича чеклов — маълум турдаги ҳаво кемасига хавфсиз тарзда учиши ва қўнишига имкон берувчи ён томонлама ва тўғридан эсаётган шамол тезлигининг, шунингдек мазкур турдаги авиация ишларини бажаришга рухсат этиладиган шамол тезлигининг чекланган бирлиги.

Музлаш — тайёра қисмларида муз қатламининг пайдо бўлиши (0,5 мм/мин жуда секин, 0,5 дан 1мм/мин ўртача, 1 мм/мин ортиғи қаттиқ музлашга ўтади).

Хавфли ҳудуд — ҳудудда маълум вақт давомида ҳаво кемалари парвози учун хавф туғдирувчи фаолият олиб борилиши мумкин бўлган белгиланган ўлчамлардаги ҳаво кенглиги.

Хавфли яқинлашиш — ҳаво кемаларининг ўзаро ва бошқа моддий объектлар билан транспорт авиацияси ва авиация ишлари учун ҳужжатларда белгиланган оралиқ масофанинг ярмигача бўлган масофагача парвоз топшириғида назарда тутилмаган яқинлашуви натижасида тўқнашиб кетиш хавфи юзага келиши мумкинлиги.

Алоҳида ҳолат — парвозлар вақтида юзага келадиган, ноқулай факторлар таъсири ёки уларнинг биргаликдаги таъсири оқибатида парвоз хавфсизлигини су-сайишига олиб келадиган ҳолат.

Хавфли юклар — ҳавода ташиш вақтида мулклар, экипаж ва йўловчилар соғлиғи, хавфсизлигига сезиларли даражада хавф туғдириши мумкин бўлган буюмлар ва моддалар.

Самовий ҳаракатларга диспетчерлик хизматини кўрсатувчи орган; самовий ҳаракатни бошқариш органи — тегишли ҳолатларда ҳудуд диспетчерлик маркази, яқинлашиш диспетчерлик пункти ёки аэродром диспетчерлик пунктини англатувчи умумий атама.

Самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатувчи орган — тегишли ҳолатларда самовий ҳаракатларга диспетчерлик хизмати, парвоз маълумотлари маркази ёки самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатишга тааллуқли маълумотларни тўплаш пункти каби маъноларни англатувчи умумий атама.

Четга чиқиш — ҳаво кемасининг ХҚФБ (СХХК) органи томонидан санкцияланмаган ҳолда ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўналиши, белгиланган йўналиш, ҳаво коридори ёки авиация ишлари ҳудудидан ташқарига чиқиши.

Нисбий баландлик — маълум бир нуқтадан бошқа бир нуқта сифатида олинган объект ёки нуқтагача бўлган вертикал масофа.

Йўловчи — ҳавода ташиш шартномасига мувофиқ ҳаво кемасида олиб кетилаётган шахс (экипаж аъзолари бундан мустасно).

Перрон — йўловчиларни ўтқазиш ёки тушириш, почта ёки юкларни ортиш ёки тушириш, ёқилғи қуйиш, ҳаво кемалари туриши ёки техник хизмат кўрсатиш мақсадида ҳаво кемаларини жойлаштириш учун ажратилган қуруқликдаги аэродромнинг маълум майдони.

Парвозлар хавфсизлигига боғлиқ бўлган ходимлар — ўз вазифалари ва функцияларини лозим даражада бажармасликлари натижасида авиация парвозларини хавф остида қолдириши мумкин бўлган шахслар, жумладан экипаж аъзолари, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи персонал ва СХБ диспетчерлари, бошқа санаб ўтилмаган шахслар.

Парвоз режаси — самовий ҳаракатларни бошқариш органи томонидан тақдим этилган, ҳаво кемасининг кўзда тутилган парвози ёки парвознинг бир қисми ҳақидаги маълум бир маълумотлар.

Юк ориш — маълум бир йўналиш билан ташиш учун юкларни, почтани, бағажни ва борт захирани ҳаво кемаси бортига жойлаштириш жараёни, мазкур тўғридан-тўғри йўналишнинг бундан олдинги босқичида ортилган юклар, почта, бағаж ва борт захира бундан мустасно.

Қўниш майдони — ҳаво кемалари қўниши ва учиши учун мўлжалланган ишчи майдоннинг бир қисми.

Такрорланувчи парвоз режаси (RPL) — эксплуатант томонидан СХХК органлари такроран фойдаланишлари ва сақлашлари учун тақдим этиладиган, бир хилдаги асосий хусусиятларга эга бўлган, доимий амалга ошириладиган алоҳида парвозларнинг қатор, кўпинча такрорланиши билан боғлиқ парвоз режаси.

ВПҚ бўйича парвоз — визуал парвоз қоидалари асосида амалга оширилувчи парвоз.

Ускуналар бўйича парвоз қоидалари (УПҚ) бўйича парвоз — ускуналар бўйича парвоз қилиш қоидаларига асосан амалга ошириладиган парвоз.

Умумий мақсадлардаги авиация ҳаво кемасининг парвози — ҳаво кемасининг махсус авиация ишлари билан боғлиқ тижорат ҳаво ташуви ёки парвозидан ташқари парвозлари.

Учиш-ахборот хизмати кўрсатилиши — мақсади парвозларни хавфсиз ва самарали амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборотларни тақдим этиш хизмати.

Ҳаракатланиш майдони — аэродромнинг ҳаво кемаларини буриш, қўниши ва учиши учун мўлжалланган қисми, перрон бундан мустасно.

Қўниш майдончаси — ер, сув ва муз майдонлари ўз ўлчами ва шароити билан ХК беҳавотир қўнишига жавоб берадиган, учувчилар томонидан танланадиган майдон, ҳаводан (самодан) қўниш майдончаси белгилаш ХКнинг УЭКсига асосан бажарилади.

Аэродромнинг кўтарилиши — учиш-қўниш йўлаги энг баланд нуктасининг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги. Бир қанча учиш-қўниш йўлаги мавжуд бўлганда кўпроқ аҳамиятга молик бўлгани танланади.

Учиш-қўниш йўлагининг баландлиги — денгиз сатҳига нисбатан УҚЙ юзаси устининг кўтарилиши.

Ускуналардаги метеорологик шароит (УМШ) — кўриш узоқлиги ўлчамларида, булутларгача бўлган масофа ва булутлар пастки чегараси баландлигида акс этган метеорологик шароит. Ушбу ўлчамлар визуал метеорологик шароитлар учун белгиланган минимумлардан паст.

Ускуналар бўйича парвоз — ҳаво кемасининг ҳудудий ҳолати ва унинг жойлашган ўрни экипаж томонидан тўлиқ ёки қисман учувчи ва навигация ускуналари асосида аниқланиладиган ҳолда амалга ошириладиган парвоз.

Экипажнинг парвоз вақти — двигател (двигателлар)нинг учиш мақсадида ўт олдирилишидан то парвоз тамом бўлгач уларни ўчиришгача бўлган умумий вақт.

Парвоздаги иш вақти — экипаж аъзоларининг парвоз олди тайёргарлиги-

дан бошлаб парвоздан сўнгги ишларгача бўлган, парвоз топшириғини бажариш билан бевосита боғлиқ иш вақти.

Икки двигателли самолёт парвозининг орттирилган узоқлиги (ETOPS — extended range operations with two engine airplanes) — икки юриткичли тайёранинг қўшимча узоқликка парвози ҳар қандай парвоз — икки юриткичли тайёра томонидан белгиланган йўналиш бўлиб, бажарилиши ва битта юриткич ишламаганда бир хил тезликда учиш вақтининг белгиланган қандайдир нуктадан қўшимча тайёрагоҳгача бўлган вақт талабининг 60 дақиқа ошиши.

Қўниш майдони — ишчи майдоннинг ҳаво кемалари учиши ва қўниши учун мўлжалланган қисми.

Қўнишга киришишнинг тахминий вақти — диспетчерлик хизмати органининг ҳисоб-китоблари бўйича келаётган ҳаво кемаси қўнишга киришишни амалга ошириш учун кутиш ҳудудини тарк этиш вақти. Кутиш ҳудудидан чиқиб кетишнинг ҳақиқий вақти қўнишга киришни амалга ошириш учун бериладиган диспетчерлик рухсатига боғлиқ.

Такдим этилган парвоз режаси — парвоз режасининг учувчи томонидан ёки ваколатли вакил томонидан СХХК органига такдим этилган кўринишидаги, ҳеч қандай кейинги ўзгартиришларсиз кўриниши.

Хабарларни узатиш пункти — маълум бир географик мўлжал, унга нисбатан ҳаво кемасининг жойлашган ўрни маълум қилиниши мумкин.

Самовий ҳаракатга хизмат кўрсатишга алоқадор бўлган хабарларни тўплаш пункти — парвоз олдидан такдим этиладиган парвоз режалари ва самовий ҳаракатга хизмат кўрсатишга алоқадор бўлган хабарларни тўплаш мақсадида ташкил этиладиган орган.

Самовий ҳаракатга хизмат кўрсатишга алоқадор бўлган хабарларни тўплаш пункти алоҳида орган сифатида ташкил этилиши ёки самовий ҳаракатга хизмат кўрсатувчи ёки аэронавигация ахборотлари билан хизмат кўрсатувчи каби органлар билан бирлашиши мумкин.

УҚЙ остонаси — ҳаво кемаларининг қўниши учун фойдаланилиши мумкин бўлган УҚЙ участкасининг боши.

Остона вақти — қўшимча тайёрагоҳгача бўлган белгиланган талабга тааллуқли учиш вақти. Бирламчи 60 дақиқа деб белгиланган. Остона вақтни узайтиришга рухсатномани ва гувоҳномани давлат эксплуатанти томонидан ХК ҳар томонлама техник томондан ўрганилгандан кейин берилади. Остона вақти эксплуатация чекланиши ҳисобланмайди.

Қўниш оралиқ масофа — масофа ХК 15 метр баландликдан то батамом тўхтагунга қадар босган йўли (тезлиги 200 км/с кам ХК учун 9 метр).

Мўлжални йўқотиш — ХК экипажи парвоз топшириғини бажариш мақсадида парвоз йўналишини аниқлаш учун ўзининг жойлашган ўрини лозим бўлган аниқликда билмаслик ва белгилай олмаслик ҳолати.

Визуал парвозлар қоидалари (ВПК) — экипажнинг самовий ҳолат ва парвоз тартибининг қисқа муддатли ўзгаришларини визуал кузатуви орқали ҳавода ҳамда ер (сув) юзасида ҳаво кемаси билан бошқа моддий объектлар ўртасида белгиланган оралиқ масофани тутиб туришни назарда тутувчи қоидалар.

Ускуналар бўйича парвозлар қоидалари (УПК) — парвозларни Ҳаво кемалари ҳаракатини ташкил қилиш органлари томонидан мажбурий назорат остида ва улар томонидан ҳаво кемалари ўртасида эшелонлаштишнинг белгиланган оралиқ масофалари таъминланган ҳолда учувчи-навигация ускуналари бўйича парвозлар амалга оширилишини назарда тутувчи қоидалар.

Текширув — экспертиза йўли билан ҳамда объектив далиллар тақдим этиш орқали белгиланган талаблар бажарилганлигини тасдиқлаш.

Исбот қилиниши мумкин бўлган, ҳаққоний, фактларга асосланган ва кузатиш, ўлчаш, синаб кўриш ёки бошқа воситалар орқали олинган маълумотлар далил бўла олади.

Текширувчи — мазкур турдаги ҳаво кемасида парвозлар учун рухсатга эга бўлган ва экипаж таркибига ўқитиш, экипаж аъзолари (аъзоси) касбий тайёргарлигини ва ўзаро ҳаракатини текшириш, шунингдек парвозлар хавфсизлигини таъминловчи белгиланган қоида ва нормаларга амал қилиниши юзасидан инспекторлик текшируви ўтказиш мақсадида экипаж таркибига киритилган командир-учувчи, йўриқчилар таркибидаги шахс.

Текширувчининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда унинг экипаж таркибига киритилиш тартиби учини ишларини ташкил этиш бўйича қўлланмаларда белгилаб қўйилган.

Иложсиз хабарлар пункти (ИХП) — тепасидан учиб ўтаётганида ҳаво кемаси экипажи диспетчерга (ОДХК органига) хабар қилиши шарт бўлган ҳаво трассасидаги географик нуқта (мўлжал).

Етиб келишнинг ҳисобланган вақти — ХК белгиланган вақтда белгиланган нуқтадан қўниш мўлжалини бошлаши (аэродром нуқтаси, узоқликдан бошқариш, радиомаёқ ва бошқалар).

Парвоз маълумотлари ҳудуди — доирасида парвоз-ахборот маълумотлари ва авария хабари хизмати таъминланадиган, маълум ўлчамлардаги ҳаво ҳудуди.

Ҳудудий диспетчерлик маркази — ўзининг юрисдикциясида бўлган диспетчерли ҳудудида назорат қилинувчи парвозларга диспетчерлик хизматини таъминлаш учун мўлжалланган орган.

Ҳудудий диспетчерлик хизмати — диспетчерлик ҳудудларида назоратдаги парвозларга диспетчерлик хизматининг кўрсатилиши.

Авиация ишлари ҳудуди (участкasi) — баландлиги ва (ёки) майдони билан чегараланган ҳаво бўшлиғи участкаси, бу ерда ХК белгиланган норматив ҳужжатларга асосан баландлик ва йўналиш бўйича ХК авиация ишларини амалга оширади.

Аэродром ҳудуди — горизонтал ва вертикал текисликларда белгиланган чегаралардаги аэродром ва унга туташган жойлар устидаги ҳаво ҳудуди.

Учишнинг мўлжалланган масофа (УММ) — тезлик олишнинг мўлжалланган масофа ва эркин ҳудуд узунлигининг жами, агар у кўзда тутилган бўлса.

Узилган учиниш мўлжалланган масофа (УУММ) — мўлжалланган тезлашниш масофа ва охириги тормозланиш масофа йиғиндиси, агар у кўзда тутилган бўлса.

Учиниш масофа — масофа ўқи учиниш бажараётган ХКнинг талабини қаноатлантирадиган йўл ўлчами.

Мўлжалланган қўниш масофа — масофа ўқи ХК келиб қўнгандан кейин босиб ўтадиган йўлни таъминлайди.

Тормозлаш жиҳози олинишининг вақти — ХК учиниш билан боғлиқ ҳаракатни бошлаш вақти.

Захира ёқилғи — парвоз режаси бекор бўлган, ундан воз кечилган ҳолларда ХК ва учиниш шароитлари учун ҳақиқий ва ҳисоблаб чиқилган хусусиятларидаги номувофиқликларни қоплаш учун зарур бўлган ёқилғи.

Тўқнашиб кетишнинг олдини олиш бўйича тавсиялар — учувчига тўқнашиб кетишнинг олдини олишда ёрдам бериш мақсадида маневр пайтида учувчига самовий ҳаракатларни бошқариш органи томонидан тақдим этиладиган тавсиялар.

Парвозларни бажариш бўйича қўлланма — эксплуатация ходимлари ўз

вазифаларини бажаришида фойдаланиши учун қоида, йўриқнома ва тавсияларни ўзида жамлаган қўлланма.

Учиш эксплуатацияси бўйича қўлланма — ўзида учувчи экипаж аъзоларига ҳаво кемасини хавфсиз эксплуатация қилиш учун зарур бўлган маълумотни, йўриқномани ҳамда белгиланган чегаралари доирасида ҳаво кемаси парвозларга яроқли деб топилиши лозим бўлган чекловларни жамлаган ва парвозларга яроқлиликни тасдиқлашга тааллуқли бўлган қўлланма.

Ҳаво кемасининг учиш эксплуатацияси бўйича қўлланма парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланманинг бир қисми ҳисобланади.

Йўналиш йўлакчалари (ЙЙ) — аэродромда ҲК ҳаракатланиши учун белгиланган йўл ва аэродромнинг йўлакларини бир-бири боғловчи йўллар, шу жумладан:

а) тўхташ бекатига боровчи йўлакча — ҲК ҳаракатланиш йўлининг тўхташ бекатига олиб боровчи бир бўлаги;

б) перрон йўлакчалари — перронда жойлашган ва перрон орқали йўналишни таъминлаш учун мўлжалланган йўлакча тизимининг қисми;

в) тезлик билан чиқувчи йўлакча — УҚЙ билан боғланган бўлиб, келиб қўнган ҲКга тезда УҚЙни тарк этишга имкон беради, шу билан бир қаторда УҚЙда туриш вақтини камайтиради.

Ҳаво йўлакчалари — ҳавода вертолётларни бошқариш учун мўлжаллаб белгилаб қўйилган траектория.

Бошқарув — ҲК ўз юриткичидан фойдаланган ҳолда аэродромдаги ҳаракати.

Ҳавода бошқарув — вертолётнинг ер таъсиридан фойдаланган ҳолда аэродромда ҳаракати 37 км/соатдан кам бўлган тезланишда ерга нисбатан 8 метр баландликда (25 фут) ер таъсири ва ташқи осилган юкни ҳисобга олган ҳолда ҳаракати.

Кетиш (қайтиш) чегараси — ҲК захира аэродромга етиб борганда ёки белгиланган нуқтага етиб борганда аэродром учиш доирасида ҲКнинг камида 30 минут учиши учун ёқилғи захирасининг мавжуд бўлиши.

Эркин ҳудуд (ЭХ) — ҳаво кемасининг дастлабки баландликни олишидан белгиланган жойгача бўлган баландликни олишигача лозим бўлган участка сифатида танланган ёки тайёрланган, тезлик олишнинг ҳисобга олинган масофа охирига келиб тақалган, аэропорт хизмати назорати остида бўлган, ер ёки сув юзасидаги тўғри бурчакли участка.

Маълумот узатиш линияси орқали «диспетчер-учувчи» алоқаси (CPDLC) — СХБ мақсадларида линиядан фойдаланган ҳолда маълумотларни узатиш учун учувчи ва диспетчер ўртасидаги алоқа воситаси.

Маълумотларни узатиш линияси орқали алоқа — маълумот узатиш линияси орқали маълумот алмашиш учун мўлжалланган алоқа кўриниши.

Аэронавигация маълумоти тўплами — давлат томонидан чиқарилган ёки санкцияланган, мазкур давлат ҳаво ҳудудидаги аэронавигация учун муҳим аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли аэронавигация маълумотларини ўзида мужассамлаштирган нашр.

Шамол ҳаракати — Ҳаводаги шамолнинг кучи ва тезлигининг ўзгариши, тепага ва пастга йўналган ҳаво ҳаракати (30 метр баландликда 2 м/сек.да секин, 2 м/сек.дан 4 м/сек.гача ўртача, 4—6 м/сек.да кучли ва 6 м/сек.дан ортиқ жуда кучли).

Эксплуатант сертификати — ҳаво кемасига мулкдорлик асосида, ижара шартларида ёки бошқа қонуний асосда эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжат.

Мураккаб метео шароит — кўриш имкониятлари 2000 метр ва ундан кам ва (ёки) булутлар пастки баландлиги чегараси 200 м. ва ундан паст, уларнинг умумий микдори 3-4-октандан зиёд.

Ҳалокат сигнали (SOS — телеграфники; «Ҳалокатга учраяпман», «МЭЙДЕЙ» — радиотелефонники) — ҳаво кемаси ва ундаги йўловчилар ҳамда экипажга бевосита хавф таҳдид солиб турганда ва шошилиш ёрдам керак бўлган ҳолларда узатиладиган халқаро сигнал.

Шошилиш сигнал («ВВВ» — телеграфда, «ПАН» радиотелефонда) — ҳаво кемаси ва ундаги йўловчилар ҳамда экипаж учун хавф эҳтимоли мавжуд бўлганда узатиладиган сигнал.

Сигнал майдончаси — ердаги сигналларни жойлаштириш учун қўлланиладиган аэродромдаги майдонча.

Тегишли ваколатли орган:

а) очиқ денгиз устидаги парвозга нисбатан: рўйхатга олиш давлатининг тегишли ваколатли органи.

б) очиқ денгиз устидаги парвозга нисбатан: устидан учиб ўтиладиган ҳудудга нисбатан суверенитетга эга давлатнинг тегишли ваколатли органи.

Тегишли ваколатли орган СХХК — тегишли ҳаво кенглиги чегарасида самовий ҳаракатланишга хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбурияти юкланган давлат томонидан белгилаб қўйилган ваколатли орган.

Махсус авиация ишлари — ҳаво кемаси парвози вақтида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, суратга олиш, топографик схема, кузатиш ва патрул қилиш, қидириш ва қутқариш, самовий реклама ва бошқа соҳалардаги махсус хизматлар турларини бажариш учун фойдаланиладиган парвозлар.

ВПҚ бўйича махсус парвоз — ВПҚ бўйича парвоз, самовий ҳаракатларни бошқариш органи рухсати билан диспетчерлик ҳудудида ВМУда бўлган метеорологик шароитларга нисбатан паст бўлган метео шароитларда парвозни амалга ошириш.

Учиш йўлагининг режалаштирилган қисми (УЙРҚ) — УҚЙ қўшимча қўшилган йўлаклар бўлиб, ХҚни авария ҳолатида лат ейишдан асрайди.

Стандарт атмосфера босими — босимнинг белгиланган ўлчами 760 мм.с.м.уст. (1013.2 мбар.)

Ускуналар бўйича қўнишга кириш — ХҚни ердаги ва ҳаводаги тўсиқлардан олиб ўтиш учун белгиланган шароитда кутиш майдонида ёки йўналиш йўлида белгиланган вазиятнинг ўзгариши.

Кўрсатиладиган баландлик — баландлик ўлчаш ускунасининг эшелон ўзгариш ёки қўнадиган аэродром босим ўлчамига ўтиш муносабати билан денгиз сатҳига нисбатан кўрсатмаси. Баландлик ХҚ учувчилари томонидан баландлик кўрсатма ўлчовини тўғрилигини солиштириш мақсадида тақсимлаш хизматига берилади.

Парвознинг жорий режаси — кейинги диспетчерлик рухсатларига асосан ўзгариши мумкинлиги ҳисобга олинган парвоз режаси.

Техник хизмат кўрсатиш — ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлаш учун, алоҳида ҳамда биргаликда бажарилиши мумкин бўлган, капитал таъмирлаш, таъмирлаш, текшириш, алмаштириш, дефектни модификациялаш ёки бартараф этиш кабилар.

Кўчиш нуқтаси — нуқта, ХҚнинг бошқарув майдонидаги ҳаракатида ХҚнинг орқасидаги назорат нуқтасининг ХҚнинг олдиндаги назорат нуқтасига кўчиши.

Қўнишнинг тўғри бажарилиши ва қўниш — минимум белгиланган ҳол-

ларда ХК ускуналаридан фойдаланиб ён томонлама ва қиялик кўрсатмаларни аниқ билган ҳолда қўнишни мўлжаллаш ва қўниш.

Иккинчи доирага кетиш нуқтаси — қўнишга кириш схемасидаги нуқта бўлиб, тўсиқ устидан баландликнинг минимал захирасини таъминлаш учун иккинчи доирага кетиш схемаси бўйича учиш бошланиши лозим.

Қўниш йўналишини кўрсатиш белгиси — қўнишга бўлган йўналишнинг назорат белгилаш мосламаси.

Авиакомпания вакили — авиакомпания маъмурияти номидан ХК, учувчилар, пассажирлар, почта, багаж ва юklarга нисбатан белгиланган шартни бажарувчи жавобгар шахс.

Ҳаво ҳаракатини бошқариш (ХХБ) — СХБ белгиланишига қараб.

Умумий ўлчов бирлиги — ХК парвозидаги қия текисликда нисбат баландлигини, ҳақиқий баландликни ва эшелонни белгиловчи ўлчам тушунчаси.

Кўринишли учишлар — ҳаводаги ХК иложсиз бажарадиган ҳаракатлари, унинг тезликка ва ҳолатига боғлиқ ўзгаришлар.

Учувчилар экипажи аъзоси — гувоҳномага эга экипаж аъзоси, ХК парвози пайтида ХК органларини бошқариш вазифаси юкланган шахс.

Экипаж аъзоси — бу маъмурият томонидан ХКда белгиланган вазифани бажариш учун тайинланган шахс.

ХК экипажи — учиш вақтида ХКни бошқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тегишли тартибда маълум бир вазифаларни бажариш юклатилган шахслар.

Экспериментал авиация — авиация ва бошқа техника соҳасида тажриба-конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда синовлар учун мўлжалланган авиация экспериментал авиация ҳисобланади.

Ўтиш эшелони — ХК баландлик ўлчаш мосламасининг 760 мм рт.ст. асосидаги ўлчам босимидан аэродром ўлчам босимига ўтиши керак бўлган баландлик.

Учиш эшелони — 1013,2 мбар босим катталигига киритилган доимий атмосфера босимининг юза қисми бўлиб, бошқа бундай юза қисмлардан белгиланган босим оралиқларига фарқ қилади.

Эксплуатант — ХКни эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи ёки ушбу соҳада ўз хизматларини таклиф этувчи шахс, ташкилот ёки корхона.

Махсус авиация ишлари билан шуғулланувчи эксплуатант — қишлоқ хўжалиги, қурилиш, аэросуратга олиш, кузатув ва қўриқлаш, шунингдек санитария ва қутқарув учишлари каби авария операцияларини бажариш учун тижорат авиацияси эксплуатацияси билан шуғулланувчи шахс, ташкилот ёки корхона.

Аэродромнинг эксплуатацион минимумлари — аэродромдан фойдаланишнинг чегараланган вазиятлари:

- а) учишда, УҚЙда узоқликнинг кўриниши масофа билан чегараланган;
- б) абсолют ва нисбий баландликда қарор қабул қилишда баландлик ўлчамларида, тегишли эксплуатация тоифаларида ифодаланадиган қўнишга киришиш ва қўниш;
- в) УҚЙдан кўриш узоқлиги катталикларида ва қарор қабул қилишнинг абсолют ва нисбий баландликларида ифодаланадиган вертикаль кўриш орқали қўнишга киришиш ва қўниш;
- г) ноаниқ қўнишга киришиш ва қўнишда ўқ йўлакчасида горизонтал кўриниш ўлчамини ҳисобга олган ҳолда минимал абсолют ва нисбий баландлик ўлчамини кўзда тутиш керак.

2-§. Мазкур Қоидаларда қўлланиладиган қисқартишлар

АДП	—	Аэродром диспетчерлик пункти	
ААТ	—	Аэронавигация ахборотлари тўплами	
АМСФ	—	Авиация метеорологик станцияси (фуқаро)	
АММ	—	Авиация метропологик маркази	
АЁЗ	—	Аэронавигация ёқилғи захираси	
УМА	—	Умумий мақсадлардаги авиация	
АҚГ	—	Авария-кутқарув гуруҳи	
АҚС	—	Авария-кутқарув станцияси	
АТБ	—	Авиация-техник базаси	
АКИ	—	Авиация-кимёвий ишлари	
ТОБТ	—	Тўқнашишлардан огоҳлантирувчи борт тизими	
ХХК	—	Ҳарбий ҳаво кучлари	
БПЧБ	—	Булутларнинг пастки чегара баландлиги	
УҚЙ	—	Учиш-қўниш йўлаги	
ҚҚБ	—	Қарор қабул қилиш баландлиги	
ХК	—	Ҳаво кемаси	
ХТ	—	Ҳаво трассаси	
ФА	—	Фуқаро авиацияси	
ЁММ	—	Ёқилғи-мойлаш материаллар	
ҚДП	—	Қайрилишларнинг диспетчерлик пункти	
СХБ ЯТ	—	Самовий ҳаракатини бошқаришнинг ягона тизими (МДХда)	
ХХФБ ЯТ	—	Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бошқарувининг ягона тизими (Ўзбекистон Республикасида)	
УУБ	—	Учиш-услубий бўлим	
МХЙ	—	Маҳаллий ҳаво йўли	
МЕТАР			
РОФОР		Халқаро метеорология кодлари	
СПЕСИ			
ТАФ			
МАК	—	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси	
НОТАМ	—	аэродром ҳолати, радиотехника воситалари, қўниш тизимлари ва бошқалар ҳақида учувчиларга маълум қилиш	
«ПАН»	—	Зудлик сигнали	
ВПК	—	Визуал парвоз қоидалари	
ҚДП	—	Қўниш диспетчери пункти	
ВПК	—	Қўринишли парвоз қоидалари	
УПК	—	Ускуналар бўйича парвоз қилиш қоидалари	
RVR	—	УҚЙда узоқлик қўриниши	
ХК ХК ПФҚ	—	Ҳаво кемаларини учиш эксплуатацияси бўйича қўлланма (МОМ, РСМ)	
РЛС	—	Қўнишнинг радиолокацион тизими	
РНН	—	Радионавигация нуктаси	
RPL	—	Такрорланувчи парвоз режаси	
РТУ	—	Радиотехник ускуналар	
РТВ	—	Радиотехник воситалар	
МАИ	—	Махсус авиация ишлари	
«SOS» («МЕЙДЕЙ»)	—	фалокат сигнали	
ССҚ	—	Самолёт сўзлашув қурилмаси	
ТА	—	Транспорт авиацияси	

СХБ — Самовий ҳаракатларни бошқариш
ХХФБ — Ҳаво ҳудудидан фойдаланилишини бошқариш
ЎМ — Ўқув маркази
ЎММ — Ўқув-машғулот маркази
МУВЭК — Марказий учиш-шифокорлик эксперт комиссияси
МДИЧХ — Марказий диспетчерлик-ишлаб чиқариш хизмати
МХБ — минимал хавфсизлик баландлиги
АНМ — Авианавигация бошқаруви маркази
РТЖАЭ — Радиотехник жиҳозлари ва алоқаларини эксплуатацияси
УСБ — Учув-синов бўлинмалари
ФПЛ — флайт-план
РЛС — радиолокацион станция
АУР — алоҳида узатиш радиостанцияси
ҚҚИ — қидирув-қутқарув ишлари
ХХБ — ҳаво ҳаракати бошқармаси
ХК ПФҚ — ҳаво кемаси парвозидан фойдаланиш қўлланмаси
ҚТУ — қўниш тизими ускуналари
РТУАФ — радиотехник ускуналар ва алоқадан фойдаланиш
СХХКО — самовий ҳаракатларга хизмат кўрсатиш органи
АНМ — «Ўзаэронавигация» маркази
АНХ — аэронавигация хизмати
ТСҚ — тиббий санитария қисми
МАХ — муҳандислик авиация хизмати
ПҚАҚТ — парвозларни қидириш ва авариядан қутқариш таъминоти
ҚВК — қўнишга визуал кириш
АХПАЙ — аэродром ҳудудида парвозни амалга ошириш йўриқномаси
АНМ — аэронавигацион маълумот
ГКН — глиссадаги кириш нуқтаси
ПФҚ — парвоздан фойдаланиш қўлланмаси
ХМ — ҳаво муҳофазаси
ТОБТ — тўқнашувни олдини олиш борт тизими
ССУ — самолёт сўзлашув ускунаси
МТТ — муҳандислик техник таркиби
УУБ — учиш услубий бўлими
ДПМ — денгиз портлаш мосламаси
РУУР — радиомаркерли узоқ узатиш радиостанцияси

II. Умумий қоидалар

1. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, давлат, тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида тижорат ҳамда умумий аҳамиятдаги ФА фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ФА фаолиятини амалга ошириш бўйича асосий норматив ҳужжат ҳисобланиб, тижорат парвозлари ва умумий аҳамиятдаги авиация парвозларини ташкил қилиш, таъминлаш ва бажариш, шунингдек ҳаводаги ҳаракатни бошқариш қоидаларини тартибга солади. Юқорида зикр этилган масалалар бўйича бошқа барча норматив ҳужжатлар ушбу Парвоз қилиш қоидалари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва чоп этилади.

3. Қоидалар давлат, тижорат, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахслар

тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси экспериментал ва ФА, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси ва бошқа давлатлар авиациясининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳаво трассалари, маҳаллий ҳаво йўллари, белгиланган йўналишлар ва аэродромлар ҳудудларидаги парвозларда татбиқ этилади.

4. Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаро ва экспериментал ҳаво кемаларига уларнинг ўз давлатларидан ташқарида бўлган вақтларига ҳам, башарти ҳаво кемаси турган давлат қоидаларида бошқа шартлар талаб этилмаса, татбиқ этилади.

5. Қоидалар фуқаро тижорат авиацияси учун ва умумий аҳамиятдаги ФА учун ҳам ягонадир ва барча авиация ходимлари учун унинг бажарилиши мажбурийдир.

6. Авиация ходимлари Қоидаларнинг ўзларига тегишли қисмини билишлари ва бажаришлари шарт.

7. Қоидаларни бузган авиация ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ интизомий, маъмурий, моддий, шунингдек жиноий жавобгарликка тортилади.

8. Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ёки табиий офатлар билан боғлиқ парвозларни ташкил қилишда учувчилар бўлинмасининг командирлари кечиктириб бўлмайдиган вазиятлар юзага келганда ўзларининг жавобгарликлари остида ушбу Қоидаларда баён этилган тартиб ва парвоз қоидаларидан ва парвоз ҳамда иш вақтидан четга чиқишга ҳақлидирлар.

Қўрилган тадбирлар тўғрисида ушбу лавозимдаги шахслар зудлик билан ўзларининг бевосита раҳбарларига ва Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратга хабар қилишлари шарт.

9. Фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш, фуқаро ҳаво кемаларининг, фуқаро аэродромларининг ва улардаги асбоб-ускуналарнинг уларни Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга яроқлилигини аниқлайдиган нормаларга мувофиқлиги бўйича давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат амалга оширади.

10. Ўзбекистон Республикаси ФА парвозлари миллий (давлат) таниш белгиси ва рўйхат белгиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан тасдиқланган рамзи қўйилган ҳаво кемаларида бажарилиши керак.

11. Миллий (давлат) таниш белгиси (Ўзбекистон Республикаси учун — «УК») миллий рамзлар сериясидан танлаб олинади, у Халқаро электр алоқалари бирлашмаси томонидан рўйхатдан ўтказаетган давлат учун ажратилган танитадиган шартли радиочақириқ белгиларига киритилган бўлиши керак. Давлат белгиси ҳақида Халқаро ФА ташкилоти хабардор қилинади.

III. Фуқаро ҳаво кемалари

12. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемалари фуқаро ҳаво кемалари ҳисобланади.

13. Ҳаво кемаси реестрга киритилгандан сўнг, унга фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

14. Ҳаво кемаларини реестрга киритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси АҚ 95) (2003 йил 29 май, рўйхат рақами 1239) белгиланади.

15. Давлат рўйхатига киритилиш пайтида ҳаво кемасига рўйхат таниш белгиси берилиб, у миллий (давлат) таниш белгиси билан бирга шу ҳаво кемасида қайд этилади. Таниш белгилари ва уларни қайд этиш тартиби Ўзбекистон Республика-

сининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси АҚ 95) (2003 йил 29 май, рўйхат рақами 1239) мувофиқ белгиланади.

16. Ҳаво кемаси давлат реестрига киритилгандан бошлаб, бошқа давлатлар ҳаво кемалари реестрларидаги шу ҳаво кемасига нисбатан илгари киритилган барча ёзувлар тан олинмайди.

Худди шунингдек, бошқа давлатнинг реестридан белгиланган тартибда ўчирилмаган ҳаво кемасининг давлат ҳаво кемаларининг реестрига киритилиши тан олинмайди.

17. Фуқаро ҳаво кемаси қуйидаги ҳолларда давлат реестридан ўчирилади:

а) ҳаво кемаси фойдаланишдан чегириб ташланса ёки чиқарилса;

б) ҳаво кемаси белгиланган тартибда бошқа давлатга, чет эл юридик ёки жисмоний шахсига сотилса ёки берилса;

в) ҳаво кемаси экспериментал ҳаво кемалари қаторига ўтказилса.

18. Фуқаро ҳаво кемаси ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги борасидаги амалдаги нормаларига жавоб берсагина фойдаланишга қўйилади.

Шу муносабат билан:

а) янги конструкциядаги (янги русумдаги) ҳаво кемаси завод, сертификация синовларидан ўтиши керак, агар ўтказилган синовлар натижасида ҳаво кемаси ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги борасидаги амалдаги нормаларига жавоб бериши аниқланса, унга ҳаво кемаси турининг учишга яроқлилиги тўғрисидаги сертификат берилади;

б) қабул қилинган конструкциядаги ҳар бир ҳаво кемаси белгиланган тартибда зарур синовлардан ва текширувлардан ўтказилади, бу синов ва текширишлар асосида учишга яроқлилик тўғрисидаги сертификат берилади;

в) ҳаво кемаси таъмирланса ёки фойдаланиладиган жойга қисмларга ажратилган ҳолда олиб келинса, шунингдек ушбу ХК нусхаси Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрида биринчи марта рўйхатдан ўтаётган бўлса, белгиланган тартибда синовдан ўтказилиши керак.

19. Ҳар бир ҳаво кемасининг ундан фойдаланиш жараёнида учишга яроқлилик нормаларига жавоб бера оладиган ҳолатда сақлаш масъулияти ушбу ҳаво кемасининг эгаси, ундан фойдаланадиган корхона, муассаса ва ташкилотга юкланади.

20. Учишга яроқлилик сертификатини бериш ҳаво кемасида ушбу русумдаги ҳаво кемасининг амал қилувчи сертификати ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома бўлганда Учишга яроқлилик сертификатини бериш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси АҚ 30) (2003 йил 5 март, рўйхат рақами 1225) мувофиқ амалга оширилади.

21. Давлат рўйхатидан ўтмаган ва учишга яроқлилик тўғрисида амалдаги гувоҳномага эга бўлмаган, шунингдек давлат-рўйхат таниш белгилари қўйилмаган ҳаво кемаларининг парвоз қилишига йўл қўйилмайди (ман этилади), завод, эксплуатация ва сертификация синовлари ўтказиладиган ҳаво кемалари бундан мустасно.

22. Парвозни бажариш учун фуқаро ҳаво кемасида қуйидаги кема ҳужжатлари бўлмоғи лозим:

а) ҳаво кемасининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

б) ҳаво кемасининг парвозга яроқлилик сертификати;

в) кема дафтари (самолёт, вертолёт кема дафтари);

г) самолётнинг санитар кема дафтари;

д) ҳаво кемасига ўрнатилган радио ускуналарнинг сертификати;

е) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма.

Парвозни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ФА ҳаво кемасида бўлиши лозим бўлган қўшимча ҳужжатлар рўйхати ушбу Қоидаларнинг 8-иловасида белгилаб берилган.

23. ҲКлари парвоз параметрларини қайд этадиган ускуналар билан жиҳозланган бўлиши керак.

24. Максимал сертификатланган учиш массасига қараб ҳаво кемалари 1, 2, 3, 4-классларга бўлиниши мумкин (мазкур Қоидаларнинг 11-иловаси).

25. Халқаро таснифлашга кўра максимал сертификатланган учиш массасига қараб ҳаво кемалари:

- а) учиш массаси 5700 кг.дан юқори бўлган катта самолётлар;
- б) учиш массаси 5700 дан 750 кг.гача бўлган унча катта бўлмаган самолётлар;
- в) учиш массаси 750 дан 450 кг.гача бўлган, битта поршенли двигатели бўлган жуда енгил самолётлар;

г) учиш массаси 450 кг ва ундан кам бўлган, ўта енгил самолётларга бўлинади.

26. Парвоз масофасига қараб самолётлар

- а) узоқ масофага парвоз қиладиган — 6000 км ва ундан кўп;
- б) ўрта масофага парвоз қиладиган — 2500 дан 6000 км.гача;
- в) яқин масофага парвоз қиладиган — 1000 дан 2500 км.гача;
- г) маҳаллий ҳаво йўлларида — 1000 км.гача масофага парвоз қиладиган самолётларга бўлинади.

27. Йўлдош турбелентлик таъсирини ҳисобга олиб ҳаво кемалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- а) максимал учиш массаси 136 т. ва ундан юқори бўлган оғир ҳаво кемалари;
- б) максимал учиш массаси 136 т.дан паст ва 7 т.дан катта бўлган ўртача ҳаво кемалари;

в) максимал учиш массаси 7 т. ва ундан паст бўлган енгил ҳаво кемалари.

28. Минимумларни ва аэропортлар схемаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш учун максимал сертификатланган қўниш массасида пасайиш тезлигидан 1,3 марта ошадиган тезлигига асосланган ҳаво кемаларининг ИКАО тоифалари бўйича таснифланишидан фойдаланилади (мазкур Қоидаларнинг 12-иловаси).

IV. Ҳаво кемаси экипажи

1-§. Асосий талаблар

29. Фуқаро ҳаво кемаси экипажи кема командири, учувчилар таркибига кирувчи бошқа шахслар ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларидан иборат бўлади.

30. Экипаж таркиби ҳаво кемасининг тури, класс ва вазифа, мақсади ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олиниб белгиланади.

31. Ҳаво кемасининг экипажи тўлиқ бўлмаганда унинг парвоз қилиши тақиқланади.

32. Парвозда ҳаво кемасини бошқаришни битта учувчи таъминласа ва кемада экипажнинг бошқа аъзолари талаб этилмаса, бундай ҳаво кемасининг экипажи ҳаво кемасининг командиридан иборат бўлади.

33. Экипажнинг учувчилар таркибидан иборат минимал таркиби ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмада кўрсатилади.

2-§. Экипажнинг учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимлари

34. Экипажнинг учувчилар таркибига учувчилар таркиби гувоҳномасига эга бўлган, шунингдек ушбу турдаги ҳаво кемасини ва ундаги ускуналарни бошқариш учун зарур бўлган тайёргарлик ва тажрибага эга шахслар: учувчилар, штурманлар, махсус ишларни бажарадиган бортмуҳандислар, бортмеханиклар, бортрадистлар ва бортоператорлар киради.

35. Экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларига ҳаво кемасидан парвозда фойдаланиш ва уни бошқариш билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажармайдиган экипаж аъзолари: борткузатувчилар, юк ХК бортоператорлари ва парвоз мақсадига қараб парвоз топшириғига киритилган бошқа мутахассислар киради.

36. Экипаж таркибига учувчилар ёки экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари таркибига кирмайдиган шахсларни киритиш ман этилади.

37. Экипаж таркибига кирадиган шахслар, эгаллаган лавозимларидан ва иш тажрибаларидан қатъи назар, махсус тайёргарликдан ўтишлари ва парвозга тайёргарликлари текшириб қўрилиши шарт.

38. Учувчилар таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларининг саломатликлари белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Саломатлиги бўйича парвоз ишларига яроқлилик ФА тиббий-учиш эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

39. Учувчи ихтисослигига ва маълум турдаги ҳаво кемасини мустақил бошқариш учун зарур бўлган тайёргарлик ва тажрибага эга бўлган шахсгина ҳаво кемасининг командири бўлиши мумкин.

40. Ҳаво кемасининг командири ўз бўлинмасининг командирига ва юқори турувчи командирларга (бошлиқларга) бўйсунди.

41. Ҳаво кемасининг командири экипажнинг бутун фаолиятини бошқаради, кемада қатъий интизом ва тартиб сақланишини, парвоз қоидаларига ва кемадан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайди, шунингдек кемадаги одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш, кеманинг ва мол-мулкнинг асралиши учун зарур чораларни кўради.

42. Ҳаво кемаси командирининг буйруқлари кема ичидаги барча шахслар томонидан сўзсиз бажарилиши керак.

43. Учувчилар таркибига кирувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа авиация ходимларининг тайёргарлик даражаси ва иш тажрибасига қараб, уларга класс берилди ва тегишли гувоҳнома (сертификат) топширилади.

44. Экипаж аъзолари хизмат вазифаларини бажариш чоғида белгиланган форма кийимида бўлишлари, ўзлари билан амал қилувчи гувоҳномани олиб юришлари ва уни ваколатли мансабдор шахслар талаб қилганда кўрсатишлари лозим.

45. Экипажнинг ҳар бир аъзоси парвоз топшириғини бажаришдан олдин (бажариш вақтида) маъмурият (ХК командири) томонидан белгиланган дам олиш тартибига риоя этиш учун шахсан жавобгар.

46. Коррекцияловчи линзалардан фойдаланадиган экипаж аъзолари хизмат вазифаларини бажариш чоғида осон олинадиган жойда сақланадиган захира коррекция линзалари жамламасига эга бўлишлари керак.

47. Экипаж аъзоларининг багажи багаж, юк, почта ташишнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ жойлаштирилади.

48. Ҳаво кемасининг командири:

а) метеорологик ва аэронавигация вазиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаво кемасининг парвоз қилиши учун ёқилғи қуйиш сарфини узил-кесил аниқлашга;

б) ҳаво кемасининг фазога қўтарилиши, парвози ва қўниши ҳақида, шунингдек парвозни тугаллаш ва парвоз бошланган пунктга қайтиш ёки иложсиз қўниш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилишга.

Парвоз хавфсизлигига яққол хавф туғилганда, шунингдек кема ичидаги йўловчилар ҳаётини сақлаб қолиш ниятида парвоз режасидан, ҳаво транспорти қатновини таъминловчи идора кўрсатмаларидан ва парвоз топшириғидан четга чиққан ҳолда, аммо белгиланган парвоз қоидаларига иложи борица риоя этган ҳолда бундай қарор қабул қилиниши мумкин. Кема командири кўрилган тадбирлар тўғрисида кеманинг бевосита раҳбари бўлмиш ҳаво кемалари қатновини таъминловчи органга зудлик билан хабар қилиши шарт;

в) ҳаво кемаси ичидаги ҳар қандай шахсга ўз ваколатлари доирасида сўзсиз бажарилиши лозим бўлган буйруқ беришга;

г) хатти-ҳаракатлари билан парвоз хавфсизлигига бевосита таҳдид солаётган шахсларга нисбатан барча зарур чораларни кўришга ҳақли. Ҳаво кемаси энг яқин аэродромга қўнган заҳоти кема командири бундай шахсларни кемадан чиқариб юбориши, агар жиноят белгилари мавжуд қилмиш содир этган бўлсалар, уларни тегишли органларга топшириши мумкин;

д) парвоз хавфсизлигини ҳамда ҳаво кемасини қўндиришни таъминлаш учун зарур бўлса, парвоз пайтида ёнилғини тўкиб ташлаш, қўл юки, юк ва почтани ташлаб юборишга ҳақли. Иложсиз қўниш ҳолларида ҳаво кемаси командири ўз ваколатларини тегишли органларга топширгунига қадар кема ичида бўлган барча шахсларнинг хатти-ҳаракатларига раҳбарлик қилади;

е) об-ҳаво белгиланган минимумдан паст бўлганда, бошқа аэродромгача парвозларни давом эттиришга имкон бермайдиган (ёнилғи етишмовчилигида, авиация техникасининг ҳолати туфайли ва б.) ҳаво кемасини қўндиришга;

ж) ҳаво кемаси ичидаги барча шахслардан парвоз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қоидаларни сўзсиз бажарилишини талаб этишга;

з) зарурият бўлганда учиш, оралиқ ва манзил аэропортларида ХК юкланмасининг назорат ўлчовини амалга оширишга;

и) парвоз вақтида зарурат бўлганда йўловчиларнинг қўл юки ва багажини текширишга, мустасно тариқасида эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда йўловчиларни шахсан текширишга;

к) экипаж аъзоларига тавсифнома беришга ҳақли.

Ҳаво кемаси командирига шундай қарор қабул қилишга олиб келган шароитлар ва (ёки) вазиятдан келиб чиққан ҳолда қўниш учун иккинчи марта айланиб учиш бўйича дахлсиз ҳуқуқ берилган. Иккинчи марта айланиб қўниш бўйича маневр қондасига кўра, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмада аниқланган минимал йўл қўйиладиган баландликдан, хавфсизликка таҳдид туғилганда — минимал баландликдан қатъи назар, бошланиши керак.

49. Ҳаво кемаси командири:

а) парвознинг хавфсиз бажарилишини таъминлаш даражасида учиши ва самолётни бошқариш техникасини билишга;

б) экипаж аъзоларининг касбий тайёргарлик даражасини билиши, уларнинг малакасини ошириш учун чоралар кўришга;

в) белгиланган талабларга мувофиқ парвоздан олдинги дам олиш тартибига ва парвоз топшириғини бажариш вақтида иш тартибига риоя этишга;

г) ерда ва парвоз вақтида экипаж аъзоларининг ишини ташкил этишга;

д) учиш учун ва парвоз вақтида қарор қабул қилиш учун метеорологик ва аэронавигацион вазиятни тўғри баҳолай олишга;

е) парвоз топшириғини ўзи ва экипаж аъзолари бажара олмайди, деб ҳисобласа ёки уни бажариш хавфсизлиги учун ишончи комил бўлмаса уни бажаришдан бош тортишга;

ж) самолёт парвоз учун яроқлилигига, у тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилганлигига ва ҳаво кемасида бунини тасдиқловчи фуқаро ҲК давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги амалдаги гувоҳнома ва учишга яроқлилиқ сертификати мавжудлигига ишонч ҳосил қилишга;

з) парвозларни бажариш вақтида ҲК бортида ушбу Парвоз қилиш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси АҚ-91) эга бўлишга;

и) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва экипаж иш технологиясига мувофиқ ҳаво кемасининг ҳолати ва парвозга шайлигини, унинг тўғри юкланганлигини, юкнинг тўғри тақсимланганлигини ва ишончли маҳкамланганлигини назорат қилишга;

к) эҳтиёткорлик қоидаларини, радиоалоқа фразеологияси ва радиоалоқа олиб бориш қоидаларини билиш ва риоя этишга;

л) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасини қўнғандан кейин ва тўхтаб туриш жойига олиб бориб қўйгандан сўнг кўрикдан ўтказишга;

м) экипажда парвозни (парвозларни) таҳлил қилишга мажбур.

50. Агар парвоздаги ҳаво кемасига хавф таҳдид солса ёки кема ҳалокатга учраётган ёхуд учраган бўлса, кема командири одамларнинг ҳаётини ва соғлиғини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриши шарт. Экипажнинг барча аъзолари одамларни қутқаришда иштирок этишлари шарт.

51. Ҳалокатга учраган ҳаво кемасини сақлаб қолишни таъминлаш мақсадида кема командири ҳаво кемасининг эксплуатант номидан кема, багаж, юк, почтани транспортировка қилиш тўғрисида битим тузиши ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқа чораларни кўриши мумкин.

52. Бошқа ҳаво кемаси ёки денгиз кемасидан фалокат сигнали олган, ёки ҳалокатга учраётган ёхуд учраган ҳаво кемасини, ёхуд хавф остида қолган одамларни учратган ҳаво кемаси командири ўзига ишониб топширилган ҳаво кемаси, йўловчилари ва экипажига зарар етказмайдиган даражада уларга ёрдам кўрсатиши, картада фалокат жойини белгилаши ва ҳаво транспорти қатновини бошқариш органига фалокат тўғрисида хабар бериши шарт.

53. Ҳаво кемаси командири:

а) Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрда 549-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом, ушбу Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши учун;

б) ҳаво кемаси бортидаги йўловчилар сонининг ташиш ҳужжатларида кўрсатилган сонга мослиги учун (борткузатувчининг докладига кўра);

в) ҳар бир парвознинг хавфсиз тугаши ва ҳаво кемасини ўзи шахсан бошқариши ёки иккинчи учувчига бошқарувни берганлигидан қатъи назар, парвоз топшириғининг бажарилиши учун;

г) белгиланган парвоз тартиби ва самолётни бошқариш аниқлигига риоя этилиши учун;

д) қабул қиладиган қарорларининг асослилиги учун;

е) парвоз пайтида ва ерда ҳаво кемасида аниқланган носозликлар, ҳаво кемасининг ёки унинг тизимлари ишидаги четга чиқишлар тўғрисидаги изоҳларни борт дафтарида ўз вақтида киритилиши, борт дафтарида кўрсатилган ёнилғи қолдиғи миқдорининг ҳаво кемасини топшириш вақтида ундаги амалда мавжуд бўлган ёнилғи миқдорига мослиги учун;

ж) экипаж аъзоларига берилган тавсифномаларнинг ҳолисоналиги учун жавобгардир.

54. Иккинчи учувчи ҳаво кемаси командирига ва юқори турувчи командирларга (бошлиқларга) бўйсунди.

55. Иккинчи учувчи:

а) ҳаво кемаси командири соғлиғи ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра парвоз вақтида ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда парвозни хавфсиз бажарилишини таъминлаш даражасида ўқиши ва самолётни бошқариш техникасини билишга;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этишга;

в) парвозга тайёргарлик кўриш ва парвоз вақтида қарор қабул қилиш учун метеорологик ва аэронавигацион вазиятни тўғри баҳолай олишга;

г) ўзини парвоз топшириғини бажара олмайди деб ҳисобласа ёки уни бажариш хавфсизлиги учун ишончи комил бўлмаса уни бажаришдан бош тортишга;

д) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва экипаж иш технологиясига мувофиқ ҳаво кемасининг ҳолати ва парвозга шайлигини, унинг тўғри юкланганлигини, юкнинг тўғри тақсимланганлигини ва ишончли маҳкамланганлигини назорат қилишга;

е) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ иккинчи учувчига юклатилган бўлса, фазога кўтарилишдан олдин авария ва юк люкларини, ёнилғи қуйиш бакларини бекитиши, ҳаво кемаси фюзеляжининг эшикларини ёпишга;

ж) эҳтиёткорлик қоидаларини, радиоалоқа фразеологияси ва радиоалоқа олиб бориш қоидаларини билиш ва риоя этишга;

з) парвоз вақтида ҳаво кемаси командирига ҳаво кемаси авиация техникаси ва асбоб-ускуналаридаги барча четга чиқишлар ва носозликлар тўғрисида ўз вақтида билдиришга ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини беришга;

и) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ қарор қабул қилиш баландлигидан қўниш учун иккинчи марта айланиб ўқиб келишни бажаришга, башарти бунга қадар ҳаво кемаси командири томонидан қўниш ҳақида ёки иккинчи марта айланиб келиб қўниш ҳақида қарор қабул қилинмаган, экипажга хабар қилинмаган бўлса;

к) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасини қўнгандан кейин ва тўхтаб туриш жойига олиб бориб қўйгандан сўнг кўриқдан ўтказишга ва ХК командирига ўз мулоҳазаларини билдиришга мажбур.

56. Ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ экипажида штурман назарда тутилмаган ХК ларида парвоз карталари, маълумот материаллари, штурман ҳужжатлари ва аэронавигация ахборотлари ҳужжатлари мавжуд бўлиши учун жавобгарлик иккинчи учувчига юклатилади (FIRST OFFICER).

57. Иккинчи учувчи:

а) тегишли тайёргарликдан ўтгандан сўнг ХК командирининг рухсати билан парвознинг барча босқичларида ҳаво кемасини бошқаришга;

б) ҳаво кемаси командири соғлиғи ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра парвоз

вақтида ўз мажбуриятларини бажара олмаганда ва бу мажбуриятларни бажаришни иккинчи учувчи ўз зиммасига олган ҳолатларда, ҳаво кемаси командири ҳуқуқларини парвозда қўллашга ҳақли.

58. Иккинчи учувчи:

а) Мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) юкни ҳаво кемасининг белгиланган марказига ва парвоз массасига риоя этган ҳолда жойлаштириш ва маҳкамлаш (ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва экипаж иш технологиясига мувофиқ аниқланадиган мажбуриятларига мувофиқ);

в) рулни бошқариш ва парвоз вақтида эҳтиёткор бўлиши;

г) ҳаво кемаси командири томонидан қўниш ҳақида ёки иккинчи марта айланиб келиб қўниш ҳақида қарор қабул қилинмаган, экипажга хабар қилинмаган бўлса қарор қабул қилиш баландлигида ўз вақтида ва тўғри ҳаракат қилиши;

д) ҳаво кемаси командири томонидан берилган парвоз параметрларини тутиб туриш;

е) командирнинг рухсати билан, ёки ҳаво кемасининг командири соғлиғи туфайли ёки бошқа сабабларга кўра парвоз вақтида ўз вазифаларини бажара олмаган тақдирда ҳаво кемасини бошқарганда парвознинг хавфсиз тугаши;

ж) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХҚ командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажариши учун жавобгардир.

59. Штурман ҳаво кемаси командирига ва юқори турувчи командирларга (бошлиқларга) бўйсунади.

60. ХҚ штурмани:

а) ҳаво кемаси ускуналари ва навигация асбоб-ускуналарини, навигация воситаларидан фойдаланиш усулларини билишга ва белгиланган йўналишлар ва парвоз схемалари бўйича самолёт бошқарилишини таъминлашга;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этишга;

в) парвозга тайёргарлик кўриш ва парвоз вақтида қарор қабул қилиш учун метеорологик ва аэронавигацион вазиятни тўғри баҳолай олишга;

г) ўзини парвоз топшириғини бажара олмайди деб ҳисобласа ёки уни бажариш хавфсизлиги учун ишончи комил бўлмаса уни бажаришдан бош тортишга;

д) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва экипаж иш технологиясига мувофиқ ҳаво кемасининг ускуналари ва навигация асбоб-ускуналарининг ҳолати ва парвозга шайлигини назорат қилишга;

е) парвоз вақтида ҳаво кемаси командирига барча четга чиқишлар ва носозликлар тўғрисида ўз вақтида билдиришга ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини беришга;

ж) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасини қўнгандан кейин ва тўхтаб туриш жойига олиб бориб қўйгандан сўнг кўрикдан ўтказишга ва ХҚ командирига ўз мулоҳазаларини билдиришга мажбурдир.

61. Штурман:

а) мутахассислардан ҳаво кемаси ускуналарида ва навигация асбоб-ускуналарида аниқланган носозликларни бартараф этишни талаб қилиши;

б) самолётни бошқариш мақсадлари учун ердаги радионавигация воситалари ишига буюртма беришга ҳақли.

62. Штурман:

а) Мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) навигация асбоб-ускуналарини соз ҳолда қабул қилиш ва ҳаво кемаси бортида штурманлик жихозлари мавжудлиги;

в) белгиланган парвоз тартиби ва самолётнинг аниқ бошқарилиши;

г) ҳаво кемаси бортида парвозни бажариш учун зарур бўлган парвоз карталари, маълумот материаллари, штурман ҳужжатлари ва аэронавигация ахборотлари ҳужжатлари мавжуд бўлиши;

д) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХҚ командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажарилиши учун жавобгардир.

63. Бортмуҳандис (бортмеханик) ҳаво кемаси командирига ва юқори турувчи командирларга (бошлиқларга) бўйсунди.

64. Бортмуҳандис (бортмеханик)нинг мажбуриятлари:

а) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва ХҚни парвозда ва техник эксплуатация қилиш бўйича бошқа йўриқномаларга мувофиқ ҳаво кемасидан фойдаланиш қоидаларини билиши ва бажариши;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этиши;

в) ўзини парвоз топшириғини бажара олмайди деб ҳисобласа ёки уни бажариш хавфсизлиги учун ишончи комил бўлмаса уни бажаришдан бош тортиши;

г) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва экипаж иш технологиясига мувофиқ ҳаво кемасини парвозга тайёрлашни амалга ошириши;

д) ҳаво кемаси командирига ХҚ двигателлари ва тизимларидаги барча четга чиқишлар ва носозликлар тўғрисида ўз вақтида билдириши ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини бериши;

е) парвоз вақтида юзага келган ва бартараф этиш мумкин бўлган носозликларни тузата олиши;

ж) ҳаво кемаси командирининг двигателларни ва ҳаво кемаси тизимларини бошқариш бўйича буйруқларини ўз вақтида бажариши;

з) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасини қўнгандан кейин ва тўхтаб туриш жойига олиб бориб қўйгандан сўнг кўрикдан ўтказиши ва ХҚ командирига ўз мулоҳазаларини билдириши;

и) техник ҳужжатларни расмийлаштириши, парвоздан кейин борт дафтарига авиация техникаси иши бўйича ва кўрик натижаларига кўра изоҳларни ўз вақтида киритиши, ҳаво кемасини белгиланган тартибда топшириши.

65. Бортмуҳандис (бортмеханик) мутахассислардан ҳаво кемасида аниқланган носозликларни бартараф этишни ва ҳаво кемасини штат асбоб-ускуналари, зарур ашёлар ва кема ҳужжатлари билан таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

66. Бортмуҳандис (бортмеханик) қуйидагилар учун:

а) Мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) ҳаво кемасини соз ва парвоз учун шай ҳолда қабул қилиш;

в) ҳаво кемасидан ерда ва парвозда фойдаланиш қоидаларига риоя;

г) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага ва экипаж иш технологиясига мувофиқ, авария ва юк люкларини, ёнилғи қуйиш бакларини бекитиш, ҳаво кемаси фюзеляжи эшикларини;

д) ҳаво кемаси бортида белгиланган кема ҳужжатлари, авариядан қутқарув

воситалари, парвоз учун етарли миқдорда ёнилғи, мой, суюқликлар ва газлар бўлиши;

е) ҳаво кемаси командирига авиация техникасидаги носозликлар тўғрисида ўз вақтида билдириш;

ж) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХК командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажариши учун жавобгардир.

67. Бортрадист ҳаво кемаси командирига ва юқори турувчи командирларга (бошлиқларга) бўйсунди..

68. Бортрадист:

а) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасидаги электр-, радио-, ва ёруғлик-техник асбоб-ускуналарида фойдаланишни билиш ва улардан фойдаланишга, борт радиовоситалари ва икки томонлама радиоалоқа ишини таъминлашга;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этишга;

в) ўзини парвоз топшириғини бажара олмайди деб ҳисобласа ёки уни бажариш хавфсизлиги учун ишончи комил бўлмаса уни бажаришдан бош тортишга;

г) тўлиқ ҳажмда парвозга тайёргарлик кўришга;

д) ҳаво кемасидаги электр-, радио-, ва ёруғлик-техник асбоб-ускуналарининг ҳолатини ва парвозга шайлигини назорат қилишга;

е) ҳаво кемаси командирига ХХБ органлари кўрсатмаларини ва метеорологик ахборотни ўз вақтида етказишга;

ж) ҳаво кемаси командирига ХК электр-, радио-, ва ёруғлик-техник асбоб-ускуналаридаги барча четга чиқишлар ва носозликлар тўғрисида ўз вақтида билдиришга ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини беришга;

з) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ ҳаво кемасини қўнгандан кейин ва тўхтаб туриш жойига олиб бориб қўйгандан сўнг кўрикдан ўтказишга ва ХК командирига ўз мулоҳазаларини билдиришга мажбур.

69. Бортрадист авиация муҳандислари таркиби мутахассислардан ҳаво кемасида аниқланган ХК электр-, радио-, ва ёруғлик-техник асбоб-ускуналаридаги носозликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

70. Бортрадист куйидагилар учун:

а) Мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) борт радиовоситаларининг парвоз чоғида ишончли ишлаши ва икки томонлама барқарор радиоалоқанинг тутиб турилиши;

в) қабул қилинган диспетчерлик кўрсатмалари, метеорологик ва бошқа маълумотларнинг ҳаво кемаси командирига ўз вақтида ва аниқ билдирилиши;

г) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХК командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажарилиши учун жавобгардир.

71. Борткузатувчи бевосита ва юқори турувчи бошлиқларга, парвоз топшириғини бажариш вақтида эса ҳаво кемаси командирига бўйсунди.

72. Борткузатувчи:

а) ҳаво кемасидаги авариядан қутқариш ва маиший асбоб-ускуналардан фойдаланишни билишга ва уларнинг ҳолатини назорат қилиши, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ улардан фойдаланишга;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этишга;

в) ерда хизмат кўрсатиш бўйича агентдан ташув ҳужжатларини авиакомпания қоидаларига мувофиқ қабул қилиб олиш ва юк ҳамда «NOTOS» шакли бўйича махсус тоифадаги багаж мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни сўрашга, ХК командирига бортда махсус юк мавжудлиги тўғрисида ахборот беришга мажбур. Тижорат юкламасини ХК бортига жойлаштириш ва ундан туширишда борткузатувчининг мажбуриятлари доираси авиакомпания қоидалари орқали аниқланади;

г) юклама схемасига, марказлаштириш графигига ва йиғма-юклама ведомостига ёки ХК командирининг кўрсатмасига мувофиқ йўловчиларнинг жойлашишини назорат қилишга;

д) йўловчи салоида қўл юки (багаж)нинг авиакомпания қоидаларига мувофиқ жойлаштирилишини назорат қилишга, бунда аварияда чиқиш йўллари ва унга ўтиш йўлакларининг бекилиб қолмаслигига эътибор қаратишга;

е) ҳаво кемасининг санитария ҳолатини назорат қилишга, йўловчи салои ва иш жойида тозалик ва тартибни сақлашга;

ж) ҳаво кемаси командирига маиший буюмларнинг носозлиги тўғрисида ўз вақтида хабар беришга;

з) йўловчилар томонидан ҳаво кемаси бортида ўзини тутиш қоидаларига риоя этилишини таъминлашга, бу қоидаларнинг бузилганлиги тўғрисидаги барча ахборотларни ҳаво кемаси командирига ўз вақтида билдиришга;

и) йўловчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳаво кемаси командирининг кўрсатмасига (рухсатига) қўра уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўришга;

к) парвоз тугагандан сўнг ХК командирига ўз мулоҳазаларини билдириш, ўз ишини баҳолаш ва йўналишнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга;

л) ХК борт дафтарига маиший асбоб-ускуналарнинг парвоз давомидаги иши тўғрисида ёзиб қўйиш, маиший асбоб-ускуналарни ва бортдаги жиҳозларни белгиланган тартибда топширишга мажбур.

73. Борткузатувчи:

а) ерда жойлашган хизмат ходимларидан ҳаво кемасини парвозга тайёрлаш вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб этишга;

б) ҳаво кемаси бортидаги йўловчилардан ҳаво кемасида ўзини тутиш қоидаларини аниқ бажаришни талаб этишга ҳақли.

74. Борткузатувчи:

а) мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) йўловчиларнинг юклама схемасига, марказлаштириш графигига ва йиғма-юклама ведомостига ёки ХК командирининг кўрсатмасига мувофиқ жойлашиши;

в) йўловчи салоида қўл юки (багаж)нинг авиакомпания қоидаларига мувофиқ жойлаштирилиши, бунда аварияда чиқиш йўллари ва унга ўтиш йўлакларининг бекилиб қолмаслигига;

г) йўловчиларнинг ҳаво кемаси бортида ўзини тутиш қоидаларига риоя этишлари бўйича чоралар кўриш;

д) йўловчилар томонидан ҳаво кемаси бортида ўзини тутиш қоидаларининг бузилганлиги тўғрисида ҳаво кемаси командирига ўз вақтида билдириш;

е) йўналиш ҳисобот ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши;

ж) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХК командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажариши учун жавобгар.

75. Юк ХК бортоператори бевосита ва юқори турувчи бошликларга, парвоз топшириғини бажариш вақтида эса ҳаво кемаси командирига бўйсунди.

76. Бортоператор:

а) ҳаво кемасининг юк кабинаси (юк бўлмаси)даги асбоб-ускуналарни билиш ва улардан ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланмага мувофиқ фойдаланиш, юкларни ортиш, жойлаштириш ва маҳкамлаш қоидаларини, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини билишга;

б) парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этишга;

в) ташув ҳужжатларига ва марказлаштириш графигига мувофиқ юкларнинг борлиги, жойлаштирилиши ва маҳкамланганлигини ва упаковкasinинг созлигини назорат қилишга;

г) ҳаво кемаси командирига асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида ўз вақтида хабар беришга;

д) ҳаво кемаси ва унинг бортида жойлашган юкнинг бутлигини таъминлаш бўйича чоралар кўришга;

е) парвоз тугагандан сўнг ХК командирига ўз мулоҳазаларини билдириш, ўз ишини баҳолашга;

ж) ҳаво кемасидан юкни тушириб бўлгандан сўнг йўналишнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга;

з) ХК борт дафтарида ҳаво кемасининг юк кабинасидаги асбоб-ускуналарнинг иши тўғрисида ёзиб қўйиш, борт асбоб-ускуналарини ва бортдаги жиҳозларни белгиланган тартибда топширишга мажбур.

77. Бортоператор:

а) муҳандислик-авиация хизмати ходимларидан ҳаво кемасининг юк кабинаси (юк бўлмаси)даги асбоб-ускуналардаги носозликларни бартараф этишни талаб этишга;

б) ташувларни ташкил қилиш хизмати ходимларидан юкларнинг марказлаштириш графигига мувофиқ жойлаштирилиши ва маҳкамланишини, юкларнинг упаковкasi бузилган бўлса уларни тузатишни талаб этишга ҳақли.

78. Бортоператор:

а) мазкур Қоидалар, ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзига тегишли қисмлари бўйича талабларнинг бажарилиши;

б) юкларнинг ташув ҳужжатларига ва марказлаштириш графигига мувофиқ жойлаштирилиши ва маҳкамланганлиги;

в) ҳисобот ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши;

г) парвоз топшириғини бажариш вақтида ўз хизмат мажбуриятларини, ХК командирининг буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажарилиши учун жавобгар.

79. Махсус ишларни бажарадиган учувчи-кузатувчилар, бортоператорлар, шунингдек экипаж таркибига киритилган бошқа мутахассислар парвоз вақтида ҳаво кемаси командирига бўйсундилар ва лавозим йўриқномасига биноан ўз вазифаларини бажардилар.

80. Экипаж таркибига учувчилар таркибидан биттадан ортиқ бўлмаган стажёр қўшилиши мумкин.

81. Стажёр ҳаво кемаси командирига, юқори турувчи тўғридан-тўғри командирларга (бошликларга) ва бевосита унинг стажировкаси билан шуғулланувчи экипаж аъзосига бўйсунди, улар стажёрнинг ўз функционал вазифаларини тўлиқ ва тўғри бажарилиши учун жавобгар бўладилар.

82. Парвозга тайёргарлик кўриш вақтида ва парвозда стажёр қайси лавозимда

стажировка ўтаётганлиги ва кимнинг иш ўрнини эгаллаганига қараб, ўша экипаж аъзосининг функционал вазифаларини бажаради.

83. Стажёр ҳаво кемаси командири билан келишган ҳолда қайси лавозимда стажировка ўтаётганлигига қараб, бевосита унинг стажировкаси билан шуғулланаётган шахс томонидан берилган доирада ўша экипаж аъзосининг ҳуқуқларидан фойдаланади.

84. Стажёрнинг ўз функционал вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри бажарилиши, стажёр томонидан қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлик бевосита унинг стажировкаси билан шуғулланувчи экипаж аъзоси зиммасида бўлади.

85. Ҳаво кемасининг ҳар бир экипаж аъзоси:

а) парвоз вақтида юзага келган ҳаво кемаси тизимларини эксплуатация қилишнинг белгиланган нормаларидан, учиш техникасидан четга чиқишлар ёки уларнинг бузилиши ва уларга риоя этилмаётганлиги тўғрисида ўз вақтида ва эшиттириб экипажни огоҳлантиришга;

б) парвоз нихоясига етказилганидан сўнг ўзининг буйруқ берувчи раҳбарияти (буйруқ берувчи учувчилар) таркибига парвозни бажариш вақтида экипаж томонидан йўл қўйилган четга чиқишлар ёки бузилишлар тўғрисида хабар билдиришга мажбур.

86. Ҳаво кемаси экипажига етказилган зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

87. Экипажнинг барча аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталанган бўлиши зарур.

— V. Аэродромлар ва аэропортлар +

88. Йўловчилар, багаж, юк ва почтани ташиш мақсадида парвозни амалга оширадиган ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун, шунингдек бошқа мақсадларда аэродромлар ва аэропортлар ташкил этилади.

89. Ўзбекистон Республикаси ФА тасарруфидаги фуқаро аэродромлари Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан юритиш юклатилган ФА аэродромлари давлат реестрига киритилиши шарт.

90. Ўзбекистон Республикаси фуқаро аэродромларини ФА аэродромлари давлат реестрига киритиш ва давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланган тартибда бериладиган аэродромларнинг фойдаланиш учун яроқчилиги тўғрисидаги сертификатга асосан амалга оширилади.

91. Аэродромларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби, шунингдек муваққат аэродромларни, авиация ишларини таъминлаш учун аэродромлар ва қўниш майдончаларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланади.

92. Ҳамкорликда жойлашиш ва ҳамкорликда фойдаланиш аэродромларини давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади.

93. Ҳар қандай фуқаро аэродроми аэродромларнинг фойдаланишга яроқчилиги борасидаги нормаларга жавоб берсагина фойдаланишга қўйилади.

94. Фуқаро аэродромларидан фойдаланишга рухсат бериш Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

95. Фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемаларининг ҳамкорликда жойлашиши ва ҳамкорликда фойдаланиши, фуқаролик аэродромларида парвозларни таш-

кил қилиш ва бажариш тартиби, аэродром ҳудудида парвозларни бажариш мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган йўриқномага, аэродромлар аэроузелларга бирлаштирилганда эса — мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига кўра белгиланади.

96. Аэродром атрофида парвозларни бажариш бўйича йўриқнома парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга мувофиқ даврий текширувдан ўтказилиб турилиши керак. Текшириш амалдаги рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва аэродромларнинг фойдаланишга яроқлилиги тўғрисидаги гувоҳномани узайтириш жараёнида ўтказилади.

97. Ҳаво кемаларининг аэродром атрофида парвозларни бажариши учун зарур маълумотлар аэронавигация ахборотлари (АНА) ҳужжатларида эълон қилинади.

98. Аэродромларни қуриш ва қайта қуриш тегишли вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилиши керак.

99. Аэродром ҳудудида бинолар, иншоотлар, алоқа линиялари, юқори кучлинишли электр узатиш, радиотехника линиялари ва ҳаво кемалари парвозига хавф тўғдириши ёки аэродромларнинг радиотехник алоқаларининг нормал ишлаши учун ҳалақит бериши мумкин бўлган бошқа объектларни жойлаштириш тасарруфида аэродром бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан келишилиши керак.

100. Ҳаво кемалари ҳаракатининг интенсивлиги, авиаташувлар ҳажмига қараб аэропортлар бешта классга бўлинади: 1, 2, 3, 4 ва 5. 5-классдан паст бўлган барча аэропортлар таснифланмаган аэропортларга киради.

101. Аэропортларнинг жойлашиши, режалаштирилиш ва таснифланиши ФА аэропортларини технологик лойиҳалаш нормалари орқали аниқланади (ICAO 9184-ҳужжати. 2002 й. № 3).

102. ФА аэродромлари:

а) учиш-қўниш йўлаклари турига кўра — сунъий қопламали, грунтли, гидроаэродромлар, қор ва музли;

б) фойдаланиш хусусиятига кўра — доимий ва вақтинчалик, кундузги ва тунукун ишлайдиган;

в) мақсадига кўра — трасса учун, завод, ўқув ва авиация ишларини бажариш учун;

г) жойлашиши ва экипажлар томонидан парвозда трасса бўйлаб фойдаланишига кўра — базавий, оралик, учиш, қўниш ва захира;

д) денгиз сатҳига кўра жойлашиш баландлиги ва рельефи хусусиятига кўра — тоғли ва текисликда жойлашган;

е) фойдаланишга қўйилиши бўйича қўниш учун минимум бўйича — тоифаланган ва тоифаланмаган аэродромларга бўлинади.

103. Стандарт шароитларда сунъий қоплама узунлигига қараб аэродромлар А, Б, В, Г, Д, Е классларига бўлинади.

VI. Парвозлар таснифи

104. Фуқаро ҳаво кемаларининг парвозлар учиш шароитлари ва самолётни бошқариш, ҳудуди, баландлиги, физик-географик шароитлар ва сутка вақтига қараб таснифланади.

105. Парвозлар мақсадга қараб қуйидагиларга бўлинади:

а) транспорт парвозлари — йўловчи, юк, почта ва бағажни ташиш учун;

б) авиация ишларини бажариш бўйича — ФАдан халқ хўжалиги тармоқларида

фойдаланишда, шунингдек аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва санитария тадбирларини ўтказиш учун;

в) ўқув парвозлари — курсантлар ва ўқув юртлари тингловчиларини ўқитиш учун;

г) машқ ва текширув парвозлари — учувчилар таркибини машқ қилдириш ва малакасини текшириш учун;

д) методик парвозлар — ҳаво кемалари ҳаракатининг рационал траекторияларини излаш ва ҳаво кемасини бошқариш методларини аниқлаш, учувчилар таркибини ўқитиш дастурлари ва методикаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, йўриқчилик ишига қўйилган учувчилар таркибининг методик тайёргарлигини текшириш;

е) тадқиқот (илмий) — илмий тадқиқотлар ўтказиш учун;

ж) синов (назорат-синов) — ҳаво кемасини ёки унга ўрнатилган двигателлар ва асбоб-ускуналарни синаш учун;

з) ердаги тизимлар ва РТВни учириб кўриб синовдан ўтказиш — радиотехник воситалар, ердаги навигация қўниш тизимларини текшириш, сошлаш учун;

и) ҳаво кемаларини учириб синаб кўриш (ХК назорат парвозлари) — ҳаво кемаси тизимлари ва агрегатларининг ерда текшириш мумкин бўлмаган ишини парвозда синаб кўриш учун;

к) бошқа жойга ўтказиш — ҳаво кемаларини таъмирлашга (таъмирлашдан) олиб бориш, янги жойлашиш жойига ёки иш жойига етказиш;

л) намоёиш парвозлари — авиация техникасини кўрсатиш, авиация ютуқларини ташвиқот қилиш учун (авиасалонлар-кўргазмалар);

м) қидирув-қутқарув ва авариядан қутқариш — ҳалокатга учраган экипаж, йўловчилар, учувчи аппаратлар, дарё ва денгиз кемаларини излаш ва ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек табиий офатларда.

106. Учиш ва самолётни бошқариш шароитларига кўра парвозлар:

а) визуал парвозлар;

б) ускуналар бўйича парвозларга бўлинади.

107. Қўнишни бошлаш:

а) ВПҚ бўйича қўнишни бошлаш;

б) визуал қўнишни бошлаш;

в) ускуналар бўйича қўнишни бошлаш схемаларидан фойдаланган ҳолда қўнишга бўлинади.

Визуал қўнишни бошлаш, одатда ускуналар бўйича қўнишни бошлашнинг давоми бўлиб, белгиланган қоидаларга кўра амалга оширилади ва қўнишдан олдинги тўғри чизиққа кириш учун кўз билан кузатган ҳолда маневр бажаришни назарда тутди.

108. Ускуналар бўйича қўнишни бошлаш схемаларидан фойдаланган ҳолда қўнишга киришиш қуйидагиларга бўлинади:

а) қўниш учун ноаниқ кириш;

б) қўниш учун аниқ кириш;

109. Бажарилиш ҳудудига қараб парвозлар қуйидагиларга бўлинади:

а) аэродром (аэроузеллар) — аэродром районида (аэроузелда);

б) трасса бўйлаб — ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари бўйлаб;

в) майдон бўйлаб — авиация ишларини бажариш ҳудудиларида;

г) йўналиш-трасса бўйлаб — битта парвозда белгиланган йўналиш ва ҳаво трассаси (МХЙ) бўйлаб бажарилади.

110. Парвозлар баландлигига кўра:

- а) чекланган паст баландликларда — 200 метргача маҳаллий рельефлар ва сув ҳавзалари устидан ўтадиган парвозлар;
 - б) кичик бўлмаган — 200 метрдан баланд ва 1000 метргача маҳаллий рельефлар ва сув ҳавзалари устидан ўтадиган парвозлар;
 - в) ўртача баландликларда — денгиз сатҳидан 1000 метрдан ва 4000 метргача баландликда;
 - г) юқори баландликларда — денгиз сатҳидан 4000 метрдан ва 12000 метргача баландликда;
 - д) стратосферада — денгиз сатҳидан 12000 метрдан ортиқ баландликда амалга ошириладиган парвозларга бўлинади.
111. Физик-географик шароитларга кўра:
- а) текислик ва паст-баланд жойлар устидан ўтадиган;
 - б) тоғли жойлар устидан;
 - в) чўл жойлардан ўтувчи;
 - г) сув ҳавзалари устидан;
 - д) уч ва ундан ортиқ соат пояси кесишган жойлардан ўтувчи парвозларга бўлинади.
112. Парвоз сутканинг қайси вақтида бажарилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:
- а) кундузги — қуёш чиқиши ва ботиши оралиғида бажариладиган парвозлар;
 - б) тунги — қуёш ботиши ва тонг отиши оралиғида бажариладиган парвозлар;
 - в) оралиқ — ҳаво кемаси учишидан қўнишига қадар бўлган вақтда кундузги парвоздан тунги парвозга ёки аксинча ўтилади.

VII. Минимумлар

113. Парвозлар хавфсизлиги ва мунтазамлигини таъминлаш учун қуйидаги минимумлар белгиланади:
- а) аэродром минимумлари;
 - б) ҳаво кемаси минимумлари;
 - в) ҳаво кемаси командирининг минимумлари;
 - г) авиация ишлари минимумлари.
114. Фазога кўтарилиш учун аэродром минимуми — учиш-қўниш йўлагида кўришни минимал йўл қўйиладиган даражаси, зарурат бўлганда — булутлар пастки чегарасининг ушбу турдаги ҳаво кемасида парвозни бажаришга рухсат этиладиган баландлиги.
115. Қўниш учун аэродром минимуми — учиш-қўниш йўлагида кўришнинг ва ушбу турдаги ҳаво кемасининг қўнишига рухсат этиладиган, қарор қабул қилишнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси, пасайишнинг минимал баландлиги (булутлар пастки чегарасининг баландлиги).
116. Аэродромнинг визуал қўнишни бошлаш минимуми — ушбу аэродромда мазкур турдаги ҳаво кемасида визуал кузатиб қўнишга рухсат этиладиган минимал пасайишнинг, кўришнинг ва булутлар пастки чегараси баландлигининг минимал йўл қўйиладиган даражаси.
117. Фазога кўтарилиш учун аэродром машқ минимуми — учиш-қўниш йўлагида кўришнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси, зарурат бўлганда — булутлар пастки чегарасининг ушбу турдаги ҳаво кемасида машқ парвозларини бажаришда учишга рухсат этиладиган баландлиги.
118. Қўниш учун аэродром машқ минимуми — учиш-қўниш йўлагида кўриш-

нинг ва ушбу турдаги ҳаво кемасининг машқ парвозларида қўнишга рухсат этиладиган, қарор қабул қилишнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси, пасайишнинг минимал баландлиги (булутлар пастки чегарасининг баландлиги).

119. Фазога кўтарилиш учун ҳаво кемаси минимуми — ушбу турдаги ҳаво кемасида фазога кўтарилишни хавфсиз амалга оширишга имкон берадиган баландлиги белгиланган бўлса, учиш-қўниш йўлагиди кўришнинг, булутлар пастки чегарасининг минимал йўл қўйиладиган даражаси.

120. Қўниш учун ҳаво кемаси минимуми — учиш-қўниш йўлагиди кўришнинг ва ушбу турдаги ҳаво кемасининг хавфсиз қўнишига имкон берадиган, қарор қабул қилишнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси, пасайишнинг минимал баландлиги (булутлар пастки чегарасининг баландлиги).

121. Ҳаво кемасининг визуал кузатиб қўнишни бошлаш минимуми — мазкур турдаги ҳаво кемасида визуал кузатиб хавфсиз қўнишига имкон берадиган минимал пасайишнинг, кўришнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси.

122. Фазога кўтарилиш учун ҳаво кемаси командирининг минимуми — ушбу турдаги ҳаво кемасининг командирига фазога кўтарилишга рухсат этиладиган баландлиги белгиланган бўлса, учиш-қўниш йўлагиди кўришнинг, булутлар пастки чегарасининг минимал йўл қўйиладиган даражаси.

123. Қўниш учун ҳаво кемаси командирининг минимуми — учиш-қўниш йўлагиди кўришнинг ва ушбу турдаги ҳаво кемаси командирига қўнишга рухсат этиладиган қарор қабул қилишнинг минимал йўл қўйиладиган даражаси, пасайишнинг минимал баландлиги (булутлар пастки чегарасининг баландлиги).

124. Қўниш учун ВПҚга кўра ҳаво кемаси командирининг минимуми — ушбу турдаги ҳаво кемаси командирига визуал бажариладиган парвозлар бажаришга рухсат этиладиган кўринишнинг, булутлар пастки чегарасининг минимал йўл қўйиладиган даражаси.

125. Авиация ишлари минимуми — ушбу иш тури учун белгиланган парвозларни бажариш қоидаларини (ВПҚ, УПҚ) қўллаган ҳолда авиация ишларини бажаришга рухсат этиладиган кўришнинг, булутлар пастки чегарасининг минимал йўл қўйиладиган даражаси.

126. Мураккаб метеорологик шароитларда парвозларнинг хавфсизлигини ва самарадорлигини таъминлаш учун қўниш ва қўнишлар учун аниқ киришнинг ИСАО бўйича тоифалари ўрнатилади:

а) ИСАО I — тоифа — қўниш учун аниқ кириш ва ускуналар бўйича қўниш учун қарор қабул қилиш баландлиги камида 60 метр, ва (ёки) кўриш узоқлиги камида 800 метр, ёхуд учиш-қўниш йўлакчасидаги кўриш узоқлиги камида 550 метр бўлганда;

б) ИСАО II — тоифа — қўниш учун аниқ кириш ва ускуналар бўйича қўниш қарор қабул қилиш баландлиги 60 метрдан кам, лекин 30 метрдан кўп ва учиш-қўниш йўлакчасидаги кўриш узоқлиги камида 350 метр бўлганда;

в) ИСАО IIIa — тоифа — қўниш учун аниқ кириш ва ускуналар бўйича қўниш қарор қабул қилиш баландлиги 30 метрдан кам, ёки қарор қабул қилиш баландлиги чекланмаган ва учиш-қўниш йўлакчасидаги кўриш узоқлиги камида 200 метр бўлганда;

г) ИСАО IIIb — тоифа — қўниш учун аниқ кириш ва ускуналар бўйича қўниш қарор қабул қилиш баландлиги 15 метрдан кам, ёки қарор қабул қилиш баландлиги чекланмаган ва учиш-қўниш йўлакчасидаги кўриш узоқлиги камида 200 метрдан кам, лекин 50 метрдан кўп бўлганда;

д) ИСАО IIIc — тоифа — қўниш учун аниқ кириш ва ускуналар бўйича қўниш қарор қабул қилиш баландлиги ва учиш-қўниш йўлакчасидаги кўриш узоқлиги чекланмаган.

127. Агар қарор қабул қилиш баландлиги (ҚҚБ) ва УҚЙда кўриш узоқлиги турли тоифаларда бўлса, унда ушбу парвозни қайси тоифага киритиш ҚҚБ бўйича ёки УҚЙда кўриш узоқлиги бўйича аниқланиши мумкин. Парвоз паст минимумли тоифа бўйича бажарилади.

128. Аэродромлар, ҳаво кемалари, ҳаво кемалари командирлари, авиация ишлари турлари учун шамол тезлиги бўйича чекловлар белгиланиши мумкин.

129. Ҳар бир муайян ҳолатда фазога кўтарилиш учун (қўниш, йўналиш бўйлаб парвоз қилиш, авиация ишлари ҳудуди бўйича) қарор қабул қилишда аэродромлар, ҳаво кемалари, ҳаво кемалари командирлари, авиация ишлари турлари минимумларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг энг юқориси бўйича минимум аниқланади.

130. Яқиндаги радиомаркерли узатмали радиостанцияда (ЯРУР) метеокузатишлар бўлмаганда булутларнинг пастки чегараси баландлигида қўниш учун минимум ошади:

а) РКТ бўйича — булутларнинг пастки чегараси баландлиги бўйича 30 м ва УҚЙда кўриш узоқлиги бўйича 500 метргача;

б) ҚТУ бўйича — булутларнинг пастки чегараси баландлиги 200 метргача (камида) ва УҚЙда кўриш узоқлиги минимум бўйича, лекин камида 2500 метр бўлганда.

131. Қўниш тизимлари билан жиҳозланган аэродромларда метеорологик кузатишлар учиш бошланиш жойи яқинида ва булутларнинг пастки чегараси баландлиги 200 метр ва ундан кам бўлган яқинликдаги радиомаркерли узатмали радиостанцияда (ЯРУР) ўтказилади.

132. Қўниш тизимлари билан жиҳозланмаган аэродромларда кузатиш бошқарув-диспетчерлик пунктида олиб борилади. Пастки минимум булутлар баландлиги бўйича 200 метрдан ошадиган аэродромларда яқинликдаги радиомаркерли узатмали радиостанцияда (ЯРУР) кузатиш ўтказилмайди.

133. Ҳаво кемаларининг учиши ва қўниши халқаро метеоминимуми ИСАОнинг II ва III-тоифалари бўйича таъминланадиган аэродромларда булутларнинг пастки чегарасини кузатиш яқинликдаги радиомаркерли узатмали радиостанцияда (ЯРУР) ўтказилади.

134. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемалари билан халқаро қатновларни бажаришда фойдаланиладиган хорижий аэродромлар учун учиш ва қўниш минимумлари белгиланади, улар ҳудудида аэродром жойлашган давлат томонидан белгиланган минимумлардан паст бўлмаслиги керак, янада пастроқ минимум ўрнатиш учун давлатнинг розилиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. Ҳаво трассалари, маҳаллий ҳаво йўллари ва белгиланган йўналишлар

135. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидаги парвозлар ҳаво трассалари, маҳаллий ҳаво йўллари ва белгиланган йўналишлар бўйича амалга оширилади.

136. Ҳаво трассалари, маҳаллий ҳаво йўллари ва белгиланган йўналишларнинг йўналишлари, кенглиги, шунингдек парвозлар эшелонлари (баландлиги) парвозлар хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ва тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

137. Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлик талабларига жавоб бериши аниқлангандан кейингина фойдаланишга қўйилади.

138. Ҳаво трассасининг кенглиги қоидага кўра 10 км қилиб белгиланади. Ало-

ҳида ҳолларда РТВ етарлича таъминланмаган ҳудудларда ҳаво трассасининг кенглиги 20 км.гача кенгайтирилиши мумкин.

139. Ҳаво трассаларининг баъзи бир участкаларида ҳаво кемалари парвозлари учун ҳаво трассалари ва МХЙнинг бошқа парвозлар билан банд бўлмаган даври учун тўғрилланган йўналишлари белгиланиши мумкин

140. Маҳаллий ҳаво йўллари қоидага кўра пастки самовий ҳудудларда белгиланади ва икки тоифага бўлинади:

а) биринчи тоифа — кенглиги 10 км бўлган ажратилган эшелонларда парвозлар учун;

б) иккинчи тоифа — пастки эшелондан қуйидаги баландликларда визуал бажариладиган парвозлар қоидалари бўйича парвозлар учун. Иккинчи тоифа МХЙ кенглиги жойнинг рельефи ва ундаги сунъий тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда 4 км.гача белгиланади.

141. Трассадан ташқари (МХЙ ташқари) парвозларни визуал бажариладиган парвозлар қоидалари бўйича бажаришда йўналиш кенглиги қуйидагича белгиланади:

а) эшелонларда — йўналиш ўқидан иккала томонга қараб 5 км.дан;

б) пастки эшелондан қуйида — йўналиш ўқидан иккала томонга қараб 2 км.дан.

142. Ҳаво трассаларидан ва МХЙ дан ташқаридаги парвозлар йўналишлари аэродромларда баландликка чиқиш ва тушиш траекториялари билан, шунингдек полигонлар ҳудудидаги отишма чизиқлари ва мўлжалга кириш йўналишлари билан кесишмаслиги керак.

143. Йўналишни танлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низомда назарда тутилган чеклов нормаларини ҳисобга олиш керак.

144. Ўзбекистон Республикасининг ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ХМҚ ва ХХК қўмондонлиги томонидан тасдиқланадиган Махсус рўйхатга кирилади ва ҳар бир ҳаво трассасига ҳамда маҳаллий ҳаво йўли участкасига қуйидагилар белгиланади:

а) бурилиш пунктлари координатлари;

б) номи;

в) магнит-йўл бурчаги (МЙБ);

г) масофа;

д) кенглик;

е) парвознинг пастки хавфсиз эшелонлари (баландлиги);

ж) рухсат этилган парвоз эшелонлари (баландлиги).

IX. Парвоз ишларини ташкил этиш

145. Парвоз ишларини ташкил этиш — турли тармоқлар, ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича парвозлар хавфсизлиги, мунтазамлиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлаган ҳолда ҳаво ташувларини ва авиация ишларини бажариш учун парвоз ишларини режалаштириш ва учувчилар бўлинмалари ҳамда ҳаво кемалари экипажларини бошқариш бўйича тадбирлар тизими.

146. Парвоз ишларини ташкил этиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) парвоз ишларини режалаштириш;

б) учувчилар таркибини касбий тайёрлаш;

- в) ҳаво кемалари экипажларини шакллантириш;
- г) учувчилар таркибини парвозга қўйиш;
- д) экипажларни дастлабки ва парвоздан олдинги тайёргарлиги;
- е) учувчилар таркибининг ишини текшириш;
- ж) экипаж таркибини текширувчилар билан бирга парвоз;
- з) парвозлар таҳлили;
- и) парвоз ишларини назорат ва таҳлил қилиш;
- к) учувчилар билан методик ишлар.

147. Парвоз ишларини ташкил этиш ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратнинг йўриқномалари, буйруқлари, кўрсатмалари, экипаж аъзоларини тайёрлаш дастурлари ва бошқа норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

148. Буйруқ берувчи-учувчилар таркиби авиакорхоналар (авиакомпаниялар) ва уларнинг таркибий бўлинмаларида парвоз ишларини ташкил этиш ҳолати ва парвозлар хавфсизлиги даражаси учун шахсий жавобгардир.

149. Ҳар бир экипажнинг парвозларини назорат қилиш парвоз ахборотларини таҳлил қилиш материалларидан фойдаланган ҳолда ҳар ойда камида бир марта учувчилар бўлинмасининг буйруғига мувофиқ командир-учувчилар таркиби томонидан амалга оширилади.

150. Назорат мажбурий тартибда қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- а) машқ ва назорат парвозларини экипаж таркибида текширувчи (учувчи) билан бирга бажариш вақтида;
- б) литер йўналишларини бажаришда;
- в) ҳаво кемаси командири томонидан биринчи мустақил парвозни бажаришда;
- г) бўлинмаларнинг ва АТБ буйруқ берувчи — учувчилар таркиби буюртмасига кўра;
- д) экипаж ишида ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма, парвоз қилиш қоидалари ва ХХБ талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда;
- е) ҳаво кемалари командирларининг талабига кўра.

151. Тақдим этиладиган парвоз ахборотларининг ўз муддатида берилиши ва сифати учун жавобгарлик парвоз маълумотларини дастлабки ишлашни амалга оширадиган хизматлар раҳбарлари зиммасида бўлади. Олинган маълумотлар бўйича пировард ҳулосани командир-учувчилар таркиби беради.

Х. Ҳаво кемалари парвозларини таъминлаш

1-§. Парвозларни таъминлаш турлари

152. Ҳаво кемалари парвозларини таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш;
- б) метеорологик таъминот;
- в) парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш;
- г) аэронавигацион (штурманлик) таъминоти;
- д) муҳандислик-авиация таъминоти;
- е) аэродром таъминоти;
- ж) электр-ёритиш техник таъминоти;
- з) радиотехник таъминот;

- и) ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи хизматлар билан таъминлаш;
- к) орнитологик таъминот;
- л) тиббий таъминот;
- м) авиация хавфсизлигини таъминлаш;
- н) қидириш ва авариядан қутқариш таъминоти;
- о) ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати билан таъминлаш.

153. Парвозларни таъминлаш авиакорхоналар (авиакомпаниялар) хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ФАда парвозларни таъминлаш турлари бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил этилади.

154. Ҳаво кемалари парвозларини таъминловчи хизматларнинг мансабдор шахсларининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари хизматлар тўғрисидаги низомлар, лавозим йўриқномалари ва уларнинг иш технологияларига мувофиқ белгиланади.

2-§. Ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш (XXXX)

155. Ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом, ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси ҳаво транспортини ташкил қилиш бўйича ваколатли органи томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар ва технологиялар, шунингдек аэродромлар (аэроузеллар) ҳудудларида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномалар талабларига мувофиқ ташкил этилади.

156. Ҳаво транспорти ҳаракатига хизмат кўрсатиш СХБ ЯТ XXXX органлари томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) ҳаво транспорти қатновини режалаштириш ва мувофиқлаштириш;
- б) ҳаво транспорти қатновини бошқариш;
- в) ҳаво кемалари экипажлари томонидан Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартибига риоя этилиши устидан назорат.

157. XXXXнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) парвозларнинг ердаги ва назоратдаги самовий ҳудудда хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ХК манёврлаш майдонидаги тўсиқлар билан тўқнашининг олдини олиш;
- б) самовий ҳудуддан самарали фойдаланган ҳолда ҳаво трассалари ва аэродромларнинг энг юқори ўтказувчанлик хусусиятларига эришиш учун ҳаво транспорти қатнови оқимининг бир маромдалиги устидан бошқарувни амалга ошириш;
- в) турли идоралар авиацияси парвозларини тегишли органлар билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

158. Назорат қилинадиган самовий ҳудудда УПҚ бўйича барча парвозлар ва назорат қилинадиган самовий ҳудуднинг махсус ҳудудларида ВПҚ бўйича бажариладиган барча парвозлар ва назорат қилинадиган аэродромлардаги аэродром ҳаракатларида ҳаво транспорти қатнови учун хизмат кўрсатилади.

159. XXXX органлари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари уларнинг лавозим йўриқномаларида кўрсатилган.

3-§. Парвозларнинг метеорологик таъминоти

160. Ўзбекистон Республикаси ФА парвозларининг метеорологик таъминоти-ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорологик хизмат маркази Халқаро ФА тўғрисидаги Конвенциянинг 3-илоvasи (1944 й.), ЖМТ (Жаҳон метеорологик ташкилоти)нинг техник регламенти, Ўзбекистон Республикасининг Авиация Қоидалари «Фуқаро ва экспериментал авиацияси парвозларининг метеорологик таъминоти» (Ўзбекистон Республикаси АҚ-180), Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларининг фойдаланишга яроқлилиқ нормалари» ҳар бир муайян аэропорт учун ишлаб чиқилган парвозларни метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага мувофиқ ташкил қилади.

161. Парвозларнинг метеорологик таъминотининг тўлиқлиги, сифати ва ўз вақтида кўрсатилиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология маркази зиммасида бўлади.

162. ФАни метеорологик таъминлашдан (хизмат кўрсатишдан) мақсад ҳаво кемалари экипажларига, ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш органларига ва парвозларни режалаштириш ва таъминлаш билан боғлиқ авиакорхоналар (аэропортлар)нинг мансабдор шахсларига парвозларнинг хавфсизлиги, мунтазамлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган метеорологик ахборотни етказишдан иборат.

163. Авиация эҳтиёжлари учун мўлжалланган метеорологик ахборот иложи борица қисқа ва осон талқин этиладиган бўлиши керак.

164. Мунтазам метеокузатишлар парвозлар даврида ҳар 30 дақиқада, парвозлар йўқлигида — ҳар бир соатда ўтказилади.

165. Махсус метеокузатишлар аэропортнинг метеорологик органи томонидан ишлаб чиқилиб, ХХХК тегишли органлари ва бошқа манфаатдор хизматлар билан келишиладиган об-ҳаво шароитларининг ёмонлашуви ёки яхшиланиши тўғрисидаги мезонлар рўйхатиға мувофиқ ўтказилади.

166. Аэродром метеорологик органларидан олинган кузатиш маълумотлари, бундай орган бўлмаганда эса ФА мутахассислари кузатувлари натижасида олинган маълумотлар ҳаво кемаларини фазоға кўтарилиши, қўниши, қабул қилиш, чиқариш ва парвози тўғрисида қарор қабул қилишға асос бўладиган аэродромлардаги ҳақиқий об-ҳаво ҳақидаги расмий маълумотлар ҳисобланади.

167. Ҳаво кемасининг фазоға кўтарилиши ва қўниши учун энг охирги метеорологик ахборот лозим бўлганда ХХБ диспетчерининг сўровномасиға кўра аэропортнинг метеорологик органи томонидан берилади.

168. Ҳаво кемалари экипажларини учишдан олдин таъминлаш учун мўлжалланган метеорологик ахборот қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

а) учиш, қўниш ва захира аэродромлари бўйича мунтазам ва танлаб қилинадиган махсус йиғма об-ҳаво маълумотлари;

б) учиш аэродроми, парвоз йўналиши ва регионлари бўйича огоҳлантиришлар ва SIGMET ахборотлари;

в) ҳаво кемалари бортидан хабар;

г) шамол, баландликдаги ҳаво ҳарорати, троппауза баландлиги, тез ҳаракат қиладиган оқимлар тўғрисидаги жорий ва прогноз карталари;

д) МРЛ ахбороти;

е) ернинг метеорологик йўлдошларидан олинган фотосуратлар.

169. Оғзаки метеорологик маслаҳат экипаж талабига кўра ўтказилади.

170. Аэропортда «Диспатч» метеорологик хизмати мавжуд бўлганда, ҳаво кемаси экипажини парвоздан олдинги тайёргарлиги даврида метеорологик таъминлаш шу хизмат диспетчери орқали амалга оширилади. Диспетчер аэропортнинг метеорологик хизматидан ушбу Қоидаларнинг 168-бандида назарда тутилган, парвозни бажариш учун зарур бўлган метеоахборотни олади, бу ҳақда махсус журналга қайд қилиб, ўз имзосини қўяди.

171. Зарурият бўлганда ҳаво кемаси экипажи бевосита аэропортнинг метеорологик хизмати вакилидан оғзаки метеорологик маслаҳат ва/ёки буюртма бўйича йўриқнома олиши мумкин.

172. Ҳаво кемаси экипажи парвоздан олдинги тайёргарлик жараёнида об-ҳаво шароитларининг ривожланиш тенденцияларини ва парвоз учун хавфли метеоҳодисалар ҳудудини айланиб ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фазога қўтарилиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилиш мақсадида учуш, қўниш, захира аэродромларида ва ҳаво трассасида (йўналиш, парвоз ҳудуди бўйича) метеошароитларни таҳлил этиши шарт.

173. Ҳаво кемалари экипажлари амал қилиш муддати қўшимча 30 дақиқани ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб вақтидан кам бўлган асосий ва захира аэродромлари прогнозлари бўйича учиб кета олмайди.

174. Парвоздаги ҳаво кемаларининг экипажлари ХХХК органлари ва радиоэшитиришлар (ATIS, VOLMET, СВЧ ва ОБЧ радиоканаллари) орқали метеорологик ахборот билан таъминланади.

175. ХК қўнгандан сўнг унинг командири (иккинчи учувчи ёки штурман) манзил аэропортининг метеорологик хизматига парвоз давомида кузатилган об-ҳаво тўғрисида хабар қилиши ва учуш аэропортидан метеохужжатлар олган бўлса, уларни топшириши шарт.

176. Авиация ишлари ҳудудлари бўйича парвозларнинг метеорологик таъминотини парвозларнинг метеотаъминоти бўйича, чегаралари авиакорхоналар (аэропортлар) ва АМСФ раҳбарлари томонидан аниқланадиган парвоз ҳудудлари (денгиз, қўл ҳудуди) бўйича йўриқномада назарда тутилган ҳажмда Авиацион метеорологик станция томонидан амалга оширилади.

177. Эксплуатант метеорологик хизматни қўйидаги ҳолларда парвозларни метеорологик таъминлаш характериини ўзгартириш зарурати тўғрисида ўз вақтида (8 суткада) хабардор қилади:

а) агар янги халқаро ёки ички авиайўллар очилиши ёки янги турдаги иш тури бажарилиши режалаштириляётган бўлса;

б) агар мунтазам қатновлар жадвалига узоқ вақт давом этадиган характердаги ўзгариш киритиляётган бўлса;

в) парвозларни метеорологик таъминлаш характериға таъсир этадиган бошқа ўзгаришлар режалаштириляётган бўлса

4-§. Парвозларнинг аэронавигацион (штурманлик) таъминоти

178. Парвозларнинг аэронавигацион (штурманлик) таъминоти қўйидагиларни назарда тутлади:

а) аэронавигация соҳасида парвозларға тайёргарлик кўриш ва уни бажаришни тартибға солувчи норматив ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

б) учувчилар таркиби ва мансабдор шахсларни аэронавигацион (штурманлик) тайёргарлиги;

в) парвозларни бажариш учун зарур бўлган аэронавигация маълумотларини экипажлар диққатиға ўз вақтида етказишни ташкиллаштириш;

г) ҳаво кемаларининг учиши ва қўниши учун аэродромларнинг метеорологик минимумларини ишлаб чиқиш;

д) ҳаво кемаларининг аэродром (аэроузел) ҳудудида маневрлаш схемасини ишлаб чиқиш.

179. Парвозларнинг аэронавигацион (штурманлик) таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «ФАда аэронавигация»га (Ўзбекистон Республикаси АҚ-93) (АҚ АН ФА-2003) мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

5-§. Парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш

180. Парвозларни бажарадиган ХК экипажларини ва парвозларни таъминлаш билан боғлиқ авиация ходимларини аэронавигацион ахборотлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «ФАда аэронавигация ахбороти хизматлари»га (Ўзбекистон Республикаси АҚ-174) (АҚ САИ ФА-2003) мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

181. Эксплуатантнинг ХК экипажини учиш, қўниш, оралик қўниш, захира аэродромлари, парвозларни бажариш йўналиши ёки ҳудуди бўйича аэронавигация ахборотлари (тўпламлар, парвоз-радионавигация карталари, аэронавигация вазиятидаги ўзгаришлар тўғрисидаги хабарномалар ва NOTAM, дастлабки навигация ҳисоб-китоблари) билан таъминлашни бевосита эксплуатантнинг аэронавигация ахбороти хизмати (парвозларни аэронавигацион таъминлаш хизмати, аэронавигацион ахборот бюроси, штурманлик хизмати) ёки шартнома асосида бошқа эксплуатантнинг шунга ўхшаш хизмати (бажарувчи) амалга оширади.

182. Аэронавигацион таъминлаш хизмати АНА истеъмолчиларини авиакорхоналар ва аэропортлардан тушадиган маълумотлар — аэронавигация вазиятидаги ўзгаришлар тўғрисида тузатишлар ва хабарномалар (NOTAM) чоп этиш ва тарқатиш йўли билан ўз вақтида хабардор қилиши керак.

6-§. Парвозларни муҳандислик-авиация таъминоти

183. Парвозларни муҳандислик-авиация таъминоти қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳаво кемаларини белгиланган нормативларга мувофиқ соз ҳолда тутиш;

б) авиация техникасининг ишламай қолиши ва носозликларининг сабабларини таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни татбиқ этиш;

в) ҳаво кемаларига ўз вақтида ва сифатли техник хизмат кўрсатишни таъминлаш;

г) авиацион-техник тайёргарлик ўтказиш, авиация ходимларининг авиация техникасидан фойдаланиш масалалари бўйича техник билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш;

д) авиация техникасининг ерда бутлигини сақлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

184. Парвозларни муҳандислик-авиация таъминоти ФА авиация техникасидан техник фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

185. Ҳаво кемаларининг аэродромларда ва қўниш майдончаларида парвозларни бажаришида муҳандис-техник таркиб бўлмаганда, ҳаво кемасига оператив техник хизмат кўрсатишнинг минимал шакли ўрнига ХК ПФҚ томонидан ўрнатилган ҳажмдаги экипажи билан кўрикдан ўтказилиши мумкин. ХК техник хизмат кўрсатиш

бўйича алоҳида операциялар ва иш турлари экипажнинг махсус тайёргарликдан ўтган аъзоси томонидан бажарилиши мумкин. Қўрик натижалари ва носозликларни бар-тараф этиш вақтида бажарилган ишлар ҳаво кемасининг борт дафтарига ёки унга тенг бўлган борт ҳужжатига ёзиб қўйилади.

186. Аэродромда ушбу турдаги ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш бўйича рухсатномаси бўлмаган муҳандис-техник таркиб бўлганда, ХҚни учишга тайёрлаш экипаж раҳбарлиги ва назорати остида ана шу МТТ мутахассислари томонидан ташкил этилади.

187. Ҳаво кемаси ишдан чиққан ёки носоз қисмлари билан, агар улар парвоз хавфсизлигига таъсир кўрсатмаса ва махсус рўйхатда назарда тутилган бўлса (ХҚ ПФҚ ёки MEL), парвозга қўйилиши, шу жумладан базавий аэропортгача парвозга қўйилиши мумкин. Битта двигатели ишдан чиққан кўп двигателли ҳаво кемасини двигателни алмаштириш учун олиб бориш мумкинлиги (агар бу ХҚ ПФҚда кўзда тутилган бўлса) тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлиғи қабул қилади. Парвозни бажариш тўғрисидаги узил-кесил қарорни ҳаво кемаси командири қабул қилади.

188. Ҳаво кемасини, борт мол-мулкни, ҳужжатларни ва ЁММ қолдиғини Авиацион-техник базадан парвозни бажариш учун экипажга топшириш ва техник хизмат кўрсатиш учун экипаждан АТБга топшириш, шунингдек бир экипаждан бошқасига топшириш ҳаво кемаси борт дафтарига ёки унга тенглаштирилган бошқа борт ҳужжатига қайд этиш йўли билан расмийлаштирилади. Ҳаво кемасининг сақла-ниши учун жавобгарлик борт дафтарида ҳаво кемасини қабул қилиш бўйича охир-ги марта имзо чеккан шахс зиммасида бўлади.

189. Жавобгарлик қуйидагича юклатилади:

а) борт мол-мулки ва ХҚ бортида авария вазиятларида фойдаланиладиган, эки-паж кабинасига жойлаштирилган ва ХҚ борт дафтаридаги махсус рўйхатга кири-тилган аслаҳаларни қабул қилиш-топшириш учун жавобгарлик — бортмуҳандис (бортмеханик, учувчи) зиммасига;

б) йўловчи салонидagi майший ва авариядан қутқариш асбоб-ускуналарини қабул қилиш-топшириш учун жавобгарлик — катта борткузатувчи (бригадир) зим-масига;

в) юк ХҚдаги майший, авариядан қутқариш, махсус, юклаш-тушириш ва швар-товка асбоб-ускуналарини қабул қилиш-топшириш учун жавобгарлик — катта бортоператор зиммасига;

г) авариядан қутқариш асбоб-ускуналарининг ХҚ га жойлаштирилиш, бутлиги ва техник ҳолати учун жавобгарлик — парвозларни авариядан қутқариш таъмино-ти хизмати ёки муҳандислик-авиация хизмати мансабдор шахси зиммасига юклати-лади.

7-§. Парвозларнинг аэродром таъминоти

190. Парвозларнинг аэродром таъминоти ўз ичига аэродромларнинг учиш май-донини ва қўниш радиомаёқ тизими ҳудудини доимий эксплуатацияга тайёр ҳолат-да тутиб туриш бўйича тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

191. Парвозларнинг аэродром таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Авиа-ция қоидалари «Фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларининг фойдала-нишга яроқлилиқ нормалари» (Ўзбекистон Республикаси АҚ-153) талабларига му-вофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

192. Аэродромларнинг учиш майдонининг техник ҳолати, доимий эксплуатацияга

тайёр ҳолатда тутиб туриш, учиш майдонида ХК ҳаракатини хавфсиз ташкил этиш, аэродром ҳудудида қурилишни келишиш ва қурилиш талабларини бажариш бўйича жавобгарлик аэропорт директори зиммасида бўлади. Учиш майдонини парвозга тайёрлаш учун жавобгарлик аэродром хизмати зиммасида, аэродромнинг УҚЙ ҳолати бўйича парвозларга яроқлилиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун, ХК қабул қилишни ва чиқаришни тўхтатиш, тиклаш ва чеклаш учун жавобгарлик аэродромнинг парвозлар бўйича раҳбари ёки унинг ўринбосари зиммасига юклатилади.

193. Учиш майдонидаги ишлар фақатгина парвоз бўйича раҳбарнинг рухсати билан, аэродром хизмати билан бундай ишларни ўтказишни келишгандан сўнг, бундай ишларни бажарадиган хизматнинг жавобгар шахси раҳбарлиги остида бажарилиши мумкин.

194. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат қилинадиган ҳудудда ва бурилиш йўлакчасида ишлайдиган барча махсус транспорт ва ўзиюрар механизмлар қуйидагилар билан жиҳозланиши шарт:

а) сутканинг қайси вақти бўлишидан қатъи назар, ёқиб қўйиладиган, шуъла тарқатадиган чироқлар;

б) сутканинг қоронғи вақтида ва кўриш ёмонлашган шароитларда (2000 метрдан кам) ёқиб қўйиладиган габарит чироқлар;

в) буксировка тросслари.

195. Шуъла тарқатадиган чироқлар ва габарит чироқлар билан жиҳозланмаган (ёки носоз), шунингдек ишни амалга оширадиган хизматнинг жавобгар шахси машинаси кузатувисиз махсус транспорт ва ўзиюрар механизмларнинг иш вақтида (аэропорт иш тартиби бўйича) назорат қилинадиган ҳудудда ва бурилиш йўлакчасида туриши тақиқланади.

196. Хизматларнинг жавобгар шахси ва парвоз бўйича раҳбар (диспетчер)нинг радиотелефон алоқаси автоматик назорат товуш ёзиш аппаратурасига ёзиб олинishi лозим.

197. Парвоз бўйича раҳбар (диспетчер)нинг рухсатисиз назорат қилинадиган ҳудудда ва бурилиш йўлакчасида туриш тақиқланади.

198. Назорат қилинадиган ҳудудда ва бурилиш йўлакчасида иш олиб бориладиган вақтда радиоалоқа воситалари, шуъла тарқатадиган чироқлар, сутканинг қоронғи вақтида ва кўриш ёмонлашган шароитларда (2000 метрдан кам) габарит чироқларни ўчириб қўйиш тақиқланади.

199. Машиналар парвоз бўйича раҳбар (диспетчер) билан икки томонлама радиоалоқани таъминлайдиган радиоалоқа воситалари билан, иш олиб бораётган хизматнинг жавобгар шахслари машиналари эса қўшимча равишда қўндириш диспетчерининг иш частотасидаги радиоалоқасини эшитиш учун радиостанция билан жиҳозланиши лозим.

200. Ҳаво кемалари, махсус транспорт, механизация воситалари ва одамларни жойлаштириш ва уларнинг ҳаракати ҳар бир аэропортда аэропорт директори томонидан тасдиқланадиган парвозларни бажариш бўйича йўриқнома ва тегишли схема бўйича аниқланади.

8-§. Парвозларни электр-ёритиш техник таъминоти

201. Парвозларни электр-ёритиш техник таъминоти қуйидагиларни назарда тутди:

а) электр-ёритиш техник воситаларни соз ҳолатда тутиш;

б) электр-ёритиш техник воситалардан фойдаланишни режалаштириш, шунингдек уларга техник хизмат кўрсатиш;

в) электр-ёритиш техник воситаларнинг ишдан чиқиши ва бузилишини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, уларнинг ишончлилигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш.

202. Парвозларни электр-ёритиш техник таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларининг фойдаланишга яроқлилиқ нормалари» (Ўзбекистон Республикаси АҚ-153) ва Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси ФА ҳаво транспорти ҳаракатини ташкил қилиш ва унга хизмат кўрсатиш» (Ўзбекистон Республикаси АҚ-71) талабларига мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

9-§. Парвозларнинг радиотехник таъминоти

203. Парвозларнинг радиотехник таъминоти қуйидагиларни назарда тутати:

а) ХҚБ органларини зарур радиотехник воситалар, алоқа воситалари ва ҳаво кемалари ҳаракатини назорат қилиш воситалари билан таъминлаш;

б) ердаги радиотехник воситалардан (РТВ) техник фойдаланишни ташкил қилиш ва уларни соз ҳолатда тутиб туриш;

в) РТВ ва алоқа воситаларидан фойдаланишни режалаштириш, шунингдек уларга техник хизмат кўрсатиш;

г) РТВ ва алоқа воситаларнинг ишдан чиқиши ва бузилишини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, уларнинг ишончлилигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

д) РТЖАЭ базаси муҳандис-техник таркибини РТВдан техник фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланишга рухсат бериш.

204. Парвозларнинг радиотехник таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Парвозларни радиотехник таъминлаш ва авиация электралоқа-си» талабларига мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

205. Парвозларни радиотехник таъминлаш учун ХҚБ автоматлаштирилган тизимлари, трасса ва аэродром локаторлари, радиотехник тизимлар ва навигация воситалари, радиомаёқ қўниш тизимлари, қўниш тизими ускуналари (КТУ), радиопеленгаторлар, ҳаводаги ва ердаги электралоқа воситаларидан фойдаланилади.

206. РТВ ва алоқа воситаларидан парвозларни таъминлаш учун фойдаланишга норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ уларни давлат рўйхатидан ўтказиб, фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилгандан сўнг рухсат этилади. Бундан ташқари, барча радиотарқатувчи қурилмаларда улардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бўлиши шарт.

207. Парвозларнинг РТВ таъминоти парвоз раҳбари (диспетчери) кўрсатмасига кўра ёқилади:

а) ҳаво трассалари бўйлаб парвозларни назорат қилиш учун РТВ (ОРЛ-Т, VOR/DME, АРП ва бошқалар) ХҚ назорат қилинадиган ҳудудда турган барча режалаштирилаётган ёки амалдаги давр учун, агар аэронавигация ахборотлари ҳужжатларида уларнинг бошқача иш тартиби аниқланмаган бўлса;

б) аэродром ҳудуди воситалари (ОРЛ-А, VOR/DME, ОПРС, ДПРМ) — ҳаво кемаси қўниши, учиши, учиб ўтишининг ҳисобланган вақтидан 30 дақиқа олдин;

в) қўниш тизими (РМС, ОСП) — ҳаво кемаси қўнишининг ҳисобланган вақтидан 30 дақиқа олдин;

г) парвозларни РТВ таъминлаш — авария вазиятларида — метеошароитдан қатъи назар, барча ҳолларда ва экипаж талабига кўра қўнишни бошлашни таъминлаш учун.

Иш стартини ўзгарган ҳолларда радиотехник ускуналар ва алоқадан фойдаланиш

(РТУАФ) базаси смена муҳандиси парвоз раҳбарига РТВнинг янги стартлар бўйича ишга тайёрилиги тўғрисида билдириши шарт.

208. Парвозларни РТВ таъминоти парвоз раҳбари (диспетчери) кўрсатмасига кўра аэродромга етиб келган ҳаво кемаси юриб бориб тўхтагандан сўнг, шунингдек диспетчер билан алоқа тугагандан сўнг учиб келган ҳаво кемаси экипажи яқинлашиб келганда бошқа ҳаво кемалари учиб келмаганда ва учиб кетмаганда ўчирилади.

209. Авиация ҳаво алоқаси воситалари ўзининг аэронавигация ахбороти ҳужжатларида эълон қилинган амал қилиш даврида узлуксиз ишлаши лозим.

210. Қўниш пункти диспетчерининг иш жойи (доира, СДП, КДП, МВЛ) қўниш тизими объектларининг (РМС, ОСП) ишдан чиқишидан хабар берувчи автомат овоз ва ёруғлик сигнализациялари билан таъминланган бўлиши керак.

211. РТУАФ базаси катта смена инженери РТВ носозлиги ва ишдан чиққанлиги ҳақида ХКлари экипажига етказиш учун зудлик билан парвозлар раҳбарига (диспетчерга) хабар бериши лозим.

212. Диспетчерлар (парвозлар раҳбарлари) ва ҳаво кемалари экипажи ўртасидаги радиоалоқа алмашуви, ХХБ диспетчер пунктларининг ўзаро алоқада бўлувчи мансабдор шахсларнинг сўзлашувлари, экипаж ва диспетчерларнинг метеомаслаҳатлари, парвоздан олдин штурманлик назоратидан ўтиш, шунингдек метеоузатишлар радиоканаллари бўйича узатиладиган ахборот автомат магнит овоз ёзиш рўйхатидан ўтиши шарт. Овоз ёзиш материаллари:

а) 1 ва 2-класс аэропортларида камида 5 сутка давомида;

б) бошқа аэропортларда 3 сутка давомида сақланиши шарт.

213. МВ диапазонида парвозлар ва ҳаво электроалоқасини таъминлаш РТВ эксплуатация параметрлари даврий равишда амалдаги нормаларга мувофиқлигини аниқловчи парвоз назоратидан ўтиб туриши керак.

214. РТВ ва алоқа воситаларининг парвоздаги текшируви амалдаги қўлланмалар, дастурлар ва парвоз текшируви тўғрисидаги тасдиқланган методикаларда аниқланган даврийликда ва ҳажмда ўтказилади. Парвоз текширувларини ўтказиш муддатларига риоя этилишини назорат қилиш АНМ (ЦУАН) га юклатилади.

215. Парвозларни РТВ таъминлаш иш сифатининг ҳар ойлик текшируви аэропортларда парвозларни бошқариш раҳбарининг кўрсатмасига биноан парвозларни бажарадиган экипаж томонидан амалга оширилади. Текширув натижалари ҳаво кемалари командирларининг аэропортларнинг қўниш ва радионавигация ускуналари иши тўғрисидаги мулоҳазалар дафтарига ёзиб қўйилади, ушбу дафтарга кўрсатилган камчиликлар бўйича қўрилган чоралар тўғрисидаги қайд киритилади.

216. Парвозларни РТВ таъминлашни техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (реконструкция) мақсадида ўчириш тасдиқланган режа бўйича ўтказилади. РТУАФ базаси мансабдор шахслари аэронавигация ахборотлари АНХ орқали ўтиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда кечиктирмасдан парвозларни РТВ таъминлаш ишининг вақтинча тўхтатилиши тўғрисида ахборот беришлари керак.

217. Парвозлар раҳбари (диспетчер) РТУАФ базаси муҳандис-техник ходимларига парвозларни РТВ таъминлашни қисқа вақтда ўчириш (30 дақиқагача) талаб этиладиган тезкор техник хизмат кўрсатишни бажариш учун вақт бериши керак.

218. Тезкор техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлар бажарилмаган РТВдан фойдаланиш тақиқланади.

10-§. Парвозларни ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи хизматлар билан таъминлаш

219. Парвозларни ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи авиакомпания хизматлари ва агентлари (вакиллари) билан таъминлаш тижорат юкланишдан максимал фойдаланиш, ҳаво транспорти орқали ташишларни хавфсиз бажариш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган ташкилий ва технологик тадбирларни ўз ичига олади.

220. Парвозларни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, ушбу Қоидалар ва ҳаво транспорти орқали ташишларни ташкил қилишни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

221. Парвозларни ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи хизматлар қуйидагилар билан таъминлайди:

а) парвозларнинг хавфсизлиги ва мунтазамлиги, йўловчиларга ва юк жўнатувчи мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш;

б) ҳаво кемалари тижорат юкларининг ҳисоблаш ва комплектовка қилиш;

в) ҳаво кемаларининг центровкаси ва юкларининг ҳисоб-китоб қилиш;

г) йўловчилар, багаж, юк ва почта ташишларининг расмийлаштиришнинг белгиланган тартиби;

д) центровка графигига мувофиқ ҳаво кемасига юкни ортиш ва тушириш;

е) механизация воситаларининг ҳаво кемалари олдига хавфсиз бориши ва ортга қайтиши (бевосита ҳаво транспорти ташувларининг ташкил қилувчи хизматлар томонидан парвозларни таъминлашда);

ж) ташиш ва илова қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни ҳаво кемасига етказиш;

з) хавфли юкларни ташилиши устидан назорат (бутун йўналиш бўйича тоннажнинг брон қилиниши, ташиш ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, упаковка ва маркировканинг бир-бирига мувофиқлиги, хавфли юкларни қабул қилиш (топишириш), сақлаш, юклаш (тушириш) устидан).

222. Ҳаво кемалари центровкасининг ҳисоб-китоб қилишни центровка бўйича диспетчер (у бўлмаганда — иккинчи учувчи) ҳаво кемасидан парвозда фойдаланиш бўйича қўлланмага мувофиқ амалга оширади.

223. Ҳаво кемаларида юклаш-тушириш ишларига раҳбарликни юклама бўйича диспетчер (у бўлмаганда — экипаж аъзолари ўзаро ҳаракат бўйича йўриқнома ва иш технологиясига мувофиқ) амалга оширади.

224. Ҳаво кемасига рўйхатдан ўтган ва авиация хавфсизлиги назоратидан ўтган йўловчилар, халқаро қатновларда эса бунга қўшимча равишда божхона ва чегара назоратидан ўтган йўловчилар қўйилади.

225. Учиш учун келмаган йўловчиларнинг багажи ҳаво кемасидан олиниши керак. Ҳаво кемасининг учиб кетган келмаган йўловчининг багажи билан бирга учиб кетиши тақиқланади.

226. Центровканинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегарасини таъминлаш мақсадида ташувчи (ҳаво кемаси командири) йўловчига ҳаво кемаси салоҳиятида берилган жойни ўзгартириш ҳуқуқига эга.

227. Йўловчиларни ҳаво кемасига чиқариш ва ундан тушириш парвозларни ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи хизматлар ва борткузатувчилар (экипаж аъзоси), шунингдек уларга боғлиқ бошқа идораларнинг ходимлари раҳбарлигида ва назорати остида амалга оширилади.

228. Ҳаво кемаси бортидаги йўловчиларнинг сони (5 ёшгача бўлган болалар-

дан ташқари, халқаро йўналишларда 2 ёшгача бўлган болалардан ташқари) боғлов камарлари билан жиҳозланган ўриндиқлар сонига мувофиқ бўлиши, лекин ушбу русумдаги ҳаво кемалари учун белгиланган нормадан ортиқ бўлмаслиги керак.

229. Ҳаво кемаларини учишга тайёрлашда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва ташишларни ташкил этиш масалалари аэропортларнинг тегишли хизматлари томонидан, парвоз вақтида эса ҳаво кемаси командири томонидан ҳал қилинади.

230. Парвозларни ҳаво транспорти орқали ташишни ташкил этишни амалга оширувчи хизматлар ва аэропортнинг уларга боғлиқ бошқа хизматлари ходимлари парвозларни таъминлашда белгиланган ташкилий ва технологик тадбирларга риоя этилиши учун жавобгардирлар.

231. Ташишларни ташкил қилиш хизмати бўлмаган бошқа идораларнинг аэродромларида ва вақтинчалик аэродромларда уларнинг функциялари ҳаво кемаси командири зиммасига юклатилади. Бошқа давлатлар аэропортларида ташишларни ташкил қилиш масалаларини ҳал этиш авиакомпания ваколатхоналарига (ёки уларнинг агентларига) юклатилади.

232. Йўловчилар, багаж, юк ва почтани ҳаво транспорти орқали ташиш ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланган ҳаво йўллари бўйича амалга оширилади.

233. Ҳаво транспорти орқали ташиш шартномасига кўра эксплуатант (ташувчи) йўловчи ва унинг багажини манзил пунктигача олиб бориб қўйишни ўз зиммасига олади. Йўловчини ҳаво транспортида ташиш шартномаси ва унинг шартлари авиачипта орқали, багаж топширилганлиги — багаж квитанцияси (нормадан ортиқча юк бўлганда эса — пуллик багаж квитанцияси) орқали тасдиқланади.

234. Юкни ёки почтани ҳаво транспорти орқали ташиш шартномасига кўра ташувчи унга жўнатувчи томонидан ишониб топширилган юкни ёки почтани манзил пунктигача етказишни ва ваколатли шахсга (олувчига) топширишни зиммасига олади, жўнатувчи эса юкни ёки почтани ташиш учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади. Юкни (почтани) ҳаво транспорти орқали ташиш шартномаси, унинг шартлари ва юкларнинг (почтанинг) ташишга қабул қилинганлиги юк хати (почта юк хати) билан тасдиқланади.

11-§. Парвозларнинг орнитологик таъминоти

235. Парвозларнинг орнитологик таъминоти ҳаво кемаларининг қушлар билан тўқнашишининг олдини олишга қаратилган.

236. Парвозларнинг орнитологик таъминоти ФАда парвозларни орнитологик таъминлаш бўйича белгиланган талабларга мувофиқ ташкил этилади.

237. Парвозларнинг орнитологик таъминоти аэродромларда (аэродром ҳудудида), йўналишларда (парвоз ҳудудида) орнитологик хавф юзага келганлиги ва (ёки) вазият мураккаблашганлиги тўғрисида экипажлар диққатига етказишни, аэродромларда қушларнинг тўпланишига имкон туғдирувчи шароитларни бартараф этишга, шунингдек уларни ҳайдашга қаратилган тадбирларни ўтказишни назарда тутди.

238. Парвозларнинг орнитологик таъминоти аэропорт хизматлари ва комплекслари томонидан ҳар бир аэропорт учун алоҳида ишлаб чиқиладиган ва аэропорт директори томонидан тасдиқланадиган йўриқномага биноан амалга оширилади.

12-§. Парвозларнинг тиббий таъминоти

239. Парвозларнинг тиббий таъминоти авиация ходимларининг соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, иш қобилиятларини ошириш ва ҳаво кемалари экипаж-

лари аъзоларининг ва ҳаводаги ҳаракатни бошқарувчи диспетчерларнинг соғлиғи билан боғлиқ авиациядаги нохуш воқеа ва ходисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида низом (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) талабларига мувофиқ ўтказилади.

240. Парвозларнинг тиббий таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) авиация ходимларини саломатликлари бўйича талабларга жавоб беришларини аниқлаш учун тиббий-учиш эксперт хайъатида (ТУЭХ, МТУЭХ) касбий тиббий кўрикдан ўтказиш;

б) комиссиялараро даврда динамик (диспансер) кузатиш ва даволаш-профилактика ва реабилитация тадбирларини ўтказиш мақсадида авиация мутахассисларини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш;

в) ҳаво кемалари экипажлари аъзоларини парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтказиш ва ҳаводаги ҳаракатни бошқарувчи диспетчерларни смена бошланишидан олдин назоратдан ўтказиш;

г) йўловчиларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ва кўрсатиш;

д) ФА ҳаво кемаларида экипаж аъзоларига ва йўловчиларга ёрдам кўрсатиш учун тиббий воситалар мажмуаси (борт аптечкалари) билан таъминланганлиги устидан назорат олиб бориш;

е) ҳаво кемалари, объектлар, иш жойлари, махсус аслахалар ва қутқарувчи воситаларнинг санитария-гигиена ҳолати устидан назоратни амалга ошириш.

241. Парвозларнинг тиббий таъминотини Ўзбекистон Республикаси ФА тиббий муассасалари амалга оширади.

242. Парвозларнинг тиббий таъминоти бўйича бевосита тадбирлар ўтказиш билан тиббий муассасаларнинг ва авиация корхоналарининг раҳбарлари, шифокорлар, ўрта тиббий ходимлар ўзларига тегишли қисми бўйича шуғулланадилар.

243. Авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш ва парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ шифокорлар:

а) асосий клиник мутахассислиги бўйича мутахассис сертификатига ва авиация медицинаси соҳасида тайёргарликка, шунингдек ФАда камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши;

б) ҳар уч йилда асосий даволаш мутахассислиги бўйича, раис ва тиббий учиш эксперт хайъати шифокор-экспертлари эса — шифокорлик-учиш экспертизаси бўйича малакаларини ўз вақтида ошириши;

в) ўз касбий йўналиши, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича зарур ҳужжатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ФАда амал қилувчи асосий қонунларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, ушбу Қоидалар, ХК экипажи аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақти бўйича эксплуатант талабларини билиши;

г) тиббий кўрикдан ўтказиладиган шахсларнинг профессионал фаолияти шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқариш шароитларида, шу жумладан парвоз давомида йилида камида ўн соат, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш марказларида ва тренажёрларда (ИКАОнинг тавсиялари бўйича) ўрганиш;

д) кузатиладиган контингентнинг меҳнат, дам олиш, овқатланиш ва жисмоний тайёргарлик тартибига риоя этишлари устидан назорат олиб бориш;

е) кузатув остидаги шахсларнинг соғлиқларини сақлаш ва иш қобилиятларини оширишга қаратилган ташкилий, профилактик ва даволаш-диагностика характердаги зарур тадбирларни ўтказиш;

ж) авиация ва клиник медицина масалаларига бағишланган халқаро ва давлат

конгрессларида, конференцияларда ва семинарларда қатнашиш, уларда қатнашганлигини тасдиқловчи сертификатларни тақдим этиш;

з) учувчилар, диспетчерлар ва ерда хизмат кўрсатувчи таркиб билан авиация психофизиологияси ва медицина масалаларига бағишланган машғулотларни мунтазам ўтказиб туриш.

244. Ҳар хил турдаги парвозларни тиббий таъминлаш бўйича умумий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

а) ҳаво кемалари экипажлари аъзоларининг ва ХХБ диспетчерларининг иш вақти ва дам олиш вақтининг нормалаштирилганлиги устидан тиббий назорат;

б) тўлақонли парвоздан олдинги (сменадан олдинги) дам олиш таъминланиши устидан назорат;

в) учувчилар таркибининг витаминлар қабул қилган ҳолда рационал ва балансли овқатланиши;

г) саломатлиги юзасидан касбий мажбуриятларини бажаришга қўйилиши тўғрисида гувоҳлик берувчи тиббий хулоса олиш мақсадида авиация ходимларининг ТУЭХ (МТУЭХ)да тиббий кўрикдан ўтиши;

д) авиация ходимининг авиация корхонаси (авиакомпания) шифокори ҳузурида динамик кузатувда бўлиши ва навбатдаги тиббий кўрикдан сўнг касбий мажбуриятларини бажаришга қўйилиши тўғрисида тиббий хулоса расмийлаштириш;

е) парвоздан олдинги (сменадан олдинги) кўрикдан ўтказиб, тегишли ҳужжатларда парвозга (ХХБ бўйича ишга) қўйилиши тўғрисида хулоса бериш;

ж) парвоздан олдинги (сменадан олдинги) дам олиш етарли бўлмаганда ёки сифатсиз бўлганда, чарчаш (ўта чарчаш) аниқланганда, ўткир ёки сурункали касалликларда, захарланишда, шу жумладан алкоголь билан захарланишда, шунингдек авиация шифокори қабулида навбатдаги тиббий кўрикдан ўтмаган ёки ТУЭХ (МТУЭХ) тиббий кўригидан ўтмаган шахсларни, ҳаво кемаси экипажи аъзоларини парвоздан (диспетчерларни — ХХБ бўйича ишдан) четлатиш;

з) ўз вақтида даволаш, реабилитация ва диспансер кузатувини ўтказиш мақсадида касалликнинг дастлабки белгиларини, хавф омилларини, организмнинг функционал резервлари ва касбий иш қобилиятлари пасайганлигини аниқлаш;

и) турли минтақавий-географик ҳудудларга қатновларни амалга оширадиган экипаж аъзоларининг кийимларини тиббий жиҳатдан назорат қилиш;

к) авиация ходимларини парвозга жисмоний ва психофизиологик тайёрлаш;

л) экипаж аъзолари билан ва ХХБ диспетчерлари билан авиация медицинаси бўйича машғулотлар ўтказиш.

245. Парвозда иштирок этувчи экипаж аъзоларини парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтказиш ҳаво кемаси училишига икки соатдан кўп бўлмаган вақт қолганда аэропорт соғлиқни сақлаш пункти фельдшери томонидан ўтказилади. Парвоз олти соат ва ундан кўп вақтга ушланиб қолган ҳолларда парвоздан олдинги тиббий кўрик такроран ўтказилади. Парвоздан олдинги тиббий кўрик тўғрисида белги парвоз топшириғида қайд этилади. Иш куни давомида бир неча парвозларни амалга оширадиган экипаж аъзоларини парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтказиш кунига бир марта биринчи парвоздан олдин ўтказилади. Захирадаги экипажлар захирага тушишдан олдин ва училиш вақтига қадар олти соатдан ортиқ вақт ўтса, училишдан олдин яна бир марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

246. Парвозлар раҳбарлари ва ХХБ диспетчерлари навбатчиликка (сменага) киришишига кўпи билан бир соат қолганда тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

247. Парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтиш учун келган авиация мутахассиси:

а) ФА мутахассиси гувоҳномасини ва ТУЭХ (ТСК) маълумотномасини кўрса-тиши;

б) соғлиқни сақлаш пункти фельдшерига ўзининг ҳолати ва парвоздан олдинги дам олиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни билдириши шарт.

248. Қуйидагилар парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтмайдилар:

а) биринчи ва иккинчи классли ҳаво кемалари экипажлари;

б) ФА штатдаги (ёки хизмат сафарига юборилган) тиббий ходимлари бўлмаган вақтинчалик аэродромларда авиация ишларида банд бўлган ҳаво кемаларининг эки-пажлари (классидан қатъи назар).

Бундай ҳолларда парвозга қўйиш масаласини ХК командири экипаж аъзоси-нинг ўзини қандай ҳис этаётганлиги, парвоздан олдинги режимга риоя этганлиги тўғрисидаги оғзаки сўров асосида ҳал қилади ва бу ҳақда парвоз топшириғига қарор қабул қилган вақтни кўрсатган ҳолда қайд этиб қўйилади.

249. Мазкур Қоидаларнинг 248-бандида кўрсатилган ХК экипажлари аъзолари учун парвоздан олдинги тиббий кўрик қуйидагича ташкил этилиши ва ўтказилиши мумкин:

а) авиакомпания раҳбарининг кўрсатмасига биноан;

б) ХК командирининг ёки авиакомпаниянинг вакили (хориждаги) кўрсатмаси-га биноан авиамутахассис соғлиғига кўра парвоз топшириғини бажара олишига шубҳа пайдо бўлганда.

250. ФА тиббиёт ходимига (ХК командирига) ўзининг аҳволи ва парвоздан олдинги дам олиш тартибига риоя этганлиги тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш авиамутахассис томонидан ушбу Қоидаларни бузиш сифатида малакаланади.

251. Экипаж аъзолари, парвозлар раҳбарлари, ХХБ диспетчерлари меҳнат қоби-лиятларининг бузилишига олиб келадиган ҳолатда ва бемор бўлсалар, шунингдек парвоздан олдинги тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортсалар парвозни бажаришга (ХХБ) қўйилмайдилар.

252. Парвоздан (сменадан) олдинги тиббий кўрик ҳажми тегишли мутахассис-ларни жалб қилган ҳолда ва қўшимча текширувлар ўтказиш натижасида кенгайти-рилиши мумкин.

253. Шифокор (фельдшер) томонидан парвоздан (сменадан) олдинги ёки ҳаво кемаси командири томонидан парвоздан олдинги тайёргарлик вақтида аниқланган алкоголь (наркотик моддалар) таъсиридаги мастлик ҳолати, шунингдек алкоголь (нар-котик моддалар) таъсиридаги мастликнинг қолдиғи мавжуд бўлган ҳолат ушбу авиа-мутахассис томонидан парвоз бажарилишига (ХХБ) мутлақо қарши кўрсаткичлар ҳисобланади. Ҳар бир аниқланган ҳолат бўйича хизмат суриштируви ўтказилиб, айбдорлар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив ҳужжатларга му-вофиқ жавобгарликка тортилади

254. Ўзбекистон Республикаси ФА ХК экипажлари аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақти давомийлиги ХК эксплуатант (эгаси) талаблари билан тартибга солинади. Жойлашиш жойидан ташқарида экипаж аъзоларининг меҳнат ва дам олиш тартибига риоя этишлари учун жавобгарлик ҳаво кемаси командирининг зиммасида бўлади.

255. Касаллик, жароҳат олиш ёки бир ойдан ортиқ вақт давом этган парвоз ишларидан (ХХБ) танаффусдан сўнг (хизмат сафари, ўқиш, таътил, вақтинча учиш билан боғлиқ бўлмаган ишга ўтказиш), шунингдек авиация ходисасидан (нохуш ходисадан) сўнг авиамутахассис шифокор (учувчилар отрядининг ёки ТУЭХ шифо-кори) кўригидан ўтиши шарт, шифокор уни парвозга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади.

256. Ҳаво кемалари борт ва авария аптечкалари билан, халқаро парвозларни ва чегара ҳудудларида парвозларни бажарадиган ХК эса экипаж учун қўшимча аптечкалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Экипаж аъзолари ўз-ўзига ва бир-бирларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билишлари лозим.

257. Жойлашиш жойидан ташқарида экипаж аъзоларини тиббий ҳимоя қилиш бўйича профилактик тадбирлар мажмуасининг бажарилишини ташкиллаштириш ҳаво кемаси экипажини хизмат сафарига юбораётган учувчилар бўлинмасининг бевосита раҳбарига юклатилади.

13-§. Авиация хавфсизлигини таъминлаш

258. Авиация хавфсизлигининг асосий вазифаси йўловчилар, экипаж аъзоларини, ерда хизмат кўрсатувчи ходимларни, шунингдек ҳаво кемалари ва ФА объектларини ерда ёки парвозда амалга ошириладиган ғайриқонуний аралашув актларидан ҳимоя қилиш ва қўриқлашдан иборат. Бунга тадбирлар мажмуасини бажариш ҳисобига, давлат даражасида, шунингдек авиакомпания (аэропорт) даражасида одамлар ва моддий ресурсларни жалб этиш ҳисобидан эришилади.

259. Авиация хавфсизлиги соҳасидаги тадбирлар, қоидалар ва тартиботларни, шунингдек уларни бажариш тартибини аниқлаб берадиган асосий ҳужжатлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июлдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ФАни ғайриқонуний аралашув актларидан авиацион хавфсизликни таъминлашнинг миллий дастури, шунингдек авиакомпаниялар ва аэропортларнинг авиацион хавфсизликни таъминлаш дастурлари ҳисобланади.

260. Ҳаво кемалари экипажлари аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июлдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ФАни ғайриқонуний аралашув актларидан авиацион хавфсизликни таъминлашнинг миллий дастури, шунингдек авиакомпаниянинг авиацион хавфсизликни таъминлаш дастурининг ўзларига тегишли қисмлари билан танишган бўлишлари керак. Барча авиация ходимлари махсус тайёргарликдан ўтишлари керак.

261. Авиацион хавфсизликни таъминлаш учун жавобгарлик:

- а) давлат даражасида — Ўзбекистон Республикаси Давлавианазорати;
- б) авиакомпания даражасида — авиакомпания раҳбари;
- в) аэропорт даражасида — аэропорт раҳбари;
- г) парвозни бажариш вақтида ҳаво кемасида — ҳаво кемаси командирига юкланади.

262. ФАда авиация хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- а) ФА объектларида жорий қилинадиган режим-қўриқлаш тадбирлари;
- б) йўловчилар, ҳаво кемалари экипажлари аъзолари, аэропорт ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек қўл юки, багаж, юк, почта, борт аслахалари ва ҳаво кемаларини авиация хавфсизлиги текширувидан ўтказиш;
- в) ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш чоралари;
- г) ходимларни авиация хавфсизлиги масалалари бўйича тайёрлаш.

263. Аэропортларда, аэродромларда ва авиакорхоналарда норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ кириш ва объектнинг ички тартиби белгилаб қўйилади.

А, Б, В, Г ва Д класслардаги аэродромлар ва авиакорхоналарнинг муҳим объектлари бегона кишиларнинг, транспорт воситаларининг ва жониворларнинг хизмат

худудига назоратсиз кириб олиш имкониятларига йўл қўймайдиган тўсиқларга эга бўлиши керак.

264. Авиация хавфсизлиги назорати авиация хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан махсус йўриқнома ва технология талабларига мувофиқ амалга оширилади.

265. Йўловчи ва юк ташувларини амалга оширадиган ҳаво кемаларини текширувдан ўтказиш улар турган жойларда, йўловчиларни кемага чиқариб бошладан ва бағажни (юкни) ортиб бошладан олдин экипаж аъзоларидан бирининг ёки муҳандислик-авиация хизмати ходими иштирокида ўтказилади.

266. Парвоздаги ҳаво кемасида шароит тақозоси билан ҳаво кемаси командирининг қарорига мувофиқ йўловчиларнинг розилигидан қатъи назар, йўловчилар, қўл юки ва бағаж авиация хавфсизлиги текширувидан ўтказилиши мумкин.

267. Ҳаво кемалари доимий, ишончли қўриқланиши лозим.

268. Ҳаво кемаларининг қўриқлаш қуйидагича амалга оширилади:

а) АТБда техник хизмат кўрсатилаётганда — авиакорхона АТБ (МАХ) вакили томонидан;

б) аэродромларнинг тўхтаб туриш жойларида — тўхтаб туриш жойидаги навбатчи ёки ҳарбийлаштирилган (қоровул) қўриқчи томонидан;

в) давомийлиги икки соатгача бўлган қисқа муддатли туриш жойларида ва экипаж таркибида бортмуҳандис (бортмеханик) бўлганда, шунингдек аэропортдан ташқарида иложсиз қўнишларда — ҳаво кемасининг командир кўрсатмаси бўйича экипаж аъзолари томонидан, экипаж таркибида бортмуҳандис (бортмеханик) бўлмаганда, сақлаш учун АТБ (МАХ) жавобгар ходимига топширилади, чет эллардаги аэропортларда эса — навбатдаги учиш учун тўхтаб туриш жойидаги муддатдан қатъи назар, авиакомпания вакили томонидан;

г) вақтинчалик аэродромларда ва қўниш майдончаларида — буюртмачининг қўриқлаши остида, техник хизмат кўрсатилаётганда эса — махсус йўриқнома талабларига мувофиқ авиатехник томонидан.

269. Ҳаво кемаларининг аэродромнинг тўхтаб туриш жойида сақланиши учун жавобгарлик борт дафтарида ва ҳаво кемаларини қўриқлашга ёки хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш-топшириш дафтарида охириги имзони қўйган мансабдор шахс (тўхтаб туриш жойи бўйича навбатчи, экипаж аъзоси, ҳарбийлашган қўриқлаш қоровули, авиакомпаниянинг хорижий аэропортдаги вакили) зиммасида бўлади.

270. Ҳаво кемасини экипажга топшириш фақатгина қабул қилишни амалга ошираётган экипаж аъзосида ФА мутахассисининг амалдаги гувоҳномаси ва ушбу ҳаво кемасини олишга рухсат берадиган ҳужжат (парвоз топшириғи) бўлгандагина амалга оширилади.

271. Доимий қўриқланадиган ҳаво кемаларига парвозларни бажариш рухсат этилади. Ҳаво кемаси қўриқланмаган ҳолларда, авиацион-муҳандислик хизматининг вакиллари уни махсус «Мазкур ХК турларини қўриқдан ўтказиш жойларининг рўйхати»да белгиланган ҳажмда қўриқдан ўтказишлари ва борт дафтари ва карта-нарядда қўриқ натижалари ҳақида тегишли ёзувларни қолдиришлари шарт.

14-§. Парвозларни қидириш ва авариядан қутқариш таъминоти

272. Парвозларни қидириш ва авариядан қутқариш таъминоти — ҳалокатга учраган ҳаво кемаси йўловчилари ва экипажини қидириш ва қутқариш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳалокат юз берган жойдан эвакуация қилиш

бўйича зудлик билан ва самарали қидириш ҳамда авариядан қутқариш ишларини ташкил этиш ва бажаришга қаратилган тадбирлар мажмуасидир.

273. Парвозларни қидириш ва авариядан қутқариш таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) қидириш-қутқариш кучлари, воситалари ва ҳаво транспорти ҳаракатига хизмат кўрсатиш органлари навбатчилигини ташкил қилиш;

б) фалокатга учраганлик ҳақидаги сигналларни қабул қилиш ва қидирув-қутқарув хизматини ва у билан бирга ҳаракат қиладиган ташкилотларни хабардор қилишни ташкил этиш;

в) ҳаво кемалари экипажларини авария вазиятларида ҳаракатланишга ва авариядан кейин ерга (сувга) қўнгандан сўнг экстремал шароитларда яшашга тайёрлашни ташкил этиш;

г) ҳаво кемаларини борт авариядан қутқариш воситалари билан бутлаш, йўловчилар ва экипажни индивидуал ҳамда гуруҳ бўлиб фойдаланиладиган авариядан қутқариш жихозлари билан таъминлаш;

д) йўловчилар билан асосий авариядан қутқариш жихозларининг турган жойи ва улардан фойдаланиш қоидалари, авария вазиятларида қандай хатти-ҳаракат қилиш тўғрисида йўриқнома ўтказиш;

е) қидирувчи ҳаво кемаларини, қидириш-қутқариш хизмати мутахассисларини ва авиакорхоналарнинг авариядан қутқариш командаларини махсус тайёргарликдан ўтказиш;

ж) ҳалокатга учраган ҳаво кемаси йўловчилари ва экипажини қутқариш бўйича қидириш ва авариядан қутқариш операцияларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

з) табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатларда аҳолига ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш.

274. Парвозларни қидириш ва авариядан қутқариш таъминотини (ПҚАКТ) ташкил этиш учун ҳаво транспорти ҳаракатига хизмат кўрсатиш органларининг жойлашишини, парвозлар интенсивлигини, аэропортларнинг техник-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган авиакорхоналарнинг (аэропортларнинг) ҚАТ учун жавобгар ҳудудлари ташкил этилади.

275. Ҳар бир аэропорт аэропортнинг жавобгарлик ҳудудида қидириш ва авариядан қутқариш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича йўриқнома ва қутқариш операциялари ўтказилганда бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш режаси ишлаб чиқилади.

276. Парвозларни қидириш-қутқариш кучлари ва воситаларининг доим тайёр ҳолда туриши, жавобгар ҳудуд доирасида қидириш ва қутқариш ишларининг ўз вақтида олиб борилиши учун жавобгарлик аэропортларнинг раҳбарларига юклатилади.

277. Қидириш-қутқариш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ФА парвозларини қидириш ва авария-қутқариш таъминоти бўйича қўлланмага (1994 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 102) мувофиқ амалга оширилади.

278. Барча давлатлар ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишлари, қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларини жойлаштириш, қидирув-қутқарув ишларини бажаришда текин таъминот ва хизмат кўрсатилади.

15-§. Парвозларни ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати билан таъминлаш

279. Парвозларни ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати билан таъминлаш ушбу

Қоидалар ва Марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати (МИЧДХ) тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

280. Ишлаб чиқаришни (ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари) тезкор бошқариш жараёни қуйидагиларни назарда тутди:

- а) ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида ахборот тўплаш;
- б) парвозларнинг суткалик режаси ва сменаларнинг суткалик топшириғи ба-жарилаётганлиги устидан назорат;
- в) парвозлар режаларидан четга чиқишлар сабабларини таҳлил қилиш;
- г) операцияларга бўлиб бажариладиган ишларда операциялар, ҳаво кемалари-ни жўнатишга ва етиб келишига тайёрлашнинг технологик графиклари бажарили-шини назорат қилиш, уларнинг бузилиш сабабларини таҳлил этиш;
- д) парвозларнинг суткалик режалари бажарилишидан четга чиқишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида тезкор тартибга солиш ва режалашти-риш;
- е) ҳаво транспортида ташиш, авиация ишлари режасини бажариш ва халқаро йўналишлардаги, МДХ давлатлари ва маҳаллий ҳаво йўлларидаги парвозларнинг мунтазам бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон авиакорхоналари (ком-плекслари) ва аэропортларининг ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизматлари фаолия-тига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш.

281. Қуйидагилар ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришни амалга оширади ва парвозларнинг мунтазамлиги ва тежамкорлиги шароитида авиация ишлари ва та-шишлар режаси бажарилишини тезкор таъминлаш учун жавобгар бўлади:

а) миллий авиакомпанияда — марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати (МАК МИЧДХ);

б) бошқа авиакомпанияларда, шунингдек авиакорхоналарда (1—3 классли аэро-портларда) — корхонанинг ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати (КИЧДХ);

в) авиакорхоналарда (4-классли аэропортларда) ва бирор идора ҳисобида тура-диган аэропортларда оператив бошқариш функцияси авиакорхона (аэропорт) раҳ-барининг буйруғи билан тайинланган мутахассисга юклатилади.

МАК комплекслари ва хизматлари учун МАК МИЧДХнинг кўрсатмаларини бажариш мажбурийдир.

282. Парвозларнинг суткалик режаси келгуси суткадаги ишлаб чиқариш вази-фаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, авиакомпания ХК ҳара-катининг тасдиқланган жадвалига, учувчилар бўлинмасининг режа-нарядига, пар-возларнинг дастлабки режаларига ва авиация ишларини бажариш бўйича буюртма-ларга, самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг ҳаракат жадвалига, шунингдек Ўзбе-кистон Республикаси ФА аэродромларида учиб ва қўниш амалга оширилишига асосланиб тузилади.

283. Парвоз куни арафасида аэропортларнинг суткалик парвозлар режаси таъ-минланиши (келишилиши) учун МАК МИЧДХ, ХББ ЯТ БМ (ҳаво транспорти ҳара-катини бошқаришнинг ягона тизими бош маркази) хабар бериш табелига мувофиқ бошқа манзилларга юборилади.

284. Парвоз куни арафасида МАК МИЧДХ аэропортларнинг суткалик режала-ри жадвали, учувчилар бўлинмасининг режа-наряди, Ўзбекистон Республикаси ФА аэропортларининг суткалик режаларига асосланиб парвозларнинг йиғма суткалик режасини тузади ва МАКда тасдиқланади.

285. МАК МИЧДХ ХК ҳаракати жадвалига, аэропортларнинг суткалик режа-ларига асосланиб халқаро, литер, назорат остидаги ва жадвалдан ташқари йўна-лишларнинг йиғма суткалик режаларини тузади.

286. Парвозларнинг суткалик режасини сифатли ва ўз вақтида тузилиши учун жавобгарлик АДП (авиакорхона (аэропорт) раҳбарининг буйруғи билан тайинланган мутахассисга), КИЧДХ, МАК МИЧДХга юклатилади.

287. Ишлаб чиқариш-диспетчерлик органларининг бир-бири билан ва ўзаро ҳамкорлик қилувчи хизматлар (органлар) билан алоқани ташкил этиш алоқа ташкилотининг тасдиқланган схемасига мувофиқ амалга оширилади.

XI. Ҳаво кемаларининг парвози

1-§. Асосий талаблар

288. Ҳаво кемаларининг ҳаво трассалари, ХХЙ, белгиланган йўналишлар, ХХБ диспетчери томонидан берилган траекториялар бўйича, авиация ишлари олиб бориладиган ҳудудларда, шунингдек аэродром (аэроузел) ҳудудларидаги парвозлари:

- а) ускуналар бўйича парвозлар қоидалари (УПҚ);
- б) визуал бошқариладиган парвозлар қоидалари (ВПҚ);
- в) визуал (кўз билан чамалаб) қўнишни бошлаш қоидалари бўйича бажарилади.

2-§. Ускуналар бўйича парвозлар қоидалари

289. Ускуналар бўйича парвозлар қоидалари:

- а) парвозларни учиш-навигация ускуналари бўйича ХХБ органлари томонидан доимий иложсиз назорат остида бажарилишини;
- б) ХХБ органлари диспетчерлари томонидан ҳаво кемалари орасидаги эшелонлашнинг белгиланган интерваллари таъминланишини назарда тутди.

290. Ускуналар бўйича парвозлар қоидалари:

- а) юқори самовий ҳудудларда;
- б) пастки самовий ҳудудларда ҳақиқий тезлиги 550 км/соат бўлган парвозларда;
- в) пастки самовий ҳудудларда ҳақиқий тезлиги 550 км/соат ва ундан паст бўлган парвозларда, агар ВПҚ қўлланилмаса;
- г) штора қўлланиладиган парвозларда қўлланилади.

291. УПҚ бўйича парвозлар берилган эшелонларда (баландликларда) вертикал, бўйлама ва ёнлама эшелонлаш қоидаларига мувофиқ берилган парвоз тартибига, белгиланган йўналишга (ХТ ХХЙ) ёки диспетчер томонидан векторлаштириш пайтида бериладиган траекторияга қатъий риоя этган ҳолда бажарилади.

292. УПҚ бўйича парвозлар бажарилганда ҳаво кемаси командири қуйидагилар учун жавобгардир:

- а) аэродром ҳудудидан чиқиш схемасига, берилган эшелонга (баландликка), парвоз йўналишига, пасайиш ва қўниш учун кириш схемасига, векторлаштириш пайтида бериладиган траекторияга ва парвоз параметрларига риоя этилиши учун;
- б) ҳаво кемасининг ҳақиқатда жойлашган ўрни, парвоз баландлиги ва шароитлари ҳақида аниқ ва ўз вақтида ахборот берилиши учун;
- в) ХХБ органи диспетчерининг кўрсатмаларини аниқ ва ўз вақтида бажарилиши учун.

293. Ҳаво кемаси парвозининг бажарилишини бошқараётган ХХБ органи диспетчери қуйидагилар учун жавобгардир:

- а) парвознинг хавфсиз эшелонининг тўғри тайинланиши учун;

б) вертикал, бўйлама ва ёнлама эшелонлашнинг белгиланган интерваллари таъминланиши учун;

в) мавжуд воситалар ва экипажнинг докладлари бўйича экипаж томонидан берилган эшелон (баландлик) ва парвоз йўналиши, аэродром ҳудудидан чиқиш схемаси, пасайиш ва қўниш учун кириш схемаси, векторлаштириш пайтида бериладиган траекторияга риоя этилаётганлигини назорат қилиш учун;

г) экипажга ҳаво, метеорологик ва орнитологик вазият тўғрисида, радиолокацион назорат мавжуд бўлганда эса берилган эшелон (баландлик) ва парвоз йўналиши, аэродром ҳудудидан чиқиш схемаси, пасайиш ва қўниш учун кириш схемаси, векторлаштириш пайтида бериладиган траекториядан четга чиқишлар ҳақида ўз вақтида ахборот бериш;

д) ҳаво кемасининг қўшни ХХХ ҳудудига кириш шароитларини келишиш учун;

е) ҳаво кемалари экипажларига бериладиган кўрсатмалар ва тавсияларнинг асосланганлиги учун.

3-§. Визуал бошқариладиган парвозлар

294. Визуал бошқариладиган парвозлар қуйидагиларни назарда тутди:

а) экипаж томонидан бошқа ҳаво кемаларининг парвозларини кўриб кузатиш йўли билан белгиланган интервални тутиб туриш;

б) ҳаво кемасида соатига 300 км тезликда парвоз қилиб, олдиндаги жойлар ва тўсиқларни кўриб кузатган ҳолда ҳақиқий хавфсиз баландликни тутиб туриш ва текисликдаги ҳамда паст-баландликдаги сунъий тўсиқларни айланиб ўтиш.

295. ВПҚ қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) 6000 метр ва ундан паст бўлган эшелондаги самовий ҳудудда ва ҳақиқий тезлиги соатига 550 км.дан ортиқ бўлмаган парвозларда пастки хавфсиз эшелонга-ча ва пастки хавфсиз эшелондан қуйида соатига 450 км.дан ортиқ бўлмаган тезликда;

б) кундузи.

296. Булутлар сони парвоз баландлигидан қуйида 1-2 октантдан (FEW) ошмайдиган ҳолларда булутлар устидан ВПҚ бўйича парвозларга рухсат этилади. Бундай ҳолларда булутларнинг юқори чегараси билан ҳаво кемасигача бўлган масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги керак.

297. ВПҚ бўйича парвозлар мазкур Қоидаларнинг 13-иловасида берилган талабларга мувофиқ шароитларда бажарилади.

298. Соатига 300 км. ва ундан паст тезликда ВПҚ бўйича текислик ҳамда паст-баландликдаги йўналиш бўйича парвоз қилаётган ҳаво кемаларига олдинда ҳаво кемаси курси бўйича кўриниб турган сунъий тўсиқларни, қоидага кўра, тўсиқдан камида 500 метр ўнгдан айланиб ўтишга рухсат берилади.

299. Олдинда учиб кетаётган ҳаво кемасини қувиб ўтиш ўнг томондан камида 500 метр интервал билан бажарилиши керак.

300. Олдинда учиб кетаётган ҳаво кемасига унинг курсидан камида 70 даражага фарқ қиладиган курс билан яқинлашаётган ҳаво кемаси қувиб ўтаётган ҳаво кемаси ҳисобланади.

301. Доира бўйлаб парвозлар бажарилаётганда бир хил турдаги ҳаво кемаларини қувиб ўтиш тақиқланади. Тезлиги юқори бўлган ҳаво кемалари тезлиги паст бўлган ҳаво кемаларини доиранинг ички томонидан учинчи бурилишда ва камида 500 метр интервал билан қувиб ўтиши мумкин.

302. Ҳаво кемалари кесишадиган курслар бўйлаб битта эшелонда (баландлик-

да) парвоз қилаётганда уларнинг командирлари чап томонда ҳаво кемасини кўрса — парвоз баландлигини баландликлар фарқи ҳаво кемаларининг хавфсиз тарқалиб кетишини таъминлайдиган даражагача пасайтириши, ўнг томондан кўрганда эса — баландликни шу даражагача ошириши керак.

303. Агар парвоз баландлигини ўзгартиришнинг иложи бўлмаса (ҳавонинг булутлиги, энг паст баландликда парвоз этилаётганлиги ёки бошқа чекловлар туфайли), командирлар ҳаво кемаларини хавфсиз тарқалиб кетишини таъминлаб уларни буриб юборишлари керак.

304. Маҳаллий ҳаво линиялари бўйича парвозлар қарама-қарши курслар (йўналишлар) бўйича паст эшелондан ҳам паст баландликда тарқатилган йўналишлар бўйлаб амалга оширилади. Ёндан эшелонлаштиришни таъминлашнинг иложи бўлмаса, баландлик бўйлаб эшелонлаштириш ёки бир томонлама ҳаракатланиш ташкиллаштирилади.

305. Қарама-қарши курсларда назарда тутилмаган ҳолда яқинлашиш содир бўлганда ҳар бир командир кемалар чап бортлари билан тарқалиб кетиш учун ўз ҳаво кемасини ўнг томонга буриши керак.

306. Метеорологик шароитлар ХПҚга мувофиқ парвоз учун қўйилган талабларга мос келмайдиган даражага қийматларга қадар ёмонлашса, ҳаво кемасининг командири:

- а) учиб чиққан аэродромга қайтишга ёки энг яқин захира аэродромда қўнишга;
- б) агар парвозни бажариш топшириғининг мақсади командирни тайёрлаш бўлса ва ҳаво кемасининг ҳамда ҳаво трассасининг (МХЙ) жиҳозланиши бунга тўсқинлик қилмаса, УПҚ бўйича парвоз қилишга ўтишга мажбур.

307. Вертолёт командирлари, бундан ташқари, ҳаводан туриб танланган майдончаларга қўнишлари мумкин. Вертолёт командири ўз ҳаракатлари ҳақида ИИБ органига хабар бериб туриши керак.

308. Парвозни УПҚга кўра амалга оширишга ўтганда ҳаво кемасининг командири ўз ҳаракатларини ва парвоз эшелонини (баландлигини) ХХБ органи билан мувофиқлаштириши ва бу органнинг диспетчери ҳаво кемалари орасидаги белгиланган оралиқ масофани таъминлаши шарт.

309. Ҳаво кемаси қўққисдан ВПҚга кўра парвозлар учун белгиланган минимумдан ҳам пастроқ минимум шароитларига тушиб қолгудай бўлса, визуал парвозга ўтиш мақсадида ускуналар белгилаган хавфсиз баландликдан ҳам пастроққача пасайиш рухсат этилмайди (тақиқланади). Бундай ҳолда ҳаво кемасининг командири парвозни бажаришни ускуналарга кўра амалга оширишга ўтиши, 180 даражага бурилиши, учиб чиққан аэродромга қайтиши, ёки энг яқин аэродромда қўниши шарт. 180 даражага бурилиб бўлингач, визуал парвозга ўтишнинг иложи бўлмаса, командир пастки хавфсиз эшелон баландлигини эгаллашга ўтиши ва кейинги ҳаракатларини ХХБ органининг диспетчери билан мувофиқлаштириши шарт.

310. Кўриш масофа 3000 метрдан кам бўлганда, ВПҚ бўйича парвозни бошқариш дастурлар бўйича тайёргарликдан ўтган ва УПҚ бўйича парвоз этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳаво кемаларининг командирларига рухсат этилади. УПҚ бўйича парвоз этиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳаво кемаларининг командирлари ҳаво кемаси табиий уфқ чизигига қараб парвозни бошқариш эҳтимолини йўққа чиқарган шароитларга қўққисдан тушиб қолгудай бўлса ускуналарга қараб учиш бўйича етарлича тайёргарликдан ўтган бўлишлари керак.

311. ВПҚ бўйича парвозлар бажарилганда ҳаво кемаси командири:

- а) ҳақиқий хавфсиз баландликка риоя этилиши;

б) парвоз йўналишига, аэродром ҳудудидан чиқиш схемасига ва қўниш учун кириш схемасига аниқ риоя этилиши;

в) метеошароитлар белгиланган даражадан кўра ёмонлашганда парвоз бошланган аэродромга (захирадаги аэродромга) қайтиш ёки УПК бўйича парвозга ўтиш тўғрисида ўз вақтида қарор қабул қилиши ва бу ҳақда ХХБ органига билдирилиши;

г) ҳаво кемасининг ҳақиқатда жойлашган ўрни ва парвоз шароитлари ҳақида ишончли ахборот берилиши;

д) ХХБ органи диспетчерининг кўрсатмаларини аниқ ва ўз вақтида бажарилиши;

е) қоидалар ва ВПК бўйича парвознинг берилган шартларини бажарилиши учун жавобгар.

312. Ҳаво кемасининг ВПК бўйича парвозининг бажарилишини бевосита бошқараётган ХХБ органи диспетчери:

а) парвознинг баландлигини (эшелонини) тўғри тайинланиши;

б) ҳаво кемаси фазога кўтарилаётганда вақт интервалларига риоя этилиши;

в) экипажга ҳаво, метеорологик ва орнитологик вазият тўғрисида ўз вақтида ахборот бериш;

г) экипаж УПК бўйича парвозга ўтганда хавфсиз эшелон (баландлик) тайинлаш ва ҳаво кемалари орасидаги белгиланган интервалларнинг таъминланиши;

д) ҳаво кемасининг қўшни ХХХ ҳудудига кириш шароитларини келишиш;

е) радиолокацион назорат мавжуд бўлганда экипажга ҳаво кемасининг турган ўрни тўғрисида аниқ ва ўз вақтида ахборот берилиши учун жавобгар.

4-§. Қўнишни визуал бошлаш қоидалари

313. Қўнишни визуал бошлаш қоидалари қуйидагиларни назарда тутди:

а) қўнишолди тўғри чизигига чиқиш учун визуал манёврларни амалга ошириш учун белгиланган ҳудуди ичида аэродром атрофида визуал манёврларни амалга ошириш;

б) қўниш курсига айланиб (етарлича) буриб олгунга қадар белгиланган минимал пасайиш баландлигига риоя қилиш;

в) УҚЙ ва (ёки) унинг мўлжаллари билан доимий визуал контакт ўрнатиш ва сақлаб туриш;

г) УҚЙ ва (ёки) унинг мўлжаллари билан визуал контакт йўқолган тақдирда қўнишга визуал киришишнинг исталган нуқтасидан УПК бўйича иккинчи доирага киришнинг белгиланган схемасига ўтиш билан бирга иккинчи доирага кириш.

314. ҚВК 1, 2, 3-класс ҳаво кемаларида қўлланилади.

315. Қўнишни визуал бошлаш қуйидаги вазиятларда бажарилади:

а) қўнишнинг радиотехник воситалари билан жиҳозланмаган, шунингдек бундай воситалари ишламай қолган аэродромларда;

б) аэродромнинг радиотехник воситалар билан жиҳозланишидан қатъи назар, ёқилғини ва парвоз вақтини тежаш, аэродромнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида;

в) парвоз вақтида алоҳида ҳодисалар рўй берганда иложи борида тезроқ қўнишни амалга ошириш учун;

г) учувчилар таркибига қўнишни визуал бошлашни амалга оширишни машқ қилдириш мақсадида.

316. Қўнишни визуал бошлаш хавфсизлигини таъминлаш учун, ичида ҚВКнинг мунимумларини ва пасайишнинг минимал баландликларини ҳисоблаётганда тўсиқлар

ни ҳисобга олган ҳолда манёврларни визуал амалга ошириш ҳудуди белгиланади. Қўнишни визуал бошлаш ҳудуди аэродромнинг мазкур тоифадаги ЎКлари қўниши учун ишлатилиши мумкин бўлган ҳар бир УҚЙ бошланиши марказларидан тортилган ёйлар билан чекланади, бу ёйлар уларга ўтказилган уринмалар билан туташтирилади. Бу ёйларни минимал радиусларининг сон қийматлари, ҳаво кемаларининг тоифаларига боғлиқ равишда мазкур Қоидаларнинг 14-иловасида келтирилган. Жадвалда қўнишга визуал киришишдаги рухсат этилган максимал тезликнинг чекловлари алоҳида устун шаклида келтирилган.

317. ҚВК учун схема тузганда тўсиқлар ҳисобга олинади, пасайишнинг минимал баландликлари ва минимумлар ҳисоблаб чиқилади.

318. ҚВК қоидаларига кўра парвоз этиш тасдиқланган дастурлар бўйича тайёргарликдан ўтган учувчиларга рухсат этилади.

319. ҚВК қоидаларига кўра парвоз этаётганда ХКК қуйидагилар учун жавобгардир:

а) қўнишга визуал киришиш нуқтасига қадар ускуналарга кўра пасайиш ва қўнишни бошлаш схемасига риоя этилиши;

б) манёврларни визуал амалга ошириш ва қўниш ҳудудининг ичида УҚЙ ва (ёки) унинг мўлжаллари билан визуал контакт пайтида визуал манёврларни бажариш;

в) қўниш курсига қайтариб буриш бошлангунга қадар манёврларни визуал амалга оширганда, агар УҚЙ ва (ёки) унинг мўлжаллари билан визуал контакт ўрнатилмаган бўлса, пасайишнинг белгиланган минимал баландлигига риоя этиш;

г) УҚЙ ва (ёки) унинг мўлжаллари билан визуал контакт йўқолганда ёки белгиланган манёврларни визуал амалга ошириш ҳудудидан ташқарига чиқиб кетилганда ўз вақтида иккинчи доирага кетиш.

320. Ўзининг бошқаруви остида ҳаво кемасининг парвози ҚВК қоидаларига кўра амалга оширалаётган ХХБ органининг диспетчери:

а) ҳаводаги вазият ва метеошароитнинг таҳлили асосида ҚВК қоидалари бўйича бажариш имкониятларини аниқланиши;

б) радиолокацион назорат мавжуд бўлганда экипаж томонидан ускуналарга кўра пасайиш ва қўнишни бошлаш схемасига ҚВК нуқтасига қадар риоя этилишини назорат қилиниши;

в) радиолокацион назорат мавжуд бўлганда манёврларни визуал бажаришнинг белгиланган ҳудудига киришни назорат этилиши ва ҚВКни бажаришга рухсат берилиши.

ҚВКга рухсат берилиши ҚВКни бажараётганда белгиланган манёврларни визуал амалга ошириш ҳудуди доирасида учишни, УПҚ бўйича қўнишни амалга ошираётган самолётлар ва ҚВКни бажараётган самолёт орасидаги оралиқ масофаларга риоя этилишини англатади;

г) радиолокацион назорат мавжуд бўлганда экипаж томонидан иккинчи доирага кетиш схемасига риоя этилишини назорат қилиниши;

д) экипаж ўз вақтида ҳаво, метеорологик ва орнитологик шароитдан хабардор этилиши учун жавобгардир.

5-§. Учиб кетиш ва учиб келиш қоидалари

321. Ҳаво кемаси командири:

а) экипажнинг парвозни бажаришга тайёрлиги;

б) ҳаво кемасининг созлиги;

в) метеовазиятни таҳлил қилиш;

г) диспетчернинг учиш, қўниш ва захира аэродромлари ҳолати, ҳаводаги вазият ва парвозни таъминлаш тўғрисидаги ахборотларга асосланган ҳолда фазога кўтарилиш ҳақида қарор қабул қилади.

322. АДП диспетчери (брифинг хизмат кўрсатиладиган аэропортлардан ташқари) парвозлар режасига ва ҳаво кемаси командирининг учиш тўғрисида қабул қилган қарорига асосан экипажга қуйидаги ҳолларда фазога кўтарилишга диспетчерлик рухсатини беради:

а) учиш (қўниш) аэродромининг техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб берса;

б) захира аэродромининг техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб берса;

в) ҳаводаги вазият парвозни бажаришга тўсқинлик қилмай, амалдаги ва прогноз қилинаётган об-ҳаво эса учиш учун белгиланган минимумдан паст бўлмаса;

г) йўналиш бўйича, қўниш ва захира аэродромларидаги об-ҳаво прогнози белгиланган талабларга жавоб берса;

д) экипаж бажариладиган парвозга тайёргарлик кўришнинг тўлиқ ҳажмда бажарилганлиги ҳақида ахборот берса.

323. Агар учиш, қўниш ва (ёки) захира аэродромларида, шунингдек йўналиш бўйича (авиация ишлари олиб бориладиган ҳудуд бўйича) метеошароитлар учиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан ҳаво кемаси фазога кўтарилгунга қадар ушбу аэродромлар (йўналишлар) учун ўрнатилган минимумдан пастга тушган бўлса, диспетчер ахборотни олгандан сўнг бу ҳақда экипажга хабар бериши шарт. Ҳаво кемасининг командири эса учиш имкониятларини яна бир бор баҳолаб кўриши керак.

324. Агар учиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан ҳаво кемаси фазога кўтарилгунга қадар бўлган вақт ичида диспетчер ушбу ХК парвозига тааллуқли чекловлар, ман этишлар ёки огоҳлантиришлар тўғрисида ахборот (хабарнома, NOTAM ва ҳ. к.) олса, бу ҳақда экипажга хабар бериши шарт. Ҳаво кемасининг командири эса учиш имкониятларини такроран баҳолаб кўриши керак.

325. Фуқаро аэродромларидан ФА ҳаво кемаларининг фазога кўтарилиши, шунингдек ФА ҳаво кемаларининг белгиланган йўналиш (авиация ишлари бажариладиган ҳудуд) бўйлаб парвозларни бажариши ёки ҳарбий аэродромда қўниши ҳақида диспетчерлик рухсатномаси АДП диспетчери томонидан СХФБ ЯТ РМ ҳарбий сектори билан келишилган ҳолда берилади.

326. Ҳаво кемаси командири метеорологик вазиятни таҳлил қилиб

а) парвоз бошланадиган аэродромда амалдаги ва прогноз қилинадиган об-ҳаво учиш учун белгиланган минимумдан паст бўлмаса;

б) парвоз йўналишида айланиб ўтиш мумкин бўлмаган метеоходисалар мавжуд бўлмаса;

в) манзил аэродромида амалдаги ва қўниш пайти учун (± 30 дақиқа) прогноз қилинадиган об-ҳаво 15-иловадаги жадвалда келтирилган вариантлардан бирига тўғри келса ва ушбу Қоидаларнинг 329 — 334-бандлари ва 15-илова жадвали талабларига жавоб берадиган захирадаги аэродром мавжуд бўлса.

г) иккита куч қурилмасига эга ХК учун битта двигатель ишламай қолганда йўналишнинг исталган нуқтасидан 60 дақиқадан ошмайдиган вақт давомида етиб бориладиган захира аэродроми мавжуд бўлса. Танланган аэродромлар ушбу турдаги ХКни қабул қилишга яроқли бўлиши ва ҳеч бўлмаганда битта ускуналар бўйича қўнишни бошлаш тизимига эга бўлиши керак. Бу аэродромда қўниш пайти учун (± 30 дақиқа) прогноз қилинадиган об-ҳаво минимумдан паст бўлмаслиги керак;

д) иккита куч қурилмасига эга ХК да ETOPS қоидалари бўйича парвоз қилин-

ганда, захирадаги аэродромларни танлаш эксплуатантнинг ETOPS (ETOPS MANUAL) бўйича парвоз қилиш учун қўлланмасига мувофиқ амалга оширилади.

е) ҳаводаги вазият парвозни бажариш учун тўсқинлик қилмаса УПК бўйича учиш тўғрисида қарор қабул қилади.

327. Ушбу Қоидаларнинг 15-иловасидаги жадвалнинг 1-варианти бўйича парвоз қилиш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда қўниш аэродромидан олинган амалдаги об-ҳаво тўғрисидаги маълумот кўпи билан бир соат олдин олинган бўлиши керак.

Парвоз давомийлиги 2 соатгача давом этганида:

а) шамолнинг тезлиги ва йўналиши белгиланган чеклашларга мувофиқлиги унинг кучайишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади;

б) УҚЙдаги кўриш узоқлигига амал қилишга рухсат этилади.

Бунда, агарда УҚЙдаги кўриш бўйича фазога кўтарилиш тўғрисида қарор кечаси қабул қилинадиган бўлса, манзил (захира) аэродромига қўниш эса кундузи амалга ошириладиган бўлса, УҚЙдаги кўриш даражаси куннинг қоронғи пайтидан ёруғ пайтига ўтиш вақтида пасайишини ҳисобга олиш керак.

328. Манзил ва захира аэродромларида УПК бўйича парвозни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

а) учиб келиш вақтига прогноз қилинадиган метеоходисалар;

б) учиб келиш вақтига прогноз қилинадиган шамолнинг кучайиши;

в) булутларнинг пастки чегараси баландлиги, агар уларнинг амалдаги ва (ёки) прогноз қилинадиган сони 3-4 октантдан (SCT) ошмаса;

г) учиб келиш вақтига прогноз қилинадиган кўришнинг вақтинча ёмонлашуви (ТЕМПО) ва (ёки) булутлар пастки чегарасининг пасайиши.

Агар манзил (захира) аэродромига етиб келиш вақти кўришнинг ва (ёки) булутларнинг пастки чегараси баландлиги ўзгаришининг прогноз қилинадиган вақтига (ЕССМГ) тўғри келса, УПК бўйича учиш тўғрисида қарор қилинганда уларнинг энг паст кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

329. УПК бўйича парвозларда манзил учун захира аэродром сифатида шундай аэродром танланиши мумкинки, унда учиб келиш вақтига келиб қуйидагилар прогноз қилинаётган бўлса:

а) булутларнинг пастки чегараси баландлиги минимумдан 50 метр ва кўриш узоқлиги 500 метр баланд;

б) булутларнинг пастки чегараси баландлиги 90 метрдан кам эмас ва кўриш узоқлиги 1000 метрдан кам эмас — агарда аэродром тоифалаштирилган минимум бўйича фойдаланишга қўйилган бўлса, командир ва ҳаво кемаси эса ушбу тоифага мос келадиган тегишли тоифа ёки минимум бўйича парвозларга қўйилган бўлса;

в) булутларнинг пастки чегараси баландлиги минимумдан 100 метр ва кўриш 1000 метр баланд — танланган захира аэродроми манзил аэродромдан кўпи билан 50 км масофада жойлашган бўлса.

330. Парвоз бошланган аэродромда метеошароитлар унга қўниш учун белгиланган минимумдан паст бўлса ёки бошқа сабабларга кўра унга қайтиб келишнинг иложи бўлмаса, учиб кетиш учун захира аэродроми танланиши керак.

331. Учиб кетиш учун захира аэродроми шундай танланиши керакки, ундаги ҳақиқий об-ҳаво ва учиб келиш вақтидаги об-ҳаво қўниш учун белгиланган минимумдан паст бўлмаслиги, парвоз бошланган аэродромдан унгача учиб бориш вақти ХҚдан фойдаланиш бўйича қўлланмага мувофиқ барча ҳолларда:

а) иккита двигателли самолётлар учун бир соатдан ошмаслиги;

б) учта ва ундан кўп двигателли самолётлар учун икки соатдан ошмаслиги керак.

Учиш учун захира аэродроми бўлмаганда парвоз бошланадиган аэродромда метеошароитлар унга келиб қўниш учун белгиланган минимумдан паст бўлмаган ҳолларда учиш кетиш учун қарор қабул қилинади.

332. Ушбу Қоидаларнинг 329-бандига мувофиқ, агарда аэродром дастлабки тайёргарлик вақтида ўрганилган бўлса ва тренажёрда ундаги пасайиш ва қўниш учун кириш схемасига мувофиқ машғулоти ўтказилган бўлса, ҳамда ҳаво кемаси командири 1-классли учувчи бўлса тоғ аэродроми захира сифатида танланиши мумкин.

333. Ноқулай аэронавигация ва метеорология шароити ва ёнилғи миқдори захира аэродроми танлашга имкон бермаган ҳолларда ҳаво кемаси командирига захира аэродроми ёки парвоз бошланган аэродромга кетиш чегарасини ҳисобга олиб учиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади, агарда:

а) кетиш чегарасидан манзил ёки захира аэродромигача бўлган парвоз давомийлиги ҳисоб-китоб бўйича икки соатдан ошмаса;

б) манзил ва захира аэродромида амалдаги об-ҳаво минимумдан паст бўлмаса (парвоз икки соатдан кўп давом этганда амалдаги об-ҳаводан қатъи назар, ҳисоб-китоб бўйича);

в) манзил ва захира аэродромида учиш келиш вақтидаги об-ҳаво прогнози белгиланган талабларга жавоб берса. Бунда манзил аэропортига етиб келиш вақтида ҳаво кемаси бортидаги ёнилғи миқдори доира баландлиги бўйлаб камида бир соат парвоз қилишга етарли даражада бўлиши керак. Кетиш чегараси шундай аниқланадики, захира аэродромига учиш келиш учун ҳисобланган вақтда ҳаво кемаси бортидаги ёнилғи миқдорининг қолдиғи доира баландлиги бўйлаб камида 30 дақиқа парвоз қилишга етарли даражада бўлиши керак.

334. Ҳаво кемаси командири УПҚ бўйича захира аэродромисиз учиш учун қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, агарда:

а) манзил аэродромида шу турдаги ҳаво кемалари қўниши учун яроқли иккита бир-бири билан кесишмайдиган учиш-қўниш йўлаги мавжуд бўлса;

б) манзил аэродромида амалдаги ва учиш бориш вақтига прогноз қилинадиган кўриш даражаси минимумдан (қўниш учун фойдаланиладиган иккала УҚЙ учун ҳам белгиланган система бўйича каттаси) 2000 метр ва булутларнинг пастки чегараси 150 метрдан баланд бўлса;

в) манзил аэропортига етиб келган вақтда ҳаво кемаси бортидаги ёнилғи миқдори ҳисоб-китоб бўйича доира баландлиги бўйлаб камида бир соат парвоз қилишга етарли даражада бўлса.

335. ВПҚ бўйича парвозни бажариш учун ҳаво кемаси командири қуйидаги шароитларда учиш тўғрисида қарор қабул қилади:

а) парвознинг бошланиши, манзил ва захира аэродромларида амалдаги об-ҳаво ХҚ командирининг минимумига мос келса ва ВПҚ бўйича парвозларда кўзда тутилган даражадан паст бўлмаса;

б) йўналиш бўйича (авиация ишлари ўтказиладиган ҳудудда), манзил ва захира аэродромларида прогноз қилинадиган кўриш даражаси ва булутларнинг пастки чегараси ҳаво кемаси командирининг ва ВПҚ бўйича парвозларда кўзда тутилган минимумдан паст бўлмаса; шамол прогнози унинг кучланишини ҳисобга олмаганда — белгиланган чекловлар доирасида;

в) йўналиш бўйича (авиация ишлари ўтказиладиган ҳудудда) айланиб ўтиш мумкин бўлмаган метеоҳодисалар прогноз қилинмаган бўлса.

336. Об-ҳавонинг метеокузатувларини амалга оширадиган Ўзгидромет тезкор органлари ва ФА ходимлари бўлмаган қўниш майдончаларида қўниб ўтиб бажариладиган махсус авиация ишларида ҳаво кемаси командири авиация ишлари ўткази-

ладиган ҳудуддаги (қўниш пунктидаги) метеошароитлар прогнозига асосланиб учиш тўғрисида қарор қабул қилади.

337. ВПҚ бўйича учиш учун қарор қабул қилинганда қуйидаги парвозлар учун жой рельефи ва ундаги сунъий тўсиқлар (ушбу Қоидаларнинг 294 ва 298-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда) ҳисобга олинади:

а) биринчи тоифадаги МХЙ бўйича парвозлар учун ва йўналиш ўқидан иккала томонга қараб 5 км кенгликдаги эшелонлардаги трассада ташқари (МХЙдан ташқари) парвозларда;

б) иккинчи тоифадаги МХЙ бўйича парвозлар учун ва йўналиш ўқидан иккала томонга қараб 2 км кенгликдаги эшелонлардан пастдаги трассада ташқари (МХЙдан ташқари) парвозларда.

338. Захира аэродроми бўлмаганда манзил аэропортга етиб келиш вақтида қўриш узоқлиги белгиланган минимумдан 500 метр ва булутларнинг пастки чегараси баландлиги 50 метр баланд бўлса ВПҚ бўйича учиш учун қарор қабул қилишга рухсат этилади.

339. ВПҚ бўйича учиш учун қарор қабул қилишда манзил ва захира аэропортига етиб келиш вақти учун прогноз қилинадиган қўриш узоқлиги ва (ёки) булутларнинг пастки чегараси баландлигининг ўзгариши ВЕСМГ ва ТЕМРО индексларидан фойдаланган ҳолда уларнинг энг паст даражаси ҳисобга олинади.

340. ВПҚ бўйича учиш учун қарор қабул қилишда парвоз йўналиши, парвоз бошланадиган, манзил ва захира аэродромларида агар булутларнинг парвоз баландлигидан пастдаги амалдаги ва прогноз қилинадиган сони 1-2 октантдан ошмаса (FEW), уларнинг пастки чегараси баландлиги ҳисобга олинмайди.

341. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳаво линияларида парвозлар бажарилганда қуйидаги ҳолларда ҳаво кемаси командирига ХК бортидан туриб радио орқали учиш учун қарор қабул қилишга, ХХБ органи диспетчерига эса радио орқали ХК экипажига учиш учун диспетчерлик рухсати беришга рухсат этилади:

а) учиш учун қарор қабул қилиниб бўлингандан сўнг метеошароитлар ва бошқа сабаблар туфайли йўналишнинг жўнаши кечиктирилган бўлса ва уни қайтадан расмийлаштириш талаб этилса;

б) оралиқ ва (ёки) охирги аэропортларда қўнгандан сўнг, тўхтаб туриш вақти 1 соатдан кам бўлса;

в) ёзги бир кун мобайнида битта экипаж билан бошланғич ва охирги аэропортлардан такроран училганда.

Бунда қуйидаги талаблар бажарилиши шарт:

а) экипаж радио орқали ХХБ органи диспетчеридан қуйидаги ахборотларни олган бўлиши:

учиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун учиш, манзил ва захира аэродромларидаги белгиланган талабларга жавоб берадиган амалдаги ва (ёки) прогноз қилинаётган об-ҳаво ҳақида;

учиш, манзил ва захира аэродромларида, шунингдек об-ҳаво вазиятида парвозни бажариш учун тўсқинлик қиладиган ўзгаришлар йўқлиги тўғрисида.

б) ХХБ органи диспетчери радио орқали ХК командиридан қуйидаги ахборотларни олган бўлиши:

кутилаётган парвозга тайёргарликнинг тўла ҳажмда бажарилганлиги тўғрисида;

ХК бортидаги ёнилғи микдори, учиш массаси ва центровка тўғрисида;

учиш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида;

в) ХК командири ва ХХБ органи диспетчерининг мулоқоти автоматик магнитли товуш ёзиш аппаратурасида ёзиб олиниши керак.

Радио орқали учиш учун қарор қабул қилинганлиги учун жавобгарлик ҳаво кемаси командирининг зиммасида бўлади.

342. Москва аэроузеллари аэродромларига парвозлар бажарилишида:

а) Москва аэроузелларидан бирига парвоз қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда захира аэродроми сифатида шу аэроузелнинг бошқа аэродромини танлашга рухсат этилади, бунда учиш келиш вақтида захира аэродромида булутлар пастки чегарасининг баландлиги 200 метрдан паст, кўриш узоқлиги эса 2000 метрдан кам бўлмаслиги керак;

б) белгиланган талабларга жавоб берадиган захира аэродроми бўлмаганда ҳаво кемаси командири Москва аэроузелларидан ташқари бошқа захира аэродроми (аэродромлари) танлаши керак.

в) агар Москва аэроузелидаги манзил аэродромида метеошароитлар туфайли (ёки бошқа сабабларга кўра) қўнишнинг имкони бўлмаса, ҳаво кемаси командирига ХХБ органи диспетчери билан келишган ҳолда Москва аэроузелидаги бошқа аэродромда амалдаги об-ҳаво минимумдан паст бўлмаганда ва иккинчи аэродромнинг қарор қабул қилиш баландлигидан Москва аэроузелидан ташқаридаги захира аэродромига учиш бориш учун етарли аэронавигацион ёнилғи захираси мавжуд бўлганда шу аэродромга қўнишга рухсат этилади.

г) Москва аэроузелидан ташқаридаги аэродромларга парвозлар бажарилаётганда ушбу Қоидаларнинг 329-бандига мувофиқ Москва аэроузелидан захира аэродроми танлашга рухсат этилади. Агар мазкур Қоидаларнинг 15-иловасининг жадвалидаги вариант бўйича иккита захира аэродроми танлаш талаб этилса, улардан фақатгина биттасини Москва аэроузелидан танлаш мумкин.

6-§. Барометрик баландлик ўлчагичнинг шкаласини ўрнатиш қоидалари

343. Қўидаги ҳолларда ҳаво кемаси парвозининг барометрик баландлиги ҳисоби юритилади:

а) аэродром ҳудудида аэродромлар парвозлар доираси чегарасида, ўтиш баландлигида ва пастда — аэродромда атмосфера баландлигининг қиймати бўйича;

б) йўналиш бўйлаб пастки эшелондан қўидаги баландликда — денгиз сатҳига келтирилган йўналишдаги (йўналиш участкасидаги) минимал атмосфера босими бўйича;

в) ўтиш эшелонида ва ундан баландда — 760 мм.см.уст. (1013,2 Мбар) стандарт атмосфера босими бўйича.

344. Эшелондаги парвоз учун баландлик танлашда барометрик баландлик ўлчагичнинг шкаласини ўтиш баландлиги кесиб ўтилганда аэродромнинг атмосфера босимига мос келадиган ҳисобдан «760» га ўтказилади.

345. Қўишни бошлаш олдидан барометрик баландлик ўлчагичнинг шкаласини «760» ҳисобдан қўиш аэродромининг атмосфера босимига мос келадиган қийматига ўтказишни, ХХБ диспетчерининг янада пасайиш тўғрисидаги рухсатидан сўнг ўтиш эшелонида бажарилади.

346. Йўналиш бўйлаб парвозда қўи эшелондан паст баландликда барометрик баландлик ўлчагичнинг босим шкаласини аэродром босими бўйича ҳисобдан йўналиш бўйича денгиз сатҳига келтирилган минимал атмосфера босимига ўтказишни фазога кўтарилиш ҳудудидан ва қўиш ҳудудидан чиққанда (парвозларнинг аэродром доираси) амалга оширилади.

347. Аэродромга яқинлашганда қўи эшелондан паст баландликда барометрик

баландлик ўлчагичнинг босим шкаласини йўналиш бўйича денгиз сатҳига келтирилган минимал атмосфера босимидан аэродром босими бўйича ҳисобланган ўтказишни фазога кўтарилиш ҳудудига ва қўниш ҳудудига кирганда (парвозларнинг аэродром доирасида) амалга оширилади.

348. Авиацион метеорологик станцияси (фукаролик) бўлмаган текислик ёки паст-баланд жойда жойлашган аэродромдан учишдан олдин экипаж стрелкаси аэродромнинг абсолют баландлигига тенг баландлик қийматида ўрнатилиши керак бўлган барометрик баландлик ўлчагичнинг босим шкаласи бўйича келтирилган босимни аниқлайди.

349. Тоғли аэродромларда УҚЙ сатҳидаги атмосфера босимида, ўрнатилиши мумкин бўлган қийматнинг охириги даражасидан кичик қийматларда барометрик баландлик ўлчагичнинг босим шкаласида:

а) фазога кўтарилишдан олдин денгиз сатҳига келтирилган аэродром босимининг қийматини ўрнатиш керак. Бундай ҳолда баландлик ўлчагичнинг кўрсаткичи унга нисбатан берилган баландликни танлаш учун «шартли ноль» сифатида қабул қилинади;

б) қўнишдан олдин диспетчер экипажга аэродромнинг абсолют баландлигини ва аэродромнинг денгиз сатҳига келтирилган атмосфера босимини хабар қилади, экипаж уни баландлик ўлчагичда ўрнатади ва баландлик ўлчагичлар парвознинг абсолют баландлигини, қўниш пайтида эса — аэродромнинг денгиз сатҳидан баландлигини кўрсатишини ҳисобга олиб қўнишни бошлайди.

7-§. Парвознинг хавфсиз баландлигини аниқлаш ва ушлаб туриш

350. УПК ва ВПК бўйича парвозларнинг аниқ хавфсиз баландлиги жойларнинг рельефи ва ундаги сунъий тўсиқлар баландлигига, ҳаво кемаси парвозининг тезлиги, қўлланиладиган қоидалар ва парвоз ҳудудига қараб, самолётни бошқариш аниқлиги ва навигациядаги қўйимлар, баландлик ўлчагичларнинг баландликларни ўлчашдаги хатоликлар, атмосфера турбулентлиги шароитида парвоз траекториясидан мумкин бўлган оғишлар ва орнитологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Парвознинг аниқ хавфсиз баландликлари мазкур Қоидаларнинг 16-иловасидаги жадвалда келтирилган. Парвознинг хавфсиз баландлиги ҳисоб-китоби мазкур Қоидаларнинг 3-иловасида келтирилган.

351. Аниқ хавфсиз баландликдан паст бўлмаган баландликда парвозни таъминлаш учун ускуналар хавфсиз парвоз баландлиги ҳисоб-китоби амалга оширилади.

352. Аэродром доираси бўйлаб парвоз баландлиги (доира баландлиги) ушбу аэродромда парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномага биноан аниқланади.

353. Ҳар бир аэродром учун ускуналар бўйича минимал хавфсиз парвоз баландлиги белгиланади, у авария вазиятларида қўнишни бошлаш схемаси чегарасидан чиқишда пасайиш учун фойдаланилиши мумкин ва жой рельефи ва ундаги сунъий тўсиқларнинг энг юқори нуктасидан 300 метр баландликда, аэродромнинг назорат нуктасидан 50 км радиусда ҳақиқий парвоз баландлигининг минимал захирасини таъминлаши керак. Агар жой рельефидаги баландликлар фарқи ундаги сунъий тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда 100 метрдан ошмаса, бутун аэродром ҳудуди учун ягона минимал хавфсиз баландлик белгиланади. Баландликлар орасидаги фарқ катта бўлса, аэродром ҳудуди секторларга бўлинади ва ҳар бир сектор учун минимал хавфсиз баландлик белгиланади.

354. Яқинлашиш ҳудудида хавфсиз парвоз баландлиги ва қиймати ўтиш эше-

лонига тенг ёки баланд бўлган минимал хавфсиз баландлик денгиз сатҳига келтирилган атмосфера босими бўйича ҳисобланади.

355. Яқинлашиш ҳудудида хавфсиз баландликни, доира баландлигини ва МХБни ҳисоблашда кўп йиллик кузатишлар натижаси бўйича аэродромнинг ўртача йиллик ҳарорати ва атмосфера босимининг минимал қийматидан фойдаланилади. Ушбу баландликлар аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномада ва аэронавигация ахборотлари тўпламларида кўрсатилади.

356. Пастки хавфсиз эшелон баландлиги 760 мм.см.уст. (1013,2 мбар) бўйича парвознинг хавфсиз баландлигини ҳисоблаб, олинган қийматни яқинликдаги йўлдош эшелон баландлигига қадар ошириш орқали аниқланади.

357. Парвоз бажарилаётганда экипаж баландлик ўлчагичларга тузатишлар кiritилишини ҳисобга олиши шарт.

358. Хавфсиз парвоз баландлигини ҳисоблашда жой рельефининг ва сунъий тўсиқларнинг ошишини ҳисобга олиш йўлаги:

а) учиш ва қўниш ҳудудида йўналиш ўқидан икки томонга қараб УПҚ бўйича — 10 км.дан, ВПҚ бўйича эса — 5 км.дан;

б) аэродром ҳудудлари чегараларида, кириш, чиқиш йўлакларида, шунингдек белгиланган йўналишларда:

УПҚ бўйича парвозларда ва радиолокацион назорат бўлганда — йўналиш ўқидан икки томонга қараб — 10 км.дан, радиолокацион назорат бўлмаганда эса — 25 км.дан;

ВПҚ бўйича парвозларда — йўлак кенглиги чегарасида;

в) ҳаво трассалари, 1-тоифали МХЙ ва белгиланган йўналишларда (аэродром ҳудудидан ташқари):

УПҚ бўйича парвозларда йўналиш ўқидан икки томонга қараб — 25 км.дан;

ВПҚ бўйича парвозларда — йўлак кенглиги чегарасида (МХЙ, белгиланган йўналишларда);

г) ВПҚ бўйича трассада ташқари (биринчи ва иккинчи тоифадаги МХЙ дан ташқари) парвозлар бажарилганда:

эшелонларда — йўналиш ўқидан икки томонга қараб — 5 км.дан;

қуйи эшелондан пастда — йўналиш ўқидан икки томонга қараб — 2 км.дан бўлиши лозим.

359. ХҚнинг ВПҚ бўйича пастки эшелондан қўйида соатига 300 км ва ундан паст тезликдаги парвозларида текислик ва паст-баланд жойлардаги сунъий тўсиқлар баландлиги ҳисобга олинмайди.

360. Эксплуатантга ҳудудида парвоз бажариладиган давлат томонидан, ёки эксплуатантнинг давлати томонидан минимал абсолют парвоз баландлиги белгиланган йўналишларда минимал абсолют парвоз баландликларини белгилаш рухсат этилади, бунда улар бу давлат томонидан белгиланган қийматлардан кичик бўлмаслиги шарт.

361. ВПҚ бўйича хавфсиз баландликлардаги парвозлар, пастки эшелондан қўйидаги парвозлардан ташқари, фақатгина ХХБ органлари ва ҳаво кемаси ўртасида узлуксиз икки томонлама алоқа бўлгандагина ташкил этилади, бунда пастки хавфсиз эшелон албатта бошқа ҳаво кемаларидан бўшатилиши керак.

8-§. Эшелонлаш қоидалари

362. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида хавфсиз парвозларни таъминлаш учун ҳаво кемалари вертикал, бўйлама ва ёнлама эшелонлашнинг минимал йўл қўйиладиган интерваллари ўрнатилади.

363. Бошқа давлатларнинг самовий ҳудудида халқаро парвозларни бажарадиган ҳаво кемаларини эшелонлаш ушбу давлатларда амал қилувчи парвозларни бажариш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

364. Эшелонлаш тизимларида фарқ бўлганда эшелонлар алмашинуви давлат чегараларини (очиқ денгиз устида ХХБ ҳудуд чегараларини) кесиб ўтишга 30 км қолганда амалга оширилади, бунда ХХБ диспетчерининг кўрсатмаси бўйича қарама-қарши келаётган ҳаво кемалари ўртасидаги вертикал эшелонлашнинг интерваллари таъминланиши шарт.

365. Вертикал эшелонлаш интерваллари қуйидагича ўрнатилади:

а) 900 метр эшелондан 8100 метр — 300 метр эшелонгача;

б) 8100 метр эшелондан 12100 метр — 500 метр эшелонгача;

в) 12100 метрдан баланд эшелонда, шунингдек товушдан тез тезликда парвоз бажарадиган ХК билан бошқа ҳаво кемаси ўртасида — 1000 метр.

366. Қуйи эшелондан пастдаги парвозларда қуйи эшелонлар билан парвоз баландлиги ўртасидаги вертикал масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Қуйи эшелондан пастдаги баландликларда ҳаво кемаларининг ВПҚ бўйича тезлиги соатига 300 км/сдан ортиқ бўлмаган парвозлари ҳар 150 метрда эшелонланади, тезлиги соатига 300 км/сдан ортиқ парвозларда ва барча бошқа ҳолатларда — ҳар 300 метрда эшелонланади.

367. Доира бўйлаб парвоз баландлиги билан кутиш ҳудудидаги қуйи эшелон орасидаги вертикал масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги керак.

368. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида вертикал эшелонлаш ярим доира тизимида амалга оширилади:

а) ҳаво трассалари йўналиши бўйлаб, МХЙ ва белгиланган йўналишларда аниқ йўл давомидаги бурчаклари 0 даражадан 179 даражагача бўлганда парвоз эшелонлари: 900, 1500, 2100, 2700, 3300, 3900, 4500, 5100, 5700, 6300, 6900, 7500, 8100, 9100, 10100, 11100, 12100, 14100 ва ҳ. к. этиб белгиланади.

б) ҳаво трассалари йўналиши бўйлаб, МХЙ ва белгиланган йўналишларда аниқ йўл давомидаги бурчаклари 180 даражадан 359 даражагача бўлганда парвоз эшелонлари: 1200, 1800, 2400, 3000, 3600, 4200, 4800, 5400, 6000, 6600, 7200, 7800, 8600, 9600, 10600, 11600, 13100, 15100 ва ҳ. к. этиб белгиланади.

369. Парвознинг умумий йўналиши ўзгариши туфайли йўналишнинг бурилиш пунктида эшелон алмашганда, янги эшелонни эгаллаш диспетчернинг рухсати билан, ушбу Парвоз қилиш қоидаларида белгиланган интервалларга риоя этган ҳолда белгиланган пунктга 20 км етмасдан бажарилиши керак.

370. Агар трассанинг (йўналишнинг) аксар участкаларида берилган йўл давомидаги аниқ бурчаклари битта ярим айлана доирасида, бошқа участкаларда эса бошқа доира чегарасида жойлашса, унда бутун ҳаво трассаси (йўналиши) учун парвозлар хавфсизлиги чораларига риоя этган ҳолда ягона эшелонлар белгиланиши мумкин.

371. Аэродром ҳудудида (аэроузелда) ва кутиш ҳудудларида вертикал эшелонлаш йўл давомидаги берилган парвоз бурчакларидан қатъи назар, белгиланган интервалларга мувофиқ амалга оширилади.

372. ВПҚ бўйича парвозларда бўйлама эшелонлашнинг минимал интерваллари битта эшелонда (баландликда) бир йўналиш бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари учун — 2 км.

373. ВПҚ бўйича парвозларда бўйлама эшелонлашнинг минимал интерваллари бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган парвоз эшелонини (баландлигини) кесиб ўтиш чоғида, шунингдек битта эшелондаги бошқа ҳаво кемасининг парвоз йўналишини кесиб ўтишда:

а) парвоз тезлиги соатига 300 км ва ундан паст бўлган ҳаво кемалари учун камида 2 км бўлиши керак;

б) парвоз тезлиги соатига 301—550 км бўлган ҳаво кемалари учун камида 5 км бўлиши керак.

374. УПК бўйича ва ВҚК қоидалари бўйича парвозларда, узлуксиз радиолокацион назорат мавжуд бўлганда, битта эшелонда (баландликда) битта йўналиш бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари ўртасида бўйлама эшелонлашнинг минимал интерваллари:

а) ҳаво трассаларида, МХЙ ва белгиланган йўналишларда — 30 км бўлиши керак;

б) яқинлашиш ҳудудларида — 20 км, ХХБ АТдан фойдаланилганда — 10 км;

в) учиш ва қўниш ҳудудида — 10 км, учиш массаси 136 Т ва ундан катта бўлган ҳаво кемаларининг ортидан кетаётган барча ҳаво кемалари учун. Бошқа барча ҳолларда — 5 км.

375. УПК бўйича ва ВҚК қоидалари бўйича парвозларда, узлуксиз радиолокацион назорат мавжуд бўлганда бўйлама эшелонлашнинг минимал интерваллари:

а) бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган қарама-қарши эшелонни (баландликни) кесиб ўтиш чоғида камида 30 км/ли интервалга риоя этилиши керак (10 километрли ёнлама интервалга риоя этган ҳолда);

б) бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган йўлдош эшелонни (баландликни) кесиб ўтиш чоғида камида 20 км.ли интервалга риоя этилиши керак, яқинлашиш ҳудудида эса ХХБ АТ дан фойдаланилганда — кесишиш чоғида камида 10 км;

в) битта эшелонда (баландликда) кесишадиган йўналишлар бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари ўртасида (кесишиш бурчаклари камида 70 даража бўлганда) кесишиш чоғида камида 40 км/ли интервалга риоя этилиши керак.

376. УПК бўйича ва ВҚК қоидалари бўйича парвозларда, узлуксиз радиолокацион назорат йўқ бўлганда, битта эшелонда (баландликда) битта йўналиш бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари ўртасида бўйлама эшелонлашнинг минимал вақт интерваллари:

а) ҳаво трассаларида, МХЙ, белгиланган йўналишларда ва яқинлашиш ҳудудларида — 10 дақиқа бўлиши керак;

б) учиш ва қўниш ҳудудида қўнишни бошлаш схемаси бўйича маневр бажарилганда — 3 дақиқа;

в) бошқа ҳаво кемаси билан банд йўлдош ёки қарама-қарши эшелонни (баландликни) кесиб ўтганда — кесиб ўтиш чоғида 20 дақиқа.

377. Битта эшелонда (баландликда) кесишадиган йўналишлар бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари ўртасида (кесишиш бурчаклари камида 70 даража бўлганда) кесишиш чоғида камида 15 дақиқали вақт интервалига риоя этилиши керак.

378. УПК бўйича парвозларда, аэродром ҳудудида узлуксиз радиолокацион назорат йўқ бўлганда, битта баландликда биттадан ортиқ ҳаво кемаси бўлмаслиги керак.

379. ВПК бўйича битта баландликдаги парвозларда ёнлама эшелонлашнинг минимал интерваллари:

а) қуйи эшелондан паст МХЙ бўйича парвозлардаги ажратилган йўналишларда — 5 км;

б) олдинда кетаётган ҳаво кемасини ўнг томондан қувиб ўтишда (аэродром доираси бўйлаб — ички тарафдан) — 500 метр.

380. УПК бўйича парвозларда, узлуксиз радиолокацион назорат мавжуд бўлганда ёнлама эшелонлашнинг минимал интерваллари:

а) параллел ҳаво трассаларининг ўқлари ўртасида — 50 км;

б) йўлдош ҳаво кемаси билан банд бўлган эшелонни (баландликни) кесиб ўтганда — кесиб ўтиш чоғида — 10 км;

в) қарама-қарши келаётган ҳаво кемаси билан банд бўлган эшелонни (баландликни) кесиб ўтганда — кесиб ўтиш чоғида — 10 км (30 километрли бўйлама интервалга риоя этган ҳолда).

381. Узлуксиз радиолокацион назорат мавжуд бўлмаганда УПҚ бўйича парвозларда ёнлама эшелонлашга йўл қўйилмайди (амалга оширилмайди).

9-§. Парвоз эшелонини (баландлигини) ўзгартириш ва ҳаво трассаларини кесиб ўтиш қоидалари

382. ҲХБ органи диспетчерининг рухсати билан хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда белгиланган эшелонни (баландликни) ўзгартиришга йўл қўйилади.

383. Биринчи навбат ҳуқуқига эга бўлган ҳаво кемаси ўз курси ва тезлигини сақлаб қолади.

384. Берилган эшелонда (баландликда) парвозни амалга ошираётган ҳаво кемаси командири ушбу эшелонни эгаллашни сўраётган ҳаво кемаси олдида устунликка эга (бошқа барча тенг шароитларда). Битта эшелонда парвоз бажарилаётганда узокрокқа учаётган ҳаво кемаси эшелонни (баландликни) сақлашда устунликка эга (бошқа барча тенг шароитларда).

385. Ҳаво кемаси билан банд эшелон, агар эшелонлашнинг бошқа турини қўллашнинг иложи бўлмаса, биринчи ҳаво кемаси экипажининг баландликни пайсатирганлиги ёки баландликка кўтарилганлиги тўғрисида билдирганидан сўнг бошқа ҳаво кемасига берилиши мумкин.

386. Бошқа ҳаво кемасининг эшелонни ёки ҳаво трассасини (МХЙ, белгиланган йўналишни) эгаллаши ёки кесиб ўтиши билан боғлиқ рухсат берган ҲХБ органи диспетчери хавфсиз интервалларни таъминлаши шарт.

387. Берилган эшелонда парвоз хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлганда (хавфли метеошароитларга тўқнаш келинганда, авиатехника ишдан чиққанда ва б.) ҳаво кемаси экипажига эшелонни мустақил равишда ўзгартириш ҳуқуқи берилади, бунда ҳаводаги ҳаракатни бевосита бошқараётган ҲХБ органига зудлик билан хабар берилиши шарт.

388. Янги эшелонни эгаллаган командир ҲХБ органи билан келишган ҳолда ҳаво кемасини ҳаво трассасига ёки МХЙга олиб чиқади.

389. Ҳаво трассаларига кириш, улардан чиқиш ва уларни кесиб ўтиш олдиндан келишилган эшелонларда (баландликларда) ва участкаларда горизонтал парвоз тартибида амалга оширилади.

390. Ҳаво трассасини (МХЙ) кесиб ўтиш ёки унга кириш учун эшелоннинг (баландликнинг) бошқа ҳаво кемаси билан банд бўлган жойи унинг чегарасидан камида 10 км узоқликда бўлиши керак.

391. Ҳаво трассасига (МХЙ) кириш учун ҳаво кемасининг командири унинг чегараларига яқинлашишдан камида 5 дақиқа олдин ҳаводаги ҳаракатни бевосита бошқаришни амалга оширадиган ҲХБ органи диспетчеридан рухсат ва парвозни давом эттириш учун шартлар олиши керак.

392. Агар учиш аэродроми ҳаво трассаси (МХЙ) яқинида жойлашган бўлса, уни кесиб ўтиш учун рухсат ва унинг шартлари ҲХБ тегишли органлари билан келишилади ва ҳаво кемаси командирига бевосита парвоздан олдин берилади. Трассани кесиб ўтиш иккала ҲХБ органлари назорати остида амалга оширилади ва ҳаво

кемаси командири албатта улардан бирининг диспетчери билан радиоалоқада бўлади.

393. Ҳаво кемаси томонидан бир неча ҳаво трассалари ёки МХЙ навбати билан кесиб ўтилганда, ҳаводаги ҳаракатни бевосита бошқаришни амалга оширадиган ХХБ органи кесиб ўтиш ҳудудида ҳаво кемаси командирига бир неча ҳаво трассасини кесиб ўтиш учун бирданига рухсат бериши мумкин.

10-§. Аэродром ҳудудида ва кутиш ҳудудида парвоз қилиш қоидалари

394. Аэродром ҳудудида парвозлар мазкур аэродром учун белгиланган коридорлар ва схемалар бўйлаб АХПАЙ (АНМ)га кўра ёки векторлаштиришда ХХБ органининг диспетчери белгилаб берган траекториялар бўйлаб амалга оширилади.

395. Аэродром ҳудудида парвозларнинг аэродром доираси белгиланади. Доира бўйлаб парвозларнинг баландлиги маҳаллий шароитлар, парвознинг хавфсиз баландлиги ва ҳаво кемаларининг турларидан келиб чиқиб белгиланади.

396. Ҳаво кемаларининг ҳавога кўтарилиши ва қўниши орасидаги минимал вақт интервали қуйидагича қилиб белгиланади:

а) битта УҚЙдан ёки ўқлари орасидаги масофа 1000 метрдан камроқ бўлган параллел УҚЙларидан бажарилаётган парвозларда — 45 сек.;

б) ўқлари орасидаги масофа 1000 метр ва ундан кўпроқ бўлган параллел УҚЙларидан бажарилаётган парвозларда — 30 сек.

397. Фазога кўтарилиш битта УҚЙдан ёки ўқлари орасидаги масофа 1000 метрдан камроқ бўлган параллел УҚЙларидан бажарилаётганда минимал вақт интервали қуйидагича қилиб белгиланади:

а) ўртача ва оғир ҳаво кемаларининг кетидан фазога кўтарилаётган энгил ҳаво кемалари учун — 3 дақиқа;

б) оғир ҳаво кемаларининг кетидан фазога кўтарилаётган ўртача ва оғир ҳаво кемалари учун — 2 дақиқа;

в) қолган барча ҳолларда — 1 дақиқадан кам эмас.

398. УҚЙ ўрта қисмидан ёки ўқлари орасидаги масофа 1000 метрдан кам бўлган параллел УҚЙ ўрта қисмидан фазога кўтарилганда, УҚЙ бошидан фазога кўтарилаётган ўртача ва оғир ҳаво кемаларининг кетидан учаётган энгил ҳаво кемалари ва оғир ҳаво кемаларининг кетидан учаётган ўртача ҳаво кемалари учун минимал вақт интервали 4 дақиқа этиб белгиланади.

399. Қўниш битта УҚЙга ёки ўқлари орасидаги масофа 1000 метрдан камроқ бўлган параллел УҚЙларига бажарилаётганда минимал вақт интервали қуйидагича қилиб белгиланади:

а) ўртача ва оғир ҳаво кемаларининг кетидан қўнаётган энгил ҳаво кемалари учун — 3 дақиқа;

б) оғир ҳаво кемаларининг кетидан қўнаётган ўртача ва оғир ҳаво кемалари учун — 2 дақиқа;

в) қолган барча ҳолларда — камида 1 дақиқа.

400. УПҚ бўйича энг қисқа масофа бўйлаб қўнишга киришиш узлуксиз радио-локацион назорат ёки бурчакни-узоқликни ўлчаш тизимлари қўлланилганда рухсат этилади. Бунда РТВни комплекс равишда қўллаш ва қўнишга киришиш схемасига (векторлаштираётганда траекториялар диспетчери томонидан берилган) риоя этиш шарт.

401. Ҳаво кемаларининг қўнишга киришиш учун навбатларини тартибга солиш

учун махсус ажратилган РНН ёки ердаги хос мўлжаллар устида кутиш ҳудудлари белгиланади.

402. Кутиш ҳудудида парвозлар эшелонлар қоидаларига мувофиқ эшелонларнинг белгиланган схемалари бўйича амалга оширилади.

403. Аэродром РННсининг устида жойлашган кутиш ҳудудининг пастки эшелони, шунингдек аэродром ҳудудида ёки унинг чегараларида жойлашган кутиш ҳудудларининг пастки эшелонлари аэродром ҳудудидаги ўтиш эшелонидан ва пастки хавфсиз эшелондан паст қилиб белгиланмайди.

404. Кутиш ҳудудидаги парвозлар АНМ ҳужжатларида чоп этилган схемаларга мувофиқ ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига кўра бажарилади. Кутиш ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиш диспетчернинг кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

405. Параллел ёки қарийб (15 даражагача) параллел УҚЙларидан ускуналар бўйича боғлиқ бўлмаган фазога кўтарилиш ва қўнишлар учун фойдаланилиши мумкин, агарда:

а) ҳар иккала УҚЙдан фақат фазога кўтарилиш учун фойдаланилаётган бўлса (боғлиқ бўлмаган фазога кўтарилиш);

б) битта УҚЙдан фақат фазога кўтарилиш учун, бошқасидан эса ҳам фазога кўтарилиш ҳам қўниш учун фойдаланилаётган бўлса (ярим аралаш операциялар);

в) ҳар иккала УҚЙдан фақат қўниш учун фойдаланилаётган бўлса (боғлиқ бўлмаган қўниш);

г) ҳар иккала УҚЙдан ҳам фазога кўтарилиш, ҳам қўниш учун фойдаланилса (аралаш операциялар).

406. Бир вақтда амалга оширилаётган боғлиқ бўлмаган параллел фазога кўтарилишлар параллел УҚЙларидан бажарилиши мумкин, агарда:

а) УҚЙларининг ўқ линиялари орасидаги масофа 1000 метр ва ундан кўпроқ бўлса;

б) йўл чизиқлари бевосита фазога кўтарилгандан кейин бир-биридан камида 15 даражага ажралиб кетса;

в) аниқлик даражаси ҳаво кемаларини УҚЙнинг бўсағасидан 2 км масофа ва ундан ҳам узоқроқдан бошлаб алоҳида-алоҳида таниб олиш имкониятини берадиган радиолокатор мавжуд бўлса ва ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш процедураси йўл чизиқлари керак бўлган даражада бир-биридан ажралиб кетишини таъминласа;

г) иккинчи доирага кетиш схемаси низоли вазиятлар келиб чиқишига йўл қўймайди (фазога кўтарилгандан сўнг баландликни оширишнинг белгиланган траекторияси ва иккинчи доирага кетишнинг белгиланган траекториялари орасидаги бурчак камида 15 даражани ташкил этса).

407. Бир вақтда амалга оширилаётган боғлиқ бўлмаган қўнишлар параллел УҚЙларида бажарилиши мумкин, агарда:

а) УҚЙлари ўқларининг орасидаги масофа 1000 метр ва ундан кўпроқ бўлса;

б) ҳаво кемалари қўнишга киришишни тўғри чизикдан бажаришса;

в) ҳар бир УҚЙ учун алоҳида қўниш радиолокатори мавжуд бўлса;

г) ҳар иккала УҚЙга қўнишга киришиш ускуналар бўйича қўниш тизимида кўра бажарилаётган бўлса;

д) ҳаво кемаларининг бортига УҚЙнинг ажратиб олиш рақами ва курс радиомаёғининг частотаси хабар қилинади (хабар АТИС тизими бўйича узатилиши мумкин);

е) иккинчи доирага кетиш схемаси низоли вазиятлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳар бир УҚЙга қўнишни бошланишларини биттадан ҚДП диспетчерлари назорат қилиши таъминланади;

ж) қўниш курсига қўшимча буриш нуқталарининг (тўртинчи қайтариб буриш) узоқлиги бир-биридан камида 5 км.га фарқ қилади.

408. Боғлиқ бўлган қўнишлар параллел УҚЙларида бажарилиши мумкин, агар:

а) УҚЙлари ўқ чизиқларининг орасидаги масофа 1000 метрдан кам бўлмаса;

б) ҳаво кемалари қўнишга киришишни тўғри чизикдан бажаришса;

в) қўниш радиолокатори мавжуд бўлса;

г) ҳар иккала УҚЙга қўнишга киришиш ускуналар бўйича қўниш тизимига кўра бажарилаётган бўлса;

д) ҳаво кемаларининг бортига қўнишга киришиш ҳар иккала УҚЙда ҳам бажарилаётганлиги хабар қилинса (хабар АТИС тизими бўйича узатилиши мумкин);

е) иккинчи доирага кетиш схемаси низоли вазиятлар келиб чиқишига йўл қўймайди (фазога қўтарилгандан сўнг баландликни оширишнинг белгиланган траекторияси ва иккинчи доирага кетишнинг белгиланган траекториялари орасидаги бурчак камида 30 даражани ташкил этади);

ж) ГКН бўйича вертикал эшелонлаштириш таъминланади ва қўнишни бошлайдиган ҳаво кемаларининг орасидаги масофа камида 4 км.ни ташкил этади.

409. Метеорологик шароитлардан қатъи назар барча қўнишга киришишлар радиолокацион назорат билан таъминланади (у мавжуд бўлганда). Диспетчернинг кўрсатмалари ва маълумотлар фақат эшелонлаштириш мақсадида берилади, ИЛС ва РМТ бўйича курс ва глиссадага риоя этиш учун жавобгарлик экипаж зиммасига юкланади.

11-§. Парвоз учун истеъмол қилинадиган ёнилғи миқдорини аниқлаш қоидалари

410. Истеъмол қилинадиган ёнилғи миқдори ПФҚ талабларига мувофиқ аэронавигация, метеорологик вазиятлардан, парвознинг режалаштирилаётган шароитлари ва парвоз режаси ўзгартирилган ҳолларда ёнилғининг аэронавигацион захирасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

411. Эксплуатант истеъмол қилинадиган ёнилғи миқдорини аниқлаш методикаси ва процедурасини ишлаб чиқади ва уларни авиакомпанияга киритади.

412. Истеъмол қилинадиган ёнилғи миқдорини аниқлаш учун умумий талаблар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) ХҚнинг ҳақиқий ёнилғи сарфини ҳисобга олган ҳолда ПФҚ ҳисоб маълумотларини;

б) кутилаётган метеорологик шароитлар;

в) учиш, манзил, захира аэродромлари, парвоз йўналиши бўйича аэронавигацион процедуралар.

413. Парвоз бажарилишидан олдин ХҚ бортида қуйидагиларни ўз ичига оладиган ёнилғининг истеъмол миқдори бўлиши керак:

а) Q (ер) — учириш, бошқариш, ёрдамчи куч қурилмалари ишига сарфланган ёнилғи миқдори;

б) Q (йўналиш) — учиш бошланишидан манзил аэропорт қўнишга қадар парвозни таъминлайдиган ёнилғи миқдори;

в) Q (рез) — компенсацион ёнилғи захираси ва эксплуатант томонидан аниқланган қўшимча ёнилғидан иборат резерв ёнилғи.

Парвоз учун истеъмол қилинадиган ёнилғи миқдорини аниқлаш қоидалари мазкур Қоидаларнинг 9-иловасида келтирилган.

12-§. Чегарага туташган полосадаги самовий ҳудуддаги парвозлар

414. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлат (МДХ давлатларидан ташқари) билан давлат чегарасига ёндош бўлган кенглиги 25 км.ни ташкил этган ҳудуднинг устида жойлашган самовий ҳудуд чегарага туташган полоса ҳисобланади.

415. Чегарага туташ самовий ҳудудларда алоқа воситалари билан жиҳозланмаган ҳаво кемаларининг парвози рухсат этилмайди.

416. Чегарага туташ полосалардаги парвозларга ҳаво кемаларининг экипажлари улар мазкур ҳудудда парвозларнинг ўзига хосликларини ўрганиб чиққанликларидан, уларнинг бу ўзига хосликларни ва ташувни билишлари текшириб кўрилгандан сўнг рухсат этилади.

417. Ҳаво кемасининг экипажи чегарага туташ полосадаги парвозга тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидагиларни ўрганиши ва яхши билиши шарт:

а) мазкур ҳудуддаги давлат чегараси ва чегарага туташ полосанинг аниқ чизгисини;

б) жой рельефини ва хос бўлган радиолокацион ва визуал мўлжалларни;

в) алоқа ва радионавигация воситаларининг жойлашиши ва иш тартибини, чеклов пеленгларининг қийматини;

г) ХХБ ва ХМ органлари билан алоқа олиб бориш тартибини;

д) парвоз йўналиши бўйлаб метеорологик шароитни;

е) мўлжални белгилаш қоидаларини.

418. Чегарага туташ полосадаги парвозларни бажаришда белгиланган йўналишдан оғишга йўл қўйилмайди.

419. Чегарага туташ полосада жойлашган аэродромлар, ҳаво трассалари ва МХЙ алоқанинг радиотехник воситалари ва ҳаво кемаларининг ҳаракатини ва экипажлар томонидан парвозлар қоидаларига риоя этилишини самарали назорат қилиш ва бошқариш учун керак бўлган воситалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

13-§. Тўқнашишлардан огоҳлантиришнинг борт тизимлари (ТОБТ) билан жиҳозланган ҳаво кемаларига нисбатан қўлланиладиган қоидалар

420. Мазкур Қоидаларнинг 423—429-бандларида баён этилганларнинг ҳеч бири ҳаво кемаси командири томонидан асосли қарорлар қабул қилинишига ва ҳаво ҳаракатидаги можароли вазиятларни ҳал этиш ёки эҳтимолли тўқнашувнинг олдини олиш учун оптимал ҳаракатларни танлаш ва амалга ошириш бўйича ўз ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қила олмайди.

421. Мазкур Қоидалар ҳаво кемаси командирини тўқнашувнинг олдини олиш бўйича энг самарали ҳаракатларни қабул қилиниши учун, жумладан ТОБТ ускуналари томонидан бериладиган тавсияларига мувофиқ тўқнашувнинг олдини олиш бўйича маневрларни қабул қилиш бўйича жавобгарликдан озод этмайди.

422. Ҳаво кемаси бошқа ҳаво кемаси билан тўқнашув хавфи туғилиши мумкин бўлган масофага яқинлашмайди.

423. Парвоз траекторияси ўзгариши ҳақидаги РА олинган ҳолда учувчилар:

а) РАнинг кўрсатмаларига риоя этган ҳолда зудлик билан ҳаракат қилишади, агар бу самолёт парвозининг хавфсизлигига таҳдид туғдирмаса;

б) РАни, ҳатто у ХХБ органининг маълум бир маневрини бажариш бўйича кўрсатмасига зид бўлсада, бажаришади;

в) RA да кўрсатилган йўналишга қарама-қарши йўналишда маневрларни амалга оширишмайди;

г) учув экипажига тушадиган ишчи нагрузкани инобатга олган ҳолда иложи борица тезроқ тегишли ХХБ органини RA ҳақида, жумладан диспетчерлик хизматининг сўнгги кўрсатмаси ёки рухсатидан исталган чекланишнинг йўналиши ҳақида хабардор қилишади;

д) RАнинг исталган ўзгартирилган кўрсатмаларни зудлик билан бажаришади;

е) парвоз траекториясининг ўзгартилишини тўкнашув хавфини ҳал қилиш бўйича тавсияларга (RA) риоя этиш учун керак бўлган минимум билан чеклашади;

ж) тўкнашув хавфи ҳал этиб бўлингач ХХБ органининг кўрсатмаси ёки рухсатида белгиланган шароитларни зудлик билан қайта тиклашади;

з) жорий диспетчерлик рухсатида белгиланган шароитларни тиклаётганда ХХБ органини хабардор этади.

424. Ёнга қулаш, шамолнинг силжиши ва сигнализация тизимининг ернинг яқинлиги тўғрисида огоҳлантириши ТОВТ тавсияларига нисбатан устунликка эга.

425. Ҳаво кемаси тўкнашув хавфини ҳал қилиш бўйича тавсияларни (RA) бажариши муносабати билан диспетчернинг рухсатларига риоя этишни тўхтатган заҳотиёқ, мазкур ҳаво кемаси ва тўкнашув хавфини ҳал этиш бўйича тавсияларга мувофиқ бошланган маневрларни бажариш бевосита тааллуқли бўлган бошқа ҳаво кемалари орасида эшелонлаштиришни таъминлаш бўйича жавобгарлик диспетчер зиммасидан соқит қилинади.

426. Экипаждан ТОВТ тизими ишлаганлиги тўғрисида ва ХК экипажи томонидан берилган тавсияларга (RA) мувофиқ қўлланилаётган чоралар ҳақида маълумот олгач ХХБ пунктининг диспетчери бу ҳақда ўзининг жавобгарлик ҳудудидаги бошқа ХК экипажларини зудлик билан хабардор қилиши шарт.

427. Диспетчер барча алоқадор ҳаво кемаларининг эшелонлаштирилишини таъминлаш бўйича мажбуриятни қуйидаги ҳолларда яна ўз зиммасига олади:

а) диспетчер учувчилар экипажидан унинг ҳаво кемаси парвознинг яна жорий диспетчерлик рухсатига мувофиқ бажараётганлиги ҳақида хабар олганлигини тасдиқласа;

б) диспетчер учувчилар экипажидан унинг ҳаво кемаси парвознинг жорий диспетчерлик рухсатига мувофиқ бажаришни янгитдан бошлаганлиги ҳақида хабар олинганлигини тасдиқласа ва учув экипажи томонидан тасдиқланган альтернатив диспетчерлик рухсатини берса.

428. RАнинг берилиши ёки ТОВТ тизимининг бошқа бир сезиларли ишлашдан кейин учувчилар ва диспетчерлар ҳаво ҳаракати давомидаги нохуш ҳодиса тўғрисида ҳисобот тайёрлашлари керак.

429. Эксплуатация шартлари, RA ва ТА бўйича чекловлар, экипаж ичидаги ўзаро ҳаракатлар тартиби нохуш ҳодиса ҳақидаги ҳисобот ва бошқа процедуралар эксплуатант томонидан белгиланади ва авиакомпанияларга киритилади.

XII. Парвозларни бажариш

1-§. Асосий талаблар

430. Парвозларни бажаришда экипаж аъзолари ушбу Қоидаларга, ПФҚ, экипаж иш технологияси ва ўзаро ҳамкорлик бўйича йўриқномасига, шунингдек парвозларнинг бажарилишини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга амал қилишлари шарт.

431. Ҳаво кемасининг ҳар бир парвози белгиланган тартибда тасдиқланган парвоз режасига мувофиқ амалга оширилади.

432. ҲК командирига парвозни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат парвоз топшириғи ҳисобланади.

433. Ҳаво кемасининг парвози тегишли ХХХ органининг парвозга рухсати бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

434. Ҳаво кемасининг учиши, фазога кўтарилиши ва қўниши қўйидаги белгиланган минимумларнинг энг юқориси бўйича қабул қилинади:

а) ҳаво кемаси командирининг;

б) аэродромнинг;

в) ҳаво кемасининг.

435. Ҳаво кемасининг командирига белгиланган минимумлардан пастроқ метеошароитларда қўнишни амалга ошириш ман этилади, иложсиз қўниш ҳолатлари (радиоалоқанинг йўқотилиши, ёнилғи етишмаслиги, авиация техникасининг ишдан чиқиши ва б. шу каби парвозни бошқа аэродромгача давом эттиришга имкон бермайдиган шароитлар) бундан мустасно.

436. Учув экипажининг аъзолари парвозни бажараётиб ўз иш ўринларида ўриндиқларининг камарларини тақиб олган бўлишлари шарт. Хизмат кўрсатувчи шахслар фазога кўтарилиш ва қўнишни амалга оширилаётганда камарларини тақиб олишлари шарт. Йўловчилар рулни бураб чиқишни бошлашдан парвоз эшелонига (баландлигига) кўтарилгунга қадар ва пасайишни бошлашдан тўхташ жойига рулни бураб киргунга қадар шунингдек ҳаво кемаси командирининг талабига биноан бошқа барча ҳолларда камарларини таққан бўлишлари шарт. Парвоз топшириғини бажариш билан боғлиқ бўлмаган шахсларнинг экипаж кабинасида бўлиши тақиқланади. Хизмат кўрсатувчи ходимларга экипаж кабинасига ҲК командирининг рухсатига биноан кириши мумкин.

437. Экипаж аъзоларини боғлаб қўйиш тизимида елка камарлари ҳам назарда тутилган ҲҚда экипаж аъзолари (учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимлар) ҲҚнинг фазога кўтарилиши ва қўнишни бажараётганда мазкур камарларни ҳам тақиши шарт.

438. Ҳаво кемасининг командирига қулай парвоз шароитлари бўлган пайт иш жойини қисқа муддатга қолдириш рухсат этилади. Бундай ҳолда ҳаво кемасини иккинчи учувчи бошқаради. Экипажнинг бошқа аъзолари эса ўз иш ўринларида бўлишлари шарт. Экипаж кабинасидан чиқиш қисқа муддатда, лекин экипажнинг фақат бир аъзосига, алоҳида вазиятларда эса ҳаво кемасининг қарорига биноан рухсат этилади. Йўловчиларни ташиётганда экипаж кабинасининг эшиги бутун парвоз давомида (парвоздан олдин экипаж ўз ўринларини эгаллаган фурсатдан бошлаб парвоздан сўнг двигателлар ўчирилгунга қадар) қулфлаш мосламаси билан бекитилиши шарт. У ҳаво кемаси командирининг рухсати билангина очилиши мумкин.

439. Экипаж аъзолари ўз иш ўринларини фақат ҳаво кемаси командирининг рухсати билангина қолдиришлари мумкин. Парвоз давомида экипаж аъзолари овқатланиши вақти ва кетма-кетлигини ҳаво кемаси командири белгилайди. Иккала учувчи ҳам бир вақтда овқатланиши ман этилади.

440. Ҳаво кемаларининг ПФҚ белгиланган чегараларда экипаж аъзолари парвознинг навбатдаги босқичини бажаришга тайёргарликни назорат текширувлари картаси бўйича текшириб кўришлари шарт.

441. Парвоз бажарилаётганда учувчилардан бири ҳаво кемасининг фазодаги ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориши шарт.

442. Ҳаво кемаларининг экипажлари ва ХХБ органлари диспетчерлари ораси-

да радиосўзлашув фуқаролик авиациясидаги парвозларни бажаришдаги ва ХХБдаги белгиланган радиосўзлашув фразеологиясига мувофиқ рус ёки инглиз тилларида олиб борилади.

443. Рулни бураш, баландликка кўтарилиш, пасайиш, қўнишга киришиш ва қўниш босқичларида экипаж аъзолари кабина ичидаги барча хизмат сўзлашувларини (докладларини) микрофонлар (ларингофонлар) орқали ССУ бўйича олиб боришади (агар уларнинг иш жойлари ССУ билан жиҳозланган бўлса). Парвозни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар ва сўзлашувларни олиб бориш ман этилади.

444. Парвоз давомида экипаж кабинаси деразаларининг пардаларини ёпиб қўйиш ман этилади, пардани ёпиш ўқув ва машқ парвозларида учувчилар креслоларидан бирида очиқ парда ёнида текширувчи (ўргатувчи учувчи) бўлиш ҳоллари бундан мустасно.

445. Бутун парвоз давомида, айниқса ҳаво трассаларининг кесишиш (туташиш) жойларида экипаж сергак бўлиши, узлуксиз ташқи радиосўзлашувни кузатиши ва ҳаво кемаси бўлган ҳудудидаги ҳаво шароитини таҳлил қилиб бориши шарт.

446. Кундузи ва кечаси парвоз давомида ҳаво кемасининг мавжудлигини белгилаш, шунингдек қушлар билан тўқнашишнинг олдини олиш мақсадида фаралар ёқилган бўлиши мумкин.

447. Экипаж ХХХ диспетчерига парвоз ёки рулни бураш шароитларининг мураккаблашуви, кузатилаётган хавфли метеорологик ҳодисалар, ҳаво кемалари ва бошқа моддий объектлар билан хавфли яқинлашувлар ҳақида зудлик билан хабар бериши шарт.

448. Ҳаво ҳаракатини бошқариш органи диспетчерининг сўровига биноан экипаж уни парвоз шароитлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

449. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий авиалинияларида ҳаво кемасининг сахнида йўловчиларнинг чекиши ман этилади.

450. Бутун парвоз давомида ХК сахнида ХК конструкциясида назарда тутилмаган ва самолёт ускуналарининг ишлашига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган антеннали радиоэлектрон ускуналардан фойдаланиш ман этилади (МАЙларни бажарадиган ХК бундан мустасно).

451. Фазога кўтарилиш ва қўниш пайтида («Камарлар тақилсин» деган табло ёниб турганда):

а) ХК сахнида ХК конструкциясида назарда тутилмаган (хоҳ антеннали, хоҳ антеннасиз бўлсин) исталган электрон (электр) ускуналаридан фойдаланиш ман этилади;

б) йўловчилар салони ва ҳалокатдаги чиқиш жойлари жойлашган ҳудудлар орасидаги ўтиш жойларидаги эшиклар (пардалар) очилган ва қотирилган ҳолда бўлиши шарт.

452. АТИС ахборот тизими билан жиҳозланган аэропортларда старт олди ва қўниш олди тайёргарлиги жараёнида экипаж ахборотларни тинглаб бориши ва учиб чиқаётганда бу ҳақда ерда юриш ва старт олиш диспетчерига доклад қилиши шарт.

2-§. Шатакка олиб тортиш, двигателни юргизиш, ерда юриш

453. Кабинада иш ўринларини эгаллаб бўлгач экипаж ҳаво кемаси командири-нинг раҳбарлиги остида экипаж аъзоларининг парвозга тайёрликлари ҳақидаги доклади билан яқунланадиган стартолди тайёргарлигини ўтказди.

454. Ҳаво кемасининг аэродром бўйлаб ҳаракатланиши (шатакка олиб тортилиши, ерда юриши) ХХБ органи диспетчерининг рухсатига биноан амалга ошири-

лади. Ҳаракат маркали разметка чизиқлари бўйлаб мазкур аэродромда белгиланган ҳаракат схемасига мувофиқ ва ХХБ органи диспетчери билан узлуксиз икки томонлама алоқа мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

455. Ҳаво кемасини шатакка олиб тортилиши шатакка олиб тортиш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ экипажнинг албатта МАХнинг шатакка олиб тортиш учун масъул шахси билан ССҚ ёки радио орқали икки томонлама алоқаси бўлган ҳолда амалга оширилади.

456. Шатакка олиб тортишнинг хавфсизлиги учун МАХнинг шатакка олиб тортишни бошқараётган ходими масъулдир.

457. Двигателларни юргизиб юбориш ХХБ органи диспетчерининг рухсатига кўра туриш жойларида, ЕЙ участкаларида ёки мазкур аэродромда парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномада белгиланган махсус жиҳозланган майдончаларда амалга оширилади.

458. Ҳаво кемасининг дастлабки старт томон ерда юриб боришини бошлашдан аввал экипаж, қоида тариқасида қуйидаги маълумотлардан иборат диспетчер рухсатини олиши шарт:

- а) рухсат этилган манзил аэродроми;
- б) ҳаво трассасининг номи ёки аэродром ҳудудидан чиқишнинг йўналиши;
- в) аэродром ҳудудидан чиқишнинг белгиланган схемасининг номи (SID), агар чиқиш схемасининг номи бўлмаса ёки у ўзгартирилган бўлса — трассага (белгиланган йўналишга) чиқиш манёврени бажариш бўйича маълумотни;
- г) биринчи рухсат этилган баландликни ёки парвоз эшелонини;
- д) жавоб берувчининг иш тартиби ва кодини;
- е) учишдан кейинги радиоалоқанинг биринчи частотаси;
- ж) парвознинг дастлабки босқичидаги ўзига хосликлар, жумладан чекловлар ва тақиқлар, билан боғлиқ бошқа муҳим тезкор маълумотларни.

459. Экипажга қуйидаги ҳолларда самолётни ерда юргизиш ман этилади, агарда:

- а) тормозлаш тизимидаги босим белгиланган чегаралардан паст ёки тормозлар носозлигининг белгилари бўлса;
- б) ХХБ органи диспетчерининг ва (ёки) ХҚни чиқаришни (кутиб олишни) таъминловчи МАХ масъул ходимининг рухсати олинмаган бўлса;
- в) ерда юриб чиқишнинг хавфсизлиги тўсиқларнинг мавжудлиги, ХҚнинг туриши жойи ва (ёки) ерда юриш йўлақларининг қоникарсизлиги туфайли таъминланмаган бўлса.

460. Тўхтаб туриш жойидан ерда юриб чиқиш МАХ ҳаво кемасини чиқариб юборишга жавобгар масъул ходимининг сигналлари бўйича амалга оширилади.

461. Тўхтаб туриш жойига ердан юриб кириш кузатиб бориш (перрон) бўйича навбатчининг ёки МАХни кутиб олувчи ходимининг сигналлари бўйича амалга оширилади. ХҚларининг ердаги ҳаракатларини бошқарувчи сигналлар мазкур Қоидаларнинг 7-иловасида кўрсатилган.

Кўрсатиб ўтилган шахслар экипаж томонидан ердан юриш қоидалари бажарилганда, ҳаво кемасининг хавфсиз ердан юриб чиқиши (кириши) учун жавобгардирлар.

462. Агар ҳаво кемаси тўхтаб туриш жойига маркировка белгиларига мувофиқ қўйилмаган бўлса ҳаво кемасининг командири бу ҳақда дарҳол ХХБ органининг диспетчерини хабардор қилиши керак.

463. Кўриш масофа 400 метрдан камроқ бўлса ёритиш сигналли қурилмалар ва радиостанция билан жиҳозланган кузатув автомашиналари ердан юриб боришда ҳаво кемаларига етакчилик қилади.

Бошқа ҳолатларда кузатув автомашиналари ҳаво кемаларига экипажнинг талабига биноан етакчилик қилади.

464. Кузатув автомашинаси етакчилик қилиб бораётганда (экипаж ердан юриб бориш қоидаларига риоя этган ҳолларда) ҳаво кемасини ердан юриб боришининг хавфсизлигига кузатиб бориш бўйича навбатчи жавобгардир.

465. Ҳаво кемасини аэродром бўйича ҳаракатланишини бошқарувчи диспетчер қуйидагилар учун жавобгардир:

а) чекловлар ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига;

б) шароитлар ҳақидаги кўрсатмаларга ва белгиланган схема бўйича ҳаракатланиш учун рухсат берилишига;

в) ҳаво кемаларининг ўзаро жойлашуви (жумладан кўриш узоқлиги чекланган шароитларда (400 метрдан камроқ) битта йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётганлари) ҳақидаги маълумотларга. ХХБ органининг диспетчери бўлмаган аэродром ва майдончаларда ердан юриш йўналишини танлаш ва ҳаракатланиш хавфсизлиги учун жавобгарлик ҳаво кемаси командирининг зиммасидадир.

466. Ердан юришнинг бошланишида ҳаво кемасининг командирини тормозларнинг ишлашини текшириб кўриши керак.

467. Ердан юришни ҳаво кемасининг командирини ёки унинг кўрсатмасига биноан иккинчи учувчи бажаради.

468. Экипаж аъзолари ердан юриб бораётганда атроподаги вазиятни кузатиб боришлари ва командирни тўсиқлар ҳақида огоҳлантиришлари керак.

469. Ердан юриш йўналишида тўсиқларни аниқлаганда ёки тўсиқсиз бўлган хавфсиз масофа тўғри аниқланганлигига шубҳа қилганда ҳаво кемасининг командирини ердан юришни тўхтатиши ва ХХБ органининг диспетчерига хабар бериши керак.

470. Ердан юришнинг тезлиги ҳаво кемасининг командирини томонидан ЕЙнинг (УҚЙнинг, грунтнинг) ҳолатига, тўсиқларнинг мавжудлигига ва кўриш шароитларига қараб танланади. Жойдан қўзғалаётганда ва ердан юриб боришда двигателнинг (двигателларнинг) иш тартибини танлаётиб ХК командирини газ оқимининг бошқа ҳаво кемаларига ва объектларга таъсирини уларга шикаст етмайдиган қилиб ҳисобга олиши керак.

471. Ҳаво кемасидаги аэронавигацион чироқлар (АНЧ) кечаси шатакка олиб тортишда, ердан юриб бораётганда ва парвозда, шунингдек кундузи шатакка олиб тортишда ва ердан юриб бораётганда кўриниш ёмон бўлган шароитларда (2000 метрдан камроқ) ёқилган бўлиши керак. Ердан юриш фаралари ердан юрганда кечаси ва кундузи ҳам, агар кўриш шароитлари ёмон бўлса (2000 метрдан кам), ёқилган бўлиши керак.

472. Липиллаб турувчи маёқлар кечаю кундуз ердан юришдан олдин двигателлар юргизилгандан бошлаб ҳаво кемаси парвоздан сўнг ердан юриб келгач улар тўхтатилганга қадар, ХК ПФҚга мувофиқ, ёқилган бўлиши шарт.

473. ХХБ органи диспетчерининг рухсатисиз ердан юриб бораётганда (шатакка олиб тортилаётганда) УҚЙ ва ЕЙни кесиб ўтиш (эгаллаш) тақиқланади.

474. Ҳаво кемалари ердан бир-бирига қараб юриб келаётган уларнинг командирлари ҳаракатланиш тезлигини энг минималигача камайитиришлари ва ўнг томондан ҳаракатланиб чап бортлари билан бир-биридан узоқлашишлари керак.

475. Кесишувчи курсларда бир-бирига яқинлашаётганда бошқа ҳаво кемасини ўнг томондан кўраётган командир ердан ҳаракатланишни тўхтатиши керак.

476. Бирор-бир мансабдор шахс ХК командирини ерда ҳаракатланишни тўхтатиш, шунингдек ерда ҳаракатланишнинг исталган босқичидан, жумладан ижро стар-

тидан, қайтиш ҳақидаги қарорининг асосли эканлигига қарши чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

3-§. Фазога кўтарилиш

477. Фазога кўтарилиш ХХБ органи диспетчерининг рухсатини олгандан сўнг амалга оширилади. ХХБ органи диспетчери бўлмаган аэродромда (қўниш майдончасида) фазога кўтарилиш ҳаво кемаси командирининг қарорига кўра амалга оширилади.

478. ХХБ органи диспетчерининг фазога кўтарилиш учун рухсати қуйидагиларни билдиради:

- а) УҚЙ юза қисми норматив талабларга жавоб беради;
- б) учаётган ҳаво кемаси учун хавфсиз интервал таъминланган;
- в) учиш полосасида тўсиқлар йўқ;
- г) диспетчер парвозлар хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи ҳодисалар тўғрисида хабар берди, экипаж қабул қилди;
- д) УҚЙдаги кўриш узоқлиги ва (ёки) булутлар пастки чегарасининг баландлиги аэродромнинг ушбу тоифадаги ХК учиши учун ўрнатилган минимумидан паст эмас;
- е) рухсат олгандан сўнг диспетчердан бошқа кўрсатма тушмаган бўлса, экипажга диспетчерлик рухсатига мувофиқ баландликни эгаллашга рухсат этилган.

479. Диспетчер ХК экипажини қуйидагилар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади:

- а) УҚЙдаги кўриш узоқлиги 2000 метр ва ундан паст ва (ёки) булутлар пастки чегарасининг баландлиги (вертикал кўриниш) 200 метр ва ундан паст қийматга ўзгарганда;
 - б) ердаги шамолнинг йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда тезлиги ўзгарганлиги тўғрисида;
 - в) УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙ да ишқаланиш коэффициентининг қиймати ўзгарганда;
 - г) парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳодисалар тўғрисида;
 - д) кучли ёғин-сочин шароитида метеорологик кўриш 600 метр ва ундан паст бўлганда (ЮИО бўйича кўриш ҳисобга олинмайди);
 - е) УҚЙ охиридаги кўриш узоқлиги, агар у УҚЙ бошидаги ва охиридаги кўриш узоқлиги қийматидан кичик бўлса (унинг узунлиги 2000 метрдан ортиқ бўлганда).
480. Фазога кўтарилишни ҳаво кемаси командири ёки парвоз топшириғида назарда тутилган бўлса, иккинчи учувчи бажаради.

481. Экипаж қуйидаги ҳолларда фазога кўтарила олмайди (фазога кўтарилиш тақиқланади):

- а) фазога кўтарилиш хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган хавфли метеороходисалар ёки қушларнинг тўпланиши мавжуд бўлса;
 - б) кучли ёғин-сочин шароитида метеорологик кўриш 600 метр ва ундан паст бўлган шароитларда (ЮИО бўйича кўриш ҳисобга олинмайди), шамол силжиши тўғрисида огоҳлантирувчи тизим билан жиҳозланган ХКдан ташқари;
 - в) УҚЙ даги кўриш узоқлиги ва (ёки) булутлар пастки чегарасининг баландлиги (вертикал кўриниш) белгиланган минимумдан паст бўлганда;
- УҚЙ узунлиги 2000 метр ва ундан кам бўлганда УҚЙ боши ва охиридаги кўриш узоқлиги қийматларидан кичиги УҚЙ кўриш узоқлиги деб қабул қилинади. УҚЙ

узулиги 2000 метрдан узун бўлганда УҚЙ боши ва ўртасидаги кўриш узоқлиги қийматларидан кичиги УҚЙ кўриш узоқлиги деб қабул қилинади.

г) ердаги йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда шамолнинг тезлиги, шунингдек УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати ушбу турдаги ХК учун ПФҚда белгиланган чекловларга мос келмайди;

д) ХК юзаси муз, қиров ёки қор билан қопланган бўлса;

е) учиш массаси ва (ёки) ҳаво кемаси центровкаси Ҳавога кўтарилишнинг ҳақиқий шароитлари учун йўл қўйиладиган чегарадан ошса;

ж) бошқа ХК иккинчи доирага кетса;

з) олдинда учув йўлагида тўсиқлар бўлса.

482. Қоидага кўра ҳаво кемасининг фазога кўтарилиши УҚЙ бошидан амалга оширилади. Қуйидаги шароитларда ХКнинг ҳавога кўтарилиши УҚЙ бошидан амалга оширилмаслигига рухсат этилади:

а) агар бу ушбу аэродромдаги Парвозларни бажариш йўриқномасида кўзда тутилган бўлса;

б) парвоз бошланиши чоғида кучли юриш бошланиш жойидан учиш йўлагининг мавжуд характеристикаси ХКнинг амалдаги фазога кўтарилиш массаси учун ва фазога кўтарилиш шароитлари учун талаб этилганларга мос келса.

483. ХКнинг Ҳавога кўтарилиши йўлдош шамол бўлган вақтда ушбу аэродромдаги парвозларни бажариш ва мазкур турдаги ХК ПФҚ учун йўриқномада кўзда тутилган бўлса рухсат этилади.

484. Агар ҳаво кемаси ҳавога кўтарилиш вақтида берилган йўналишдан четга чиқиб кетган бўлса ва кучли юришнинг давом эттирилиши хавфсизликни таъминламаси ҳавога кўтарилиш тўхталиши лозим. ХКнинг ҳисобланганидан паст тезликда ердан узилиши ман этилади.

485. Двигатель ишламай қолганда ёки бошқа парвознинг хавфсизлигига таҳдид солувчи носозликлар пайдо бўлганда қарор қабул қилиш керак бўлган тезликкача этиб борилмаган бўлинса, ҳавога кўтарилиш дарҳол тўxtатилиши керак.

486. Бирор-бир мансабдор шахс ХК командирининг қарор қабул қилиш тезлигига етгунига қадар ҳавога кўтарилишни тўxtатиш ҳақидаги қарорининг асосли эканлигига қарши чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

487. ХКнинг Ҳавога кўтарилиши тунгги пайтда қоида бўйича ёқилган фаралар билан амалга оширилади. Агар фаралар ёқилганида кўринишни ёмонлаштирадиган ёруғлик экрани пайдо бўлса, ХКнинг командири қарорига кўра ҳавога кўтарилиш ўчирилган фаралар билан бажарилиши мумкин.

488. Ҳаво кемасининг кучли югура бошлаш пайтидан 200 метр юқорига кўтарилгунга қадар экипаж ва ХХБ органининг диспетчери радиоалоқага киришмаслиги керак. Парвозларнинг хавфсизлигига таҳдид туғилаётган ҳодисалар бундан мустасно.

4-§. Баландликка кўтарилиш

489. Ҳавога кўтарилгандан сўнг баландликка кўтарилиш тўғри чизик бўйлаб қуйидагидан кам бўлмагунга қадар амалга оширилади:

а) 50 метр — авиация ишларини бажаришда ҳаво кемаларида, агар бу турдаги ишлар учун ишчи баландлик 50 метр ва ундан пастроқ этиб белгиланган бўлса;

б) 100 метр — доира бўйлаб учиш тезлиги 300 км/соат ва камроқ бўлган ҳаво кемаларида;

в) 200 метр — доира бўйлаб учиш тезлиги 300 км/соатдан ортиқроқ бўлган ҳаво кемаларида.

490. Агар бу парвозларни амалга ошириш йўриқномасида кўрсатиб ўтилган бўлса, аэродром ва ХҚда узоқликни ўлчаш ускуналари мавжуд бўлган тақдирда биринчи қайтариб буриб олишни ПФҚга мувофиқ белгиланган узоқликда ва рухсат этилган минимал баландликда бажариш мумкин.

491. Ҳавога кўтарилиш амалга ошириб бўлингач 200 метр ёки парвознинг белгиланган баландлигигача кўтарилиб бўлингандан кейин ХҚ экипажи ХХБнинг тегишли органи билан радиотелефон алоқасини ўрнатади (агар унинг учиш баландлиги 200 метрдан паст бўлса).

492. Ўтиш баландлигини кесиб ўтаётганда экипаж барометрик баландлик ўлчагичларнинг босим шкаласини симоб устуни бўйича 760 мм.ни (1013,2 мбар) ҳисоблашга ўтказиши ва баландлик ўлчагич кўрсатмаларини таққослаб чиқиши шарт.

493. Парвознинг белгиланган эшелонига (баландлигига) кўтарилиш ХХБ органи диспетчерининг кўрсатмасига биноан белгиланган чиқиш схемасига, векторлаштиришдаги берилган парвоз траекториясига мувофиқ равишда парвоз йўналиши бўйлаб (ХТ, МХЙ) амалга оширилади.

494. Белгиланган ёки ХХБ органи диспетчери томонидан тайинланган чегарага қадар берилган эшелонни (баландликни) эгаллашнинг имкони бўлмаса, экипаж бу ҳақда ўз вақтида ХХБ диспетчерига хабар бериши керак.

495. Берилган эшелонгача кўтарилиб бўлгач экипаж ХХБ органи диспетчерига уни эгаллаганлиги ҳақида доклад қилиши ва баландлик ўлчагичларнинг кўрсаткичларини солиштириб чиқиши керак.

5-§. Йўналиш бўйлаб парвоз

496. Экипаж ҳаво трассасининг (иш ўтказиладиган районнинг) белгиланган кенглиги доирасида парвозни бажариши, парвознинг берилган эшелонини (баландликни) тутиб туриши ва доимо ўз ҳаво кемасининг жойлашган ўрнини билиши керак.

497. Йўналишни, эшелонни (баландликни) контрол мўлжалларни учиб ўтиш вақтини ўзгартириш парвозни бевосита бошқараётган ХХБ органи диспетчерининг рухсати билан амалга оширилади.

498. Берилган йўналишдан четга чиқиш ва парвознинг эшелонини (баландликни) ўзгартириш фақатгина хавфли метео ҳодисаларни айланиб ўтиш ҳолларида, захира аэропортида қўнишда, авиация техникаси ишдан чиққанда ёки мажбурий қўнишда парвозни бевосита бошқараётган ХХБ органи диспетчерининг рухсати билан амалга оширилади.

499. Йўналиш бўйлаб парвозда хавфли метео ҳодисаларни айланиб ўтиш мумкин бўлмаган ҳолларида, ХҚ командири ХҚни парвоз учун хавфли ҳудуддан зудлик билан олиб чиқиши, парвоз бошланган пунктга қайтиши ёки қўниш учун яроқли бўлган энг яқин аэродромда қўниши, қабул қилган қарори тўғрисида ХХБ диспетчерига хабар қилиши лозим.

500. Мўлжал аэродромгача парвозни давом эттиришга имкон бермайдиган сабабларга кўра ўз вақтида парвоз бошланган пунктга қайтиш ёки захира аэродромга қўниш ХҚ командирининг тўғри қарори сифатида баҳоланиши керак.

501. Агар мўлжал аэродромга қўниш метеошароитлар ёмонлашганлиги ёки бошқа сабабларга кўра мумкин бўлмаса ХҚ командирига амалдаги об-ҳаво минимумдан паст бўлмаган бошқа аэродромга йўл олишга ушбу аэродромга етиб бориш пайтида дои-

ра баландлиги бўйлаб камида 30 минут парвоз қилишга етарли даражада амалдаги ёнилғи миқдорининг қолдиғи бўлганда рухсат этилади.

502. Агар ХК бортидаги ёкилғи миқдори ёки аэронавигация ёхуд метеорологик вазият манзил аэропортидан қарор қабул қилиш баландлигидан захира аэродромига учишни таъминлай олмаса, ХК командирига:

- а) ёнилғи олиш учун энг яқин оралиқ аэродромга қўниш;
- б) захира аэродромига кетиш чегарасига қадар учиш ҳуқуқи берилади.

503. Агар:

а) манзил аэродромидаги амалдаги ва прогноз қилинаётган об-ҳаво минимумдан паст бўлмаса;

б) манзил аэродромининг ХКни қабул қилишга техник тайёрлиги тўғрисида тасдиқнома олинган бўлса, кетиш чегарасидан туриб манзил аэродромига қадар парвозни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

504. Экипаж ХХБ органи диспетчерини кетиш чегарасини учиб ўтишнинг ҳисоблаб қўрилган вақти, шунингдек манзил аэродромига қадар парвозни давом эттириш ёки захира аэродромига кетиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилиши керак.

505. Манзил аэродромида (захира аэродромида) метеошароитлар ёмонлашганлиги ёки ҳаво кемаларини қабул қилиш тўхтатилганлиги тўғрисида хабар олинганда ҳаво кемаси парвозини бевосита бошқараётган ХХБ органи диспетчери зудлик билан бу ҳақда экипажга ҳаво кемаси кетиш чегарасини босиб ўтгунга қадар хабар бериши керак.

506. Ҳаво кемаси командирига аэронавигацион ва метеорологик вазиятларни таҳлил қилиш асносида парвоз давомида захира аэродромларини танлаш ҳуқуқи берилади.

507. Қўниш аэродромида мураккаб метеорологик шароитлар бўлганда ХХБ органи диспетчери ҳаво кемаси экипажидан қўниш учун минимумни, захира аэродроми ва ҚҚБда ёнилғи қолдиғини сўраши мумкин.

508. ХХБ органи диспетчерининг сўровига жавобан ҳаво кемаси экипажи унга қўниш учун минимумни, захира аэродроми ва ҚҚБдаги соатда ва дақиқаларда ёнилғи қолдиғи тўғрисида билдириши шарт.

6-§. Аэродромга яқинлашиш ва қўниш

509. Парвоз эшелонидан (баландлигидан) пасайишдан олдин ёки ҳаво кемасининг қўниш аэродроми ҳудудига киришига қадар (қуйи эшелондан пастдаги парвозларда) экипаж ҳаво кемасининг командири раҳбарлиги остида қўнишдан олдинги тайёргарликни ўтказди, бу тайёргарликнинг ҳажми қўнилиши лозим бўлган муайян шароитлардан келиб чиққан ҳолда командир томонидан аниқланади.

510. УҚЙ (қўниш курси) ўзгарганда ёки олдин қабул қилинган қарорни ўзгартиришни (аниқлик киритишни) талаб этадиган шароитлар юзага келганда экипаж томонидан назорат текшируви картаси бўйича операцияларни бажариш юзасидан қўшимча тайёргарлик ва қайта текшириш ўтказилиши керак.

511. Ҳаво кемасининг парвознинг берилган эшелонидан (баландликдан) пасайиши экипажнинг сўрови бўйича ва ХХБ органи диспетчерининг рухсати билан экипажнинг пасайишни бошлагани тўғрисидаги доклади билан бажарилади.

512. Аэродром ҳудудига киришда ҳаво кемасининг экипажи ХХБ органи диспетчерига етиб келиш маршрути, парвоз баландлиги тўғрисида билдириши ҳамда ундан учиш ва қўниш ҳудудига кириш учун пасайиш шартларини олиши керак.

513. Зудлик билан қўниши лозим бўлган ҳаво кемасига қўниш учун навбатсиз кириш таъминланади.

514. Бир хил турдаги иккита ҳаво кемасининг бир вақтнинг ўзида визуал қўниш учун киришида биринчи бўлиб қўниш учун устунлик олдинда, чапда ёки пастроқда бўлган ҳаво кемасига берилади. Енгилроқ ҳаво кемасининг экипажи ундан оғирроқ бўлган ҳаво кемасига биринчи бўлиб қўниш имкониятини бериши шарт.

515. Қўниш учун киришдан олдин ҳаво кемасининг экипажи:

а) қўниш аэродромидаги метеошароитни таҳлил қилиши ва ХХБ диспетчерига ўзининг қарори ва танланган кириш тизими тўғрисида хабар қилиши;

б) ўтиш эшелонида барометрик баландлик ўлчагич босимининг шкаласини аэродром босими даражасида ўрнатиши (тоғли аэродромларда ХХБ диспетчерига жорий баландликни билдириши);

в) доира баландлигида ХК ПФҚга мувофиқ радиобаландлик ўлчагич ўрнатиши шарт.

516. ХХБ органи бўлмаган қўниш майдончаларида парвоз қилганда қўниш учун кирган ҳаво кемасининг командири:

а) майдонни кўздан кечириш ва ҳаводан туриб унинг ҳолати ва яроқлилигини аниқлаш мақсадида назорат киришини бажариши;

б) ўзи жойлашган райондаги диспетчерлик пункти алоқа частотасида қўниш жойи ва магнит курсини билдириши шарт.

517. Агар қўниш аэродромида:

а) ердаги шамолнинг йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда тезлиги шунингдек УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати ушбу турдаги ХК учун ПФҚда белгиланган талабларга жавоб берса;

б) УҚЙда кўриш узоқлиги минимумдан паст бўлмаса;

в) булутларнинг қуйи чегараси баландлиги (вертикал кўриниш) минимумдан паст бўлмаса ХК экипажига тоифаланмаган минимумлар билан аниқ тизимлар бўйича ва ноаниқ тизимлар бўйича ўтиш эшелонидан пасайиш ва қўниш учун киришга рухсат этилади.

518. ХХБ диспетчери қуйидаги ҳолларда пасайишга рухсат беради:

а) УҚЙда кўриш узоқлиги минимумдан паст бўлмаса;

б) булутларнинг қуйи чегараси баландлиги (вертикал кўриниш) минимумдан паст бўлмаса.

519. Диспетчер ХК экипажини қуйидагилар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади:

а) УҚЙ узунлиги 2000 метр ва ундан кам бўлганда ва (ёки) НГО баландлиги (вертикал кўриниш) 200 метр ва ундан кам бўлганда кўриш узоқлиги ўзгарганлиги тўғрисида;

б) ердаги шамолнинг тезлиги тўғрисида, унинг йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда;

в) УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати ўзгарганлиги тўғрисида;

г) парвозларнинг хавфсизлигига хавф туғдирувчи ҳодисалар тўғрисида;

д) кучли ёғин-сочин шароитларида 1000 метр ва ундан кам узоқликдаги метеорологик кўринишлар (ЮИО бўйича кўриниш ҳисобга олинмайди);

е) УҚЙ охиридаги кўриш узоқлиги, агар у УҚЙ бошидаги ва ўртасидаги кўриш узоқлиги қийматидан кичик бўлса (унинг узунлиги 2000 метрдан узун бўлганда).

УҚЙ нинг узунлиги 2000 метр ва ундан кам бўлганда УҚЙдаги кўриш узоқлиги этиб УҚЙнинг иккала учидаги кўриш узоқлигининг иккала қиймати ичидаги паст

қиймат қабул қилинади. УҚЙнинг узунлиги 2000 метрдан узун бўлганда УҚЙнинг боши ва ўртасидаги кўриш узоқлигининг иккала қиймати ичидаги паст қиймат қабул қилинади.

520. ХК экипажига аниқ тизимлар бўйича тоифаланган минимумлар билан ўтиш эшелонидан пасайиш ва қўниш учун қуйидагича киришга рухсат этилади:

а) 1-тоифа минимуми бўйича қарор қилиш баланлигига қадар, булутларнинг қуйи чегараси баландлиги (вертикал кўриниш) қарор қабул қилиш баландлигининг тўртдан уч қисмидан кам бўлмаса, ердаги шамолнинг йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда тезлиги, шунингдек УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати ушбу турдаги ХК учун ПФҚда белгиланган талабларга жавоб берса;

б) 2 ва 3-тоифа минимуми бўйича қарор қилиш баланлигига қадар, булутларнинг қуйи чегараси баландлигидан (вертикал кўриниш) қатъи назар, УҚЙда кўриш узоқлиги минимумдан паст бўлмаса, ердаги шамолнинг йўналиши ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда тезлиги, шунингдек УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати ушбу турдаги ХК учун ПФҚда белгиланган талабларга жавоб берса;

521. ПБП бўйича қўнишга киришда ҳаво кемаси экипажи қарор қилиш баландлигига қадар учиб ўтишда қўниш учун рухсат олиши керак. Визуал қўниш қоидалари ва визуал парвоз қоидалари бўйича қўниш учун киришда экипаж ХХБ органи диспетчерига УҚЙ билан қўниш учун визуал контакт ўрнатилганлиги тўғрисида билдириши ва қўнишга камида 1000 метр қолганда қўниш учун рухсат олиши керак.

522. Қўнишдан олдинги парвоз пайтида ХК командири қуйидаги вазиятларда пасайишни тўхтатиши ва иккинчи доирага кетиши керак:

а) хавфли метеошароитлар кузатилганда ёки қўниш учун хавф туғдирувчи қушлар тўдаси пайдо бўлганда;

б) кучли ёғингарчилик шароитида метеорологик кўриш узоқлиги 1000 метрдан кам бўлганда (ОВИ бўйича кўриш узоқлигининг қиймати ҳисобга олинмайди), шамолнинг силжиши тўғрисида огоҳлантирувчи тизим билан жиҳозланган ХК бундан мустасно;

в) қўниш учун киришнинг танланган тизимида бортдаги ва ердаги радиотехник воситаларнинг беқарор ишлаши кузатилганда, яқинлашиш машъаллари ёки ердаги мўлжаллар билан визуал контактлар ўрнатилмаганда;

г) пасайиш глиссадасини ушлаб туриш учун двигателлар (двигатель) иш тартибини номиналгача ошириш талаб этилса (ғарбда ишлаб чиқарилган ХК учун шамолнинг силжиши тўғрисида огоҳлантирувчи тизим ишлаб кетганда);

д) экипаж қўнишнинг ушбу Қоидаларнинг 425-бандида келтирилган қийматларидан паст амалдаги шароитлари тўғрисида хабар олганда, ёхуд бир ёки бир неча метеорологик элементлар бўлмаганда, ҳаттоки ердаги мўлжаллар билан ишончли алоқа ўрнатилган бўлса ҳам;

е) яқинлашиш машъалалари ёки бошқа мўлжаллар билан ишончли алоқа ўрнатилгунга қадар қўниш курси бўйича ерга хавфли яқинлашиш тўғрисида сигнализация ишлаб кетганда;

ж) узоқ приводли радиомаркерли радиостанциядан учиб ўтилгач курс бўйича (глиссда) четга чиқишлар ва (ёки) вертикал тезлик йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетганда;

з) қарор қилиш баландлигига қадар яқинлашиш машъаллари ёки ердаги мўлжаллар билан зарур визуал контактлар ўрнатилмаганда;

к) қарор қилиш баландлигига (УҚЙ) етиб боргунга қадар ХҚнинг самодаги ҳолати ёки унинг ҳаракати параметрлари қўнишнинг хавфсизлиги таъминланмаса;

л) қарор қилиш баландлигидан ПФҚга мувофиқ кетиш баландлигининг минимал йўл қўйиш мумкин бўлган даражасигача пасайишда яқинлашиш машъаллари ёки ердаги мўлжаллар билан визуал контактлар йўқолганда;

м) қўниш учун ҳисоб-китоблар уни бажаришнинг хавфсизлигини таъминламаса.

523. Ҳеч бир мансабдор шахс ХҚ командирининг иккинчи доирага кетиш ҳақидаги қарорини муҳокама қилишга, айниқса бунинг учун унга маъмурий таъсир чораларини қўришга ҳақли эмас.

524. Қўидаги ҳолларда ҳаво кемаси командирига қўниш учун такрорий киришларни бажариш, диспетчерга эса такрорий кириш учун рухсат бериш ҳуқуқи берилади:

а) такрорий киришдан сўнг қолган аэронавигацион ёнилғи захираси ҚҚБдан захира аэродромига кетишни таъминласа;

б) ердаги шамолнинг йўналиши УҚЙ ва кучайишини ҳисобга олган ҳолда тезлиги, шунингдек УҚЙ юза қисмининг ҳолати ва УҚЙда ишқаланиш коэффициентининг қиймати белгиланган чеклашлардан ошмаса;

в) УҚЙ да қўриш узоқлиги минимумдан паст бўлмаса;

г) булутларнинг қўйи чегараси баландлиги (вертикал қўриниш) минимумдан паст бўлмаса.

525. Аниқ тизимлар бўйича қўниш учун кириш бажарилганда УҚЙдан учиб ўтиш ХҚ ПФҚда белгилаб берилган қийматдан паст бўлмаслиги ва экипаж аъзоларининг ўзаро хатти-ҳаракати ва иш технологияси бўйича йўриқномада белгиланган тартиб бажарилиши керак. Экипаж ХҚни қўндиришни қоидага кўра, ерга қўниш ҳудудида ПФҚга ва экипаж аъзоларининг ўзаро хатти-ҳаракати ва иш технологияси бўйича йўриқномага мувофиқ ХҚ ҳисоблаб топилган қўниш оғирлиги билан белгиланган нормативлар доирасида амалга оширади.

526. Талаб қилинадиган қўниш дистанцияси ХҚ қўниш массасини ҳисобга олган ҳолда амалдаги метеошароитлар ва УҚЙ ҳолатига қараб ҳисобланади. Бундай ҳисоб-китоб ХҚнинг УҚЙ ишчи узунлиги чегарасида тўхташини назарда тутати.

527. Ҳаво кемаларини тунда қўндириш қоидага кўра ёқилган фаралар билан бажарилади. Нур экрани ҳосил қилувчи туман ва бошқа метео ҳодисаларда фаралардан фойдаланиш тартибини ҳаво кемаси командири белгилайди.

528. Ҳаво кемаси экипажи тўхтаб туриш жойига қараб буришни ХҚБ органи диспетчерининг буйруғи бўйича аэродромда бурилишнинг белгиланган схемасига мувофиқ амалга оширади.

ХIII. Авиация ишларини бажариш бўйича парвозлар

1-§. Умумий қоидалар

529. Авиация ишларини бажариш Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси томонидан манфаатдор ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар билан тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга, ушбу қоидаларга, ҳаво кемаларининг ПФҚга мувофиқ амалга оширилади.

530. Шартномага буюртмачининг авиация ишларини бажариш тартиби ва қоидаларини белгилаб берадиган норматив ҳужжатлардаги қоидаларга зид талабларини киритишга йўл қўйилмайди.

531. Бошқа авиакорхоналарда (бўлинмаларда), шу жумладан бошқа давлатлар ҳудудида авиация ишларини бажаришда парвозлар шу корхоналардаги (бўлинмалардаги) Йўриқномалар бўйича, улар бўлмаганда эса экипаж бўйсунадиган бўлинма раҳбари (командири) томонидан ишлаб чиқилган ва ҳудудида парвозлар бажариладиган корхона (бўлинма) раҳбари билан келишилган Йўриқнома бўйича бажарилади.

532. Бошқа давлатлар ҳудудида авиация ишларини бажариш хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилган парвоз қилиш учун тегишли рухсат асосида буюртмачи билан тузилган шартнома бўйича бажарилиши мумкин ва ҳудудида парвозлар бажариладиган хорижий давлатнинг Ҳаво қонунчилиги ва Парвоз қоидаларига мувофиқ бажарилиши керак.

533. Авиация ишларини бажариш учун парвозлар майдон ва йўналишли парвозларга бўлинади, уларнинг мақсади, бажарилиш қоидалари ва технологиясига қараб қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- а) транспорт-алоқа парвозлари;
- б) ҳаво кемасидан суратга олиш;
- в) ўрмон авиация ишлари;
- г) қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишлари;
- д) денгиз кемалари ва денгиз бурғуловчи ускуналарида туриб;
- е) аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва санитария тадбирларини ўтказиш учун;
- ж) авиация-кимё ишлари;
- з) экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш учун;
- и) парашютистларни десантлаш;
- к) экскурсия парвозлари.

534. Ҳаво кемасидан суратга олиш қуйидагиларга бўлинади:

а) жойларни махсус фотоаппаратура билан суратга олиш мақсадида аэросуратга олиш парвозлари;

б) йўл қўйилиши мумкин бўлган энг паст баландликларда қидириш-суратга олиш парвозлари, шу жумладан геофизик суратга олиш учун чиқиб турадиган, тросга осиб қўйиладиган аппаратура билан;

в) ерни асбоблар билан дистанцион зондаш учун аэросуратга тушириш парвозлари ва кичик, ўрта ва юқори баландликларда барометрик баландлик ўлчагич бўйича доимий баландликни ушлаб турган ҳолда атроф муҳитнинг ҳолати устидан назорат;

г) аэровизуал парвозлар, ҳаво кемаси бортида буюртмачининг кузатувчиси билан биргаликда, объектларни визуал тадқиқ қилиш ва жойлардаги вазиятни кузатиш мақсадида (электр узатиш линияларини, алоқа линияси, газ қувурлари, нефть қувурлари, ариқлар, каналлар, йўлларни патруллаштириш, балиқ ва ҳайвонлар захирасини текшириш, ёввойи ҳайвонларни йўқламадан ўтказиш ва отиш, музли разведка ва б.)

535. Авиация ишларини бажариш қоидага кўра ВПҚга кўра бажарилади. Радиотехник навигация воситалари билан жиҳозланган белгиланган трассалар ва йўналишларда ПБП бажаришга йўл қўйилади.

536. Ишни бошлашдан олдин ҳаво кемаси командири об-ҳаво маълумотларини олиши, ҳақиқий об-ҳаво шароитини аниқлаши ва парвозни бажариш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

537. Ердаги каналлар бўйича об-ҳаво маълумотларини олиш имконияти бўлма-са, 1000 соатдан ортиқ мустақил учган ва трассада ташқари парвозларга ҳаводан туриб майдон танлаш ҳуқуқи берилган ҳолда рухсат этилган ҳаво кемаси команди-рига унинг минимумидан паст бўлмаган об-ҳавода радио орқали об-ҳаво маълумо-тини олиш учун фазога қўтарилишга рухсат этилади.

538. Авиация ишларини бажаришда ҳаво кемаси командири у жойлашган ҳудудда ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни амалга оширадиган ХХБ органи диспетчери би-лан камида икки соатда бир марта радиоалоқада бўлиб туриши керак.

539. Технологияда назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги авиация ишларида ҳаво кемаси экипажи таркибига буюртмачининг амалдаги учувчилик гувоҳномасига эга мутахассислари (учувчи-кузатувчилар, штурманлар, бортоператорлар ва б.) ки-ритилиши мумкин.

540. Парвоз топшириғига киритилган мутахассислар парвоздан олдинги тайёр-гарлик ишларига белгиланган учуш вақтидан камида 1 соат олдин киришадилар.

541. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари бўлганда (ишни ташкил этиш, назоратни амалга ошириш, техник ёрдам кўрсатиш учун ва б.) учувчилар бўлинмаси команди-рининг рухсати билан ҳаво кемаси бортига фуқаро авиацияси мутахассислари уларни экипаж таркибига киритмасдан туриб олиниши мумкин. Кўрсатилган шахслар хиз-мат чипталарига эга бўлишлари ва ХК командири томонидан парвоз топшириғининг орқа томонига ёзиб қўйилишлари керак.

542. Авиация ишлари парвозлари экипаж томонидан ҳаводан туриб доимий ва танланган аэродромларда (вақтинча ва доимий), қўниш майдончаларида бажарила-ди.

Қўниш майдончаларининг ҳолати, жиҳозлари ва ўлчамлари ушбу турдаги ҳаво кемаси учун қўйиладиган махсус талабларга жавоб бериши керак.

543. Доимий, шунингдек ҳаводан туриб танланган қўниш майдончаларида пар-возлар фақатгина қўниш майдончаларини ҳаводан туриб танлаш ҳуқуқи берилган экипажлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

544. Бир неча маротаба (кунига 2 мартадан кўп, 2 ва ундан ортиқ кун мобай-нида) ҳаво кемасининг фазога қўтарилиши ва қўниши амалга ошириладиган жой-лардаги авиация ишлари районида тегишли маркировка, шамол йўналишини кўрсат-кичлар, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланадиган қўниш майдончалари жиҳозланади.

545. Қўниш майдончалари буюртмачининг вакиллари томонидан авиация хо-димларининг назорати остида ер усти изланишлари йўли орқали ёки экипаж томо-нидан ҳаводан туриб танлаш йўли билан танланади, бунда авиакорхона ва буюрт-мачи ташкилотнинг аниқ бир мажбуриятлари намунавий низомлар асосида авиация ишларини бажариш бўйича шартномаларда белгилаб қўйилади.

546. Қўниш майдончасини ҳаводан туриб танлаш парвозларига қуйидагилар киради:

а) парвоз жараёнида ҳаво кемасининг олдиндан тайёрланмаган жойларга қўнди-рилиши, шунингдек вертолётда аэродромдан ташқарида осилиб туриш тартибида бажариладиган операциялар;

б) буюртмачи томонидан тайёрланган радиоалоқа воситалари мавжуд бўлма-ган ва парвозлар устидан раҳбарлик амалга оширилмайдиган вақтинчалик аэродром-ларга ва қўниш майдончаларига қўниладиган парвозлар;

в) радиоалоқа воситалари мавжуд бўлмаган ва парвозлар устидан раҳбарлик амалга оширилмайдиган вақтинчалик вертодромларга ва қўниш майдончаларига қўниладиган, вертолётларда бажариладиган бирламчи (кун давомида) парвозлар;

547. Маркировка ва тегишли асбоб-ускуналарга эга қўниш майдончалари буюртмачининг ва эксплуатантнинг вакилларида иборат комиссия томонидан қабул қилинади. Мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ комиссия томонидан қабул қилинган қўниш майдончаларига хомаки чизмалар ва парвозларни бажариш бўйича йўриқномалар тузилади.

548. Қўниш майдончаларини қабул қилиш ва ҳисобга олиш тартиби авиакомпания раҳбарияти томонидан ҳар бир турдаги ҳаво кемаси ва иш тури учун аэродромлар ва қўниш майдончалари учун тегишли нормалар, стандартлар ва талаблар асосида алоҳида белгиланади.

549. Қўниш майдончаларига қўниш фақатгина улар экипаж томонидан ҳаводан туриб мажбурий қўриқдан ўтказиш ва унинг ҳолати экипаж томонидан баҳоланганидан кейингина бажарилади. Қўниш майдончасини қўриқдан ўтказиш тартиби ҳаво кемасининг ҳар бир тури учун ПФҚ бўйича аниқланади.

550. Қўниш учун қўниш майдончасига киришда экипаж ХХБ органига қўниш тўғрисида хабар беради. Қўниш майдончасидан фазога кўтарилганда ҳам бу ҳақда тегишли хабар берилади.

551. Буюртмачининг буюртмасига кўра ҳаво кемасида ташиладиган йўловчилар ва юклар Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида белгиланган ташиш қоидаларига мувофиқ ҳужжатлар орқали расмийлаштирилган бўлиши керак.

552. Маълум турдаги ҳаво кемаси ПФҚда белгиланган юклама йўл қўйиладиган даражаси, учиш, қўниш массаси ва ҳаво кемаси центровкасига риоя этиш учун жавобгарлик ХК командири зиммасида бўлади. Юкнинг ҳақиқий оғирлиги ва хусусиятлари юк хатида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги учун жавобгарлик буюртмачининг зиммасидадир.

553. Ҳаво кемасининг эксплуатанти ишлаб чиқариш эҳтиёжлари бўлганда (ишни ташкил этиш, назоратни амалга ошириш, техник ёрдам кўрсатиш учун ва б.) ва бўш жой мавжуд бўлиб, ХК буюртмачининг юки билан тўлиқ юкланмаганда ташиш қоидаларига мувофиқ ҳужжатлар орқали расмийлаштирилган мутахассисларини ва юкини ташиши мумкин.

554. Қурилиш-монтаж, юклаш-тушириш ишларида ва юкларни ташқари томондан осиб қўйиб ташилганда, буюртмачи махсус тайёргарликдан ўтган, юкларни ташишга тайёрлаш технологиясига ва ишни бажариш технологиясига амал қилиниши учун жавоб бериши лозим бўлган ходимини иш раҳбари этиб тайинлаши шарт.

555. Авиация ишлари бўйича парвозлар парвоз топшириғига ва буюртмачи томонидан берилган буюртмага қатъий амал қилган ҳолда бажарилади. Ёввойи ҳайвонларни овлаш ва отиш билан боғлиқ ишларни бажариш учун буюртмалар фақатгина тегишли табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсатномаси мавжуд бўлгандагина қабул қилинади.

556. Аэродромдан ташқарида олдиндан мўлжаллаб қўниш бажарилганда ҳаво кемаси командири қўнишга киришдан олдин қўниш кўзда тутилаётган жойни унинг ўлчамларини, қиялигини ва сатҳининг ҳолатини баҳолаш мақсадида қўриқдан ўтказиши керак. Қўриқдан ўтказиш тўсиқлар устидан 100 метрдан кам бўлмаган баландликдан бошланиши ва қўнишнинг танланган йўналиши бўйлаб 10 метрдан кам бўлмаган баланликкача пасайиши керак.

557. ХХБ органи диспетчери оралик аэропортларни ва ҳаво кемалари экипажларини авиация ишларини бажариш районидаги вазият ҳақида хабардор қилиб туриши шарт.

2-§. ХК экипажларини авиация ишларини бажариш учун тайёрлаш, тузиш ва шакллантириш

558. Авиация ишларини бажариш учун юбориладиган командир, йўриқчи, учувчи ва хизмат кўрсатувчи таркиб иш кўринишларига тасдиқланган дастурга асосан назарий ва амалий тайёргарликдан ўтишлари лозим Экипажларни парвозларга қўйиш учиш отряди командирининг буйруғи билан амалга оширилади.

559. База аэродромидан ташқарида парвозларни ташкил этувчи команда таркиби қўйидагиларни таъминлаши лозим:

а) ишларни ушбу қоидалар, ХК ПФҚ, қўлланмалар, технологиялар ва иш кўринишлари бўйича йўриқномалар талабларига мувофиқ ташкил этишни;

б) экипажларга нормал дам олиш ва маиший шароитларни;

в) экипаж иши юзасидан тадрийжий назоратни.

560. Экипажларни тузишда ва парвозларни режалаштиришда бўлинмаларнинг учувчи-командир таркиби экипажнинг доимий таркибини таъминлаш ва экипаж аъзоларини уларнинг рухий-ижтимоий мутаносиблиги асосида, шунингдек уларнинг ишдаги амалий тажрибаларини инобатга олиб, шахсий хусусиятлари мақсадга мувофиқ ҳолда мос келишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим.

561. Экипажнинг сон таркиби ХК ПФҚ талабларига мос келиши лозим.

562. Авиация ишларини бажариш учун экипаж тузишда экипаж таркибига киритиладиган мутахассислар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:

а) учувчи таркиб бўйича — учиш бўлинмаси командири томонидан;

б) муҳандис-техник таркиб бўйича — АТБ бошлиғи томонидан;

в) бошқа мутахассислар бўйича — авиация ишларини бажаришда ушбу мутахассис иштирок этадиган бошқа хизматларнинг раҳбарлари томонидан;

г) буюртмачининг амалдаги учиш гувоҳномаларига эга бўлган ва экипаж таркибига киритилган мутахассислари бўйича — буюртмачи ташкилотлар раҳбарлари томонидан тайёрланади.

563. Бўлинма учувчи-командир таркиби буюртмачининг мутахассисларида ушбу авиация ишларини бажариш учун рухсати борлигини текшириши ва уларнинг парвозларга дастлабки тайёргарликда иштирок этишини ташкил этиши шарт.

564. ХК экипажи таркиби, МТТ ва буюртмачи мутахассисларини инобатга олган ҳолда, учиш бўлинмаси командири томонидан бириктирилади.

565. Янгидан киритилаётган экипажни тузишда ХК командири ХК ушбу турида ва иш турида меҳнат тажрибасига эга, юзага келган вазиятда тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилишда амалий ёрдам кўрсата оладиган экипаж аъзоларини танлаб олиши лозим.

566. База аэродромидан ташқарида авиация ишларини бажариш учун йиғма бўлинмаларни тузишда авиакомпания УУБ уларнинг тизимини, таркибини белгилайди ва кейинчалик авиакомпания бўйича буйруқ тайёрлаш ва чиқариш учун маълумотлар тақдим этиш билан учувчи-командир таркиби тайёргарлигига услубий раҳбарлик қилади. Авиакомпанияда йиғма бўлинмани таъминлаш авиация ишларини ташкил этиш ва бажарилишини таъминловчи хизматлар ўзаро алоқаси технологияси асосида амалга оширилади.

3-§. Авиация ишлари бажарилишида учиш ишларини тезкор бошқаришни ташкил этиш

567. ФА авиакомпанияси (бўлинмаси) авиация ишларини бажарувчи экипаж иши юзасидан доимий бошқарувни ташкил этади, уларга тезкор ёрдам кўрсатади ва

учиш-ишлаб чиқариш ва авиация техникасининг эксплуатациясини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини доимий назорат қилишни таъминлайди.

Шу мақсадда авиакорхона, бўлинма ва хизматларнинг парвозларни таъминловчи командир — раҳбарлик ва учувчи — командир таркиби иш жойига доимий чиқишлар ташкил этилади.

568. Учувчи — командир таркиб учиш фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар, кўрсатмалар, буйруқлар, парвоз хавфсизлиги бўйича маълумотларни экипажга ўз вақтида етказиши лозим Алоҳида эътибор ишларни ташкил этишга, экипажларга, айниқса авиация ишларини биринчи марта бажараётганларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратиш лозим

569. Учувчи-командир таркибга иш жойини тарк этишга фақат аниқланган камчиликларни бартараф этганидан сўнг ва учишни ташкил этилиши ишларнинг ушбу кўринишини тартибга солувчи ҳужжатлар талабларига тўлиқ мос келтирилганида рухсат этилади.

570. Авиация ишлари бажарилишидаги муҳокамалар ХК командири томонидан учиш кунни тугаши билан парвозларни бажариш сифатини, парвозларни таъминловчи хизматларнинг ўзаро муносабатини баҳолаш, шунингдек экипаж аъзоларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш ва авиация ҳодисаларини профилактика қилиш мақсадида ўтказилади.

571. Учувчи-командир таркиби экипажлар ва учувчи бўлинмаларда муҳокамалар ўтказилиши сифати устидан назоратни амалга ошириши лозим.

4-§. Авиация-кимёвий ишларни (АКИ) бажариш бўйича парвозлар

572. Авиация-кимёвий ишлар чанглантриш, сачратиш, сочиловчан ва суюқ материалларни сепиш, кимёлаш воситалари, шунингдек ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш энтомафаглари билан жиҳозланган ХҚдан фойдаланиш бўйича ишлар кўринишидан бири ҳисобланади ва белгиланган талаблар бўйича бажарилади.

573. АКИ ишларини бажаришдан олдин қуйидагилар кирувчи тайёргарлик ишлари бажарилади:

а) кўзда тутилаётган иш ҳажмларини ўз вақтида бажарилишини таъминловчи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган самолёт ва вертолётларнинг керакли сонини тайёрлаш;

б) учиш ва техник таркибни саралаш ва ўқитиш;

в) захира техниклар ва учувчиларни, шу жумладан сменали экипажлар иши учун, айниқса эрта баҳордаги оммавий АКИ ишлари даврида тайёрлаш;

г) аэродромларни танлаш ва жиҳозлаш;

д) қишлоқ хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

е) АКИ учун авиация-техник ва аэродром мулкларини ва жиҳозларини, шунингдек тўлдириш инвентарлари, индивидуал воситалари ва бошқа махсус буюмларни тайёрлаш;

ж) диспетчерлик пунктларини (АКИ ДП), ишларни ташкил этиш бўйича таянч базаларини ташкил этиш, АКИ экипажига тезкор раҳбарлик қилиш, назорат ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича таянч базаларини ташкил этиш.

574. Қишлоқ хўжалиги аэродромларидан парвозларни бажариш усуллари ва шакллари бўйича экипажни жойлаштириш буюртмачи билан келишилган ҳолда қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) экипажлар парвозларни ҳар бири ўз ишчи аэродромидан амалга оширадиган индивидуал жойлашув;
- б) экипажлар бир аэродромда жойлаштириладиган, парвозларни эса уларнинг ҳар бири ўз ишчи аэродромидан амалга оширадиган гуруҳ бўлиб жойлашув;
- в) аэродромда бир нечта ХК иши учун парвозлар хавфсизлигига жавоб берса, бир нечта экипажлар бир ишчи аэродромидан парвозлар бажариладиган ҳамкорликдаги жойлашув.

5-§. АХР бажаришга учиш ва техник таркибни тайёрлаш ва рухсат бериш

575. Ҳар йили АКИ ишлар бошланишидан олдин, командир, учувчи ва муҳандис-техник таркиб махсус назарий ва амалий тайёргарликдан ўтади.

576. Назарий тайёргарлик қуйидаги тартибда ўтади:

биринчи марта АКИ қўйилаётган командир ва учувчи таркиб махсус ташкил этилган курсларда, ЎМ (ЎММ) томонидан тасдиқланган дастур бўйича тўлиқ ҳажмда дастлабки тайёргарликдан ўтади.

577. Командир ва учувчи таркиб АКИ ишларни бажаришга тасдиқланган махсус дастурлар асосида учиш бўлинмаларида ердаги ва учиш тайёргарлиги ўтказилганидан сўнг рухсат этилади.

578. АКИ ишларини бажариш авиация техникасига хизмат кўрсатишга биринчи марта қўйилаётган авиатехниклар (авиамеханиклар) тажрибали авиатехника-бригадири (авиамеханик) раҳбарлигида ушбу ХКга хизмат кўрсатиш бўйича икки ҳафталик стажировкадан ўтиши лозим.

579. Учувчи ва муҳандис-техник таркиб АКИ ишларини бажаришга рухсати:

- а) учувчи таркиб бўйича — учувчи бўлинма командири;
- б) муҳандис — техник таркиб бўйича — АТБ бошлиғи буйруқлари билан расмийлаштирилади.

580. АКИга учишдан олдин учиш отряди командири қуйидагиларга мажбур:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи экипажнинг бирламчи тайёргарлигини ўтказиш (белгиланган муддатларга мувофиқ):

- 1) олдинда турган АКИ вазифаларини тушунтириш;
- 2) керакли ҳужжатларни танлаш ва тайёрлаш;
- 3) қишлоқ хўжалиги аппаратуралари ўрнатилган техникада учиш хусусиятларини ўрганиш;

4) АКИ бажариш барча босқичларида, конкрет шароитларга нисбатан, парвознинг ҳолатларида экипаж аъзоларининг ўзаро ҳаракати;

б) ХК учиш-техник маълумотларини, қишлоқ хўжалиги аппаратуралари тўғри ўрнатилганлиги ва иш қобилиятини текшириш мақсадида ХК экипажи томонидан тўлиқ учиш массаси билан назорат учиб ўтишни таъминлаш. Учиб ўтиш вақтида топилган камчиликларни бартараф этиш;

в) экипажни тузилган шартномаларга биноан АКИ бажариш шартлари билан таништириш;

г) экипажларга АКИ ишларини бажариш ҳудудида парвозга топшириқ бериш, уларни керакли норматив ҳужжатлар ва маълумотнома адабиётлари билан, шунингдек ишлаб чиқариш ва учиш ҳужжатлари бланклари билан таъминлаш;

д) жой рельефига эътибор қаратган ҳолда, экипаж билан бажариладиган ишлар ҳудудини ўрганиш;

е) экипажларга мавжуд аэродромлар (қўниш майдончалари) ва уларнинг аҳо-

ли ҳақида батафсил маълумотларни бериш, уларда парвозларни амалга ошириш бўйича чизмалар ва йўриқномаларни ўрганиш;

ж) экипажларни бажариладиган иш ҳудудидаги метеорологик шароитлар, радио ва ўтказгичли алоқа таъминоти тартиби, база аэродромидан иш жойига ва ортга, бир аэродромдан бошқасига учиш хусусиятлари билан таништириш;

з) АКИ бажаришда хўжаликлардан ЁММ олиш ва сақлаш тартиби билан таништириш.

6-§. Авиация-кимёвий ишларни бажаришда парвозларни бажариш қоидалари

581. АКИ бажаришда парвозларни бажариш рухсат этиладиган минимумлар ҳар бир ХК учун учиш командири томонидан унинг тайёргарлиги, учиш иш тажрибаси, бажариладиган иш кўриниши ва ишлар ҳудудидаги жой рельефидан келиб чиқиб белгиланади.

582. Авиация ишларини бажариш бўйича парвозлар — текислик ва тепаликли жойларда кўриш 3000 метрдан кам бўлмаганда ва булутлар пастки чегараси 150 метрдан паст бўлмаганида, шунингдек тоғ олди, тоғли ва парвознинг энг чет нуқтаси тоғ чўққиларидан 5 км.дан кам бўлмаган узоқликда бўлган платоларда ВПҚ бўйича амалга оширилади.

583. Тоғ чўққиларидан беш километрлик ҳудудидаги участкаларга, шунингдек денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган тоғли платоларга ишлов беришга кўриш 5000 метр ва булутлар пастки чегарасининг баландлиги 300 метрдан кам бўлмаганида, булутлар пастки чегарасининг баландлиги парвоз баландлигидан 100 метрдан кам бўлмаган баландлигини таъминлаган ҳолда бажаришга рухсат этилади.

584. 2-классдан паст бўлмаган малакага, 500 соатдан кам бўлмаган АКИ парвозларига ва ҳаводан қўниш майдончаларини танлашга рухсат этилган ХК командирларига ҳақиқий БПЧБ ХКК минимумидан 100 метр юқори ва кўриш 5 км.дан кам бўлмаганида, бунда об-ҳаво прогнозида шамол тезлиги мазкур ХК тури учун рухсат этилганидан кучайиб кетмаса, парвоз қилиш учун мустақил қарор қабул қилишга рухсат этилади. Бундай топшириқ учувчи отряд командири томонидан парвоз топшириғига ёзиб қўйилади.

585. Ишлар ҳудудидаги учувчи-командир таркибга белгиланган минимумлардан паст бўлмаган ҳақиқий об-ҳавода, иккита захира аэродроми ёки прогноз қилинган об-ҳаво ХК командири минимумидан булутлилиги 50 метр ва кўриш 500 метр юқори бўлган битта аэродром бўлганида ўзига бўйсунувчи экипажларга парвозларни бажаришга рухсат бериш ҳуқуқи берилади. Учувчи-командир таркибдаги учишга рухсат берган шахс бутун парвоз давомида об-ҳаво ўзгаришини кузатиб боришга ва у ёмонлашганида парвозларни тақиқлашга мажбур.

586. Участкага ишлов беришда парвоз баландлиги бажарилаётган иш турининг технологиясига мувофиқ белгиланади.

587. Қуёшнинг горизонт узра баландлик бурчаги 15 даражадан кам, бунда курс бурчаги эса 30 даражадан кам бўлса участкаларга ишлов бериш, шунингдек учиш ва қўнишларни бажариш тақиқланади. Қуёш ботганидан сўнг парвозлар тақиқланади.

588. Очик яқинлашув участкаларида парвознинг ишчи тартиби самолётлар учун ишлов берилаётган участка чегараларидан 200 метр, вертолётлар учун — 25 метр узоқликда ўрнатилади.

589. Горизонтал текисликда бурилишлар АКИ қўлланмаси талабларига мувофиқ бажарилади.

590. Вертолётда ишлов берилаётганда участка қояларининг бурчаклари 45 даражадан юқори бўлмаслиги, бунда кириш маршрутлари горизонталлар бўйлаб жойлашиши керак.

591. Самолётда ишлов берилаётганда қоялар бўйлаб пастга парвоз фақат алоҳида ҳолатларда, қоялар бурчаклари 5-6 даражадан ошмаганда ва пастликдан чиқишда тўсиқлар бўлмаганда рухсат этилади.

592. Участка чегараларида турган тўсиқлар узра 10 метрдан кам бўлмаган баландликда, юқори вольтли ЭУТ устидан эса 20 метрдан кам бўлмаган баландликда учиб ўтиш рухсат этилади.

593. Электр узатиш ва самовий алоқа тармоқлари кесишган участкалар устидан узатгичлар бўйлаб парвоз этишга:

а) шамол эсаётган томондан шамол тезлиги 8 м/с ошмаганда, узатгичлардан 50 метрдан кам бўлмаган масофада;

б) шамол эсаётган томондан шамол тезлиги 5 м/с.гача, улардан 50 метрдан кам бўлмаган масофада, шамол тезлиги 6 метрдан 8 м/с.гача 8 м/с бўлганда 100 метрдан кам бўлмаган масофада рухсат этилади.

7-§. АКИ парвозларини бажаришда ХК командирининг жавобгарлиги

594. АКИ амалга оширишда ХК командирига қуйидагилар тақиқланади:

а) сочилаётган материалнинг чиқишини кузатиш учун орқага қараш ва белгиланган орқани кўрсатувчи ойнасиз ишлаш;

б) горизонт устида қуёшнинг баландлиги 15 даражадан кам, қуёш курс бурчаги 30 даражадан кам бўлганида участкага ишлов бериш, учиш ва қўниш;

в) сочиловчи материал тўқишда ушланиб қолишларнинг олдини олиш мақсадида эволюцияни бажариш;

г) аҳоли пунктлари устидан парвозни амалга ошириш;

д) ХК бортига топширикни бажаришга алоқадор бўлмаган шахсларни олиш;

е) учиш маълумотларини йиғиш воситаларини ёқмасдан парвозни бажариш;

ж) парвоз якунлангунича жойини тарк этиш.

595. ХК командири СХБ органи диспетчерига парвозларни бошланиши, бажарилиши шароитлари (камида 2 соатда бир марта) ва ишлар якунланганлиги ҳақида маълум қилиб туришга мажбур.

8-§. Ҳавода суратга олиш бўйича парвозлар

596. Суратга олиш парвозлари дейилганда парвоз давомида ХК бортига ўрнатилган махсус аппаратуралар ёрдамида «бююртмачи» мутахассислари фойдали қазилма конларини топиш учун, атроф муҳит назорати ва илмий-текшириш мақсадларида ерни масофадан туриб зондлаши тушунилади. Парвозлар белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

597. Барча тоифалардаги суратга олиш парвозлари махсус қарорлар асосида амалга оширилади. «Бююртмачи» ҳавода суратга олишни амалга ошириш учун Ўзбекистон Қуролли кучлари бирлашган штабининг тезкор-стратегик режалаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик бош бошқармасидан рухсат олади.

598. Ҳавода суратга олишга «буюртмачи» билан шартнома тузган ФА корхонаси ушбу иш турини бажариш учун Дававианазорат билан келишиши лозим.

599. Шаҳарларни ҳаводан суратга олиш учун рухсат олишни келишиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

600. Суратга олиш парвозлари уларни бажариш шароитларидан (ҳақиқий парвоз баландлиги, ХК бошқариш хусусиятлари, двигателлар иш режимлари) келиб чиқиб қуйидагича бўлинади:

- а) қидирув-суратга олиш;
- б) аэросуратга олиш;
- в) аэровизуал;
- г) аэрофото суратга олиш.

9-§. Қидирув-суратга олиш парвозлари

601. Қидирув-суратга олиш парвозлари бу — йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кичик баландликларда ўзгарувчан профил билан (берилган ҳақиқий баландликни доимий ушлаган ҳолда — жой рельефи ва тўсиқлар устидан сузиб), двигателларнинг белгиланмаган иш тартибда, вертикал тезлик ± 2 м/с дан ортиқ бўлган ҳолатдаги парвоздир.

602. Қидирув-суратга олиш парвозлари 3 ва 4-тоифа самолётларида ва барча тоифадаги вертолётларда бажарилади.

603. Қидирув суратга олиш парвозларини бажаришда йўл қўйиладиган минимал баландлик мазкур Қоидаларнинг 17-илоvasида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

604. Парвоз баландлигини ушлаб туриш радиобаландлик ўлчагич («қўтарилиш» ва «юмалатиш» услуби) ёки радиобаландлик ўлчагич ва барометрик баландлик ўлчагич (горизонтал бўйича парвозларда) кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

605. Текисликларда 100 метр ва тоғларда 200 метр ҳақиқий баландликда қуёшнинг курс бурчаги 30 даражадан кам бўлганда, агар қуёш баландлиги горизонт узра 15 даражадан кам бўлса, суратга олиш парвозларини амалга ошириш тақиқланади.

606. Суратга олиш йўналишлари амалга оширилиши давомида навбатдаги йўналишга кириш учун қайрилишлар тўсиқлар узра ҳақиқий баландлик 50 метрдан кам бўлмаганида бажарилиши керак. Агар йўналиш парвознинг пастроқ баландлигида ёйилган бўлса, қайрилишдан олдин 50 метр баландликка эришилиши керак, кейинги йўналишга ўтилганидан сўнгра керакли ҳақиқий парвоз баландлигигача пастлаш мумкин.

607. Қайрилишлар самолётлар учун креннинг 30 даража бурчаги вертолёт ва қўйиб юборувчи мосламага эга самолётлар учун эса 20 даражадан ортиқ бўлмаган бурчакда амалга оширилиши керак.

608. Ҳаво кемаси командири қуйидагиларни бажариши шарт:

- а) суратга олиш йўналишидаги парвозда берилган режимни қатъий ушлаб туриши (курс, баландлик, тезлик);
- б) вертикал маневрларни бажаришда белгиланган самовий тезликни қатъий назорат қилиш;
- в) мураккаб парвозларни амалга оширишда, айниқса тоғларда, юзага келган ҳолатга ва ўз имкониятларига тўғри баҳо бериш, агар маневрни амалга ошириш муваффақиятли яқунланишига ишончи бўлмаса уни амалга оширишни бошламаслиги.

609. Ер физик майдонини ўрганиш туридан келиб чиқиб қидирув-суратга олиш парвозлари қуйидаги турларга ажратилади:

а) аэромагнит (аэромагнит разведка) — геомагнит майдон ва уни ташкил қилувчиларни ўлчаш учун, шу жумладан, уларнинг тузилишини хариталаштириш ва фойдали қазилмалар конларини разведка қилиш учун;

б) аэрогаммаспектрметрик суратга олиш — тоғ жинслари таркибида уран, торий, калий таркибини ва уларнинг мутаносиблигини аниқлаш имконини берувчи кўп каналли гамма спектрлар ёрдамида табиий радиоактив элементларнинг гамма нурланишини спекторал ўрганиш учун амалга оширилади. Аэрогаммаспектрметрия парвозлари энг кичик баландликларда (75 метргача) самолёт ёки вертолётга белгиланган баландликни доимий ушлаб туриш билан амалга оширилади;

в) аэроэлектр разведка суратга олиш — кўпроқ сульфид рудалар ва ер ости сувлари конларини қидиришда, шунингдек тизимли тектоник изланишларда қўлланилади. Аэроэлектр разведкани амалга оширишда парвозлар 60 метрдан 100 метргача бўлган ҳақиқий баландликда амалга оширилади.

10-§. Аэро суратга олиш парвозлари

610. Аэро суратга олиш парвозлари ерни геологик хариталаш, масофадан зондлаб бошқариш, шунингдек атроф муҳит ҳолатини назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Парвозлар барометрик баландлик ўлчагич бўйича баландликни доимий ушлаб туриш ёки баландликни аэро суратга олиш қўлланмаси асосида ўзгартириш орқали кичик, ўрта ва катта баландликларда амалга оширилади.

611. Аэро суратга олиш парвозлари белгиланган ҳудуддаги йўналишларда амалга оширилади. Суратга олиш йўналиши, парвоз баландлиги, йўналишлар ўртасидаги оралиқ масофанинг катталиги ва парвознинг бошқа ўлчамлари буюртмачи томонидан берилади.

11-§. Аэровизуал парвозлар

612. Аэровизуал парвозлар буюртмачининг ҳаво кемасида кузатувчилари билан объектларни визуал текшириш ва жойдаги ҳолатни визуал кузатиш (алоқа линиялари, газ-нефть қувурлари, дарё, канал автомагистраллар, ёввойи ҳайвонларни қайта санок қилиш ва ҳоказолар) мақсадида амалга оширилиши мумкин. Парвозлар кичик ва ўрта баландликларда амалга оширилади.

613. Аэровизуал парвозлар ВПҚга биноан тўсиқлар узра 50 метрдан кам бўлмаган баландликда амалга оширилади.

614. Буюртмачи кузатувчиси объектни ҳар томонлама синчиклаб кўздан кечириши учун ҳаво кемасини тўсиқлар узра 10 метргача, юқори вольтли электр узатиш тармоқларини кўздан кечиришда эса суянчиқлар узра 20 метрдан кам бўлмаган баландликда парвозни амалга оширишига рухсат этилиши мумкин.

615. Аэровизуал парвозлар ВПҚга асосан йўналиш бўйича белгиланган ҳудудда тўсиқлар узра 50 метрдан кам бўлмаган баландликда амалга оширилади.

616. Ҳаво кемаси буюртмачи кузатувчиси локал объектни, жой участкасини ҳар томонлама синчиклаб кўздан кечириши учун ҳаво кемасини тўсиқлар узра 10 метргача, юқори вольтли электр узатиш тармоқларини кўздан кечиришда эса суянчиқлар узра 20 метрдан кам бўлмаган баландликкача пастлашига рухсат этилиши мумкин.

12-§. Ўрмон авиация ишларида парвозлар

617. Ўрмон ишларида парвозлар қўидаги мақсадларда амалга оширилади:

- а) ўрмонни авиацияда қўриқлаш;
- б) ўрмонларни текшириш ва ҳисобга олиш;
- в) ўрмон хўжалиги ташкилотларига хизмат кўрсатиш.

618. Ўрмонларни авиацион қўриқлаш ва текшириш парвозлари тегишли ҳудудда ВПҚ асосида амалга оширилади. Ёнғин аниқланган ҳолларда кузатувчи-учувчи топшириғига биноан, СХБ органини хабардор қилган ҳолда, ҳаводан туриб танланган майдончага қўнишга рухсат этилади.

619. Қўидаги ёнғинлар узра ёнғиннинг четида, дарахтларнинг тепасида, самолётларда 200 метрдан паст бўлмаган ва вертолётларда 10 метрдан паст бўлмаган баландликкача пастлашга рухсат этилади.

620. Ёнғин ўчоғи устида, шунингдек ВПҚда белгилангандан кам бўлган кўришдаги тутунли ҳудудлардан учиш тақиқланади.

621. Вимпелларни ташлашда қўидагилар тақиқланади:

- а) қайрилишлар ва қиялик бўйлаб юқорилашлар;
- б) қаттиқ чайқалиш ҳолатларида нотекис тоғ ёнбағирларига 300 метрдан кам бўлган масофагача яқинлашиш;
- в) вимпелни ташлашни ҳаво кемаси командири томонидан шахсан амалга оширилиши;

г) эътиборни жалб этиш мақсадида маълумотларни қабул қилиш пункти устида ҳавфсиз баландликдан пастда эволюцияни амалга ошириш.

622. Ёнғинни фаол ўчириш бўйича тўкиш мосламаларидан фойдаланиш, сунъий ёнғингарчилик чақириш, парашютларни қўллаш, тушириш мосламалари, шунингдек юкларни ташлаш ва портловчи моддаларни етказиш ўрмон авиация ишлари бўйича қўлланма асосида амалга оширилади.

623. Ўрмон авиация ишларида парвозлар аэровизуал парвозларнинг кўп кўришларидан бири ҳисобланади.

624. Самовий суратга олишларни амалга ошириш учун минимумлар, топширикни бажариш мақсади ва характеридан келиб чиқиб, суратга олиш парвозлари турлари бўйича қўлланма ва ушбу Қоидалар талабларига асосан белгиланади.

625. Суратга олиш парвозларини амалга ошириш учун об-ҳаво минимумлари мазкур Қоидаларнинг 18-илоvasи жадвалида келтирилган.

13-§. Учувчи таркибни суратга олиш ишларини амалга оширишга тайёрлаш ва рухсат бериш

626. Учувчи таркиб берилган ҳаво кемаси турида берилган парвозларга УТТД талабларига мувофиқ тегишли назарий ва учиш тайёргарликдан ўтгандан сўнг суратга олиш ишларига қўйилади. Экипаж трассада ташқари парвозлар ва ҳаводан туриб қўниш майдончасини танлашга қўйилган бўлиши лозим.

627. Учиш таркиби суратга олиш ишлари (парвозлари)га қўйилиши учун лозим бўлган, УТТД билан белгиланган, учиш тайёргарлиги ҳажми учувчи отряд командири томонидан қўидагиларга асосланиб оширилиши мумкин:

- а) экипаж ҳар бир аъзосининг тайёргарлик даражаси (бундай парвозларни амалга оширишда тажрибага эгами ёки биринчи марта қўйилаяптими);
- б) суратга олиш парвозлари орасида танаффусларнинг узунлиги;
- в) олдиндаги ишларнинг мураккаблиги даражаси ва бошқа факторлар.

14-§. Аэрофото суратга олиш парвозлари

628. Аэрофото суратга олиш парвозлари аэрофото суратга олиш ускуналари билан жиҳозланган ҳаво кемасида жойни суратга олиш мақсадида амалга оширилади.

629. Аэрофото суратга олиш участкаси устидан парвоз белгиланган баландликда, стандарт атмосфера босимида 760 мм.см.уст. (1013,2 мбар) бажарилади.

630. Участкадан участкага учиш, шунингдек суратга олиш баландлигини ўзгартириш СХБ органи диспетчерининг рухсати билан амалга оширилади.

631. Аэрофото суратга олишни автоучувчини ёққан ҳолда бажаришда ҳаво кемаси командири парвоз тартиби ушлаб турилиши устидан доимий назоратни таъминлаган ҳолда, автоучувчини бошқаришни аэрофото суратга олувчи-штурманга топшириши мумкин.

15-§. Қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишларида парвозлар

632. Қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишларида парвозларга қуйидагилар тааллуқлидир: қурилиш конструкциялари, труба ўтказгичларни монтаж ва қайта монтаж қилиш, юклаш-тушириш операцияларини ҳамда вертолёт осилиб туриши ва кўчиши билан боғлиқ бошқа ишларнинг бажарилиши.

633. Қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишларида парвозлар ушбу Қоидалар ҳамда ушбу ишларни бажаришга рухсат этилган командир-учувчи таркиб томонидан ишлаб чиқилган ва авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан тасдиқланган юкорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажариш йўриқномасига асосан амалга оширилади.

634. Қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишлари ВПҚга мувофиқ булутларнинг пастки чегараси 150 метрдан кам бўлмаганида ва кўриш имкониятлари 2000 метрдан кам бўлмаганида бажарилиши мумкин.

635. Агар об-ҳаво прогнози қурилиш-монтаж ва юклаш-ортиш ишларини бажариш минимумларига мос бўлмаса, унда иш бажариш ҳудудидаги командир-учувчи таркибидаги шахсга экипажларга парвозларни бошлашга рухсат бериш ҳуқуқи берилади, 2-классга эга ҳаво кемаси командирларига эса, агар ҳақиқий кўриш ҳолати 3000 метрдан кам бўлмаса, булутлар пастки чегараси 200 метр ва ундан ортиқ бўлса, мустақил равишда парвозлар учун қарор қабул қилиш рухсат этилади.

522. Авиация ишларини бажаришда (қурилиш-монтаж ишлари ва юклаш-тушуриш операциялари қўниш майдончасидан 2 километр радиусда бажарилаётганда) вертолётларга КХҚда назарда тутилган аэронавигация захираси билан, лекин камида 30 дақиқага етадиган, ёнилғи билан парвозларни бажаришига рухсат этилади.

16-§. Транспорт-алоқа ишларида парвозлар

637. Транспорт-алоқа парвозлари ҳаво кемаларини алоқа учун, йўловчиларни, буюртмачининг юклари ва дастгоҳларини ташиш учун фойдаланадиган илмий ва хўжалик ташкилотларининг турли экспедицияларга хизмат кўрсатиши учун амалга оширилади.

638. Транспорт-алоқа парвозлари Парвоз қоидаларига мувофиқ кундузи ВПҚ ва УПҚ, кечаси УПҚ асосида МХЙ ҳаво йўлаклари ва белгиланган йўналиш бўйича бажарилади.

639. Юкларни ташиш ҳаво кемаси фюзеляжида ва ташқи илгакларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Тушириш ҳаво кемаси парвози чоғида ёки қўнганида, шунингдек вертолётларда осилиб туриш тартибида, ташлаш усули билан амалга оширилиши мумкин.

640. Юкларни ташлаш парашютлар билан ёки уларсиз амалга оширилиши мумкин. Юкларни парашютларда ташлаш 150 метрдан кам бўлмаган баландликда амалга оширилади. Самолётлардан юкларни парашютсиз ташлашга қўйидаги ҳолларда рухсат этилади:

- а) текис жойда 25 метрдан паст бўлмаган баландликда;
- б) тепаликли жойларда 50 метрдан паст бўлмаган баландликда;
- в) тоғли жойларда 100 метрдан паст бўлмаган баландликда.

Юкларни вертолётлардан ташлашда ҳар қандай географик шароитларда ҳам 25 метрдан кам бўлмаган баландликдан ташлашга рухсат этилади.

641. Вертолётларда ташқи илгакларида юк билан парвоз этиш аҳоли пунктларини айланиб ўтиш орқали бажарилади.

642. 1-класс вертолётларида транспорт-алоқа парвозлари мазкур Қоидаларнинг 19-иловасидаги жадвалда келтирилган об-ҳаво минимумларида бажарилади. ВПҚ бўйича булутлар узра парвоз уларнинг сони парвоз баландлигидан 3-4 октан (SCT) паст бўлмаганида рухсат этилади. Бунда булутларнинг юқори чегарасидан ҳаво кемасигача бўлган оралиқ масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

643. Ташқи илгакда ташилаётган юк қўйидаги ҳолатларда ташланиши керак:

а) осилиб турганда, агар двигател (двигателлар) қувватининг максималидан фойдаланилганда, вертолёт эса ўз-ўзидан пастлашади;

б) чанг (қор) кўтарилиши ҳолатларида экипаж ер билан визуал алоқани йўқотганида;

в) вертолёт тезлик олиши ёки тормозланиши пайтида юк ерга ёки тўсикка тегишида;

г) юкнинг парвоз хавфсизлигига таҳдид этадиган ҳолда чайқалишида;

д) иложсиз қўниш ҳолатида юк билан қўниш имкони бўлмаса;

е) двигател (двигателлар) бўйсунмай қолганида;

ж) вертолёт командири қарори билан бошқа ҳолатларда.

17-§. Денгиз кемаси ва денгиз пармалаш мосламасидан парвоз қилиш

644. Денгиз кемаси ва денгиз пармалаш мосламасидан парвоз қилиш ушбу Қоидалар ва денгиз кемаси ва ДПМ парвоз қилиш йўриқномасига асосан фақат махсус тайёргарлик кўрган экипаж билан амалга оширилади.

645. Вертолёт денгиз кемаси бортдан жой олганидан кейин экипаж денгиз флоти кемасида хизмат низоми қоидаларини бажаради.

646. Денгиз кемаси бортдан жой олган вертолётда парвозларни амалга ошириш кема капитани топшириғи билан амалга оширилади. Вертолёт командири учиш учун қарор қабул қилади ва парвоз хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

647. Денгиз кемасидан парвозни бажаришда 2-классдан кам бўлмаган тоифага, вертолётларда мустақил учган вақти 2000 соатдан кам бўлмаган ҳаво кемаси командирлари ускуналар орқали берилган об-ҳаво ҳақида ҳақиқий маълумотлар бўлмаганида, маълум бир кўз билан аниқланган об-ҳавода қўйидаги ҳолларда парвозни бажариш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин:

- а) кўриш имкониятлари 5000 метрдан кам бўлмаган, булутлар пастки чегараси

баландлиги ушбу ишларни бажариш учун белгиланганидан 100 метр баланд бўлганида;

б) об-ҳаво прогнозида шомолнинг кучайиши ушбу ишларни бажариш учун белгиланган ва ушбу ҳаво кемаси тури учун ХК ПФҚда белгиланган нормалардан ортиқ кучайиши назарда тутилмаса. Бунда вертолёт командири бутун парвоз давомида об-ҳавонинг ўзгаришини кузатиб бориши ва агар унинг ўзгариши кўрсатиб ўтилганидан ёмонлашадиган тақдирда парвозни тўхтатиши лозим.

Бундай рухсат учиш отряди командири томонидан учиш топшириғига ёзиб қўйилиши керак.

648. Денгиз кемасидан парвоз икки томонлама барқарор радио алоқани ва йўналиш устидан денгиз кемасида ўрнатилган радио техник воситалардан (РТВ) фойдаланган ҳолда назорат қилишни таъминлайдиган узоқликкача рухсат этилади.

649. ДПМлардан парвоз белгиланган йўналиш бўйича икки двигателли вертолётларда амалга оширилади. Қирғоқдан 30 км узоқликдаги ва РТВ билан жиҳозланмаган ДПМдан парвоз қилиш тақиқланади.

650. Радиуси 2 км ва ундан кам бўлган ҳудудда ДПМлардан парвозлар ушбу ҳудудда фақат битта вертолёт бўлиши лозим тарзида ташкил этилади.

651. Парвоз олди тайёргарлиги вақтида ҳаво кемаси экипажи ҳақиқий об-ҳаво ҳолати маълумотлари, денгиз кемаси чайқалиши параметрлари, йўналиш бўйича ва ДПМ ҳудудида денгиз юзасининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар билан таъминланади. Шомол тезлиги ва чайқалиш параметрларининг чегара нормалари ДПМда парвоз қилиш йўриқномаси билан белгиланади.

652. ДПМ ва денгиз кемасида парвозлар ВПҚ бўйича кўз кўриши 2000 метрдан ва булутлар пастки чегараси баландлиги 150 метрдан кам бўлмаган об-ҳаво шароитларида амалга оширилади.

18-§. Аҳолига тиббий ёрдамни кўрсатиш ва санитария чора-тадбирлари ўтказиш бўйича парвозлар

653. Соғлиқни сақлаш ташкилотларига хизмат кўрсатувчи парвозлар қуйидагиларга ажратилади:

а) зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш учун амалга ошириладиган шошилишч парвозлар;

б) режадаги маслаҳатлар учун тиббиёт ходимларини, тиббий юкларни етказиш ва бошқа санитария чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ парвозлар.

654. Аҳолига тиббий ёрдамни кўрсатиш ва санитария чора-тадбирлари ўтказиш бўйича парвозлар буюртмаларга биноан амалга оширилади ва ушбу Қоидалар асосида бажарилади.

655. Парвознинг иккала йўналишда ҳам шошилишч бажарилиши даражаси бўлим командири томонидан буюртмага асосан парвоз топшириғида кўрсатилади.

656. Инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатларда ФА авиакорхонаси, бўлими командири томонидан, экипажнинг бўйсунувида бўлишидан қатъи назар, тиббий ёрдамни кўрсатиш учун парвозларни, ҳужжатларни кейинчалик расмийлаштириш шарти билан, ёзма буюртмасиз амалга оширишга топшириқ беришга рухсат этилади. Бунда экипажнинг ушбу парвоз топшириғини бажариш учун тайёргарлиги назарда тутилиши шарт.

657. Соғлиқни сақлаш ташкилотларига хизмат кўрсатиш бўйича шошилишч парвозлар, об-ҳаво минимумларида мазкур Қоидаларнинг 20-иловасида келтирилган

жадвалга мувофиқ, СХБ органи билан келишган ҳолда ҳаво трассалари, МХЙ ва белгиланган энг қисқа йўналишларда бажарилади.

658. Соғлиқни сақлаш ташкилотларига хизмат кўрсатиш бўйича парвозлар кундузи ВПҚ ва УПҚ, кечаси эса УПҚ бўйича бажарилади. Маълум қилиниши мумкин бўлмаган, алоҳида ҳолатларда, учиш бўлими командири, ҳаво кемасининг розилиги билан ўзининг шахсий жавобгарлигида, кейинчалик ўзи кўрган чоралари ҳақида ўзининг бевосита бошлиқлари ва Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратга маълумот тақдим этиш шарти билан парвозларни мазкур Қоидаларга, шунингдек учиш ва иш вақти нормаларига бўйсунмаган ҳолда ташкил этиш ҳуқуқига эга.

659. Тунги парвозлар учун жиҳозланмаган аэродромлар ва майдончалардан шошилиш училар, текисликда ва тепалик жойларда, тонг отиши билан бошлаш ва қоронғу тушгунига 30 дақиқа қолганида тугатишга, тоғли жойларда қуёш чиқиши билан бошлаш ва қуёш ботиши билан тугатишга рухсат этилади.

660. Шошилиш парвозларни амалга оширишда ҳаво кемаларига тунда фақат тунги парвозлар учун жиҳозларга эга аэродромларга ёки қўниш майдончаларига қўнишга рухсат этилади.

661. Агар ҳаво кемасининг қўниши кундузи ҳаводан туриб танланган майдончада амалга оширилган бўлса, кечаси ундан учишга фақатгина зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ўта зарур бўлган ҳолатларда рухсат этилади. Бундай ҳолатда ҳаво кемаси командири майдончани ёруғлик белгилари билан жиҳозлаш ва хавфсиз учишни амалга оширишга тайёрлаш чораларини кўриши лозим.

662. Кечаси ва кундузи шошилиш парвозларни амалга оширишга УПҚ бўйича парвозларга қўйилган, махсус тайёрланган экипажлар (учувчилар) қўйилади.

663. ФА барча аэропортлари (аэродромлари) тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича шошилиш парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларига хизмат биринчи навбатда кўрсатилади.

664. Шошилиш парвозларда ҳаво кемаларига йўналиш давомида ва қўниш нуқтасида об-ҳавонинг ҳақиқий ҳолати ҳақидаги маълумотларсиз, тахминий прогноз бўйича учишни бажаришга рухсат этилади.

665. Иложсиз қўниш ҳолатларида экипаж беморларни ва тиббий юкни яқин атрофдаги касалхонага етказиши, бошқа ҳаво кемаси қўниши учун жой тайёрлаш бўйича чоралар кўриши лозим.

19-§. Тажриба ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича парвозлар

666. Тажриба ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича парвозлар, агар парвозларни бажариш технологияси ва қоидалари ушбу Қоидалар, ХК ПФҚ ва ФА учиш ишларини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга зид бўлмаганда эксплуатант томонидан бажарилади.

667. Тажриба ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун парвозлар дастури авиакорхона билан келишилган ва илмий (илмий ишлаб чиқариш) ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

668. Тажриба ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун парвозлар кундузи ВПҚ ва УПҚ, кечаси УПҚ бўйича амалга оширилади.

669. Ишларнинг ушбу турини бажаришга авиация ишларида керакли тажрибага эга бўлган, кўпроқ тайёрланган экипажларга рухсат этилади.

670. Тажриба ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун белгиланадиган об-ҳаво минимумлари ишнинг кўринишидан, ҳаво кемаси туридан, аэродромнинг РТВ

воситалари билан жиҳозланганлиги ва учувчи таркибнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолатда эксплуатация минимумлари ушбу аэродром учун белгиланган минимумдан кам бўлиши мумкин эмас.

20-§. Парашютчиларни ташлаш бўйича парвозлар

671. Парашютчиларни ташлаш бўйича парвозлар об-ҳавонинг аниқ шароитларида қўлланиладиган парвозларни амалга ошириш бўйича технологиялар, йўриқномалар ва мазкур қоидаларга мувофиқ бажарилади. Бу парвозлар авиакорхона (авиакомпания) бошқарув-учувчи таркиби томонидан ишлаб чиқилади ва раҳбари томонидан тасдиқланади.

672. Учувчилар таркиби парашютчиларни ташлаш ишларига ҳаво кемасининг мазкур русуми бўйича Учувчилар таркибини тайёрлаш дастурининг талабларига мувофиқ тегишли назарий, ерда ва парвоз тайёргарлиги бўйича машғулотлардан кейин рухсат этилади.

673. Парашютчиларни ташлаш парвозлари кундузи фойдаланишга белгиланган тартибда қабул қилинган аэродромлар ва учиш-қўниш майдончаларидан кўз билан кўриб парвоз қилиш қоидаларига асосан бажарилади.

674. ХКК учишга қарор қилиш вақтида қуйидаги чегараланишларни инобатга олиши шарт:

а) булутлар пастки чегарасининг баландлиги парашют билан сакрашни бажариш баландлигидан 100 метр баланд бўлиши керак;

б) сакрашларнинг минимал баландлиги — 700 метр. 700 метрдан паст бўлган баландликдан сакраш ҳар бир алоҳида ҳолларда фақат сакрашлар бошлигининг рухсати билан амалга оширилади. Рухсатлар «ХКК маълумотлар журнали»да расмийлаштирилади.

675. Парашютчилар гуруҳининг барча аъзолари ХК командирининг бошчилигида, буюртмачи вакилининг иштирокида техника хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтишлари зарур. Техника хавфсизлиги бўйича йўриқнинг ўтказилиши «ХКК маълумотлар журнали»да қайд этилади. Техника хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтмаган ҳолларда парвозлар тақиқланади.

21-§. Авиация ишлари парвозларни бажарилишини назорат қилинишини таъминлашнинг хусусиятлари

676. Авиация ишлари бўйича парвозларни ташкиллаштирувчи командир-раҳбар таркиб ва ФА авиакорхоналари (авиакомпаниялари) хизматлари, бўлимлари, қисмлари базадан учишда:

а) ишни ушбу қоида, ҳаво кемаси ХК ПФК, иш турлари бўйича тегишли қўлланмалар асосида ташкиллаштиришни;

б) экипажга нормал маиший шароитлар ва дам олишини яратишни;

в) экипаж иши юзасидан мунтазам назоратни таъминлайдилар.

677. Мунтазам назорат қуйидагиларга нисбатан ташкил этилади:

а) хавфсизлик мақсадларида парвоз қоидаларини бажарилиши ва тезкор маълумот, шунингдек парвозларни тартибга солувчи кўрсатмаларни барча ҳаво кемалари экипажларига ўз вақтида етказилиши;

б) ишларни бажариш технологиясига риоя этиш;

в) ҳаво кемаларининг белгиланган нормаларга мувофиқ созлиги ва бутланганлиги;

г) аэродромлар (вертодромлар), қўниш майдончалари ва уларнинг ускуналари ҳолати ва парвозларга яроқлилиги;

д) тезкор парвоз режаси бажарилиши.

678. Назорат қилишдан мақсад камчиликларни бартараф этиш ва авиация ишларининг барча қўринишлари бўйича ишларни ташкил этиш, таъминлаш ва бажаришни йўриқномалар ва технологиялар талабларига мувофиқлаштириш ҳисобланади.

22-§. Вертолётларда парвозлар

679. Вертолётларда йўловчиларни ташиш мақсадида парвозлар аэродромларга (қўниш майдончаларига) қўниш билан бажарилади.

680. Почтани, юкларни ташишда, шунингдек авиация ишларини бажаришда (шу жумладан хизмат йўловчилари ва буюртмачи йўловчиларини ташиш) ҳаводан туриб танланган майдончага қўниш учун рухсат этилади.

681. Тоғ чўққиларида, оралиғида, ёнбағрида, бино томида, кўтарилган платформаларда, денгиз (дарё) кемаси палубасида, сузувчи пармалаш мосламаларида жиҳозланган вертодром ёки қўниш майдончаларидан парвозлар ушбу Қоидалар, ХК ПФҚ ва вертодром ёки ҳар бир турдаги майдончада парвозни амалга ошириш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

682. Бир вақтнинг ўзида самолётлар ва вертолётлар фойдаланадиган аэродромларда вертолётларнинг алоҳида стрти учун махсус жиҳозланган майдончалар бўлиши мумкин.

683. Самолётлар ва вертолётларнинг биргаликдаги парвозларини ташкил этиш мазкур аэродромда парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома билан тартибга солинади.

684. ВПҚ бўйича учишга қарор қабул қилинганида, ҳаводан қўниш майдончасини танлаш ҳуқуқи билан парвозларга қўйилган вертолёт командирига буюртмачининг парвозларни амалга ошириш йўриқномасига эга бўлган қўниш майдончаларини захира қўниш майдончалари сифатида фойдаланишга рухсат этилади.

685. Вертолёт двигатели (двигателлари) ишга туширишдан олдин, айланадиган паррагига қатор бўлиб тортилиб кетадиган буюмлар паррак четларидан камида бир паррак диаметри доирасида узоқликка олиб қўйилиши керак.

686. Двигателни (двигателларни) айланувчи тизим билан биргаликда қўшиш ва синаб кўриш фақат кема командирига экипаж таркиби тўлиқ бўлган ҳолда рухсат этилади. Боғлаб мустаҳкамлаб қўйишга махсус жиҳозланган майдончаларда, шунингдек денгиз (дарё) кемалари палубаларида ишончли боғлаб қўйиш таъминланганида, двигателни (двигателларни) айланувчи тизим билан бирга қўшиш ва синаб кўришга вертолёт командирига, шунингдек борт-механик ва махсус тайёргарликдан ўтган ва бунга рухсати бўлган МАХ шахсларига рухсат этилади.

687. Вертолёт ер устида бошқарилганда, айланувчи винтлар парракларининг учидан тўсиққача бўлган минимал масофа айланувчи винт диаметрининг ярмидан кам бўлмаслиги керак.

688. Денгиз (дарё) кемаси палубасида, кўтарилган платформа ва бошқа махсус майдончаларда жойлашган вертолётнинг айланувчи винтлар парраклари учидан тўсиққача бўлган минимал масофа ҳар бир русумдаги майдончадан парвозлар бажариш йўриқномалари билан тартибга солинади ва шу майдончалар конструкциялари билан таъминланиши керак.

689. Ҳар бир кўтарилишдан олдин вертолёт сардори тортиш захираси, оғир-

лик марказининг жойлашиши, бошқарув органларининг созлигини ва кўтарилиш услубини текшириш учун ҳавода назорат тартибида муаллақ туришини бажариши керак. Муаллақ туриш баландлигини кўтарилиш услуби ва бажариладиган ишлар турига қараб вертолёт сардори белгилайди.

690. АКИда парвоз қилганда, шунингдек ўқув-машқ парвозлар бажарилганда, назорат муаллақ туриш парвозлардан олдин ва ҳар сафар ёнилғи қуйилганидан кейин амалга оширилади. Назорат муаллақ туришдан кейин ерга қўниш шарт эмас.

691. Муаллақ турганда, 10 метргача баландликда кўчилганда, вертолёт кўтарилаётганда ва қўнаётганда айланувчи винтлар парракларининг учидан бўлган масофа камида қуйидагича бўлиши керак:

а) ҳаво кемаларигача — винт диаметридан икки марта катта;

б) бошқа тўсиқларгача — винт диаметридан икки марта кичик, бироқ камида 10 метр;

в) денгиз (дарё) кемаси палубасида, кўтарилган платформа ва бошқа махсус майдончалар устида жойлашган тўсиқларгача — мазкур русумли вертолёт учун майдончалар маркировкасига мувофиқ.

692. Агар грунтнинг ҳолати ёки вертолёт конструкцияси қайрилишни бажаришга йўл бермаса, ҳаракатланиш 10 метр бўлган баландликда бажарилади.

693. Муаллақ туриш ва 10 метргача баландликда парвоз қилиш вертолёт сардорининг минимумига боғлиқ равишда кўриш масофаси 500 метрдан кам бўлмаганда ва булутлар баландлиги 50 метрдан паст бўлмаганда рухсат этилади.

694. Вертолёт турган жойидан учишига ёки қўнишига қуйидаги шартларда рухсат этилиши мумкин:

а) вертолёт бошқа ҳаво кемалари учиши ёки қўнишига ҳалал бермаса;

б) ушбу Қоидаларнинг 691-банди талаблари бажарилса;

в) айланувчи винтлар ердаги мўлжаллар билан визуал алоқани йўқотиб қўйилишига сабаб бўладиган чанг-тўзон кўтарилишига олиб келмаса.

695. Баландликка кўтарилаётганида ва қўнишга киришда тўсиқлар устидан 10 метрдан кам бўлмаган баландликда, ХК устидан эса айланувчи винтнинг икки диаметридан кам бўлмаган баландликда учиб ўтишга рухсат этилади.

696. Ҳаводан туриб танланган, юзаси ҳали номаълум бўлган майдончага қўниш уни ерда қўздан кечирилгандан, унинг қўнишга яроқлилиги аниқлангандан кейин амалга оширилади. Майдончани қўздан кечириш ва баҳолаш экипаж аъзоларидан бири ёки махсус тайёрланган МАХ ходими томонидан бажарилади. Экипаж аъзоларидан бирини тушириш осилиб туриш тартибида амалга оширилади, вертолётни қўниши эса унинг рухсати ва ишорасига асосан амалга оширилади.

697. Қўниш имконияти бўлмаган тақдирда вертолётни юклаш ёки юкларни тушуриш мазкур вертолёт турининг ХК ПФҚга экипаж аъзоларидан бирининг ёки махсус тайёргарлик кўрган МАХ ходимининг раҳбарлиги остида осилиб туриш тартибида бажарилади.

698. Ҳаво ёстикчаси таъсиридан ташқари ҳудудда вертолётнинг осилиб туриш тартибини қўллашни талаб этадиган ишлар, шунингдек ҳавода туриб танланган, мураккаб рельефли ёки қор (чанг) тўзони кўтарилиши мумкин бўлган майдончаларга қўниш ёки улардан учиш, ҳаво ёстикчаси таъсир этмайдиган ҳудудда осилиб туриш тартибида манёвр қилиш имконини берадиган парвоз массаси билан бажарилиши лозим.

699. Қўниш майдончасида қор (чанг) мавжуд бўлганида қор (чанг) тўзони юзага келишини камайтирадиган ёки юзага келишини истисно этадиган чоралар кўрилиши шарт.

700. Учишда осилиб туришдан олдин қор (чанг) тўзони ҳосил бўлган ҳолларда, экипаж ердаги мўлжалларнинг қатъий кўриниши пайдо бўлгунига қадар қор (чанг) тўзонини айланаётган винтдан ҳайдаши лозим.

701. Қор (чанг) қоплаган майдончага қўнишда осилиб туриш ҳаво ёстикчаси таъсир этмайдиган ҳудудда амалга оширилади. Пастлашни давом эттиришга ва қўнишни амалга оширишга ердаги мўлжаллар билан доимий алоқа бўлган тақдирда рухсат этилади.

702. Осилиб турганда мўлжалларни кўриш йўқолган тақдирда экипаж вертолётни тўзондан юқорига олиб кетиши лозим. Қор (чанг) тўзониде ердаги мўлжалларни кўриш имконияти бўлмаганида осилиб туриш, учиш ва қўниш тақиқланади.

703. Вертолётнинг сув юзаси устида осилиб туриши камида айланадиган винтнинг бир диаметри баландлигида амалга оширилиши мумкин. Баландлик радио-баландлик ўлчагич билан ёки сув юзасида сузиб юрган буюмларга визуал чама билан аниқланади.

704. Сувдаги одамларга ёрдам кўрсатишда уларни айланаётган винт оқими билан урмаслик ва сузиш воситаларидан тушириб юбормаслик учун одамларни бортга олишда пастлаш ва осилиб туриш вертикал ҳолатда бажарилади.

705. Парвоз чоғида минимумдан паст об-ҳаво шароитлари ва хавфли метеороҳодиса туфайли вертолёт командирига ҳаводан туриб танланган майдончага қўнишга рухсат этилади. Ушбу майдончадан учишга вертолёт командирига ҳақиқий об-ҳаво шароити минимумларга мувофиқ бўлганида рухсат этилади. Вертолёт командири ўзининг ҳаракатлари тўғрисида СХБ органини огоҳлантиради.

706. УҚЙ қисмида, кўришни минимум белгидан ҳам ёмонлаштирадиган, метеороҳодиса ёки ишлаб чиқариш тутуни мавжуд бўлганида, вертолёт командирига СХБ органи диспетчери билан келишилган ҳолда УҚЙнинг метеорошароит белгиланган минимумларга мос келадиган қисмида қўниш ва учиш учун рухсат этилади. Ушбу ҳолатларда парвоз хавфсизлиги учун жавобгарлик вертолёт командири зиммасида бўлади.

707. Тоғли жойда парвозлар йўналиши жарлик бўйлаб амалга оширилишига рухсат этилади, бунда жарликнинг парвоз баландлигидаги минимал кенглиги 500 метрдан кам бўлмаслиги ва лозим бўлган тақдирда 180 даражага қайрилиш имконини таъминлаши лозим. Қайрилишларни амалга оширишда айланувчи винт параклари учидан тоғ қоясигача бўлган масофа 50 метрдан кам бўлмаслиги керак.

23-§. Хавфсизлик талаблари

708. Экипаж аъзолари ва ердаги хизмат кўрсатувчи таркиб (авиатехниклар, заҳарли кимёвий воситаларни юқловчилар ва бошқалар) томонидан ўз функционал вазифаларини бажаришларида қуйидаги асосий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш факторлари ноқулай таъсир этиши мумкин:

а) ҳаракатланаётган ҳаво кемаси, махсус автотранспорт ва ўзи юрар механизмлар;

б) самолёт ва вертолётларнинг айланаётган ва ҳаво винтлари;

в) авиадвигател (авиадвигателлар) ишлаб чиқарган газлар оқими ва уларга тушиб қолган буюмлар (тошлар, кум ва бошқалар);

г) юқори сирпанчиқ (самолёт, тўхташ жойи, борт трапи ва аэродром юзасининг юмшаб қолиши ва ёғланиб кетганлиги оқибатида);

д) ҳаво кемаси ва унинг ускуналарининг чиқиб турган қисмлари (ҳаво винти,

антенналарнинг ўткир учлари, ёпилмай қолган люк ва люкчаларнинг четлари ва бошқалар);

е) аэродром юзасидаги буюмлар (шланг, кабел, ердаги тросслар ва маҳкамлаш мосламалари);

ж) териладиган (йиғиладиган) конструкциялар (борт трапи, стремянка, юклаш механизмлари);

з) ҳавонинг юқори даражада чанглашиши ва ифлосланиши (айниқса сочилиб кетадиган ва суюқ заҳарли химикатларни юклашда);

и) тўкилган ЁММ ва заҳарли суюқликлар;

к) шовқин ва вибрациянинг юқори даражаси;

л) жисмоний ва рухий эмоционал ортиқча юklar;

м) ёнғин ва портлашнинг хавфли факторлари.

709. Авиация ходимларига хавфсизлик талаблари ХК эксплуатанти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

24-§. Тезкор аэродромдаги (майдончадаги) ишларга жалб қилинадиган ердаги ходимлар (ишчилар — юкловчилар, транспорт воситалари ҳайдовчилари, сигналчилар ва қоровуллар) ишига нисбатан хавфсизлик талаблари

710. Иш бошлашдан олдин жамоанинг барча аъзолари (ишчилар — юкловчилар, транспорт воситалари ҳайдовчилари, сигналчилар, қоровуллар) улар томонидан ўз вазифаларини бажаришлари, химикатларни юклаш, ишлатилаётган участкада сигнализацияни қўллаш, ҳаво кемаларини қоровуллик қўриқланиши қоидалари, шунингдек техника хавфсизлиги қоидаларига ва самолёт (вертолёт) олдида ишлашда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши тўғрисида махсус журналга имзо чеккан ҳолда йўл-йўриқ оладилар.

711. Йўл-йўриқ КХК ёки унинг кўрсатмасига асосан авиатехник томонидан буюртмачи иштирокида ўтказилади. Агар жамоа ишчиси қандайдир сабаб билан йўл-йўриқ олишга келолмаса, буюртмачи вакили уни алмаштириш чораларини кўради. Ишчилар йўл-йўриқ олмасдан туриб ХК хизмат кўрсатишга қўйилмайди.

712. Химикатларни тайёрлаш ва уларни ҳаво кемасига ортиш бўйича ишларни ташкил этишга жавобгар (катта юкловчи) авиатехникнинг барча кўрсатмаларини бажаради.

713. Ҳар бир юкловчининг ҳаво кемаси олдидаги ишчи ўринлари ва аниқ вазифалари юклаш ишлари бўйича катта ишчи билан биргаликда авиатехник томонидан белгиланади.

714. Ҳаво кемасига заҳарли химикатларни юклашда ҳаво кемаси қопламаси ва кабинасига тушишини олдини олиш учун жуда эҳтиёткорлик билан, ходимлар заҳарли химикатлар таъсирида бўлиши вақтини қисқартириш ва ҳаво кемаси юкланган ҳолда туриши вақтини минимумларгача камайириш мақсадида минимал қисқа муддатда амалга ошириш лозим бўлади.

715. Ан-2 самолётига суюқ химикатлар юклаш двигателнинг кичик айланмаларида бажарилишига рухсат этилади, сочиловчан химикатлар юкланишида двигател ўчирилган бўлиши шарт.

716. Ми-2 ва К-26 вертолётларига суюқ химикатлар юклашда айланувчи винтлари тўхтатилмаслиги мумкин, чангсимон химикатлар юклашда эса винтлар тўхта-тилади.

717. Юкловчилар ҳар куни иш тамом бўлганидан сўнг ҳаво кемасини, махсус

аппаратураларни ва юклаш механизацияси воситаларини химикатлар қолдиқларидан тозалайдилар ва лозим бўлган тақдирда сув билан ювадилар, аэродром ускуналари ва юклаш майдончасини тартибга келтирадилар, химикат қолдиқларини омборга олиб қўядилар.

718. Ҳайдовчи (тракторчи):

а) ўзиюрар (ҳаракатланувчи) юкловчи (транспорт) воситасини бошқаришга рухсатномага (гувоҳномага) эга бўлишга;

б) ишини фақат қўлланилиши орқали ишчи жамоа ва ҳаво кемаси хавфсизлиги таъминланадиган, шунингдек химикатларни йўқотилишига йўл қўймайдиган йўналтирувчи қўлқоплар билан жиҳозланган соз ҳолдаги юкловчи (мосламалар) билан бажаришга;

в) ҳаво кемасига яқинлашиш ва аэродромда ҳаракатланиш фақат белгиланган тартибда авиатехник рухсати билан бажаришга;

г) ўзиюрар (ҳаракатланувчи) юкловчи (транспорт) воситаларини ишлаб турган двигатели билан қолдирмасликка мажбур.

719. Юкловчини (мосламани) ҳаво кемасига 50 см.дан кам бўлган масофагача яқинлаштириш, шунингдек юкловчининг юклаш бўйинчасини (транспортёрни) ҳаво кемаси баки узра 30 см.дан яқин бўлган жойга ўрнатиш тақиқланади.

720. Сигналчи — ишчи:

а) КХК ишланаётган участка устидан тўғри линияли парвозни амалга ошириши учун аниқ ва тўғри сигналлар берилишини таъминлашга;

б) доим ҳаво кемаси ва пурковчининг ишлашини кузатиб туришга;

в) самолёт унга 250—300 метр оралиғида, вертолёт эса 70—100 метр оралиғида яқинлашганда, агар ҳайдаш бутун узунлик бўйича ишланган бўлса, янги жойга ўтиши шарт.

721. Сигналчига:

а) ишора байроғини ер юзасидан 3 метр баландликка кўтариш;

б) очик майдонларга ишлов берилганида ишора қилиш учун тупроқ уюмига, баландликка, машина устига ва бошқа баланд жойларга чиқиб олиш;

в) ишлов берилаётган жойга бегона шахсларни киргизиш тақиқланади.

722. Авиахимия ишлари бажарилиши давомида ҳаво кемалари, аэродром жиҳозлари ва ёнилғи мойлаш материалларини қўриқлаш учун узлуксиз қуролли қоровуллик жорий этилади.

723. Қоровул:

а) ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиши;

б) ҳаво кемалари тўхташ жойида ўт ўчирувчи воситалар (қум, курак, ўт ўчиргич) мавжуд бўлишини назорат қилиши;

в) ҳаво кемалари тўхташ жойини тоза (ёнғин хавфсизлиги нуқтаи-назаридан) сақлаши;

г) ҳаво кемаси ва ёнилғи мойлаш маҳсулотлари омборига 50 метргача яқинликда чекишга йўл қўймаслиги;

д) ҳаво кемаси командири ёки авиамеханик рухсатсиз бегона шахсларни самолёт (вертолёт), шунингдек аэродром, ЁММ омбори, химикатларни тайёрлаш амалга оширилувчи юклаш майдончаси яқинига келтирмаслиги;

е) чорва молларини аэродром (майдонча) ҳудудида боқиш ёки ҳайдаб ўтиш, шунингдек транспортни аэродром (майдонча) орқали ўтишига йўл қўймаслиги шарт.

724. Аэродромда белгиланган тартибга зид бирор-бир ҳолат аниқланган тақдирда ёки ёнғин юз берганида қоровул зудлик билан қўриқлаш учун қабул қилиб олган қимматликларни сақлаш чораларини қўриши ва ҳаво кемаси командири, авиатехник ва хўжалик раҳбарига хабар қилиши шарт.

XIV. Умумий мақсадлардаги авиация парвозлари**1-§. Умумий қоидалар**

725. Умумий мақсадлардаги авиацияга (УМА) беғараз асосларда парвозларни амалга оширувчи (тижорат ҳавода ташиш ва тижорат мақсадларида махсус авиацияларни бажариш билан боғлиқ бўлмаган) фуқаро ҳаво кемалари киради. УМА ҳаво кемалари катта, унча катта бўлмаган (енгил), жуда енгил ва ўта енгил бўлиши мумкин.

726. Умумий мақсадлардаги авиация фуқаро авиацияси таркибига киради.

727. Ҳаво кемаларидан беғараз мақсадларда эксплуатант аэроклублар, учиш ва техник марказлар, ташкилотлар, ҳаво кемаларининг индивидуал эгалари УМА эксплуатантлари ҳисобланади.

728. Халқаро стандартларга (Халқаро фуқаро авиацияси Конвенциясига 6-илова II-қисми (1944 й.) мувофиқ, умумий мақсадлардаги авиация фуқаро ҳаво кемалари парвозлари тижорат авиацияси фуқаро ҳаво кемалари парвозларига нисбатан қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- а) камроқ тажрибали ва пастроқ малакали экипаж томонидан;
- б) ишончилиги камроқ ускуналар билан;
- в) қатъийлиги сустроқ бўлган стандартларга мувофиқ;
- г) учувчи экипаж, йўловчилар ва ердаги шахслар учун кўпроқ афзал бўлган хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда, кўпроқ эркин ҳаракатланиш билан.

729. Умумий мақсадлардаги авиация парвозларини амалга оширишда ҳаво кемаси эксплуатацияси учун жавобгарлик ҳаво кемаси командири зиммасига, тижорат ҳаво ташувларида — эксплуатант зиммасига юкланади.

2-§. Умумий мақсадлардаги авиация парвозлари қоидалари

730. Ўзбекистон Республикаси ФАда тижорат авиацияси учун ҳам умумий мақсадлардаги авиация учун ҳам парвозлар бажарилиши хавфсизлиги, жумладан ҳаво кемаларига нисбатан талаблар (уларнинг жиҳозлари ва ускуналари, учишга яроқлилигини сақлаш), ХК командири ва экипажнинг бошқа аъзоларини парвозларга тайёрлаш ва қўйишга нисбатан, парвозларга тайёргарлик ва уларни бажаришга нисбатан, шунингдек парвозларни таъминлашнинг барча турларига нисбатан умумий парвоз қоидалари белгиланган.

XV. Ўта енгил ҳаво кемаларида парвозларни бажариш хусусиятлари**1-§. Умумий қоидалар**

731. Ўта енгил ҳаво кемалари (ЎЕХК)га курукликда учиш вариантыдаги оғирлиги 450 кг.дан оғир бўлмаган (қўшимча жиҳозлар ўрнатилган ҳолда ёки гидроварианти 495 кг.дан оғир бўлмаган) ўта енгил учиш аппаратлари (кичик самолётлар, парапланлар, дельтапланлар, мотodelьтапланлар, мотопарапланлар, дельталётлар ва х. к.) киради.

732. ЎЕХК тижорат мақсадларида ҳам беғараз асосларда ҳам фойдаланилиши мумкин. Давлат рўйхати таниш белгиларига эга, учиш эксплуатациясига яроқли ва СХБ органлари билан алоқа воситаларига эга ЎЕХК парвозига рухсат этилади.

733. ЎЕХК бортида учиш эксплуатацияси бўйича қўлланма ёки бошқа бир эксплуатация чекловларига оид ҳужжат бўлиши лозим.

734. Ҳаво кемасининг бортида учувчининг парвозни бошқариш қўлланмаси ўрнига учишга тайёрлаш ёки аниқ бир ҳаво кемасида парвозни амалга ошириш туғрисидаги йўриқнома ҳам бўлиши мумкин.

2-§. Учувчи ҳаво кемасидан фойдаланиш қўлланмасига қўйиладиган талаблар

735. Учувчига фойдаланиш бўйича бериладиган қўлланма УХКнинг умумий катталиклари, унинг тузилиши, оддий ва фавқулодда ҳолатлардаги учувчининг ҳаракат тартиби, парвоз-техник имкониятлари (оддий, ноқулай об-ҳаво шароитлари, жумладан ёмғир, қор, ёндан эсувчи шамол ва ҳ. к.) аниқ ва батафсил кўрсатилиши лозим. Бу учувчининг ҳаво кемасини хатарсиз бошқаришини таъминлайди.

736. Учувчининг фойдаланиш қўлланмаси парвозларни назорат қилиш бошқармаси орқали тасдиқланмаган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давави-назорати томонидан учувчига лозим бўлган ахборотлар билан таъминланиши талаб этилади.

737. Учувчининг фойдаланиш қўлланмасида УХКни парвозни амалга ошириш усуллари, қоидалар, машинага техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи ва мой қуйиш талаблари кўрсатилади.

738. УФҚда УХҚдан фойдаланишда қўлланадиган чегараловчи катталиклар, техник ускуна ва жиҳозлардан хатарсиз фойдаланиш тартиби, айнан шу ҳаво кемасида (оддий парвоз, авиация орқали бажариладиган ишлар, фигурали ва бошқа турдаги) парвозларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб ўтилади.

739. Қўлланмада парвоз пайтида бажариладиган манёврларни амалга ошириш тезлиги, тезлик чегаралари, энг юқори тезлик, марказлаштириш, ёнилғи (тури, чўкинди, энг юқори ва камлик захираси, сарфлаш нормаси, ишлатилмайдиган қолдик) ҳаракатлантирувчи механизмнинг кучи, катталиклари, энг баландлик чегараси, аэродром (майдон)нинг ҳажми ва бошқа чегараланишлар кўрсатилади.

3-§. Учувчи ҳаво кемаларида парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланма

740. Ўта енгил ҳаво кемалари (ЎЕХК)дан тижорат мақсадларида ҳамда пул тўламаслик асосида фойдаланувчи эксплуатантлар авиация маъмурияти билан келишилган Парвозларни амалга ошириш қўлланмасига (ёки МАИларни бажаришда авиация техникасини ишлатиш қўлланмасига) эга бўлиши зарур. Бу қўлланмаларда қуйидагилар бўлиши керак:

а) парвозларни бажаришга тааллуқли бўлган ходимларнинг умумий вазифалари баён қилинган йўриқнома;

б) ҳар бир бажариладиган парвоз учун учувчилар экипажи таркиби, шу жумладан, ҳаво кемасини бошқариш ва парвоз вақти давомида унинг хавфсизлиги учун масъул бўлган экипаж командири;

в) учувчилар экипажи аъзолари учун бир ёки бир неча парвозларни бажариш вақтида юзага келувчи чарчаш ҳолатлари парвоз хавфсизлигига хавф туғдирмайдиган бўлиши учун етарли даражада дам олиш, учиш ва парвоз қилиш вақти нормалари;

г) парвозда ва авария ҳолатларида ҳаракат қилиш тартиби, шу жумладан эки-

пажнинг ҳар бир аъзосининг парвоз вақтида ва авария ҳолатларидаги вазифаларининг баёни;

д) авария ва қутқарув жиҳозларининг асосий рўйхати, шунингдек улардан фойдаланиш йўриқномалари;

е) авиация маъмурияти томонидан тасдиқланадиган минимал абсолют парвоз баландлигини аниқлаш усуллари;

ж) ҳар бир аэродром (вертодром, учиш-қўниш майдончалари ва ҳ. к.) учун асосий ёки захира сифатида фойдаланиш мумкин бўлган эксплуатация минимумлари;

з) алоқани ва ҳаво ҳаракатини бошқариш органи диспетчерини доимий эшитиб туриш (агар имкони бўлса), икки томонлама ва шунингдек бошқа ҳаво кемалари билан алоқада бўлиш учун радиочастоталардан фойдаланиш;

и) ЎЕХК бортида бўлиши керак бўлган навигация ва радиожиҳозларнинг рўйхати;

к) парвознинг барча шароитлари, шу жумладан йўналишда двигател (двигателлар)нинг тўхтаб қолиши эҳтимолини инобатга олган ҳолда бакларда мавжуд бўлиши зарур бўлган ёнилғи ва мойларнинг ҳажмини ҳисобга олиш бўйича аниқ йўриқнома;

л) бирор ускуна, жиҳоз ёки тизимнинг ишдан чиқиш ҳолларида парвозни давом эттириш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишга имкон берувчи маълумот;

м) ҳар бир парвозда эксплуатант зарур деб ҳисоблаган алоқа, навигация, аэродромлар (учиш-қўниш майдончалари) ва бошқа воситалар тўғрисида аниқ маълумотлар;

н) кислороддан фойдаланиш шартлари, агар бундай шароитлар юзага келса;

о) авиация ҳодисаларига гувоҳ бўлган ҳаво кемаси командирларининг ҳаракат қилиш тартиби, шунингдек тирик қолганлар томонидан ишлатилувчи «ер-ҳаво» кўз билан кўриш (визуал) сигналлари;

п) асирга олинган учиш аппаратлари учувчиларининг ҳаракат қилиш тартиби, шу жумладан уларнинг асирга олувчи ва асирга олинган ҳаво кемалари томонидан фойдаланилиши учун кўз билан кўриш (визуал) сигналларини билиши;

р) юклар (шу жумладан хавфли юклар)ни ташиш бўйича, шунингдек авария ҳолатларидаги ҳаракатларни ўз ичига олган маълумот ва йўриқномалар;

с) авария ҳолатларида ЎЕХКларидан эвакуация қилиш (ташлаб чиқиш) қоидалари;

т) бортда йўловчилар бўлган вақтда ёнилғи қуйиш қоидалари, агар бундай зарурият юзага келса;

у) авиация хавфсизлиги, ноқонуний аралашиш ҳаракатларининг олдини олиш;

ф) меҳнат хавфсизлиги, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши хавфсизлик.

4-§. ЎЕХК экипажи аъзолари (аъзоси)ни тайёрлаш дастури

741. ЎЕХК эксплуатанти Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати томонидан тасдиқланган Ерда ва парвозда иштирок этувчиларни тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқади ва парвозда иштирок этувчи ҳар бир экипаж аъзосини тайёрлайди, уларнинг лозим даражада тайёр эканликларини кафолатлайди.

742. ЎЕХК эксплуатанти учувчи мутахассисларнинг тайёргарликдан ўтиш сарф-харажатларини ўз зиммасига олади.

743. Тайёргарлик дастурида экипаж аъзоларининг ҳамкорликдаги, фалокатли ҳолатлар, фавқулодда вазият, ёнғин, ҳаракатлантирувчи қисм, тизимлар ишдан

чиққан вақтлардаги ҳаракатлари ўқув жараёнига киритилади. Тайёргарлик дастурига, шунингдек хавфли юкларни ташиш қоидалари ҳам киритилади.

744. Парвозни ташкил этувчи ҳар бир авиация мутахассисини ўқитишда унинг турли хатарли вазиятлар шароитидаги ҳаракатлари учун жавобгарлиги ва бошқа мутахассислар билан ўзаро боғлиқлиги инобатга олинади.

745. Мутахассисларни тайёрлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати томонидан белгиланади ва тайёргарлик даражаси имтиҳон билан баҳоланади.

5-§. ЎЕХКнинг учувчи ходимлари малакаларини текшириш

746. ЎЕХК экипаж аъзоларининг малакаларини текшириш эксплуатант томонидан амалга оширилади.

747. Малакаларни текшириш эксплуатант тайинлаган йўриқчи-учувчи ёки Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат вакили томонидан амалга оширилади.

748. Учувчиларнинг малакаларини текшириш бир йилда икки маротаба, оралиқ олти ойдан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

749. Агар учувчи 12 ой мобайнида парвозга чиқмаган бўлса, унинг малакаси эксплуатант томонидан қуйидаги дастур асосида қайта аттестациядан ўтгандан сўнг мустақил вазифа берилади:

а) йўналиш бўйлаб жойлар ва энг паст баландликни ҳамда асосий ва захира аэродромларни билиш;

б) мавсумдаги метеорологик шароитни билиш;

в) ЎЕХКга техник хизмат кўрсатиш қоидалари;

г) радио алоқа ўрнатиш тартиби ва ҳаво навигацияси;

д) излаш ва қутқариш қоидалари;

е) аҳоли зич жойлар устидан парвоз, мавжуд тўсиқлар, жойлар топографияси, хабар берувчи ёруғлик воситалари, учиб келиш ва парвоз қилиш тартиби;

ж) парвозни амалда бажариш ва борт текширувчиси иштирокида қўниш.

750. Даврий тайёргарликлар мустақил тайёргарликлар ва ёзма имтиҳондан ўтказиш билан, шунингдек бошқа шаклларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6-§. ЎЕХКда парвозни амалга ошириш учун минимал абсолют баландликлар

751. Эксплуатантга ЎЕХК учун минимал абсолют баландликни белгилашга рухсат берилади, бироқ бу баландлик Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат белгиллаган нормадан паст бўлмаслиги керак.

752. Эксплуатант минимал баландликни аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

а) ЎЕХКнинг тури, парвоз-техник катталикларини;

б) учувчи экипаж таркиби, малака ва тажрибаларини;

в) жихозлар, ЎЕХКдаги йўналиш бўйича парвозни назорат қилиб боровчи ёки қўниш олдидан учиш траекторияси ҳамда қўниш учун иккинчи маротаба айланиш лозимлигини кўрсатувчи навигация тизимини билиш;

г) қўнишга киришиш ёки иккинчи айланиш йўналишидаги табиий тўсиқлар, уларни ошиб ўтишда йўл қўйиладиган абсолют нисбий баландликни инобатга олиши;

д) метеорологик шароитлар тўғрисида хабар берувчи воситалар;
е) об-ҳаво тўғрисида аниқ ахборотга эга бўлиши;
ж) жойнинг ўзига хослиги (масалан, кескин ўзгаришлар);
з) ноқулай метеорологик шароитларга тушиш эҳтимоли (кучли уюр-турбулентлик, пастликка йўналган ҳаво оқими ва ҳ. к.) инobatга олинади.

753. ЎЕХК ҳаво ҳароратини белгилашда булутнинг энг пастдаги қатлам ердан 400 метр, кўриш масофа камида 5000 метр ва йўналишдаги парвозни тўсиқдан камида 50 метр баландликда белгилаш тавсия этилади. Парвозни амалга оширишда ёндан эсувчи шамолнинг таъсири, учиш, қўниш жойидаги максимал шароит (қурук, қаттиқ қатлам, қор қоплаши, намлик ва ҳ. к.) эътиборга олинади.

754. ЎЕХК бўйича тегишли тизимлар парвоз баландлигини аниқлаши учун йўналиш бўйича белгиланадиган абсолют баландлик захираси ҳақида аниқ ахборотга эга бўлишлари ва бу ахборотни парвозда бўлган УХК бортига етказиб туриш имкониятига эга бўлишлари керак.

7-§. ЎЕХКни сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш

755. ЎЕХК учувчиси, унинг эгаси ёки ёлланма шаклда эксплуатант сифатида Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратнинг рухсати билан чегараланган ҳажмларда техник хизмат кўрсатиши мумкин. Учувчи машинага йиллик режали хизмат кўрсатиш, агрегатларни назоратдан ўтказиш каби ишлар махсус рухсатномага эга бўлган, айнан шу турдаги аппаратларга хизмат кўрсатувчи мутахассислар томонидан амалга оширилади.

8-§. ЎЕХК бехатар парвози ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича ахборотларни етказиш

756. Эксплуатант ҳар ойда учувчи мутахассисларга парвозларнинг бехатарлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги бўйича ахборотларни етказиб туриши ҳамда унинг таркибига қуйидагилар киритилиши лозим:

а) метеошароит ва унинг (турбалентлик, шамол йўналиши, музлаш ва ҳ. к.) учиш аппаратларига таъсири тўғрисида маълумотлар;

б) ЎЕХКдаги ёнилғи узатиш тизимининг ифлосланиши, асбоб-ускуналарнинг созлиги, айрим қисмларнинг ишламай қолиш эҳтимоли масалаларини;

в) ЎЕХК тавсия этилган тезликлардаги парвози чоғида бошқариш, ён, тик оғишлар, айланишлардаги ҳолати тавсифномаси;

г) баланд тоғликлардаги аэродром, иссиқ ҳарорат, тупроқ ва шағалли учиш-қўниш йўлаги, табиий тўсиқдан ошиб ўтишда баландлик захираси, двигателлардан бири ишламай қолгандаги ҳаракат, ёнилғини иқтисод қилиш ва ҳ. к. тўғрисида тавсифнома;

д) учиш вақти нормалари, аэронавигация тўғрисидаги ахборотлар тўплами (ихтиёрий шаклда), авиация фалокатлари, мунозарали воқеликлар каби ЎЕХКда хатарсиз фойдаланишга қаратилган маълумот.

XVI. Дельтапланларда (мотодельтапланларда) парвозларни амалга оширишнинг хусусиятлари

1-§. Умумий қоидалар

757. Дельтаплан, параплан, мотодельтаплан, мотопараплан, дельталетларда учиб учун ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш эксплуатант спорт ташкилотлари ва алоҳида шахсларнинг мурожаатларига кўра тегишли ваколатли органлар томонидан рухсат берилади.

758. Парвозлар ҳам тижорат (тижорат авиацияси) ҳам спорт мақсадларида беғараз тартибда амалга оширилади.

759. Дельтапланларда парвозларни амалга оширишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

а) парвоз баландлиги барқарор ва ҳаво оқимининг йўналишини излаб топиш билан йўналишни бошқариш;

б) йўналишнинг исталган пайтида метеороитнинг ўзгаришига қараб парвозни тўхтатиш;

в) парвоз раҳбаридан ҳаво оқими тўғрисида аниқ ахборот олиш имконияти паст бўлганида учувчи спорт аппаратларининг ялтироқ, енгил қисмининг камлиги, радиоалоқа носозлиги туфайли йўналишда парвоз қилувчилар билан алоқа узилишига эътибор қаратиш.

760. Мотодельтапланларда йўналишлардаги парвоз хавфсизлигига қуйидагича эришилади:

а) йўналишлардаги парвоз қаторлари хавфсизлигини чегараловчи ҳудуд белгилаб қўйилади ва иложсиз қўниш майдони ҳосил қилинади;

б) дельтапланлар парвоз қилувчи ҳаво бўшлиғида бошқа учувчи аппаратлар парвози тақиқланади;

в) экипажларнинг эътиборлилиги билан.

761. Эксплуатант томонидан мотодельтапланларда парвозларни ташкил қилиш ва уларни бажариш қоидалари белгиланган дельтапланларда парвозларни ташкил қилиш тўғрисидаги қўлланма (дельтапланлардан фойдаланиш бўйича қўлланма) Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат билан келишилган бўлиши лозим.

762. Мотодельтапланлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш бўйича масъулият эксплуатантга, шахсий мақсадларда (беғараз) эса — мотодельтаплан учувчинининг зиммасига юклатилади.

763. Мотодельтапланни бошқариш учун махсус тайёргарликдан ўтган, мотодельтапланда учувчи-ҳаваскор гувоҳномасига эга шахсларга рухсат берилади.

XVII. Ҳаво шарлари ва аэростатларда парвозни ташкил қилиш ва бажариш

1-§. Умумий қоидалар

764. Ҳаво шарлари ва аэростатлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) бошқарилувчи, тижорат ва беғараз асосларда;

б) учувчи-бошқарувчисиз, метеорология, атмосфера, кўёш фаоллигини тадқиқ қилиш мақсадларида ва ҳ. к.

765. Бошқарилаётган ҳаво шар (аэростат)ларда давлат белгиси ва рўйхатдан

ўтган таниб олиш белгиси, учишга яроқлилиги ва СХБ органлари билан алоқа воситалари бўлиши талаб этилади.

766. Ҳаво шар (аэростат)лардан фойдаланиш учун у қайси давлат ҳудудидан учирилаётган бўлса, шу давлат авиация маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилади. Учувчисиз ҳаво шар (аэростат)лари парвози парвоз амалга оширилган аэропортнинг амалдаги йўриқномаси асосида бажарилади.

767. Учувчиси бўлган ёки бўлмаган ҳаво шари (аэростат)нинг бошқа давлат ҳаво чегараси бўйлаб парвози шу давлатнинг рухсати олингандан кейингина амалга оширилади. Бундай рухсатнома ҳаво шари (аэростат) ҳавога қўтарилмасдан ҳаводаги парвоз эҳтимоли бошқа давлат ҳудудига кириб қолиши мумкинлиги аниқланган пайтдаёқ олиниши керак.

768. Ҳаво шари (аэростат)дан рўйхатдан ўтказган давлат (давлатлар) белгиланган шароитларда фойдаланилади ёки шу парвоз давом этаётган давлат талабларига риоя этилади. Ҳаво шари ёки аэростатнинг очиқ денгиз устидан парвози тегишли самовий ҳаракатга хизмат кўрсатиш органи (СХҲКО) билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2-§. Парвозларни амалга ошириш

769. Учувчи ҳаво шарлар (аэростатлар) парвози СХҲКОга белгиланган тартибда берилган буюртма асосида қоидаларга қатъий амал қилиш орқали амалга оширилади.

770. Ҳаво шарлари (аэростатлар) парвози кунлик ва жорий режа асосида бажарилади.

771. Ҳаво шарлари (аэростатлар)да парвоз қилувчи эксплуатант парвоз режалаштирилган кундан камида 7 кун олдин СХҲКОга бу ҳақда ариза билан мурожаат қилади.

772. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

а) ҳаво шари (аэростат)ни учиришдан кўзланган мақсад ёки лойиҳанинг (код) хос номланиши;

б) эксплуатантнинг номи ва телефон рақами;

в) парвоз бошланадиган ва давом этадиган вақт;

г) парвоз жойи;

д) парвоз тугаши мўлжалланган вақт ва тахминий қўниш жойи. Парвоз давомийлиги узок ва қўниш жойи ноаниқ бўлса, «узок давом этувчи» бирикмаси ёзилади;

е) ҳаво шари (аэростат)нинг рўйхат рақами;

ж) парвознинг тахминий йўналиши;

з) ҳисоб-китобга кўра парвоз баландлиги кўрсатилади.

773. Ишлар учун эксплуатант (корхона ёки ташкилот) буйруғи билан масъул қилиб белгиланган шахс парвоз олдиндан парвозга рухсат берилганлигини аниқлайди. Парвозга рухсат берувчи органга ҳар қандай ўзгартиришлар тўғрисида парвоз бошланишидан камида 6 соат олдин, агар космик ёки қуёшдаги ўзгаришлар тадқиқ қилинаётган бўлса, камида 30 дақиқа олдин хабар қилинади.

774. Учувчи ҳаво шари (аэростат) парвози бошланган заҳотиёқ тегишли СХҲКга қуйидаги маълумотларни етказиши лозим:

а) парвознинг амалга оширилиши (мақсади);

б) учирилган жой, хос номи;

в) парвоз баландлигига чиқиш вақтининг ҳисоби;

г) амалда парвоз бошланган вақт;

д) СХХК органларига юборилган ахборотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар.

775. Парвоз жараёнида ҳаво шари (аэростат)нинг учувчиси парвоз баландлигини ўзгартирмоқчи бўлса ва мурожаатида тегишли парвоз ҳудудида барча баландликларда парвоз қилиш кўрсатилмаган бўлса, у СХБ органининг диспетчеридан ушбу манёвр ҳақида рухсат олиши лозим.

776. Ҳаво шари (аэростат)нинг учувчиси парвоз давомида СХБ органининг частотасини тинглаб боради.

777. Учувчи режалаштирилган қўниш вақтидан бир соат олдин СХБ органига қуйидаги ахборотларни жўнатади:

а) шу пайтдаги парвоз жойи;

б) парвоз эшелони (барометрик баландлик);

в) қўниш жойи ва вақтнинг ҳисоби.

778. Учувчи парвозни тугаллаб, бевосита пасайиш олдидан СХБ органига ўз хос номини, қўниш жойи (ҳудуд), қўниш вақти ҳақида ахборот беради.

779. Парвоз якунланиб ерга қўнгандан 5 дақиқадан кечикмай учувчи радио-алоқа орқали СХБ органига парвоз тугалланганлиги ҳақида ахборот беради.

3-§. Умумий фойдаланиш талаблари

780. Ҳаво шари (аэростат)ни бошқариш учун шу касб бўйича махсус тайёр-
гарликдан ўтган ва ҳаво шари (аэростат)да ўқиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳуж-
жатга эга бўлган шахсларга рухсат берилади.

780. Парвоз вақтида ҳаво шари (аэростат)да қуйидаги ҳужжатлар ва ускуна-
лар бўлиши керак:

а) рўйхатдан ўтганлик ҳақида гувоҳнома;

б) парвозга яроқлилик тўғрисида гувоҳнома;

в) борт журнали;

г) парвоз харитаси;

д) борт радиостанциялари рухсатномаси;

е) СХБ органлари билан алоқани таъминловчи борт радиостанциялари;

ж) баландликни ҳисоблаш ва назорат қилиш учун барометр (баландлик ўлчов-
чи);

з) компас.

4-§. Учирилувчи ҳаво шари (аэростат)да парвозни бажаришда метотаъминлаш

782. Ҳаво шари (аэростат)ни учуришдаги минимал метеорологик шароитлар
тегишли органлар томонидан турли ҳудудларнинг иқлим шароитларини инобатга олган
ҳолда ишлаб чиқилган йўриқномаларда кўрсатилади.

783. Парвозни режалаштириш кўриш масофаси камида 5000 метр, булутларни
энг қуйи қатлами 400 метрдан кам бўлмаслиги тўғрисидаги метеосароит маълумотлари асосида амалга оширилади.

784. Парвозни амалга ошириш учун ер усти қисмида шамолнинг тезлиги 5 м/
сек.дан паст, булутлар сони парвоз баландлигидан қуйида 3-4 октантдан (SET) кам
бўлганда рухсат берилади.

785. Ҳаво шари (аэростат)да аҳолиси зич жойлашган йирик шаҳарлар ва қишлоқ-

лар ҳудудлари, шунингдек ерда одамлар тўпланиб турган жойларда парвозлар 300 метрдан паст бўлмаган баландликда амалга оширилади.

786. Ҳаво шари (аэростат)нинг учувчиси парвоз йўналишида ҳаво шари ва аэростат учун хатарли бўлган метеорологик шароитлар (чақмоқ, дўл, уюр, кучли шамол тебраниши, музлаш, довул, чанг бўрони ва жала) ҳақида хабар олган заҳоти СХБ органини огоҳлантирган ҳолда зудлик билан яқинроқдаги яроқли жойга қўниши лозим.

5-§. Ҳаво шари (аэростат)ларнинг парвоз давомида қидирув ва қидирув-қутқарув ишлари

787. Қидирув ва қидирув-қутқарув ишлари Ўзбекистон Республикаси ФА парвозларини қидириш ва авария-қутқариш таъминоти бўйича қўлланмага (1994 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами № 102) мувофиқ амалга оширилади.

788. Ҳаво шари (аэростат)нинг учувчиси «Режим», «Гилям» сигналдан бирини олганда бу сигнал қабул қилинганлигини тасдиқлайди ва ерга хабар етказиб, қўнишга киришади.

789. Янгидан ҳавога қўтарилиши учун СХБ органларидан қайта рухсат олинади.

XVIII. Ўқув ва тайёргарлик парвозлари

790. Ўқув ва тайёргарлик парвозлари аэродром ҳудуди, парвоз йўналиши, шунингдек, мазкур Қоидалар, ўқув-парвоз дастурлари, учувчиларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ФАнинг бошқа норматив ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

791. Ўқув ва тайёргарлик парвозлари вақтида ҳаво кемаси бортида икки нафардан ортиқ ўргатилаётган (ўқитилаётган) экипаж ёки тўрт нафардан ортиқ учувчи бўлмаслиги керак.

792. Парвоз пайтида двигатель (двигателлар)ни ўчириш ёки охириги режим машғулотларида ҳаво кемасида битта ўргатилаётган (ўқитилаётган) экипаж бўлиши лозим.

793. Ўқитилаётган курсантлар ва тингловчи-учувчиларнинг мустақил парвоз қилишлари учун ҳаво кемасида йўриқчилик ишига қўйилган экипаж аъзолари (штурман, радист ва борт механиги) бўлиши керак.

794. Курсант (тингловчи)лар мустақил парвоз қилишларида учувчи-йўриқчи ҚХБ пунктида ёки иш жойни эгалламаган ҳолда ҚК бортида бўлиши керак.

795. Йўриқчи экипажининг таркиби ҚК ПФҚнинг талаблари ва парвоз топшириғи мақсадига кўра белгиланади. Ўргатувчи (ўрганувчи) бортда кимнинг ўрнини эгаллаган бўлса, ўша экипаж аъзосининг вазифасини бажаради.

796. Асосий базадан ёрдамчи базага парвоз билан кўчиш чоғидаги экипажлар сони командир томонидан белгиланади. Бортга парвозга ерда хизмат кўрсатувчи шахс ва хизматчиларни олишга рухсат берилади. Парвозларни расмийлаштириш белгиланган парвоз қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

797. Ўқув парвози ҳудуди маълум бир мўлжал ёки радионавигация нуқтаси устида белгиланади.

Бундай парвоз тоғликдан ҳоли, ҳаво трассаси, ҳаво коридори, учиб-қўниш масофасидан узоқ, парвоз хавфсизлигини таъминлайдиган бўлиши лозим. Парвоз-

лар ҳудуди коида тарикасида радиолокация (радиопеленгация) назорати остида бўлиши керак.

798. Ўқув парвозлари ўтказилаётган ҳудуддаги белгиланган баландликларда СХБ йўловчисининг рухсатисиз учиб ўтиш тақиқланади.

799. Ўрганиш (ўқитиш)ни бажариш мақсадида парвоз машғулотларини ўтказиш учун ҳаво кемасини аэродромга учуришда экипаж топшириқни бажариши ва радио орқали СХБ органи диспетчерининг рухсатини олиши лозим, бунда:

а) топшириқни бажаришга тайёргарлик мазкур Қоидалар талабларига жавоб бериши;

б) машғулотлар аэродроми ва захирадаги аэродромда ўзгариш юз бермаган бўлиши;

в) об-ҳаво маълумотидаги амал қилинувчи вақт тугамаган бўлиши (маълумот радио орқали олиниши мумкин);

г) бортдаги ёнилғи миқдори парвозни давом этказиш учун етарли бўлиши лозим.

800. Учувчи-йўриқчи СХБ органининг диспетчерига машғулот талаблари ва ҳажми, метеошароит мураккаблашган ҳолатлар мавжуд бўлганда захирадаги аэродромга жўнаш вақти ҳақида ахборот беради.

801. Ўқув ва тайёргарлик парвозларининг минимуми шу аэродром учун белгиланган йўриқнома асосида белгиланади.

802. Тайёргарлик минимумлари бўйича парвозларга учувчи-командир ва йўриқчилар таркибининг қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

803. Аэродром парвозларида учуш ва қўниш машқларини бажариш учун амалдаги метеошароитда машқлар минимумидан паст бўлмаган шароит, учувчи-йўриқчи ва мазкур Қоида талабларига жавоб берадиган захира аэродроми бўлиши талаб этилади.

804. Ўқув машғулотларига мўлжалланган метеошароит юзага келганида қўниш учун иккинчи маротаба аэродром устидан КҚҚБ талабларидан кам бўлмаган ҳолда айланиб учушга рухсат берилади.

805. Агар экипаж томонидан РУУРни бутунлай учиб ўтмаган ҳолатда об-ҳаво шароити машқлар учун мўлжалланган шароитга мослиги тўғрисида ахборот олинган бўлса, у ҳолда унга зудлик билан қўниш ҳуқуқи берилади.

806. Ўқув ва тайёрлов машғулотларини бажараётган ҳаво кемаларига йўналишлардаги йўналишлар билан бир хилда, аэродромдаги мураккаб метеошароитларда эса, ўзлаштириб олиши (тасдиқлаши) учун биринчи галда хизмат кўрсатилади.

XIX. Ҳаво кемаларини кўчиришдаги парвозлар

807. Ҳаво кемаларини таъмирлаш учун ёки таъмирдан кейин бошқа базага кўчириш парвозлари мазкур Қоидалар талабларига биноан кундузи ёки кечаси амалга оширилади.

808. ҲКни кўчириш парвозлари учун энг тажрибали экипаж тайинланади. Экипаж парвоз олдидан тайёрланади.

809. Техник талабларга жавоб бермайдиган ҲК фақат кундузи, Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлигининг рухсати билан амалга оширилади.

810. Кўчирилаётган ҲКларига йўналишлардаги йўналишлар билан бир хилда хизматлар кўрсатилади.

811. Бир гуруҳ ҲКларини таъмирлаш ва ортга — базага қайтариш учун пар-

возга чиқариш авиакомпания томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади.

812. Гуруҳ бўлиб парвозга чиқилганда гуруҳ парвозларни ташкил этиш, учиш тўғрисида қарор қабул қилиш, парвоз чоғида метеошароит ёмонлашганда ХҚни учиб чиқилган аэродром ёки захира аэродромларига қайтариш тўғрисида қарор қабул қиладиган гуруҳ раҳбари тайинланади.

813. Зарур ҳолларда ҳар бир экипаж мустақил равишда парвозни йўналиш бўйича давом эттириши ёки захира аэродромга қараб йўналишни ўзгартириши мумкин.

814. Кўчиш вақтида ҳар бир гуруҳда ХҚлар сони 10 тадан ошмаслиги лозим. Парвоз вақтида улар орасида барқарор икки томонлама радиоалоқа сақлаб турилади. Улар орасида парвоз оралиқ масофа ва интервал камида 200 метр бўлиши лозим.

Зарур ҳолларда гуруҳ олдида 10 дақиқага фарқ билан борувчи разведкачи-самолёт ажратилиши мумкин.

815. 4-классдаги самолётлар ва вертолётлар гуруҳини кўчириш ВПҚ бўйича қуйидаги ҳолларда бажарилади:

а) текислик ва тепаликли жойларда кўриш масофа камида 4 км ва булутларнинг пастки чегараси 250 метрдан кам бўлмаганда;

б) тоғли ҳудудда рельеф баландлиги 2000 метргача бўлган, кўриш масофа камида 5 км, булутларнинг пастки чегараси рельефнинг энг баланд нуқтасидан 500 метрдан паст бўлмаганида ёки рельефнинг баландлиги 2000 метрдан баланд бўлган, кўриш масофа 10 км.дан кам бўлмаган, булутларнинг пастки чегараси рельефнинг энг баланд нуқтасидан 700 метрдан паст бўлмаганида. Бунда ХҚдан булутларнинг пастки чегарасигача бўлган вертикал оралиқ масофа ҳамма ҳолатларда ҳам 100 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

XX. Синов ва назорат парвозлари (айланиб учиш)

816. ХҚларни синов парвозларига жалб этиш, унинг двигатели, бошқа тизим (ускуналар) механизмларини синаш, шунингдек ФА заводларида тўла таъмирдан чиқарилгандан кейин синаб кўриш учун амалга оширилади.

817. Назорат парвозлари (айланиб учиш) таъмирдан сўнг, двигател алмаштирилгач ёки қисмлари ўзгартирилган ҳолатларда, шунингдек радио ёритиш техникаси воситалари, аэродромга пастлаш ва қўнишга кириш схемасининг ишлашини, ХҚ созлигини текшириш ва яроқлилигини аниқлаш мақсадида ФА белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

818. Синов парвозлари (УСБ заводларда) ушбу Қоидалар асосида амалга оширилади.

XXI. Халқаро парвозлар

1-§. Умумий қоидалар

819. ХҚнинг бошқа давлат чегараларини кесиб ўтиши билан ёки бошқа давлат ҳаво ҳудудида амалга ошириладиган парвозлар Халқаро парвозлар деб тан олинади.

820. Халқаро парвозларни белгиланган тартибда сертификатлаштирилган, эксплуатант гувоҳномасига эга ва бундай парвозларни амалга оширишга лицензияга эга авиакорхоналар, ташкилотлар (авиакомпаниялар) амалга ошириши мумкин.

821. Халқаро парвозлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) жадвал асосида ва жадвалга қўшимча равишда доимий бажариладиган парвозлар;

б) эпизодли (бир марталик): чартер ва махсус парвозлар;

в) МДХ давлатларига бажариладиган парвозлар;

г) МДХ давлатларидан ташқарига бажариладиган парвозлар.

822. Халқаро парвозлар чоғида самовий ҳудудда ваколатли давлат органи томонидан чиқарилган ва аэронавигация ахборотномаларида эълон қилинган умумий қоидалар амал қилади.

823. Фуқаро ХК халқаро парвозлар белгиланган Халқаро трассалар бўйлаб амалга оширилади. Халқаро парвозларни амалга оширувчи ҳар бир ХК Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ва ушбу Қоидалар билан белгиланган кема ҳужжатларига эга бўлиши лозим.

824. Шартномалашган МДХ давлатлари ҳаво ҳудудлари Фуқаро авиацияси ва ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги битимга (1991 й.) мувофиқ, парвозларни ташкил этиш, бажариш ва ХК СХБ мақсадларида МДХ ягона ҳаво ҳудуди сифатида қаралади.

825. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Халқаро парвозлар ХК томонидан шундай парвозлар учун очиқ бўлган, чегара қўшинларининг назорат-рухсатнома пунктлари, божхона муассасалари ва санитария-карантин хизматларига эга аэропортларда (аэродромларда) амалга оширилади.

826. Халқаро парвозлардан кейин ва олдин ХК экипажи Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ҳудудидаги Халқаро аэропортда (аэродромда) ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тегишли тартиботлардан ўтадилар.

827. Ўзбекистон Республикасидан бошқа давлатларга ҳамда бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келувчи ХКларига, уларнинг экипажига ва йўловчиларига, шунингдек халқаро Ҳаво ташуви билан келтириладиган ва олиб кетиладиган мулкларга тегишли давлатнинг ҳудуди орқали ўтиш ёки ҳудудига кириш, ҳудудидан олиб ўтиш ёки олиб кириш ва уларнинг ҳудудлари орқали транзитда тегишли давлатларнинг белгиланган кириш ва чиқиш қоидалари қўлланилади.

828. Ҳар бир Халқаро парвозлар СХХК органлари орқали олинган рухсатнома (АТС CLEARANCE) асосида СХХК томонидан тақдим этилган парвоз режасига (флайт-план) кўра амалга оширилади.

829. Халқаро парвозларни бажарадиган ХКлари давлат чегараларини давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳаво коридорлари бўйича амалга оширади.

830. Ўзбекистон Республикаси ХК экипажлари Халқаро парвозларни амалга оширишда қуйидагиларга амал қилишади:

а) МДХ ҳаво кенгликларида:

МДХ ҳаво кенгликлари қонунлари;

ФА ва МДХ ҳаво кенгликларидан фойдаланиш тўғрисидаги Халқаро битимга (1997 йил 27 декабрь);

Давлатлараро авиация қўмитаси томонидан қабул қилинган (1994 йил 21 январь) МДХ давлатлари ФА қоидаларига кўра;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, мазкур Қоидалар, агар уларнинг қоидалари МДХ давлатларида белгиланган қоидаларга зид бўлмаса;

МДХ давлатлари ваколатли органлари томонидан тузилган тегишли шартномалар ва бажариладиган парвоз (авиация хизматлари)ларга рухсатномалар;

МДХ давлатлардаги авиатрассаларда аэронавигация ахборотлари тўплами;

б) бошқа хорижий давлатларнинг ҳаво кенгликларида:

Фуқаро авиацияси тўғрисида халқаро Конвенция, халқаро стандартлар, тавсия ва ИСАО тартиботларига мувофиқ (Чикаго конвенцияси 1944 й.);

қайси давлат ҳудудига амалга оширилишига қараб, ўша давлат қонунчилиги ва парвоз қоидалари;

хорижий давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан тузилган Халқаро шартномаларга кўра ҳаво алоқаси ўрнатилиши ва авиация ишларини бажариш тўғрисидаги ҳужжатларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кенгликларида фойдаланиш тўғрисидаги низом, мазкур Қоидаларга, агар уларнинг талаблари хорижий давлатлар томонидан белгиланган қоидаларга зид бўлмаса;

Халқаро трассалар бўйича аэронавигация ахборотлари тўплами, шунингдек 1 ва 2-класс НОТАМи, СНОУТАМи ва циркулярлари аэронавигация маълумотларига асосан.

831. Ўзбекистон Республикаси авиакомпаниялари чет эллардаги ўз фаолиятини халқаро шартномалар ёки хорижий давлатлар рухсатномасига мувофиқ таъсис этилган вакилликлари (агентликлари) орқали амалга оширади.

832. Авиакомпаниянинг ваколатланган вакили (агенти) ваколатхоналар мавжуд чет эл аэропортида ХК қабул қилиш ва чиқаришни ташкил этади.

833. Хорижий аэропортда ХК парвоз олди тайёргарлиги ва ХК экипажининг иммиграция ва божхона назоратидан ўтиши шу давлатдаги компания вакили (агенти) (авиакомпания вакиллиги (агентлиги) бўлса) иштирокида ўтказилади.

834. ХКга техник хизмат кўрсатиш чет эл аэропортларида рухсат этилган муҳандис-техник таркиб томонидан, қоида тариқасида, маҳаллий авиақорхона билан шартнома тузиб (АТБ) ёки эксплуатантнинг ХК экипажига киритилган муҳандис-техниклар таркиби томонидан амалга оширилади.

835. ХКга техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш эксплуатант — авиақорхона (ХКнинг эгаси) ваколатига киради.

836. Чет эл аэропортидан халқаро парвозни амалга оширувчи ХКларга авиаёнилғи қуйиш, тижорат юклаш ва ХК марказлаштириш учун тўлов экипаж томонидан амалга оширилади.

837. Авиакомпания вакили (агенти) зиммасига транспортларни ХКга яқинлаштириш, юк ортиш-тушуриш ишлари, ўз вақтида ЁММ етказиб бериш, ХК двигателини ўт олдириш жойигача тиркаб бориш вазифалари юклатилади.

838. Чет эл аэропортидаги ХК парвозини таъминлаш авиакомпания вакили (агенти) ёки у бўлмаганида экипаж томонидан амалга оширилади.

839. ХК командири томонидан ёки унинг кўрсатмасига биноан экипажнинг бошқа аъзоси томонидан тузилган парвоз режаси (флайт-режа) ХК командирнинг ўзи томонидан ёки авиакомпания агенти (вакили) томонидан учиш аэропорти диспетчерига учиш вақтидан 30 дақиқа олдин, агар давлатда ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, тақдим этилади.

840. Такрорланувчи парвоз режалари назарда тутилган доимий қатновдаги ХКлар учун флайт-режа тузилмайди.

841. Белгиланган парвоз трассаси ёки ҳаво кемаси тури жадвалига бир марта ўзгартириш киритилса, флайт-режа тузилиши мажбурийдир.

842. Ўзбекистон Республикаси ФАни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш Халқаро парвозларни бажариш учун, штурманлик хизмати томонидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортидан учишда амалга оширилади.

2-§. Экипажни халқаро парвозларга тайёрлаш ва рухсат бериш

843. МДХ давлатлари ва улардан ташқарига халқаро парвозларни амалга ошириш учун Дававианазорат томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича махсус тайёргарликдан ўтган таркибга рухсат этилади.

844. Учувчилар, штурманлар, бортрадиотлар, шунингдек экипажнинг бошқа аъзоларининг халқаро парвозларга дастлабки тайёргарлиги, ўзларига тааллуқли қисмлари бўйича, сертификатланган ЎМларда (ЎММ) махсус курсларда, қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) учувчи таркибни инглиз тилидаги стандарт авиация ибораларини, диспетчерлик рухсатларини тушунишга, ердан ва ХК бортидан турли маълумотларни олишга, саволлар ва жавобларни тўғри тузишга, шунингдек картография ва матнли маълумотларни ўқиш ва тушунишга ўргатиш;

б) учувчи экипаж аъзоларини об-ҳаво ҳақида маълумотларни ўзида мужассамлаштирган Халқаро қўлланма ва бошқа материаллардан фойдаланишга ўқитиш;

в) экипаж аъзоларини халқаро йўналишлардаги парвозларда қўлланиладиган радиоалоқаларни олиб бориш хусусиятларига ўргатиш;

г) экипаж аъзолари санитария, божхона ва паспорт қоидаларини ўрганиши;

д) экипаж аъзолари учувчилик мутахассислигига мувофиқ халқаро авиайўналишлар бўйича парвозларга тайёргарлик кўриш ва хавфсиз парвозларни ўтказишда кўникмалар ҳосил қилиш.

845. Экипаж аъзоларини учув стажировкалари халқаро парвозларни амалга оширувчи учуш бўлинмаларида (МДХ давлатларига парвоз қилувчилар бундан мустасно) ўтказилади.

846. Текширувчининг экипаж аъзоси халқаро парвозни бажаришга тайёрлиги тўғрисидаги хулосасига мувофиқ авиакорхонада (авиакомпанияда) мутахассисни халқаро парвозга қўйиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Мутахассиснинг учуш дафтарчасига ва гувоҳномасига тегишли ёзув киритиб қўйилади.

847. Мутахассис Шимолий Атлантика орқали «треклар» бўйича парвозлар қилиш учун текширувдан ўтказилганида авиакорхонада (авиакомпанияда) тегишли буйруқ чиқарилади ҳамда бу ҳақда учуш дафтарчасига тегишли ёзув киритиб қўйилади.

848. Учуш, самолёт бошқариш техникаси ва йўналиш шароитларида кейинги 12 ой мобайнида МДХ давлатлари ва МДХ давлатларидан ташқарига, учувчи таркибнинг тайёргарлиги ва қўйилишидан келиб чиқиб, амалий ишларини текшириш натижалари халқаро парвозларни бажариш ҳуқуқини тасдиқлаш бўлиб ҳисобланади.

849. МДХ давлатларидан ташқарига қилинган парвоз вақтидаги текшириш, МДХ давлатларига парвоз қилишдаги текшириш деб ҳисобга олинади.

850. Халқаро парвозларни бажаришга тайёргарлик натижасида экипаж аъзолари қуйидагиларни билишлари шарт:

а) ҳаво хабари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг асосий талабларини;

б) Халқаро стандартлар, парвоз қоидалари, ИКАО тавсиялари ва тартиботларини;

в) Аэронавигация ахбороти тўпламларида, хариталарда ва ИКАОнинг бошқа ҳужжатларида қабул қилинган шартли белгиларни;

г) РФ АММ томонидан ва бошқа хорижий фирмалар томонидан (Джеппесен, Рос-Джепп ва бошқалар) чиқариладиган Аэронавигация ахборотлари тўплами, Саплиментлар, радионавигация ва аэронавигация хариталаридан фойдаланиш тартибини;

- д) хорижий аэропортларда радио-ёруғлик техника воситаларининг (тизимининг) жойлашиши ва улардан фойдаланиш тартибини;
- е) хорижий мамлакат ҳаво ҳудудида самовий ҳаракатга хизмат кўрсатишни ташкил этишни;
- ж) учиб тўғрисида қарор қабул қилиш ва флайт-режа тузиш тартибини;
- з) ХК таниш сигналларидан фойдаланиш ва радио алоқа олиб бориш қоидаларини («Сквок», СРО), АТИС маълумотини олиш тартибини;
- и) хорижий аэропортларда УҚЙ, МС, РД маркировкаси қоидаларини;
- к) ХК тўхташ жойида ва перронда бериладиган сигналларни («Маршалл» сигналлари, «АГНЕС» ёруғлик сигналлари);
- л) ХК қирувчи томонидан тутиб олинганда бериладиган сигналларни;
- м) давлат чегараларини босиб ўтиш тартибини;
- н) парвознинг турли босқичларида радио алоқа йўқолиб қолганда экипажнинг ҳаракатларини;
- о) иккиламчи радиолокация сигналлари кодларини;
- п) радионавигация тизимлари турлари ва фойдаланиш тартибларини;
- р) хорижий аэропортларда парвоз ҳужжатларини расмийлаштириш ва учиб тартибини;
- с) Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексида ва Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланган халқаро ташиш қоидаларини;
- т) паспорт, божхона, карантин кўрикларидан ўтиш тартибини.
851. Экипажни у учун янги бўлган халқаро ҳаво трассаси бўйича мустақил равишда парвоз қилиш учун тайёрлаш ушбу қоидалар ва РОЛР ГА асосида амалга оширилади.
852. Аниқ бир халқаро парвозни амалга ошириш учун тайёргарлик кўришда қўшимча равишда қуйидагиларни ўрганиш назарда тутилади:
- а) ҳудудидан ҳаво трассаси ўтган давлатлар учун чиқарилган аэронавигация тўпламларида ва ААТда эълон қилинган хорижий давлатлар ҳаво ҳудудида парвоз қоидаларини;
- б) радионавигация ва аэронавигация хариталари бўйича парвоз йўналишини;
- в) 1 ва 2-класс НОТАМлари ва СНОУТАМларини;
- г) ҳаво трассалари бўйича эшелонлашиш хусусиятларини;
- д) ҳаво ҳудудида парвоз амалга ошириладиган давлатнинг иқлим шароитларини;
- е) асосий ва захира аэродромларнинг тўрт ҳарфи белгиларини.

3-§. Халқаро авиалинияларда парвозларни амалга оширувчи учувчи экипажнинг малакасини ошириш

853. Халқаро парвозларга (МДХ давлатлари ташқарисига) рухсатга эга бўлган учувчи таркиб, ҳар йили гувоҳномаси амал қилиш муддатини чўздиришда, радио алмашувни инглиз тилида олиб бора олиши ва халқаро парвоз қоидалари бўйича билимини тасдиқлаши шарт.

854. «Треклар» бўйича парвоз этиш рухсатига эга экипажларнинг аъзолари, ҳар йили Шимолий Атлантика ҳаво ҳудудида парвоз ва амалий ишлар бўйича билимларини тасдиқлашлари шарт.

855. МДХ давлатларидан ташқарига халқаро парвозларни амалга оширувчи учувчи таркиб малакасини ошириш курслари УМ (УТЦ)ларда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Дававианазорат томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича, ОЛР бўйича қўлланмада назарда тутилган муддатларда ўтказилади.

4-§. Халқаро парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаси экипажи ва командирининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

856. Хорижий давлатлар аэропортларида ХК командири авиакомпания вакилига (агенти) махсус тартибда бўйсунади.

857. Халқаро парвозларни амалга оширишда ХК командири шароитдан келиб чикиб, йўналиш бўйича парвозни тўхтатиб учиш нуқтасига қайтиш тўғрисида ёки захира аэродромига парвоз этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

858. Парвозлар хавфсизлигига аниқ хавф мавжуд бўлганида, шунингдек ХК бортидаги одамлар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадларида бундай қарор тақдим этилган парвоз режасини (флайт-режа) ва СХБ органи кўрсатмасини бузган ҳолда қабул қилиниши мумкин. ХК командири қабул қилинган қарор ҳақида зудлик билан кема бевосита назоратида бўлган СХБ органига маълум қилиши шарт.

859. Хорижий аэропортларда тўхтаб қолиш мумкин бўлган ҳолларда, халқаро парвозларни амалга оширувчи ХК командирига Ўзбекистон Республикаси ФАда белгиланган умумий иш вақти нормаларини бузилмаслигини инобатга олган ҳолда, парвозни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

860. Хорижий аэропортларда авиакомпания вакили (агенти) ва ХК командири ўша давлат қонунлари ва қоидаларига зид бўлмайдиган тарзда, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида парвозлар хавфсизлигига таҳдид қилувчи ҳаракатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича зарурий чораларни кўрадилар.

861. Агар халқаро парвозни амалга ошираётган ХКга хавф туғилса ёки агар кема ҳалокатга учраётган ёхуд учраган бўлса командир одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини, шунингдек кема ва ундаги мулкларни сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриши шарт.

862. ХК бортидаги одамларни қутқаришда экипажнинг барча аъзолари, лозим бўлган ҳолларда йўловчилар ҳам қатнашишга мажбурдирлар.

863. Ҳалокат юзага келган пайтида экипаж аъзоларидан ҳеч ким командир рухсатисиз ХКни тарк этиши мумкин эмас.

864. Командир энг охирги бўлиб ХКни тарк этади.

865. Ҳалокатга учраган ҳаво кемаси ва ундаги мулклар бутлигини сақлаш мақсадида командир Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси талабларига мувофиқ ХК, багаж, юк ва почтани сақлаш бўйича тегишли чоралар кўришга мажбур.

866. Халқаро парвозларни амалга оширувчи ХК командири қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

а) ҳаво ҳудудида парвоз амалга оширилаётган давлатдаги парвоз қоидаларини билиш ва уларни бажаришга;

б) ўзлари турган давлатда белгиланган иммиграция, карантин, божхона ва паспорт қоидаларини билиш ва уларни бажаришга;

в) кема, юк, божхона, карантин ва иммиграция ҳужжатлари мавжуд бўлиши ва тўғри расмийлаштирилишига;

г) экипаж аъзоларининг парвоз олди дам олишларини ташкиллаштирилишига;

д) ўз мажбуриятларини соғлиғи ёки бошқа ҳолатлар туфайли бажариш имкониятига эга бўлмаган ҳар қандай экипаж аъзосини хорижий аэропортдан учириб юборилишини таъминлашга.

867. Экипажнинг ҳар бир аъзоси чет давлатда бўлиш вақтида ўша давлатнинг юриш-туриш қоидалари, қонунлари ва қоидаларига риоя этилишига шахсий жавобгар ҳисобланади.

868. Халқаро парвозларни чартер (фрахтлаш) асосида бажаришда ХК командири парвоз учун белгиланган вазифани билиши ва қатъиян Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси асосида чартер шартномаси шартлари бўйича бажариши шарт.

869. Шовқинлар бўйича чекловлар белгиланган аэропортларда ХК командири шовқинни чеклаш бўйича талабларга ХК ПФҚда йўл қўйилган даражагача амал қилиш бўйича чоралар кўриши шарт.

870. Хорижий аэропортда учиш тўғрисида қарор қабул қилишда қўниш назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэродромда об-ҳавонинг ҳақиқий ҳолати ва прогнози белгиланган минимумлардан паст бўлса, ХК командири МДИЧХ билан келишилган ҳолда, ушбу Қоидалар талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги захира аэродромга парвоз қилишлари мумкин.

871. Ушбу Қоидалар талабларига жавоб берадиган захира аэродром мавжуд бўлган тақдирдагина, қўниш аэродромида айни вақтдаги ҳақиқий об-ҳаво шароитлари ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда ҳам ХК командири хорижий аэродромдан учиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

872. МДИЧХ билан алоқа авиакомпания вакили (агенти) томонидан таъминланади. МДИЧХ билан алоқа бўлмаган ҳолларда учиш тўғрисида қарор командир томонидан қабул қилинади.

873. ХК экипажига, агар ХК командири ва иккинчи учувчи ВЗПга қўйилган бўлса, визуал кириш учун белгиланган минимумлардан кам бўлмаган об-ҳаво шароитларида қўниш учун визуал киришга рухсат этилади.

5-§. Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг хорижий давлат билан кесишиши ва хорижий давлатлар ҳаво ҳудудида парвозларни бажариш (МДХ давлатларидан ташқари)

874. Халқаро парвозларни бажариш учун метеорология шароитлари ХК учиши ва қўниши учун об-ҳавонинг белгиланган категория минимумлари ва ҳақиқий ёки прогноз қилинаётган об-ҳаво маълумотларидан келиб чиқиб аниқланади.

875. Хорижий давлат ҳаво ҳудудида парвоз чоғида ХКларни эшелонлаштириш ўша давлатнинг қоидалари асосида амалга оширилади.

876. ИСАО қоидаларига асосан халқаро ҳаво йўлларида эшелонлашнинг ярим айлана ва квадрат тизими қўлланади. У ёки бу давлатда қўлланадиган эшелонлашнинг тизими тўғрисида маълумотлар аэронавигация ахборотлари тўплами — «ДЖЕППСЕН»да эълон қилинади.

877. Эшелонлаш тизими Ўзбекистон Республикаси ва ўзга давлатда турлича бўлган ҳолларда, эшелонларни алмаштириш Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат билан давлат чегарасини кесиб ўтишга 30 км (СХБ ҳудуди чегарасига, очик денгизда — ФИР чегараси) қолганида ёки диспетчернинг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

878. Халқаро парвозларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаси экипажлари радио алоқани халқаро стандартларга мувофиқ инглиз тилида, СХБ органи диспетчерлари ва экипаж ўртасида радио алмашувнинг белгиланган ибораларини қўллаган ҳолда олиб боради.

879. ХК экипажи (ХК командири ёки у томонидан тайинланган экипаж аъзоси) Ўзбекистон ҳаво ҳудудига учиб киришида Ўзбекистон Республикаси давлат

чегарасини кесиб ўтишидан камида 10 дақиқа олдин тегишли давлат орқали бево-сита самовий ҳаракатни бошқаришга ваколатли Ўзбекистон Республикаси УИВП органидан Ўзбекистон Республикаси чегараларидан учиб ўтиш учун рухсат сўраши лозим. Бунда экипаж ўзининг позивнойини (йўналиш номери), жойлашган ўрнини, парвоз эшелони (баландлик) ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтиш-нинг ҳисобланган вақтини маълум қилади.

880. Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатнинг СХБ органлари билан тўғридан-тўғри ерда алоқа каналлари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Рес-публикаси чегараларини босиб ўтишга ХК экипажлари бевосита назорати остида бўлган УИВП органидан рухсат олишади.

881. Чегарадош МДХ давлатининг СХБ диспетчерлик пунктнинг Ўзбекистон Республикаси УИВП органи билан биргаликда ишлаш тўғрисидаги кўрсатмаси Ўзбе-кистон Республикаси давлат чегаралари устидан парвоз учун рухсат ҳисобланади.

882. ХК командири Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини кесиб ўтишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги маълумотни тўғри олганлигига шубҳаланса уни аниқлаштиришни сўрашга мажбур.

883. Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини кесиб ўтишда ХК экипа-жи СХБ диспетчерига кесиб ўтишнинг ҳақиқий вақтини ва парвоз эшелони (баланд-лиги)ни маълум қилади.

884. Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтишга рухсат бўлмаган тақдирда, ўзи бевосита бошқарувида бўлган СХБ органидан тегишли кўрсатмалар олгунига қадар, ХК командири белгиланган ҳаво коридорига 50 км қолганида, ҳаво ҳолати шароитига ва давлат чегарасининг жойлашувига қараб, ўнг ёки чап томонга оғиб учиши лозим.

885. Радиоалоқага эга бўлмаган ХК томонидан Ўзбекистон Республикаси дав-лат чегараларидан учиб ўтиш тақиқланади, агар ХК икки томонлама радио алоқа-ни йўқотган, санкцияланган транзит парвозни (давлат ҳудудида қўниб ўтишсиз парвоз) ёки охириги нуқтаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган парвозни амалга ошираётган бўлса бундан мустасно, уни идентификация қилиш шароитида, берилган ФПЛга мувофиқ аэродромгача парвознинг қулай шароитлари яратиб бе-рилади.

886. Агар ХК Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудини кесиб ўтиб парвозлар хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудига қайтишга мажбур бўлган ҳолларда экипаж «Мажбуран қайтйпман» деб маълум қилиши ва СХБ органи дис-петчерига давлат чегарасини кесиб ўтишнинг ҳисобланган вақтини ва парвоз эше-лони (баландлиги)ни маълум қилиши шарт.

887. Хорижий давлат ҳаво ҳудудида радио алоқани йўқотган Ўзбекистон Рес-публикаси ХК хорижий давлатда шундай ҳолларда амал қилиниши лозим бўлган парвоз қоидаларига амал қилади.

888. Ўзбекистон Республикаси ҳаво чегарасини ёки Ўзбекистон Республика-сида самовий ҳудуддан фойдаланиш қоидаларини бузган ХК қоидабузар ХК деб топилади ва агар ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартибига амал қилинишини назорат қилувчи орган талабларига бўйсунмаса мажбуран қўндирилади.

889. Қўниш тўғрисида фармойиш олган қоидабузар ХК ўзига кўрсатилган жой-да қўниши лозим.

890. Қўндирилгандан ва қоидабузарлик сабаблари аниқлангандан кейин қоида-бузар ХКга кейинги парвозларига рухсат белгиланган тартибда СХБ органлари то-монидан берилади.

891. ХК учишидан олдин барометрик баландлик ўлчагич шкалаларида метр-

ларда, фунтларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичларда (фунт ўлчагич) фунтларда аэродромдаги денгиз сатҳи даражасига келтирилган атмосфера босими (QNH) белгиланган бўлиши лозим.

892. Учгандан кейин то ўтиш баландлигига етиб олгунча баландлик метрларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичларда метрларда фунтларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичларда фунтларда бажарилиши лозим.

893. Ўтиш баландлиги босиб ўтилгандан кейин метрларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичларда атмосфера босими 760 мм.см.уст.га, фунтларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичларда атмосфера босими 1013,2 Мбрга (QNE) келтириб қўйилади.

894. Берилган эшелонни эгаллаш ҳаво сигналлари борт тизими таркибига кирувчи асосий баландлик ўлчагич КХК бўйича ИКАО эшелонларида баландлик ўлчагич кўрсаткич жадвали асосида, бу йўқ бўлган ХКларида самолёт жавоб берувчисига чиқа оладиган электромеханик баландлик ўлчагичларда бажарилади.

895. Эшелонни тўғри эгалланганлигини ва баландлик ўлчов канали иши тўғрилигини назорати бир бирини такрорловчи метр ёки фунтда ўлчовчи барометрик баландлик ўлчагичларда бажарилиши лозим бўлади.

896. Тегишли эшелон эгалланганидан кейин баландлик ўлчагичнинг ўртача кўрсаткичлари белгиланади.

897. ХК пастлашида метрларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагич аэродром босими кўрсаткичига (QFE), фунтларда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичлар ўртача денгиз сатҳи даражасига (QNE) келтириш ўтиш эшелони босиб ўтилгандан кейин бажарилади.

898. Ўтиш эшелони босиб ўтилганда экипаж берилган баландликни фунтлардаги барометрик баландлик ўлчагичлар бўйича метрда ўлчайдиган барометрик баландлик ўлчагичлар билан мажбурий тартибда назорат қилган ҳолда сақлаб туриши шарт.

6-§. Халқаро авиайўллардаги парвозларга дастлабки тайёргарликнинг хусусиятлари

899. Экипажни парвозларга дастлабки тайёргарлиги база аэродромида учиш бўлинмасининг учувчи-командир ва йўриқчилар таркиби томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

900. Хорижий аэродромдан парвозлар амалга оширилганда дастлабки тайёргарлик қоида тариқасида парвоз тайёргарлиги билан биргаликда ўтказилади.

901. Брифинг тизимида бундай тайёргарлик асосий ҳисобланади. Бунда экипаж тайёргарлик кўришга парвоздан камида 2 соат олдин етиб келади.

902. Дастлабки тайёргарликни учиш кунида ХК командири ташкил этади ва ўтказди.

903. Йўналишни ўрганишда экипаж аэронавигация ҳолати, белгиланган аэродром ва захира аэродром, шунингдек трасса бўйлаб жойлашган аэродромлар билан, иложсиз (авария) қўниш ҳолатига нисбатан, танишиб чиқиши шарт.

904. Қўниш учун киришда фақат маёқ VOR (NDB) назарда тутилган тоғли аэродромга парвоз тайёргалигида экипаж УҚЙ юзасига ХК тўғри олиб чиқишини мақбул тарзда таъминловчи бошқа назорат ва мўлжал воситаларини аниқлаб олиши шарт.

905. Ҳавода яқинлашиш чекланган ва қўнишга кириш ноанъанавий схемали (баландликни эгаллаш) тоғли аэродромларга парвоз учун экипаж турлича конфигу-

рацияларда, турлича парвоз массалари учун ускуналар бўйича минимал рухсат этилган учиш тезлиги ва крен бурчагини аниқлаб олиши ва маълумотларга эга бўлиши лозим.

906. Дастлабки тайёргарликда экипаж билан авиакомпания агенти (вакили) йўқ бўлган аэропорт хизматлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини аниқлаб олиш зарур.

7-§. Хорижий давлат аэропортида экипажнинг парвозолди тайёргарлиги хусусиятлари

907. Парвозолди тайёргарлик қоида тариқасида ХК бортида ХК командири раҳбарлигида ташкил этилади ва ўтказилади, агар ушбу аэродромда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса.

908. Парвоз олди тайёргарлигида экипаж аэропорт маъмуриятидан ёки авиакомпания вакили (агенти)дан ўзида қўйидагиларни мужассамлаштирган парвоз ахборотлари ҳужжатларини олишлари зарур:

- а) аэронавигация маълумотлари ахборотномаси (NOTAM);
- б) метеорологик маълумот материаллари;
- в) тижорат юклари тўғрисида бирламчи маълумотлар.

909. ХК командири экипаж аъзолари билан биргаликда олинган маълумотларни таҳлил қилади ва метеорологик ва аэронавигация вазият тўғрисидаги дастлабки ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб учиш тўғрисида қарор қабул қилади ва флайт-режа тақдим этади.

910. Технологик жадвал асосида йўловчи ва (ёки) юкларни ташишда ХК бортида қўйидаги ҳужжатлар тузилиши лозим:

- а) бош декларация;
- б) йўловчи (юк) манифести;
- в) йиғма юклаш ведомости;
- г) божхона белгисига эга юк хатлари.

911. Учиш массасини ҳисоблаш ва ХКни марказлаштириш ХК командири назорати остида иккинчи учувчи томонидан бажарилади.

XXII. Алоҳида шароитлардаги парвозлар

1-§. Асосий талаблар

912. Алоҳида шароитлардаги парвозларга қўйидагилар кирази:

а) музлаб қолган ҳудудларда, момақалдиқоқли ва кучли жала ёмғирлар, кучли силкинишларда, атмосфера электр фаоллиги юқори, шамол суриши, чанг тўзони ҳудудларида парвозлар;

- б) тоғли ва кам мўлжалли жойларда, чўл ва сув юзасидаги парвозлар;
- в) мураккаб орнитологик шароитларда парвозлар.

913. Парвоз давомида хавфли метеорологик ҳодисалар ҳудудига яқинлашганлик аломатлари юзага келганида, ёки тегишли маълумот олинганида ХК командири хавфли ҳудудни айланиб ўтиш чораларини кўришга мажбур.

914. Хавфли метеорологик ҳодисалар ҳудудини айланиб ўтиш учун йўналишни ёки парвоз эшелонни (баландлик) ўзгартиришга фақат парвоз бевосита бошқарувида амалга ошириладиган СХБ органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

ди, берилган эшелонда парвозлар хавфсизлигига хавф туғилганида, ХК командирига мустақил равишда эшелонни ўзгартириш ҳуқуқи берилади ва бу ҳақда зудлик билан СХБ органига маълум қилинади. Бундай ҳолатда ХК командири парвоз эшелонини ўзгартирмаган ҳолда, қоида тарикасида ХКни йўналиш ўқидан 30 даража ўнгга буриши, 20 км масофа босиб ўтилганидан кейин ХКни яна дастлабки курсига олиб чиқиши ва бир вақтнинг ўзида баландликни олинган эшелонгача ўзгартириши шарт.

915. Фавқулодда вазиятларда пастлаш қайрилиш бошланган вақтдан зудлик билан амалга оширилади.

916. Янги эшелонни эгаллагач командир СХБ билан келишилган ҳолда ХКни ҳаво трассасига олиб чиқади.

917. Парвозларни тоғли ва кам мўлжалли жойларда, чўл ва сув юзасида амалга оширишда ХК бортида қуйидагилар бўлиши шарт:

- а) авария радиостанцияси;
- б) озиқ-овқат ва ичимлик суви захираси;
- в) индивидуал ва гуруҳ сузиш воситалари (сув юзасида парвоз қилишда);
- г) сигнал воситалари;
- д) қурол ва қутқарув буюмлари.

2-§. Музлаган ҳудудда парвозлар

918. Эҳтимолий музлаш ҳудудига киргунга қадар парвознинг барча босқичларида барча музлашга қарши тизим ёқилган бўлиши шарт, агар ХК ПФҚсида ундан фойдаланишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса.

919. Бундай шароитларда эксплуатация этишга рухсат этилмаган ХКларида музлаш шароитларида парвозларни амалга ошириш тақиқланади.

920. Агар экипаж томонидан музлашга қарши қўрилган чоралар самарасиз бўлиб чиқса ва парвозни хавфсиз давом эттиришни таъминлай олмаса, бундай ҳолларда ХК командири СХБ органи билан келишган ҳолда парвозни хавфсиз давом эттириш мумкин бўлган жойга чиқиш учун парвоз баландлигини (йўналишини) ўзгартириши ёки захира аэродромига кетиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

3-§. Момақалдироқ ҳаракати ва кучли жала ёғингарчилиги ҳудудида парвозлар

921. Парвозда кучли-қуюқлашган ва қуюқ-ёмғирли, момақалдироқ ўчоқларига туташувчи булутлар визуал топилган ҳолларда уларни 10 км.дан кам бўлмаган масофада айланиб ўтишга рухсат этилади.

922. Кўрсатилган булутларни берилган баландликда айланиб ўтиш имконияти бўлганида булутлар устидан ёки остидан визуал парвозга рухсат этилади.

923. Булутлар остидан парвоз фақат кундуз кунлари ВПҚ талабларида жала ёғинлари ҳудудидан ташқарида, агар:

а) ХК парвози рельефли жойлар ва сунъий тўсиқлар устида ҳақиқий хавфсиз баландликдан кам бўлмаса, аммо барча ҳолларда ҳам текислик ва тепаликли жойларда 200 метрдан ва тоғли жойларда 600 метрдан кам бўлмаса;

б) ХКдан булутларнинг пастки чегарасигача бўлган вертикал оралиқ масофа 200 метрдан кам бўлмаса рухсат этилади.

924. Кучли-қуюқлашган ва қуюқ-ёмғирли булутларнинг юқори чегараси усти-

дан парвоз улар устидан камида 500 метрга баландлаган ҳолда бажарилишига рухсат этилади.

925. Экипаж аъзоларига кучли-қуюқлашган, қуюқ-ёмғирли булутларга ва кучли жала ёғингарчилиги мавжуд ҳудудга атайлаб кириш тақиқланади.

926. Парвозда борт РЛС орқали кучли-қуюқ ва қуюқ-ёмғирли булутлар топилганида ушбу булутларни ёруғликнинг яқин чегарасидан 15 км.дан кам бўлмаган узоқликда айланиб ўтишга рухсат этилади. Алоҳида момақалдиروқли ўчоқларга эга фронтал булутликни борт РЛСда ёруғлик чегарали орасидаги масофа 50 км.дан кам эмаслиги кўрсатилган жойдан кесиб ўтиш амалга оширилиши мумкин.

4-§. Кучли силкинишлар ҳудудида парвозлар

927. Кучли силкиниш эҳтимолий ҳудудига киришда ва тўсатдан унга тушиб қолинганида йўловчилар (ХК командирининг СБГМ бўйича буйруғига ёки «Камарларни тақиш» таблоси ёкилиши билан) боғлаш камарлари билан ўриндиқларга боғланган бўлишлари шарт.

928. Тоғли ҳудудда ВПҚ бўйича, 900 метрдан кам бўлган баландликдаги парвозларда ва ХК кучли силкинишлар ҳудудига тушиб қолганида, ХК командири СХБ органи диспетчери рухсати билан ХКни бу ҳудуддан баландликка олиш, учиш аэродромига қайтиш ёки захира аэродромига йўналиш орқали олиб чиқиб кетиши шарт.

929. Булутлар билан боғлиқ бўлмаган ва визуал аниқланган вертикал қуюнларни экипаж унинг кўриниб турган ён чегараларидан 10 км узоқликдан айланиб ўтишлари шарт.

930. Қуюқ-ёмғирли булутлар билан боғлиқ бўлган ва визуал аниқланган вертикал шамоллар (қуюнлар)ни экипаж кўриниб турган ён чегараларидан камида 30 км узоқликда айланиб ўтишлари лозим.

931. Кучли силкинишда кўнишга кириши ва кўнишга йўл қўйилмайди.

5-§. Атмосферанинг электр фаоллиги юқори бўлган ҳудудларда парвозлар

932. Қуйидагилар ХК кучли электрланганлиги аломатлари ҳисобланади:

- а) қулоққа тақиладиганларда шовқин ва силкинишлар;
- б) радиокомпас стрелкаларининг тартибсиз тебраниши;
- в) экипаж кабинаси ойналарида учқунланиш ва куннинг қоронғу вақтида қанотлар охирининг нурланиши.

933. ХК командири кучли электрланиш аломатлари пайдо бўлганида бу ҳақида СХБ органига маълум қилади ва диспетчернинг хавфли ҳудуддан чиқиш тўғрисида тавсияларини бажаради, бунда албатта битта УКВ радиостанцияни ўчириш, кечаси эса экипаж кабинаси ёритгичларини ўчириш керак.

934. Электрланиш кучли ҳудудларда парвоз баландлигини ўзгартиришни парвоз вертикал тезлиги оширилган ва келиш тезлиги камайтирилган ҳолда ХК ПФК тавсиялари асосида бажарилади. Булутлар қатлаmidан чиққандан кейин (бошқа қатламга киришгунича) давомийлиги 5 секунддан кам бўлмаган горизонтал майдонча ҳосил қилиш керак бўлади.

935. ХК атмосфера электри разряди билан урилган ҳолларда экипаж:

- а) СХБ органи диспетчерига урилиш факти, метео шароит, парвоз баландлиги ва жойи ҳақида маълум қилиши;
- б) двигателлар ишлаши параметрларини назорат қилиши;

- в) электр жиҳозлар ва учувчи-навигация жиҳозлари ишлашини текшириши;
- г) ХК шикаст етмаганлигини аниқлаш мақсадида (ойна орқали, иложи борида) кўздан кечириши;
- д) ишдан чиқишлар ва носозликлар аниқланганда ХК ПФҚ асосида ҳаракат қилиши лозим

6-§. Шамол сурилиши шароитларида парвозлар

936. Шамол сурилиши шароитларида учиш ва қўнишга киришда:

- а) ХК ПФҚ тавсияларига асосланиб ҳисобланган тезликни ошириш;
- б) кириш ва вертикал тезликнинг ўзгариши юзасидан юқори назоратни амалга ошириш ва ҳисобланган параметрлар ва парвоз траекториясидан оғиш юзага келганидан зудлик билан чора кўриш;
- в) қўнишга кирганида берилган пастлаш глиссадасини сақлаб туриш учун двигателлар ишлашини номиналгача ошириш ва (ёки) РУУР учиб ўтилгандан кейин пастлашнинг вертикал тезлиги ҳисобланганидан 3 м/с ва ундан ортиқ ошиб кетса, учиш тартибидан фойдаланган ҳолда зудлик билан иккинчи айланишга кетиш ва захира аэродромга қараб йўналиш лозим.

937. Шамолнинг кучли сурилиши шароитларида учиш ва қўнишга киришишга йўл қўйилмайди.

7-§. Чанг-тўзон шароитларда парвозлар

938. Йўналишда чанг-тўзонга дуч келинганида экипаж уни визуал айланиб ўтиши ёки унинг устидан ўтиши шарт.

939. Кучли чанг-тўзонда ва кучли силкинишларда учиш ва қўнишга киришишга рухсат этилмайди.

8-§. Тоғли жойларда парвозлар

940. Тоғли жойда парвоз қилишга тайёрланишда экипаж қўшимча равишда:

- а) йўналиш йўлаги иккала томонидан 50 км.дан кам бўлмаган кенгликда жой рельефини ўрганиши, харитага тегишли баландликларни, чекловчи пеленглари белгилаши ва хавфли метео ходисаларга дуч келинганида айланиб ўтиладиган йўналишларни белгилаши;
- б) иложсиз қўниш учун фойдаланиш мумкин бўлган жойларни ўрганиш ва харитада белгилаш;
- в) команда баландликлари бўйича учиш харитасида жой профилини чизиб қўйиш ва белгилаш;
- г) метео шароит ва эҳтимолий кучли кўтарилиш ва пасайиш ҳаво оқимлари, шунингдек учиш-қўниш ҳудудида кучли орографик силкинишларни таҳлил этиши;
- д) тоғларда жойлашган аэродромларнинг баландлигини, уларда учиш-қўниш хусусиятларини, тоғли аэродромларда учиш ва қўнишда барометрик баландлик ўлчашлардан фойдаланишни, шунингдек ХКнинг ҳисобланган учиш-қўниш массасини билиши шарт.

941. Тоғли жойда эшелонни (баландлик) йиғиш-йўналиш йўналиши бўйича фақат белгиланган жойгача хавфсиз эшелонлаш таъминланиши шarti билан рухсат этилади. Бошқа ҳолларда баландликни ўтиш белгиланган схема бўйича амалга оширилади.

942. Тоғ камари босиб ўтилатганда ХК командири ВПҚ бўйича кўтариловчи ва пастловчи ҳаво оқимлари мавжудлигини инобатга олиши лозим. Агар тоғ камарига яқинлашишда пастловчи ҳаво оқими кузатилса ва горизонтал парвозни сақлаб туриш учун двигателлар (двигател) ишлашини номиналигача ошириш талаб этилса, ҳақиқий баландлиги жой рельефидан 600 метр баланд бўлган тоғ камарларини учиб ўтиш тақиқланади.

943. УПҚ бўйича парвозларда тоғли аэродромларда белгиланган схема бўйича пастки хавфсиз эшелондан пастлаш ва қўнишга киришишни бажаришга маркировка қилинган чегарада парвозларни амалга ошириш йўриқномасида белгиланган парвоз бажарилгандан кейин, узлуксиз радиолокация назоратида, борт навигация жихозлари қатъий ишлаб турганда, экипаж ва СХБ органи диспетчери ХК жойлашган жойни билганида рухсат этилади.

944. Узлуксиз радиолокация назорати бўлмаганида ёки борт навигация жихозлари яхши ишламаганида (экипаж маълумотида асосан) ХК жойлашган ўрнини аниқлаш ва кейинчалик қўнишга киришга пастлаши учун ХК хавфсиздан паст бўлмаган эшелонда аэродромнинг РУУР (АУР) олиб чиқилади. Узлуксиз радиолокация назорати бўлмаганида ёки борт навигация жихозлари яхши ишламаганида хавфсиз эшелондан пастлаш тақиқланади. Бу ҳолларда ХК захира аэродромига қараб йўналиши лозим.

945. Тоғли жойларда СХБ органи диспетчери томонидан берилган траектория бўйлаб парвоз қилиш тақиқланади.

946. Тоғли жойда ва аэродромда УПҚ бўйича парвоздан ВПҚ бўйича парвозга ўтиш тақиқланади.

9-§. Кам мўлжалли ва чўл жойларда парвозлар

947. Чўл ва кам мўлжалли ҳудудда парвозларга тайёргарликда ХК экипажи қўшимча равишда:

а) харитада йўналиш бўйича мавжуд бўлган характерли мўлжалларни (карвон йўллари, дарё ўзанлари, қўллар, қудуқлар), шунингдек умумий мўлжал сифатида фойдаланиш мумкин бўлган узоқ мўлжалларни белгилаши;

б) мўлжалларни олиб бориш масалалари юзасидан мазкур йўналиш бўйича тажрибага эга бўлган бошқа экипажлар билан маслаҳатлашиши;

в) озиқ-овқат ва ичимлик суви, авария радиостанцияси ва сигнал воситалари мавжудлигини текшириши шарт.

10-§. Сув юзаси узра парвозлар

948. Сув юзасида парвоз этишга:

а) икки ва ундан ортиқ двигателга эга ХК ва сувда қўнишга мослаштирилган барча ХК;

б) битта двигателга эга қуруқлик ХК қирғоқ чизигидан ишламай қолган двигател билан пастлаш масофадан узоқ бўлмаган жойгача рухсат этилади.

949. Сув юзасидан парвозга қирғоққача бўлган масофа ишламай қолган двигател (двигателлар) билан қўниш режалаштирилган масофадан узоқ бўлганида, шунингдек парвоз ва қўнишга киришиш траекторияси сувда қўнишни истисно этмаса, экипажнинг барча аъзолари ва йўловчиларни қутқарув желети билан таъминлашга рухсат этилади. Парвознинг давомийлиги қирғоқдан 30 дақиқадан ошадиган барча

ҳолатларда ХКларда (туридан қатъи назар), индивидуал қутқарув воситаларидан ташқари ХК ПФҚга мувофиқ бортда мавжуд бўлган барча одамларга ҳисобланган, яшашни таъминлайдиган воситалари билан, гуруҳ билан сузиш воситалари (шишириладиган қутқарув соли ва уларга авария захиралари), шунингдек ушбу Қоидаларнинг 917-бандида кўрсатиб ўтилган махсус буюмлар бўлиши шарт.

950. Сув юзасидан парвозларга тайёргарликда экипаж қўшимча равишда:

а) мажбурий қўниш ҳолати учун қирғоқ чизигини, сув ва муз юзаси ҳолатини атрофлича ўрганиши;

б) индивидуал ва гуруҳ қутқариш воситалари, озиқ-овқат ва ичимлик суви захиралари, авария радиостанцияси ва сигнал воситалари мавжудлиги ва тўғри жойлаштирилганлигини текшириши;

в) сувга мажбурий қўниш ва сузиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўрганиши;

г) йўловчиларни индивидуал ва гуруҳ воситаларидан фойдаланиш ва авария қўнишда ўзини тутиш қоидалари билан таништириши шарт.

951. Қирғоқ чизиги яқинида ВПҚ бўйича парвозлар жой рельефининг максимал баландлигини йўналиш ўқининг иккала тарафидан ҳам 5 км кенгликдаги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

952. Денгиз ёки катта сув юзаси тарафга парвоздан олдин ХК командири экипажнинг барча аъзолари билан, хизмат кўрсатувчи ходимлар билан бирга, ХК сувга қўндирилган ҳоллардаги ҳаракатлар бўйича старт олди тайёргарлигини ўтказиши лозим.

+

11-§. Мураккаб орнитологик шароитларда парвозлар

—

953. Мураккаб орнитологик шароит кўплаб қушларнинг кундузги ёки мавсумий кўчиши ёки тўпланиши жараёнида юзага келиши мумкин. Бундай шароитлардаги парвоз бажарилишида қушлар билан ХК хавфли тўқнашуви натижасида алоҳида вазиятлар юзага келиши мумкин.

954. Парвозга қарор қабул қилишдан олдин ХК командири СХБ органи диспетчериди (ёки АТИСдан) аэродром ҳудудидаги орнитологик вазият ҳақида маълумотни эътиборга олиши лозим.

955. Бажариш тартиди командир СХБ органи диспетчеридан маълумот олганида ўқишни бажариш имкониятларини ҳисобга олиши лозим. Бундай шароитларда парвоз ёқилган фаралар билан амалга оширилади.

956. Йўналиш бўйича парвозда қушлар аниқланган ҳолларда экипаж уларни айланиб ўтиши ёки улар устидан ўқиши керак.

957. Қўниш аэродромига яқинлашишда, СХБ органидан мураккаб орнитологик ҳолат ҳақида маълумот олинган ёки визуал ҳолда қушлар аниқланган ҳолларда экипаж:

а) кузатишни кучайтириши;

б) фараларни ёқиши;

в) двигател (двигателлар) ишлаши параметрлари устидан назоратни кучайтириши;

г) лозим бўлганда иккинчи айланишга кетиши лозим.

XXIII. Парвоздаги алоҳида ҳодисалар**1-§. Асосий талаблар**

958. Парвоздаги алоҳида ҳолатларга қуйидагилар киради:

- а) ХК хавфли метео ҳолатларга тушиб қолиши;
- б) двигател (двигателлар) ишдан чиқиши;
- в) ХК тизимларининг парвоз режаси ёки профилини ўзгартиришга, шунингдек иложсиз қўнишга олиб келадиган тарзда ишдан чиқиши;
- г) ХКда ёнғин;
- д) ХК қатъий туришини, бошқарувини йўқотиш, чидамлилиги бузилиши;
- е) радио алоқани йўқотиш (борт ёки ердаги радио алоқа тизимлари ишдан чиқиши);
- ж) мўлжални йўқотиш;
- з) экипаж аъзоларига (йўловчиларга) ҳужум, портлаш, ХКни ёқиб юбориш хавфи;
- и) экипаж аъзолари (йўловчилар) яраланиши ёки соғлиғини тўсатдан ёмонлашуви;
- к) аэродромдан ташқарида иложсиз қўниш;
- л) қўниш аэродроми СХБ ва РТУ ҳудудида радиолокация тизими ишдан чиқиши;
- м) авария ҳолатларида парашютлар қўлланиши.

959. Парвозда алоҳида ҳолатлар юзага келгани тўғрисида ХК командири СХБ органини зудлик билан огоҳлантиради (ҳалокат ва шошилиш сигналлар рўйхати мазкур Қоидаларнинг 5-иловасида келтирилган). Асосий канал бўйича алоқани олиб бориш қийинлашган тақдирда 121,5 МГц. авария частотасига ўтилади. Агар ХК ёки ундаги шахслар хавфсизлигига хавф туғдирувчи авария ҳолати маҳаллий кўрсатмалар ёки қоидаларни бузadиган ҳаракатларни амалга оширилишини талаб этса, ХК командири бу ҳақида тегишли маҳаллий ваколатли органи (СХБ) зудлик билан огоҳлантиради. Инцидент юз берган давлатнинг талаби билан ХК командири ушбу давлатнинг тегишли ваколатли органига ҳар қандай қоидабузарлик ҳақида маълумот тақдим этади. Бу ҳолларда ХК командири 10 кунлик муддат ичида шундай маълумотларнинг нусхасини ўзининг учув бўлими командирига ҳам тақдим этади.

960. Ҳалокат сигнали қуйидаги ҳолларда ёқилади:

- а) двигател (двигателлар) ишдан чиққанида;
- б) ХКда ёнғин содир бўлганида;
- в) қатъийлик, бошқарув йўқотилганида, чидамлилиги бузилганида;
- г) радио алоқа йўқолганида;
- д) мўлжал йўқолганида;
- е) экипажга (йўловчиларга) ҳужум қилинганида, ХКни портлатиш, ёқиб юбориш хавфи туғилганида;
- ж) аэродромдан ташқарида иложсиз қўниш бажарилганида;
- з) авария ҳолатларида парашютлар қўлланганида;
- и) шошилиш пастлаганда.

961. Парвозда алоҳида ҳолатлар юз берганида ХК тизимларини бошқариш ХК ПФҚ талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

962. Экипаж аъзолари алоҳида ҳолатларда ХК ПФҚ бўйича ҳаракатларни амалга оширганларида ўзларининг ҳаракатлари ҳақида ХК командирига маълум қилишлари лозим.

963. Парвозни давом эттириш экипаж ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминламайдиган ҳолларда, ХК командири аэродромдан бошқа жойда иложсиз қўнишга ёки экипаж аъзолари ва йўловчилар парашютлар билан таъминлаган бўлса, ХКни тарк этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

2-§. ХК хавфли метеорологик ҳодисаларга тушиб қолиши

964. Парвоз учун хавфли бўлган метео ҳодисаларга қуйидагилар киради:

а) учиш ва қўниш аэродромларида момақалдирик, дўл, кучли силкиниш, шамолнинг кучли эсиши, музлаш, қаттиқ музлатиш, смерч, довул, кучли чанг тўзони, кучли жалали ёғинлар, вулқон кули;

б) парвоз йўналиши бўйлаб дўл, момақалдирик, кучли музлаш, кучли силкинишлар.

965. Парвоз йўналиши бўйлаб хавфли метео ҳодисаларга дуч келинганида ХК командири уларни айланиб ўтиш чораларини кўради. Агар уларни йўналишни ёки парвоз баландлигини ўзгартириш орқали айланиб ўтиш иложи бўлмаганида экипаж (учувчи) учиш аэродромига қайтади ёки яқинроқдаги захира аэродромида қўнади. Ушбу ҳолларда вертолёт командирига ҳаводан туриб танланган майдончага қўнишга рухсат этилади.

3-§. Двигател (двигателлар) ишдан чиқиши

966. Бир двигателли ХК двигатели 100 метргача бўлган баландликда (шунингдек, учиш вақтида) ишдан чиқса, ХК командири тўсиқлар билан урилиб кетишдан сақланган ҳолда, рўпарасида иложсиз қўнади.

967. Агар двигател ишдан чиқиши 100 метрдан ортиқ бўлган баландликда юз берса ХК командирига иложсиз қўниш учун энг яроқли бўлган майдончани танлашга рухсат этилади.

968. Бир нечта двигателли ХК двигатели (двигателлари) ишдан чиққанда ХК командири:

а) учиш аэродромида қўниш;

б) парвоз шароитларини яхшилаш учун (агар имкони бўлса) ёнилғини бир қисмини тўкиб юбориш ёки юкларни ташлаб юбориш;

в) двигателларнинг учиш тартибига бўлган барча режимларини қўллаш;

г) йўналишли парвозларда парвозни энг яқин аэродромгача (унинг идоравий мансублигидан қатъий назар) давом эттириш ва унда қўниш ҳуқуқига эга бўлади.

969. Уч ва ундан ортиқ двигателга эга ХКларда двигателлардан бирининг ишдан чиқиш аломатлари билан (ёнгин бундан мустасно) ўчиб қолиши ҳолатида ХК командири, агар парвозни хавфсиз якунлашга ишонса, белгиланган аэродромгача парвозни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

970. Агар ишлаб турган двигателда (двигателларда) парвозни давом эттириш имконияти бўлмаса ва парвоз хавфсизлигига реал хавф туғилса ХК командири:

а) ХК ПФҚ талабларига мувофиқ зарурий ҳаракатларни бажариши;

б) ҳалокат сигналинини ёқиши;

в) ҳар қандай аэродромда, шунингдек учиш аэродромига ёки агарда юзага келган аниқ бир вазиятда энг яқин аэродромгача ўчиб боришдан кўра аэродромдан ташқари жойга қўнишда хавф камроқ бўлса, ўша ерда қўнишга мажбур.

**4-§. ХК тизимларининг парвоз режаси ёки профилини
ўзгартиришга, шунингдек мажбурий қўнишга олиб келадиган
тарзда ишдан чиқиши**

971. ХК парвозда қувватсиз қолганида экипаж ХК ПФҚ талаблари асосида ҳаракат қилади.

972. Электр қувватларнинг захира манбаларидан фойдаланиш имконияти бўлмаса ёки улар бўлмаганида ХК командири:

- а) ВПҚ бўйича парвозда яқин аэродромда ёки аэродромдан ташқарида қўнади;
- б) УПҚ бўйича парвозда визуал парвозга ўтиш чораларини кўради;
- в) булутлар устидан парвозда, визуал парвозга ўтиш хавфсизлигига ишонч бўлмаганида, бироқ парвозни давом эттиришга техник имкониятлар бўлганида, визуал парвозга ўтиш имкони мавжуд ҳудудга йўналади.

973. СХБ органи диспетчери ХК билан радио алоқа йўқолганини аниқлаб ва радиолокация воситалари орқали унинг йўналишини аниқлаб:

а) ушбу ХК унинг бошқа ХК билан яқинлашиб қолишини олдини оладиган тарзда СХБ билан таъминлаши;

б) ушбу ХК қўнишига киришида ёрдам кўрсатиш учун олдинда бўлишини ташкиллаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

974. Шошинч пастлашни талаб этадиган тарзда кабинанинг герметиклиги бузилган ҳолларда экипаж:

- а) кислород ниқобларини ишлатади;
- б) ХК ПФҚ талабларига мувофиқ ҳаракатланган ҳолда, 4200 метргача ёки ундан кам бўлган баландликкача, бироқ ҳар қандай ҳолларда ҳам парвоз ҳудудидаги пастки хавфсиз эшелондан паст бўлмаган пастликкача шошинч пастлашишни амалга оширишга киришади;
- в) ҳалокат сигналларини ёқади;
- г) йўловчилар соғлиғи ҳолатини текширади ва лозим бўлганида уларга ёрдам кўрсатади;
- д) белгиланган аэродромга ёки қўниш учун яроқли бўлган яқин аэродромга йўналиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5-§. Ҳаво кемасида ёнғин

975. ХКда ёнғин содир бўлганида экипаж:

а) шошинч пастлашга ўтади ва бир вақтнинг ўзида ёнғинни бартараф этиш бўйича барча чораларни кўради;

б) ҳалокат сигналини ёқади;

в) юзага келадиган вазиятдан келиб чиқиб яқинроқ аэродромгача парвозни давом эттиради, ёхуд ХК ПФҚ талаблари бўйича ҳаракатланиб, аэродромдан ташқарида қўнади.

976. ХКда ёнғин учиш босқичида (учишдан кейин баландликни эгаллашда) юзага келса ва уни бартараф этиш имкони бўлмаса, ХК командири:

а) минимумлардан паст бўлган об-ҳаво шароитида ҳам учиш аэродромига энг қисқа йўналиш бўйича қўнишга киришни бажариш;

б) аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш йўриқномасида назарда тутилган майдончага қўниш ҳуқуқига эга бўлади.

6-§. Ҳаво кемасининг қатъий туриши, бошқаруви йўқолиши, чидамлилиги бузилиши

977. ҲКнинг қатъий туриши, бошқаруви йўқолиши, чидамлилиги бузилганда ҲК командири ҳалокат сигналини ёқади ва ҲК ПФҚ талабларига мувофиқ ҳаракатланади.

7-§. Радио алоқани йўқотиш (бортдаги ва ердаги радио алоқа тизимларининг ишдан чиқиши)

978. Агар 5 дақиқа давомида, радио алоқанинг мавжуд каналларидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бири орқали бир неча маротаба чақириқларга қарамасдан экипаж (диспетчер) жавоб бермаса, радио алоқа йўқолган ҳисобланади.

979. Радио алоқа йўқолганида ҲК командири «Ҳалокат» сигналини ёқади ва мавжуд барча воситалардан фойдаланиб СХБ органи билан бевосита ёки бошқа ҲКлар орқали алоқани тиклаш чораларини кўради. Бундай ҳолатларда лозим бўлганида 121,5 МГц авария частотасидан фойдаланилиши мумкин.

980. Агар алоқани тиклаш иложи бўлмаса, қоида тариқасида ҲК командири вазифани бажаришни тўхтатади ва учиш аэродромига ёки захира аэродромига қўнади. Бундай ҳолларда ҲК командири учиш аэродромига метео шароит минимумлардан паст бўлганида ҳам қўниш ҳуқуқига эга.

981. Учиш аэродромида ёки захира аэродромда қўниш имконияти бўлмаса (метео шароит, ҲК массаси қўниш массасидан ортиқ ва ёнилғини тўкиш имконияти йўқ ва ҳ. к.), ҲК командири АДП диспетчери томонидан берилган чиқиш баландлигини эгаллаш схемаси бўйича белгиланган аэродромга ёки пастки хавфсиз эшелонда ёки махсус, алоқасиз парвозлар учун белгиланган баландликда (4200, 4500 ёки 7200, 7500 метр) захира аэродромга (учиш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида танланган) йўналади.

982. ҲК командири томонидан белгиланган аэродромга парвоз қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, учишда берилган эшелон бўйлаб ҳаракатланиш лозим; қўнишга киришиш учун пастлашишни қўнишга киришнинг белгиланган схемаси бўйича, РУУРдан учиб ўтилганидан кейин, етиб келишнинг ҳисобланган вақтидан эрта бўлмаган ҳолда бошлаш керак бўлади. Бунда қўниш ҳисобланган етиб келиш вақтидан 30 дақиқадан кечиктирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

983. Агар ҲК етиб келишнинг ҳисобланган вақтидан 30 дақиқа ўтгач қўнишни амалга оширмаган бўлса, алоқа тикланмаган бўлса ва радиолокатор экранида кўринмаса, СХБ органи аэродром ҳудудидаги одатий самовий ҳаракатланишни тиклайди.

984. Иккиламчи радиолокация воситаси мавжуд бўлганида, алоқасиз ҳаракатланаётган ҲКнинг ҳақиқий парвоз эшелони аниқ белгиланганида, бутун ҳаво ҳудудини бўшатмаган ҳолда парвозларнинг хавфсиз интервалини таъминлашга йўл қўйилади.

985. ВПҚ бўйича парвозда алоқа йўқотилганида ҲК командири белгиланган аэродромга ВПҚ бўйича берилган эшелонда (баландликда) йўналади. Белгиланган аэродромга ВПҚ бўйича парвозни давом эттириш имконияти бўлмаса, об-ҳаво ВПҚ бўйича қўнишга йўл қўядиган захира аэродромга йўналиш лозим.

986. ҲК экипажи билан алоқа йўқолганида СХБ органи барча мавжуд РТВларни ишга туширади, шунингдек қўшма диспетчерлик пунктлари, ПВО органлари, белгиланган аэродром ва захира аэродром СХБ органларини ҲК билан алоқа йўқолганлиги ҳақида огоҳлантиради.

Бошқа ХКлар ҳаракатини бошқариш алоқа йўқотилган ХК билан уларнинг яқинлашувини олдини оладиган тарзда олиб борилади.

987. СХБ органи диспетчери алоқа йўқолиши характерини ХК экипажига курсни ўзгартириш ёки ҳалокат сигналини ёқиш (ўчириш) командаларини бериш орқали аниқлайди.

988. ХК етиб келишининг ҳисобланган вақтига СХБ органи аэродром ҳудуди ҳаво ҳудудини баландлик айланасидан берилган эшелонгача бўшатиб қўяди.

989. Радио алоқа йўқолганида СХБни таъминлаш учун, шунингдек ҳалокатга учраган ХК СХБ, диспетчер ўзининг жавобгарлик ҳудудида радио сукут тартибини ўрнатиши мумкин. Бу ҳолларда СХБ органи диспетчерининг командасига биноан ХК экипажлари:

- а) барча радио узатишларни тўхтатиши, парвозда алоҳида ҳолат юзага келиши бундан мустасно, ва буйруқ алоқаси бўйича фақат қабул бўйича ишлаши;
- б) СХБ органи диспетчери буйруқларини тасдиқлашсиз бажариши;
- в) фақат СХБ органи диспетчерининг сўрови билан алоқага чиқиши;
- г) СХБ органи диспетчерининг кейинги кўрсатмасига биноан баландликни эгаллагач вертикал манёврларни тўхтатиши.

990. Ердаги радио алоқа воситалари ишдан чиққанида СХБ органи диспетчери иш технологияси бўйича захира воситалар ва каналлардан фойдаланган ҳолда алоқани тиклаш чораларини кўради ёки бошқарувни бошқа СХБ органига топширади.

8-§. Мўлжални йўқотиш

991. Агар экипаж ушбу сабаб билан белгиланган аэродромдан бошқа аэродромда иложсиз қўнса, мўлжал бутунлай йўқотилган ҳисобланади.

992. Агар ХК экипажи томонидан мустақил равишда ёки ердаги РТВ ёрдамида берилган йўналишга кейинчалик белгиланган аэродромга қўниши билан чиқарилса, мўлжал вақтинча йўқотилган ҳисобланади.

993. Мўлжални йўқотганида экипаж:

- а) ҳалокат сигналини ёқиши;
- б) радио орқали «Плюс» сигналини узатиши;
- в) СХБ органига мўлжални йўқотганлиги, қолган ёнилғи ва парвоз шароити ҳақида маълум қилиши;
- г) СХБ органи рухсати билан ХКни радиотехник воситалар билан топиш мумкин бўлган энг мақбул баландлик ёки эшелонни эгаллаши;
- д) ушбу ҳолатларда мўлжални тиклашнинг энг оқилона усуллари қўллаши шарт.

994. Мўлжални тиклаш иложи бўлмаган ҳолларда, ёнилғини бутунлай ёқилишига йўл қўймасдан, ва қоронғу тушгунига қадар, муддатидан олдинроқ ҳар қандай аэродромда ёки ҳаводан танланган майдончада қўниши лозим.

9-§. Экипажга (йўловчилар) ҳужум, ХК портлатиш, ёқиб юбориш хавфи

995. Экипажга (йўловчилар) ҳужум таҳдида ёки ҳужум қилинганида, шунингдек ХК портлатиш, ёқиб юбориш хавфида ХК командири ва экипаж аъзолари иложи борица ҳалокат сигналини узатишлари, ХК бортида юзага келган вазият ҳақида, ўзининг позивнойлари, жойлашган ўрни (координатлари), баландлиги, парвоз кур-

си ҳақида маълум қилиши ва ғайриқонуний аралашувлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда ХК экипажи учун йўриқномага мувофиқ ёки СХБ органидан олинган тавсияларга мувофиқ ҳаракат қилишлари лозим.

10-§. Экипаж аъзолари (йўловчилар)нинг яраланиши ёки соғлиғи ҳолатининг тўсатдан ёмонлашиши

996. Экипаж аъзолари (йўловчилар)нинг яраланиши ёки соғлиғи ҳолатининг тўсатдан ёмонлашган ҳолларда ХК командири унга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши ва шароитдан келиб чиқиб парвозни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

997. ХК командири соғлиғи тўсатдан ёмонлашганида ёки у яраланганида, у парвозни давом эттира олмаса, вазифани бажариш тўхтатилади, парвоз тугаллангунча ХК командири вазифасини иккинчи учувчи бажаради.

998. Экипаж аъзолари (йўловчилар) соғлиғи ҳолатининг олдиндан ёки тўсатдан ёмонлашиши (яраланганлиги) оқибатида парвоз тўхтатилганлиги ҳақида ахборот олганидан кейин СХБ органи ХК яқин аэродромга чиқишини ва навбатдан ташқари қўнишини ташкил этиши, экипажга парвозни муваффақиятли тамомлаши учун максимал ёрдам кўрсатиши лозим.

11-§. Аэродромдан ташқарида мажбурий қўниш

999. Парвозни давом эттириш экипаж ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминламайдиган ҳолларда ХК командири аэродромдан ташқарида иложсиз қўниш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. ХК командири бундай қарор қабул қилгач (иложи борица) СХБ органи диспетчерини эҳтимолӣ қўниш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиши ва ҳалокат сигналини ёқиши шарт. Қўниш ХК ПФҚга асосан амалга оширилади.

1000. Мажбурий қўниш жойидан учишга Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлиғи (ёки уни ўрнини босувчи шахс) ХҚда носозлик бартараф этилганидан кейин рухсат беради.

1001. Кутиб туриш мумкин бўлмаган ҳолларда ва яқин аэропорт билан алоқа бўлмаганида, ХК командири атрофни шахсан кўздан кечиргач ва уни хавфсиз учиш учун яроқли деб топгач мустақил равишда учиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Лозим бўлган ҳолларда тўсиқларни олиб ташлаш, юкларни ташлаб юбориш ёки ёнилғини тўкиб ташлаш чоралари кўрилади.

12-§. Аэродромда СХБ ва РТО ҳудудида радиолокация тизимларининг ишдан чиқиши

1002. СХБ ҳудудида радиолокация тизимлари ишдан чиққанлиги тўғрисида диспетчер хабарини олган ушбу ҳудудда парвозни бажараётган ХК командири максимал кузатувчанликка (радиокузатиш) амал қилиб, берилган эшелон ва тезликда парвозни давом эттиради.

1003. СХБ органи бундай ҳолларда радио сукут тартибини киритади (лозим бўлганида); радиолокацион назорат бўлмаганидаги парвозлар учун назарда тутилган эшелонлаш интервалини қўллаиди ва СХБ ҳудудидаги ХК экипажига самовий

ҳолатни етказиб туради, шунингдек барча қўшма диспетчерлик пунктларига радиолокация тизимлари ишдан чиққанлиги тўғрисида маълум қилади.

1004. Белгиланган қўниш аэродромида РТУ ишдан чиққанида ва метеорологик шароитлар туфайли ушбу аэродромда визуал қўниши иложи бўлмаганида ХК командири захира аэродромига йўналади.

1005. Захира аэродромига йўналиш иложи бўлмаса (ёнилғи етишмаслиги, техник носозлик ва бошқалар) ХК командирига об-ҳаво шароити қўниш аэродромида минимумдан паст бўлса ҳам қўниш ҳуқуқи берилади.

13-§. Авария ҳолатларида парашютларни қўллаш

1006. Парашютистларни десантлаш, юкларни парашютларда ташлаш парвозларини бажаришда, шунингдек тегишлича синов ва ўқув парвозлари учун йўриқномада назарда тутилган бўлса, экипажнинг барча аъзолари ва парвозда иштирок этувчи барча шахслар, белгиланган суғурталовчи ускуналарига эга парашютларга эга бўлишлари шарт.

1007. Парашютларнинг осилиб турувчи тизимлари бутун парвоз давомида кийиб турилган бўлиши шарт. Парвоз давомида парашютларни ечишга фақат парашют такқан ҳолда маълум бир ишни бажаришга имкон бўлмаган тақдирда рухсат этилади.

1008. Парвозда иложсиз ташлаб кетиш қоидалари ҳар бир ХК тури учун тегишли йўриқнома билан белгиланади.

1009. Экипаж ХКни парашютларда тарк этишидан олдин, иложи борица ўзи алоқада бўлган СХБ органи диспетчерини огоҳлантиради, ўзининг жойлашган ўрнини маълум қилади ва ҳалокат сигналининг ёқади.

1010. ХКни тарк этишда (агар буни иложи бўлса) автоучувчини ёқиш, глиссада йўлаги бўйлаб пастлайдиган ҳолда курсни аҳолиси кам ҳудудга тўғрилаш, таниш аппаратураси кодланган мосламасини йўқ қилиш зарур.

1011. Экипаж аъзолари ва бортдаги бошқа шахслар ХКни командирнинг буйруғи билан парашютларда тарк этади. Командир ХКни энг охириги бўлиб тарк этади.

XXIV. Қидирув ва қутқарув

1-§. Умумий қоидалар

1012. Қидирув ва авария-қутқарув ишлари парвозларни қидирув ва авария-қутқарув таъминланишининг қисми ҳисобланади ва қуйидагиларни ўзида мужасамлаштирган:

- а) навбатчи қидирув-қутқарув кучлари ва воситалари учинини (чиқиши) ташкил этиш;
- б) қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларини бошқариш, уларни ўзаро алоқаси ва кучайтирилишини ташкил этиш;
- в) ҳалокатга учраган ХКларни қидириш;
- г) ХКлардаги ёнғинларни ўчириш;
- д) жароҳатланганларни ХКдан чиқариб олиш ва уларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш;
- е) одамларни ҳалокат жойидан, шунингдек даволаш муассасаларига кўчириш.

1013. Қидирув ва авария-қутқарув ишларига бошқа вазирлик ва идораларнинг кучлари ва воситалари ҳам жалб этилиши мумкин.

1014. Жойлардаги ўзаро ҳаракатланишни авиакорхона раҳбари ишлаб чиқилган режаларга мувофиқ ташкиллаштиради.

1015. Аэропорт жавобгарлиги ҳудудда ҳалокатга учраган ХК экипажи ва йўловчиларини, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, аэродромда жойлашган ташкилотлар ва бўлинмалар воситалари ва кучларини жалб этган ҳолда қидириш ва қутқаришни ташкил этиш ва ўтказишга умумий раҳбарлик аэродром раҳбарига юклатилади.

1016. Эксплуатантлар ХК бортида ўзи учиб ўтадиган ҳудуддаги қидирув-қутқарув хизматларига тааллуқли барча керакли маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш учун барча чораларни кўради.

2-§. Қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш ва бажариш

1017. ҚҚИ қуйидаги ҳолларда бажарилади:

- а) ХК бортидан ҳалокат сигнали олинганида;
- б) агар ХК ҳисобланган учиб келиш вақтидан кейин 10 дақиқа давомида етиб келмаса, у билан радио алоқа бўлмаса;
- в) агар ХК экипажи қўнишга рухсат олган ва лекин белгиланган вақтда уни амалга оширмаган, у билан радио алоқа бўлмаса;
- г) агар ХК экипажи белгиланган вақтда алоқага чиқмаса;
- д) агар экипаж маълумотлари ёки бошқа маълумотларга кўра ХК аҳволи ёки ёнилгининг қолган қисми парвозни хавфсиз якунлашга қафолат бермаса;
- е) агар ҳаво трассаси (трассадан ташқарида) бўйлаб парвозда алоқа йўқолган ва унинг жойлашган ўрнини 20 дақиқа давомида аниқлаш иложи бўлмаганда;
- ж) аэропорт раҳбари ёки юқори раҳбарият кўрсатмаси олинган бўлса.

1018. Ҳалокатга учраган ХКни қидириш ва қутқаришни ўз вақтида таъминлаш учун:

- а) қидирув-қутқарув ХК экипажлари;
- б) аэропорт авария-қутқарув гуруҳи (АҚҚГ) ва ердаги қидирув-қутқарув гуруҳи;
- в) самолёт ва вертолётлар, шунингдек юқори ўтиш имкониятига эга ер транспорти;
- г) самовий ҳаракатни бошқариш органи иштирокида навбатчилик ташкил этилади.

1019. Экипажларни, ХКларни ва авария-қутқарув воситаларини навбатчиликка ажратилганлиги ҳақидаги маълумотлар суткалик парвозлар режасига киритилади ва МДИЧХ ва бошқа манфаатдор хизматлар ва идораларга етказилади.

1020. Навбатчиликка ажратилган қидирув ХК қидирув воситалари билан жиҳозланган бўлиши ва бортида қутқарув жиҳозлари комплектларига ва мулкларига эга бўлиши керак.

Вертолётлар, булардан ташқари, қидирув фаралари ва қутқариловчи ва қутқарувчини кўтариш учун юк кўтариш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

1021. Аэропортларда навбатчи ХК ва уларнинг экипажлари учун учишга белгиланган тартибда тайёр туришни таъминловчи туриш жойи ажратилади.

1022. Навбатчиликка ажратилган қидирув ХК учиш муддати ёз кунларида сигнал олинган вақтдан 30 дақиқадан, қишда эса 45 дақиқадан ошмаслиги керак.

1023. Қидирувга учишда ХК бортида уч-тўрт одамдан ташкил топган қутқарувчилар (кузатувчилар) гуруҳи, шунингдек тиббиёт ходими бўлиши лозим.

1024. Қидирув-қутқарув ишларини ўтказиш учун, махсус ажратилганлардан ташқари, визуал қидирувни ва эвакуация ишларини бажариш учун қидирув-қутқарув жиҳозларига эга бўлмаган ХКлар, шунингдек қидирув ҳудудига юбориш мумкин бўлган захира, санитар, патрул ва ҳаводаги ХКлар ҳам жалб этилиши мумкин.

1025. ХК командири ҳалокат ҳақида тегишли хабар олганда имкон доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

а) олинган хабарни тасдиқлайди;

б) ҳалокатга учраган ХКнинг жойлашган жойини қайд қилади, агар бу тўғрисида хабар қилинган бўлса;

в) радиостанция томонидан юборилаётган пеленгни (ердан ҳавога юборилаётган сигнал) аниқлайди;

г) ХКга хизмат кўрсатувчи тегишли органни хабардор қилади;

д) ўз ихтиёри билан кўрсатмаларни кутиш чоғида ҳалокат тўғрисида хабарда кўрсатилган жойга боради.

1026. Ҳалокат сигналини ёки ХК ҳалокати тўғрисида бошқа маълумотни олган СХБ органи диспетчери бу ҳақда зудлик билан парвозлар раҳбарига (катта диспетчерга) маълум қилиши, самовий ва ердаги қидирув-қутқарув ҳисобларига тревога эълон қилиши, ҳалокатга учраётган ХК жойлашган ўрнини аниқлаши, ХК экипажига юзага келган вазиятни бартараф этиш юзасидан ёрдам кўрсатиши шарт. Эҳтимолий ҳалокат ҳудудидида учиб юрган барча ХК экипажларига иккита УКВ радиостанцияларидан бирида 121,5 мГц авария частотасини эшитиш кўрсатмасини бериши шарт.

1027. Қидирув-қутқарув ишларини ўтказиш жараёнига учувчи-командир таркибдан қидирув-қутқарув ишларига раҳбар тайинланади.

3-§. Ҳалокатга учраётган ҳаво кемаси экипажининг ҳаракатлари

1028. Агар парвоздаги ХКга хавф таҳдид солса ёки ХК ҳалокатга учраётган ёки учраган бўлса, ХК командири одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини, шунингдек кемани ва ундаги мулкларни сақлаб қолишга қаратилган чоралар кўриши шарт.

1029. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳар қандай авария ҳолатларида ХК экипажи ҳалокат сигналини узатиши ва бир вақтнинг ўзида таниш жиҳозларини ёқиши лозим.

1030. Ҳалокат сигнали бутун авиация учун бир хилда белгиланади ва радио телеграфда «SOS» (ҳалокатга учраяпман) харфлари билан, радиотелефонда очиқ матнда «Ҳалокатга учраяпман» (ҳалқаро парвозларда «Мейдей») билан англатилади.

1031. Ҳалокат сигнали радиотелефон тартибида ҳалокат вақтида СХБ органи диспетчери билан алоқада бўлган ишчи канал частотасида, шунингдек 121,5 мГц халқаро авария частоталарида, денгиз хизматларида ёрдам сўралганида радио телефон тартибида 2182 Кгц ёки 4125 кГц частоталарида узатилади.

1032. Аэродромдан ташқарида иложсиз қўниш тўғрисидага қарор қабул қилинганда ХК командири барча экипаж аъзоларини огоҳлантиради, уларнинг кейинги ҳаракатлари тартиби тўғрисида кўрсатмалар беради. Иложсиз қўнишда экипаж қўнгунига қадар ердаги (сувдаги) радиостанциялар билан радио алмашинувни сақлаб туради, танаффусларда эса узатгични ёқилган ҳолда (нуқтани босиб) ушлаб

туради. Пеленглаш сигналини узатиш автоматик воситалари, агар улар бўлса, доимо ёқилган бўлиши лозим.

1033. Жабрланувчилар уларни қутқариш учун барча чоралар қўрилишини билишлари лозим, ХК экипажи ўзининг ҳаракатлари билан ўзларини топилишига қўмаклашади.

1034. Аэродромдан ташқарида иложсиз қўнишни амалга оширган ХК экипажи:

а) йўловчиларни зудлик билан ХКдан қўчириши ва 100 метрдан кам бўлмаган хавфсиз масофага олиб бориши;

б) зарарланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаши;

в) ўзининг жойлашган ўрнини белгилаши ёки аниқлаштириши;

г) яқинроқдаги аэродром, ердаги ёки самолёт радиостанцияси билан алоқа ўрнатиш бўйича чоралар қўриши;

д) ёнғин юз берган ҳолларда экипаж бортдаги ва қўл остидаги ёнғинни ўчириш воситалари билан уни бартараф этишга ҳаракат қилиши шарт.

1035. ХК командири ХК мажбурий қўниш жойидаги барча ишларга раҳбарлик қилади ва (иложи борида) суғурта ҳужжатлари расмийлаштирилишини ташкил этади.

1036. Мажбурий қўниш ҳудудида қолиш ёки кетиш қарорини ХК командири қабул қилади.

1037. Мажбурий қўниш жойида қолишга қўйидаги ҳолларда тавсия этилади:

а) экипаж томонидан ҳавода ёки қўниш амалга оширилганидан кейин ҳалокат тўғрисида ёки ҳодиса жойи тўғрисида маълумотлар узатилганида (хабар қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида тасдиқ бўлган бўлмаганлигидан қатъи назар);

б) жойлашган ўрни аниқ белгиланмаган, жой нотаниш ва яқин аҳоли пунктига ўтиш қийин ва унинг узоқлиги номаълум (тоғлар, ўрмон, қалин қор, ботқоқлик ва бошқалар) бўлганида;

в) йўловчилар ва экипажнинг бир қисми улар олган жароҳатлари туфайли мустақил ҳаракатлана олмасалар ва уларни ташиш учун соғлом кишилар етарли бўлмаса;

г) жой очиқ бўлиб уларни ҳаводан топиш осон бўлса.

1038. Мажбурий қўниш жойидан қўйидаги ҳолларда кетиш тавсия этилади:

а) жойлашган ўрни аниқ ва яқинлиқдаги аҳоли пунктига бемалол етиб бориш имконияти мавжуд бўлганида;

б) одамлар юришга ва яраланганларни ташишга қодир бўлганида;

в) ХК ва ундаги одамларни қалин ўт-ўсимликлар туфайли топиш мумкин бўлмаса, сигнализация воситалари бўлмаса;

г) табиий офат (ёнғин, сув босиши) оқибатида йўловчилар ва экипаж аъзолари соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлса.

1039. Сув юзасида иложсиз қўниш амалга оширилганида ХКни тарк этиш фақатгина у тўхтаганидан кейин ХК командирининг рухсати билан амалга оширилади. ХКни сувда тарк этишда:

а) экипаж аъзолари ва йўловчиларга қутқариш воситаларини кийдириш ва ХКдан чиқиб кетишда уларнинг газга тўлдириш тизимини ёқиш;

б) гуруҳ сузиш воситаларини сувга тушириш;

в) ҳаммани ХКдан солларга юбориш. Ярадорлар ва болалар биринчи навбатда юборилади;

г) сузиш воситаларига мавжуд озиқ-овқат, сув ва буюмлар захирасини ортиш;

д) ХК сувга чўкишни бошламасидан олдин, хавфсиз масофага (камида 100 метр) сузиб кетиш;

е) алохида соллардаги экипаж аъзолари бир-бирига яқинроққа сузиб келиши ва солларни (иккита-учта солни) 8—10 метр узунликдаги арқонлар билан бир бирига боғлаш лозим.

1040. Экипаж аъзолари хушдан кетишда, лат ейишда, синишда, нафас тўхтаб қолганида, бўғилиб қолишда, куйишда, музлаб қолишда, қизиб кетишда, захарланишда ва бошқа ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши керак. Агар ХК йўловчилари орасида тиббиёт ходимлари бўлса, улардан жабрланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатишда фойдаланиш лозим.

4-§. Аэродром ҳудуди ва территориясида АҚИ ташкил этиш ва ўтказиш

1041. Авария-қутқарув ишлари қуйидаги ҳолларда ташкил этилади ва ўтказилади:

- а) ҳалокатга учраётган ХК қўниши ҳақида маълумот олинганида;
- б) авиация ҳодисасида;
- в) ХК кўчиришни талаб этадиган инцидентларда;
- г) аҳолига табиий офатларда ёрдам кўрсатишда;
- д) авиакорхона раҳбарининг кўрсатмасига асосан.

1042. Аэродром ҳудуди ва территориясида авария-қутқарув ишларини бажариш учун аэропортнинг ҳар бир сменасида ҳаракати махсус йўриқнома билан белгиладиган авария-қутқарув командаси тузилади.

1043. АҚГ ҳисоблари бўйича шароитдан келиб чиқиб, қуйидаги огоҳлантириш сигналлари узатилади:

- а) «тревога» — авиация ҳодисаси тўсатдан юз берганида ёки ҳалокатга учраётган ХК ушбу аэродромда кутилаётган қўнишига камида 30 дақиқа қолганида;
- б) «тайёр туриш» — ҳалокатга учраётган ХК ушбу аэродромда кутилаётган қўнишига 30 дақиқа ва ундан ортиқ вақт қолганида;

1044. Авария-қутқарув ишларини ўтказиш учун бевосита раҳбарлик смена бошлиғи — авария-қутқарув ишлари раҳбарига юклатилади (аэропорт раҳбарининг смена бўйича ўринбосари ёки аэропорт раҳбарининг буйруғи билан тайинланган бошқа шахс).

1045. Аэропорт раҳбарининг смена бўйича ўринбосари йўқ бўлган аэропортларда, раҳбарият етиб келгунига қадар, авария-қутқарув ишларини парвозлар раҳбари (катта диспетчер) ташкиллаштиради.

XXV. Авиация ҳодисалари ва инцидентларини суриштириш

1-§. Умумий қоидалар

1046. Авиация ҳодисалари ва инцидентларини суриштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 декабрдаги 505-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари билан содир бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларини суриштириш қоидалари» асосида амалга оширилади.

1047. Авиация ҳодисалари ва инцидентларини суриштиришдан мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 декабрдаги 505-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемала-

ри билан содир бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларини суриштириш қоидалари»га мувофиқ келажакда бўлиши мумкин бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларининг олдини олиш ҳисобланади. Суриштирув фактик маълумотларни йиғиш ва таҳлил этишни, зарурий текширишларни ўтказишни, ҳодиса сабабларини аниқлаш ва профилактика бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

1048. Кимнингдир жавобгарлиги ёки айбини аниқлаш суриштириш вазифасига кирмайди.

1049. Кимнингдир айби ёки жавобгарлиги улушини аниқлашга қаратилган суд ёки маъмурий тартибда ишни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 декабрдаги 505-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари билан содир бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларини текшириш қоидалари» асосида олиб борилган суриштирувдан алоҳида ўтказилиши лозим.

1050. Авиация ҳодисаси юз берган пайтидан бошлаб дастлабки ҳаракатларни ўтказиш учун жавобгарлик ҳудудида ёки территориясида авиаҳодиса содир бўлган ФА ташкилоти раҳбари зиммасига, у етиб келгунига қадар эса ХК командири зиммасига юклатилади.

1051. Ҳар бир ФА ташкилотида Ўзбекистон Республикаси Даволавназорат билан келишилган ҳолда, ушбу қоидаларни инобатга олиб, ҳаракатлар тартибини, авиация ҳодисаси юз берганида аниқ бир мансабдор шахсларнинг мажбурияти ва жавобгарлигини белгилловчи махсус йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

2-§. Авиация ҳодисалари ва низолар содир бўлгандан кейин мансабдор шахсларнинг дастлабки ҳаракатлари

1052. Авиация ҳодисаси юзага келган ХКнинг экипажи, бошқа фуқаролар, юридик шахслар, ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фалокатга учраган кемани, унинг қисм-парчалари, бортдаги ва ер билан боғлиқ назорат воситаларини борт ичида ёки зарб натижасида ташқарига чиқиб кетган ҳолатларда сақлаб қолиш чораларини кўришлари лозим.

1053. Авиация ҳодисаларидан кейин, аэродромдан ташқарига қўнишга мажбур бўлган ҳолатларда ХКнинг командири экипаж аъзолари билан биргаликда ХК ПФҚ талаблари асосида йўловчиларни қутқариб қолиш ва ёнғинни ўчириш чораларини кўради.

1054. ХК ёнмаётганлигига ишонч ҳосил қилган ҳаво кемасининг командири ҳодиса содир бўлган ҳудуддаги мансабдор шахс етиб келгунга қадар қуйидагиларни бажаришга мажбур:

а) зудлик билан ҳаво кемасини электр манбаидан бутунлай узади (агарда бу ҳаракат эвакуация жараёнига тўсқинлик қилмаса) ва бортдаги ўзиёзар механизмнинг ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилади;

б) экипаж кабинасидаги бошқарув пулти ва бортдаги ўзиёзар механизмларнинг дахлсизлигини таъминлайди;

в) тижорат юклари ва бошқа предметлар дахлсизлигини, ёнилғи, мой ва суюқликларнинг оқиб кетмаслигини таъминлайди;

г) эшик, люк, капотларни ёпиб, тамғалаш чораларини кўради;

д) ҳаво кемаси ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлашни ташкил қилади;

е) юзага келган ҳодисадан яқинроқдаги авиация органи ёки маҳаллий ҳокимият органларини тезда хабардор қилиш чораларини кўради.

1055. Саломатлигининг оғирлиги туфайли ХКнинг командири ўз вазифалари-

ни бажара олмаса, у ҳолда бу вазифаларни иккинчи учувчи ёки бошқа экипаж аъзолари мазкур талаб ва юзага келган шароитга қараб амалга оширади.

1056. Ҳодиса содир бўлган жойга ФАнинг раҳбари ёки авариявий-қутқарув ишлари раҳбари етиб келгандан кейин, ХК, ундаги ҳамда ҳодиса содир бўлган жойдаги ашёвий далилларнинг сақланиши учун бўлган жавобгарлик унинг зиммасига ўтади.

1057. Худудда ёки территориясида авиация ҳодисаси юз берган ФА авиакорхонаси раҳбари содир бўлган ҳодиса ҳақида хабарни олиши билан текшириш бўйича комиссия келгунига қадар тегишли органлар билан ўзаро ҳамкорликда:

а) лозим бўлган ҳолларда ўзаро муносабатдаги идораларни жалб қилган ҳолда, белгиланган тартибда қидирув ва авария-қутқарув ишларини ўтказишни ташкил этади;

б) йўловчиларни ва экипажни қутқариш, ёнғинни ўчириш (ёки уни олдини олиш), ашёвий далилларни сақлаш бўйича қўшимча чоралар кўришни аниқлаш мақсадида ҳодиса жойига келади;

в) ички ишлар органлари билан ҳамкорликда, лозим бўлганида шу худудда дислокация қилинган ҳарбий қисмлар билан ХК ва унинг ичидаги таркибини (бўлақлар остидан жабранувчиларни чиқариб олиш лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно) дахлсизлигини таъминлаган ҳолда, ҳодиса жойини қўриқлашни ташкил этади, авиация ҳодисаси жойига бегона шахсларнинг киришини олдини олиш чораларини кўради;

г) лозим бўлганида ХК асосий қисмларини улар суратга олингандан ва улар жойлашган ўрни схемаси тузилгандан кейин қолдиқларни йиғиштириб олиш учун кўрсатма беради. Бунда иложи борида ХК қолдиқларини сочиб юбориш ва уларга зарар етказишга йўл қўймаслик лозим;

д) махсус ҳужжатларда назарда тутилган ҳажмда экипаж ва лозим бўлганда СХБ органлари диспетчерлари ва авиация ходимларининг бошқа шахслари соғлиғи ҳолати юзасидан тиббий назорат ўтказилишини ташкил этади;

е) парвозни тайёрлаш ва таъминлашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар ва экипаж аъзоларидан тушунтириш хатлари олади;

ж) ҳодиса жойидаги борт ҳужжатлари ва борт ўзи ёзиш қурилмаларини сақлаб қолиш бўйича зарурий чоралар кўради. Агар борт ўзи ёзиш қурилмалари агрессив суюқлик ёки олов ўчоғи ичида бўлса, уларни зудлик билан у ердан олиш лозим, маълумотларни сақлаб қолиш учун чоралар кўрган ҳолда, уларнинг олиб қўйилгани ва ташқи ҳолати ҳақида далолатнома тузиш лозим. Бошқа ҳолатларда борт ўзи ёзиш қурилмаларини олиб қўйиш тақиқланади. Борт ўзи ёзиш қурилмаларини олиб қўйиш қоида тариқасида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда амалга оширилади;

з) лозим бўлган ҳолларда ҳодиса жойига туташ бўлган жойларда ХК қолдиқларининг қидирувини ташкил этади ва уларни топилган жойида сақлаб қолинишини таъминлайди;

и) авиаҳодиса гувоҳларини, шунингдек авария-қутқарув ишларини бажарувчи шахсларни аниқлашни, текшириш бўйича комиссия ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш учун уларнинг рўйхати тузилишини таъминлайди;

к) учиш, техник ва диспетчерлик ҳужжатлари олиб қўйилиши ва сақланишини ташкил этади;

л) ташқи муҳит таъсирида йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган (муз ётқизиқлари, ХК ташқи юзасидаги капотлар, ХК ердаги ҳаракатининг характерли излари, УҚЙ ва бошқалар) аломатларни ҳужжатлаштириб мустаҳкамлаб қўйишни (суратга олиш, видео ёзув ва схемалар тузиш йўли билан) ташкил этади;

м) авиаходиса жойининг дастлабки чизмаларини тузади;

н) об-ҳавони навбатдан ташқари назорат кузатувини ташкил этади, агар авиаходиса аэродромдан ташқарида содир бўлган бўлса, яқин АМСФ ва метеостанциялардан метео маълумотлар тўплашни таъминлайди;

о) лозим бўлганда авиаходиса юз берган жойда радиология, кимёвий ва бактериявий назорат ўтказилишини мувофиқлаштиради;

п) авиаходисага учраган ХК ёнилғи қуйилиши амалга оширилган сифимли идишларни муҳрлаш (ёнилғи қуювчилар) ва ёнилғи қуйишни тақиқлаш тўғрисида кўрсатма беради;

р) махфийлик ёзувига эга махсус қурилмалар ва ХК бортида бўлган парвоз ҳужжатлари бутлигини таъминлайди;

с) диспетчерлик магнитофонлари ёзувлари (магнит ленталари), қўниш радиолокатори индикаторларидан фото рўйхатга олгичларидан фотоплёнкаларни, ХК ҳаракатланиши графикларини, радио алмашув ва радиотехник воситалар иши вақтини ҳисобга олиш аппарати журнални; учиш китобчалари, экипаж барча аъзоларининг учиш иш жилдлари ва тиббий китобчалари; ХК, двигателлар ва агрегатлар формулярлари, техник хизматга дефект ведомостлар ва карт-нарядларни; ХКни парвозга тайёрлашда ёки парвоз олдидан носозликни бартараф этишда фойдаланилган ускуналар ва назорат аппаратураларини; қўйилган ЁММ миқдори ва сифатини, учиш майдони ҳолатини характерловчи ҳужжатларни; парвоз йўналиши бўйича, аэродромда ва ходиса ҳудудидаги метео шароитни характерловчи метео ҳужжатларни олиб қўйилиши ва муҳрланишини ташкил этади;

т) кейинчалик суриштирув жараёнида фойдаланиш учун авиаходиса бўлган ҳудудда авиаходиса вақтига яқин бўлган вақт давомида парвозларни амалга оширган ХКнинг борт номерларини ёзиб олади, ушбу ХКнинг назорат борт ўзи ёзиш қурилмалари маълумотларини сақлаб қолиш бўйича чоралар кўради;

у) лозим бўлганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан келишган ҳолда, зарарланган ХКни кўчиради. ХКни текшириш комиссияси келгунига қадар кўчиришга агарда ХК темир йўл, шоссе, сув магистралига қулаган бўлса ва транспорт ҳаракатланиши ва парвозларга ҳалақит берса, йўл қўйилади. Кўчириш вақтида ХКни (унинг парчаларини) улар ходиса жойида қай ҳолда турган бўлса ўша ҳолича сақлаш бўйича чоралар кўрилади. Бундай ҳолларда ХК ёки унинг парчалари кўчирилгунга қадар бўлган ҳолати ва туриши бир нечта томонидан ердан, лозим бўлган ҳолларда ҳаводан, йўналтирувчи ёки деталлаштирилган фото суратга олиш ёки видео ёзиб олиш усули билан ёзиб олинади, ХК ёки унинг парчалари туриши ва умумий ҳолати, ер (ер усти тўсиқлари) билан тўқнашиш бурчаги акс эттирилувчи далолатнома тузилади, экипаж кабинасида ускуналарнинг кўрсаткичлари, қўшгичларнинг, ёқкичларнинг, бошқариш ушлагичларининг туриши расмга олинади ёки видео ёзув орқали ёзиб олинади, кабинани кўздан кечириш далолатномаси тузилади;

ф) лозим бўлганида, ХКларни бевосита парвозларга тайёрлаш, парвозларни таъминлаш ва самовий ҳаракатни бошқаришни амалга оширувчи ХК экипажини, ердаги хизматлар ходимларини ўз вазифаларини бажаришидан четлаштириш бўйича чоралар кўради.

Кўрсатиб ўтилган шахслар ўз вазифаларини бажаришга тегишли раҳбарнинг комиссия раиси билан келишилган қарорига мувофиқ рухсат этилади;

х) авиация ходисасидан олдидан ХК парвозини бажариш ва таъминлаш бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар бутлигини таъминлаш мақсадида ХКнинг охириги учган аэродроми СХХК хизматини, унинг парвози йўналиши бўйлаб жойлашган

СХХК хизматлари ХК эгасини (эксплуатантини) авиация ҳодисаси факти ҳақида хабардор қилади;

ц) Ўзбекистон Республикаси ижроя органлари билан ҳамкорликда зарар кўрганлар ва уларнинг қариндош-уруғларига қўмаклашиш ва ёрдам кўрсатиш гуруҳини ва авиация ҳодисасини текшириш комиссияси ишини ташкиллаштириш гуруҳини шакллантиради.

1058. Мансабдор шахсларнинг авиация ҳодисасидаги дастлабки ҳаракатлари натижасида олинган барча материаллар авиация ҳодисасини текшириш бўйича комиссияга тақдим этилиши лозим.

1059. Комиссия етиб келгунига қадар ердаги ва бортдаги магнитофонларни очиш ва эшитиш, борт ўзи ёзгичларни очиш ва ёзувларини расшифровка қилиш тақиқланади ва фақат комиссия раисининг қарори билан амалга оширилиши мумкин.

1060. Ҳалокатга учраган ХКни ишлаб чиқарган, тайёрлаган, мулкдори (эксплуатанти) бўлган ташкилотлар, шунингдек таъмирлаш, самовий ҳаракатни бошқариш, техник ва аэродром хизматини кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари авиация ҳодисаси тўғрисида маълумот олганида ушбу ХК тегишлича ишлаб чиқилиши, синопсис қўрилиши, тайёрланиши, таъмирланиши ва эксплуатацияси, унинг парвози таъминланишига тааллуқли бўлган ҳужжатларни бут сақланишини таъминлаш бўйича чоралар қўриши шарт.

XXVI. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қоидаларини қўллаш учун жавобгарлик

1-§. Асосий ҳолатлар

1061. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида ушбу парвоз қоидалари қўлланилиши юзасидан жавобгарлик тижорат мақсадлари ёки бегараз асосларда бўлишидан қатъи назар, парвозларни таъминлаш ва бажаришда иштирок этувчи авиация ходимлари таркибининг мансабдор шахслари зиммасига юкланади.

1062. Ушбу парвоз Қоидаларига киритилган стандартлар талабларининг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвозлар хавфсизлигини таъминлайди.

1063. Ушбу Қоидаларнинг талабларидан ҳеч бири ХК командири ваколатларига парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун берилган ваколатларидан фойдаланишига тўсқинлик қила олмайди.

3-§. Якуний қоидалар

1064. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўзгидромет, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан келишилган:

Мудофаа вазири

Р. МИРЗАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь*

«Ўзгидромет» бош
директори

В. ЧУБ

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари»
МАК бош директори

В. ТЯН

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
1-ИЛОВА

Аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

(Тузилма схемаси)

Йўриқномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1-бўлим. Умумий қоидалар

Аэродром классификацияси, мақсади, тегишлилиги.

Аэродромда жойлашган авиация қисмлари ва бўлинмалари, уларнинг идоравий тегишлилиги, аэродромнинг катта авиация бошлиғи қайси авиация қисми ёки бўлинмадан тайинланганлиги.

2-бўлим. Аэродром тасвирланиши

Аэродромнинг яқинида бўлиши мумкин бўлган йирик аҳоли пунктига нисбатан жойлашуви. КТА геодезия координатлари, аэродромнинг абсолют баландлиги, соат камари рақами, магнит мойиллиги, ўлчамлари, грунт ва учиш майдонининг қопламаси, ёғингарчилик бўлганида унинг фойдаланишга яроқлилиги.

Қоплама тури, ўлчамлари (узунлиги, кенлиги, қалинлиги), нишаблик, шартли бир ғилдиракли таянчга келтирилган, мумкин бўлган максимал куч, ПЦН кўрсаткичи, тормозланишнинг якуний йўлкалар, учиш йўлкасининг ҳар бир УҚЙ учун режалаштирилган қисми.

Узунлиги 1800 метр ва ундан ортиқ кўп бўлган УҚЙ учун — УҚЙ ҳақиқий йўл бурчаги 1 дақиқагача бўлган аниқликда, учиш ва қўнишнинг магнит курслари ва уларга мос келадиган УҚЙ остонаси рақамлари.

УҚЙ остоналарининг абсолют баландлиги, захира УҚЙ жойлашуви ва ўлчамлари.

РД, МС, техник майдончалар, аэродром-техник воситалари тўхташ жойларининг жойлашуви, ўлчамлари ва рақамлари.

Узунлиги 1800 метр ва ундан ортиқ бўлган УҚЙ учун — ИПУ магистрал РД

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

1 дақиқагача бўлган аниқликда, РД ва МС учун шартли бир филдиракли таянчга келтирилган, максимал рухсат этилган куч.

Вертолёт майдончаларининг жойлашуви, уларнинг ўлчамлари, бир филдиракли таянчга келтирилган, максимал рухсат этилган куч, вертолётлар турига қараб учиш ва қўниш учун яроқлилиги.

Старт ва УҚЙ, РД, МС маркировкаларини ва самовий яқинлашув йўлкаларини ажратиш.

Ҳар бир УҚЙ йўналиши учун турли ХК категориялари учиши ва қўниши учун аэродром минимумлари

3-бўлим. Аэродром ҳудуди

Чегара, жой рельефининг қисқа тавсифномаси, аэродромга яқинлашишда ва аэродром ҳудудидаги табиий ва сунъий тўсиқлар, чизмалардаги уларнинг маркировкаси ва уларнинг аэродромга нисбатан баландлиги ва КТАга (азимут, узоқлашиш) нисбатан уларнинг жойлашуви, шунингдек пастлаш ва қўнишга кириш схемаларида тегишли УҚЙ остоналарига нисбатан улар баландлиги.

Парвоз чегаралари ва эшелонлар (баландликлар) кўрсатилган ҳолда самовий ҳудуднинг тузилиши:

а) аэродром ҳудудлари (учиш, ускуналар бўйича парвоз, кутиш, юкларни ташлаш, ХК иложсиз тарк этиш, ёнилғини тўкиб юбориш ва ҳоказолар);

б) махсус ҳудудлар (синов парвозлари, ёнилғини қўшимча қуйиш, самовий отишмалар ва ҳоказолар);

в) ҳаво трассалари қисмлари (МХЙ) ва уларни тўғрилаш йўналишлари, ҳаво трассаларига (МХЙ) чиқиш (кириш) йўналишлари, парвозларнинг доимий йўналишлари (томга, анча кичик ва кичик баландликларда самолётни тезлаштириш, об-ҳавони билиш ва бошқалар);

г) коридорлар;

д) чекланган ҳудудлар;

е) полигонлар, ўқув марказлари, гидрометеорология жараёнларига фаол таъсир этиш, портлатиш ишлари ҳудудлари ва аэродром ҳудудидаги ҳаво ҳудудининг бошқа тузилмавий элементлари.

Аэродром ҳудудида қўниш майдончалари, десантлаш (қўниш) майдончалари, аэростатлар, зонд-шарлар, бошқа учувчисиз ХК учурилиш пунктларининг жойлашуви.

Захира аэродромлари ва қўниш майдончаларини магнитли йўл бурчаклари ва уларгача бўлган масофанинг жойлашуви, қўниш магнит курси ўлчамлари ва улар фойдаланилиши мумкин бўлган ХК турлари.

4-бўлим. Парвозларни бажариш

Парвозларни пастлаш ва қўнишга кириш схемаси (айлана бўйлаб, 180 даража-ли иккита қайрилиш билан, четдан, ҳисобланган бурчакка орқаси билан айланиб ва бошқалар) ва айлана бўйлаб 300 км/с ва ундан кам бўлган парвоз тезлигига эга, шунингдек 4-класс ХК ва вертолётлар учун учиб чиқишдан кейинги схемалар бўйича бажарилиш тартиби.

Аэродром ҳудудида парвознинг, ўтиш эшелонининг, айлана бўйлаб парвознинг, ўтишнинг минимал хавфсиз баландлиги.

Аэродром ҳудудига, аэродромли ҳудудларга, полигонларга, десантлаш (қўниш)

майдончаларига, доимий йўналиш ва бошқаларга кириш (чиқиш) тартиби, чекловчи пеленгларни кўрсатган ҳолда, аэродром ҳудудига кириш (чиқиш) учун турли метеорология шароитларида ҳар бир УҚЙ учун минимал хавфсиз эшелон ва бошқа зарурий маълумотлар.

ҲК гуруҳларини йиғиш ва тарқатиш тартиби. Қўнишга навбатдан ташқари кириш, қўнишга бошқатдан кириш ёки захира аэродромга кетиш учун ҳаракатларни бажариш тартиби.

Кичик ва анча кичик баландликларда парвозлар тартиби. Овоздан юқори тезликда, шипга ва самолётни тезлаштиришга парвозлар тартиби.

5-бўлим. Парвозларни бошқариш

Парвозларни бошқаришни амалга оширадиган СХБ органлари; СХБ ҳудудлари; ўзаро муносабатлар тартиби.

Парвоз этишга буюртма бериш ва парвоз бошлангани ҳамда тугатилгани ҳақида хабардор қилиш тартиби.

ҲК бошқарувини олганда ва топширганда СХБ органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари.

Оддий ва мураккаб метео шароитлардаги парвозларга (ВПК ва ППП бўйича) раҳбарлик қилиш тартиби.

ҲК ўртасида учиш ва қўнишнинг минимал рухсат этилган оралиғи.

Аэродром ҳудуди орқали транзит билан ҳаракатланаётган ҲК бошқариш тартиби.

ҲК радиолокация ва визуал назорат тартиби.

Бошқа аэродромлардан келаётган ҲК қабул қилиш (чиқариш) ва таъминлаш масалаларини келишиш тартиби.

Биргаликда жойлашиш, ҳамкорликда фойдаланиш аэродромларида, бошқа идоралар ҲК учун захира аэродром сифатида доимий ажратилувчи аэродромларда самовий ҳаракатларни бошқариш тартиби.

ҲК захира аэродромига юбориш тартиби.

Радиолокация назорати остидан чиқиб кетган ҲК топиш тартиби.

Аэродром авария тормоз ускунасидан фойдаланиш тартиби.

6-бўлим. СХБ органлари ва экипажнинг ҳаракатлари

Хавфли метео шароитлар парвозларда ва парвозда алоҳида ҳолат юз берганида, шунингдек «Ковер», «Стрела», «Режим» сигнали олинганидаги ҳаракатлар.

7-бўлим. Парвозларни таъминлаш

Аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш, метеорология ва орнитология таъминоти. Аэродром ҳудудининг йил фаслларида иқлим ва орнитологик ҳолати ҳақида қисқача тасниф. Об-ҳавони самовий ва радиолокацион кузатишни ташкил этиш. ҲК экипажларини ҳақиқий об-ҳаво ҳақида хабардор қилиш тартиби. Парвозларни метеорология ва орнитология таъминоти бўйича метеорология бўлинмаларининг оператив ўзаро ҳаракатини ташкил этиш.

Парвозлар РТО ва алоқа воситалари билан таъминланиши. Алоқа воситалари ва парвоз РТО аэродромда жойлашуви (СХБ, навигация, алоқа, ёруғлик техник

воситалар), улар ишлаши ҳақида маълумот. Парвозлар РТО ва алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби. Парвозлар РТО ва алоқа воситалари захиралари. Аэродром СХБ органларининг ХК билан радиоалоқасини ташкиллаштириш. РЛС кўриш ҳудудлари ва РСНБ ҳаракати ҳудудлари. Захира ва такрорланувчи воситалардан фойдаланиш тартиби.

Авиация техникасини тайёрлашни ташкил этиш тартиби, муҳандис-авиациявий таъминланиши. Аэродром-техник таъминланиши. УҚЙ кеча ва кундуз, шунингдек кўриш чекланган шароитларда кўздан кечириш тартиби. Аэродром деворлари ва уни парвозлар вақтида ўраб олиш тартиби. Аэродромда одамлар, ХК, аэродром-техник ва транспорт воситалари ҳаракатланиши тартиби.

Тиббий таъминот.

Қидирув-қутқарув таъминоти.

Қидирув-қутқарув таъминоти учун жавобгарлик ҳудуди.

Жавобгарлик ҳудуди қидирув-қутқарув ишлари раҳбари.

Мазкур аэродромда навбатчилик учун ажратилган кучлар ва воситалар, уларнинг ўрнашган жойи ва тайёрлиги даражаси. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ХК ҳақида ҳалокат сигнали ёки бошқа маълумот олинганида аэродромда ўрнашган авиация қисмлари (бўлинмалари) раҳбарларининг ҳаракати. Аэродромда йўқ бўлганида навбатчи қидирув кучлари ва воситаларини чақириш тартиби.

8-бўлим. Иловалар

8.1. Баландликни эгаллаш ва ХКнинг йўналишларга ва учишнинг барча йўналишлар учун ҳудудларга кетиши схемаси.

8.2. Ҳар бир УҚЙ йўналиши учун пастлаш ва қўнишга кириш схемаси.

8.3. Аэродром СХБ органлари учун белгиланган, бошқарувни топшириш чегаралари билан, самовий ҳудудни бошқариш ҳудудлари схемалари.

8.4. СХБ органлари ва таъминловчи хизматлар ўртасида алоқа схемаси.

8.5. Аэродромда парвозлар РТО ва алоқа воситаларининг жойлашуви.

8.6. Горизонтал ва вертикал текисликларда радиолокация воситаларининг кўриши ҳудудлари схемаси.

8.7. ХК аэродром бўйлаб ҳаракати ва тўхташ жойлари жойлашув ўрни схемаси.

8.8. Одамлар ва ер усти транспортини аэродром бўйлаб ҳаракатланиши схемаси.

8.9. Визуал кузатувда горизонтал кўришни аниқлаш учун характерли мўлжалларнинг жойлашуви схемаси.

8.10. Аэродром ҳудудида орнитологик вазиятнинг схемаси.

8.11. Аэродромнинг электромагнит майдонлари ва авиация шовқинлари параметрларининг рақамланган ҳудудлари (фуқаролик-турар жой, маданий-маиший ва саноат қурилиши чекланган ҳудудлар) схемаси.

Инструкцияга аэродромда жойлашган авиация ва СХБ ташкилотларнинг хусусиятлари туфайли эҳтиёж туғилишига қараб бошқа бўлимлар ва схемалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
2-ИЛОВА

Аэроузел ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

(тизимли схема)

Йўриқномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади.

1-бўлим. Умумий қоидалар

Аэроузелга кирадиган аэродромлар, уларнинг класслари, мўлжалланганлиги ва идоровий тегишлилиги, шунингдек қанақа авиация қисмлари ва бўлинмалари жойлашганлиги.

2-бўлим. Аэроузел ҳудуди

Аэроузел ҳудуди чегаралари ва аэроузелга кирувчи аэродромларнинг учиш ва қўниш ҳудудлари. Фойдаланилиши ўзаро мувофиқлаштирилишни ва келишувни талаб этадиган аэродром ва махсус ҳудудлар, парвозларнинг доимий йўналиши (шифтга, анча кичик баландликларда самолётларни тезлигини оширишга, об-ҳавони кузатишга ва бошқаларга), авиация полигонлари ҳудуди ва аэроузел ҳудуди ҳаво ҳудуди тизимининг бошқа элементлари.

3-бўлим. Парвозларни ташкил этиш ва бажариш

Аэроузел аэродромларида жойлашган қисмлар (бўлинмалар) ҳудудлари, полигонлар, десантлаштириш (қўниш) майдончалари, ҳаво йўналишлари ва бошқаларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби.

Қаерда зарурат бўлса аэроузел ҳудудининг пастки эшелони (ўтиш эшелони), аэроузел аэродромлари учун ягона ўтиш баландлиги.

Ҳаво трассалари ва МХЙ участкалари ва кесиб ўтиш тартиби.

Аэроузел ҳудудида мўлжални, унинг характерли хусусиятларини инобатга олган ҳолда тиклаш тартиби.

4-бўлим. Парвозларни бошқариш

Аэроузел аэродромлари СХБ органлари, аэроузел бош СХБ органи ва унинг аэроузел бошқа СХХК органлари билан ўзаро фаолияти.

Парвозларга буюртма бериш тартиби.

Кундузи ва кечаси оддий ва мураккаб метеорология шароитларида самовий ҳаракатни бошқариш тартиби.

СХБ ҳудудлари, самовий ҳаракатни бошқаришни топшириш ва қабул қилиб олиш чегараларини тақсимланиши. Режалаштириш, мувофиқлаштириш ва парвозларни (самовий ҳаракатни) бевосита бошқаришда аэроузел СХБ органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик.

Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш ва парвозлар тартибининг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш. ХҚХ қўшинлари органлари билан ўзаро ҳаракатланиш тартиби.

Аэроузел ҳудудидан транзит билан ўтадиган ХК парвозини бошқариш тартиби.

СХБ органи ва экипажларнинг «Режим», «Стрела», «Ковер» сигналлари олингандаги ҳаракати тартиби.

5-бўлим. Алоқа воситалари ва парвозлар РТУ

СХБ органлари ва аэроузел аэродромлари ўртасидаги алоқанинг ташкил этилиши.

Аэроузелда алоқа воситалари ва парвозлар РТУ фойдаланиш тартиби. Аэроузел РЛС кўриш ҳудуди, ЯНРТ ишлаш ҳудуди ва улар иши маълумотлари.

6-бўлим. Иловалар

1:500000 (1:200000) масштабдаги радиоузел ҳаво ҳудуди тузилиши харитаси. Унда қуйидагилар белгиланади:

- а) аэроузел ҳудуди чегараси;
- б) аэродромлар, улар ҳудудларининг учувчи ҳудудлари билан чегаралари, кириш ва чиқиш коридорлари (йўналишлари);
- в) полигонлар, десантлаш (қўниш) майдонлари;
- г) махсус ҳудудлар;
- д) ҳаво трассалари, МХЙ, ҳаво трассаларининг тўғрилаш йўналишлари ва МХЙ ҳамда аэроузел ҳудуди ҳаво ҳудуди тузилмасининг бошқа элементлари;

Учишга буюртма бериш схемаси, СХБ органлари ва ХҚХ қўшинларини ХК ҳақиқий училари ҳақида хабардор қилиш схемаси;

Аэроузелда алоқани ташкил этиш схемаси;

Аэроузел ҳудудида ХК парвозининг турли баландлигида радиолокация воситалари ҳудудлари кўриниши ва СХБ органлари радиотехника воситалари ишчи ҳудудлари схемалари.

Самовий ҳаракатни бошқариш ҳудудларини, бошқаришни топшириш чегаралари билан биргаликда, аэродромлар СХБ органлари ўртасида тақсимланиши схемаси.

Аэроузел аэродромларининг ХК турлари бўйича кечаси ва кундузги парвози ва қўниши учун минимумлари рўйхати.

Йўриқномага аэроузелдаги самовий ҳаракатни бошқариш ва ташкил этиш хусусиятлари туфайли эҳтиёж туғилишига қараб бошқа материаллар ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
З-ИЛОВА

Парвознинг хавфсиз баландликлари ҳисоби

760 мм.см.уст. (1013,2 мбар) атмосфера босими бўйича парвозлар хавфсиз баландлиги ҳисоби қуйидаги формулалар билан ишлаб чиқилади:

$$H_{\text{хавфсиз. 760}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{рел}} - \Delta H_t + (760 - P_{\text{мин. келт.}}) \cdot 11;$$

$$H_{\text{хавфсиз. 1013,2}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{рел}} - \Delta H_t + (1013,2 - P_{\text{мин. келт.}}) \cdot 8,25. \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}}$ — парвознинг ҳақиқий хавфсиз баландлигини белгиланган кўрсаткичи, м;
 $H_{\text{рел.}}$ — йўлқанинг йўл қўйилган кенглиги доирасида, жой рельефининг, ундаги сунъий тўсиқлар баландлигини ҳисобга олингандаги, энг юқори нуқтасининг абсолют баландлиги, м;

$P_{\text{мин. келт.}}$ — денгиз сатҳи даражасига келтирилган, парвоз йўналиши (участкаи) бўйича минимал атмосфера босими, мм.см. уст. (мбар);

H_t — қуйидаги формула билан аниқланадиган, баландлик ўлчагичнинг методик температура тузатгичи, метр

+

$$H_t = \frac{t_0 - 15^0}{300} * H_{\text{тўғр.}} \quad \text{бу ерда,}$$

—

$$H_{\text{тўғр.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{тўсиқ.}} \quad \text{бу ерда,}$$

t_0 — парвоз йўналиши (участкаи) бўйлаб минимал температура.

Аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома ва аэронавигация ахборотлари тўпламига киритиш учун яқинлашиш ҳудудида 760 мм.см.уст. (1013,2 мбар) атмосфера босимида парвознинг хавфсиз баландлиги қуйидаги формулалар билан ишлаб чиқилади:

$$H_{\text{яқин. хавфсиз.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{рел}} - \Delta H_t + (760 - P_{\text{аэр. келт.}}) \cdot 11;$$

$$H_{\text{яқин. хавфсиз.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{рел}} - \Delta H_t + (1013,2 - P_{\text{аэр. келт.}}) \cdot 8,25, \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}}$ — парвознинг белгиланган ҳақиқий хавфсиз баландлиги кўрсаткичи, м;

ΔH_t — кўп йиллик кузатишлар бўйича аэродромдаги ўртача йиллик температура бўйича аниқланадиган, баландлик ўлчагичнинг методик температура тузатгичи, м;

$P_{\text{аэр. келт.}}$ — кўп йиллик маълумотлар бўйича аэродромдаги денгиз сатҳи даражасига келтирилган минимал атмосфера босими, мм.см.уст. (мбар).

Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{\text{аэр. келт.}} = \frac{H_{\text{аэр}}}{11(8,25)} + P_{\text{аэр.}} \quad \text{бу ерда,}$$

$H_{\text{аэр}}$ — аэродромнинг денгиз сатҳига нисбатан юқорилиги, м;

$P_{\text{аэр.}}$ — кўп йиллик кузатувлар бўйича аэродром УҚЙ даражасидаги минимал атмосфера босими, мм.см.уст. (мбар).

Аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома ва аэронавигация ахборотлари тўпламига киритиш учун аэродром доираси (баландлик доираси) бўйича парвоз баландлиги қуйидаги формула бўйича ишланади:

$$H_{\text{айл.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + \Delta H_{\text{рел.}} - \Delta H_t, \quad \text{бу ерда,}$$

$H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}}$ — учиш ва қўниш ҳудудида ҳақиқий хавфсиз баландликнинг белгиланган қўрсаткичи, метр;

$H_{\text{рел.}}$ — йўлканинг белгиланган кенглиги доирасида, жой рельефининг, ундаги сунъий тўсиқлар баландлигини ҳисобга олингандаги, аэродром даражасига нисбатан энг юқори нуқтасининг абсолют баландлиги, метр;

H_t — кўп йиллик кузатишлар орқали аниқланган аэродромдаги ўртача йиллик температура билан белгиланадиган, баландлик ўлчагичнинг қуйидаги формула билан аниқланадиган методик температура тузатгичи, метр:

$$\Delta H_t = \frac{t_o - 15^\circ}{300} H_{\text{тўғр.}} \quad \text{бу ерда,}$$

t_o — кўп йиллик кузатувлар бўйича аэродромнинг ўртача йиллик температура-си, дўл;

$$H_{\text{тўғр.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + \Delta H_{\text{рел.}} \quad (\text{метр}).$$

Аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома ва аэронавигация ахборотлари тўпламига киритиш учун аэродром ҳудудида МБВ минимал хавфсиз баландлигини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$МХБ = 300 + \Delta H_{\text{рел.}} - \Delta H_t, \quad \text{бу ерда,}$$

$\Delta H_{\text{рел.}}$ — учишга яқинлашиш ва қўниш йўналишида УҚЙ остонаси даражасига нисбатан, сунъий тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда, жой рельефининг энг баланд нуқтаси, метр;

H_t — кўп йиллик кузатишлар орқали аниқланган аэродромдаги ўртача йиллик температура билан белгиланадиган, баландлик ўлчагичнинг қуйидаги формула билан аниқланадиган методик температура тузатгичи, метр:

$$\Delta H_t = \frac{t_o - 15^\circ}{300} H_{\text{тўғр.}} \quad \text{бу ерда,}$$

t_o — кўп йиллик кузатувлар бўйича аэродромнинг ўртача йиллик температура-си, дўл;

$$H_{\text{тўғр.}} = 300 + H_{\text{рел}} \text{ (метр).}$$

Аэродром ҳудуди минимал хавфсиз баландлиги, агар унинг кўрсаткичи ўтиш эшелонига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$МХБ = 300 + H_{\text{рел}} - \Delta H_t + (760 - P_{\text{аэр. келт.}}) \cdot 11, \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{рел}}$ — қўнишга яқинлашиш ва кириш йўналишида, жой рельефининг, ундаги сунъий тўсиқлар баландлигини ҳисобга олингандаги, энг юқори нуқтасининг абсолют баландлиги, метр;

ΔH_t — кўп йиллик кузатишлар орқали аниқланган аэродромдаги ўртача йиллик температура билан белгиланадиган, баландлик ўлчагичнинг қуйидаги формула билан аниқланадиган методик температура тузатгичи, метр:

$$\Delta H_t = \frac{t_o - 15^\circ}{300} H_{\text{тўғр.}} \text{ бу ерда,}$$

t_o — кўп йиллик кузатувлар бўйича аэродромнинг ўртача йиллик температура-си, дўл;

$$H_{\text{тўғр.}} = 300 + H_{\text{рел}} \text{ (метр),}$$

+

$P_{\text{аэр. келт.}}$ — аэродромда кўп йиллик маълумотлар бўйича денгиз сатҳи даражасига келтирилган, минимал атмосфера босими қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

—

$$P_{\text{аэр. келт.}} = \frac{H_{\text{аэр}}}{11(8,25)} + P_{\text{аэр.}} \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{аэр}}$ — аэродром денгиз сатҳига нисбатан юқорилиги, метр;

$P_{\text{аэр.}}$ — кўп йиллик кузатишлар бўйича аэродром УҚЙ даражасида минимал атмосфера босими, ммртсметруст (мбар).

Эслатма: агар МХБ ўтиш эшелонига тенг ва ундан ортиқ бўлса, унда денгиз сатҳи даражасидан кўрсатилади ва қавсиз ёзилади.

Пастки эшелондан пастроқда парвозда аэродром ҳудудида хавфсиз баландлик ҳисоби қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$H_{\text{аэр. хавфс.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + \Delta H_{\text{тўсиқ.}} - \Delta H_t, \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}}$ — учиш ва қўниш ҳудудида ҳақиқий хавфсиз баландликнинг белгиланган кўрсаткичи, метр;

$H_{\text{тўсиқ.}}$ — аэродром даражасига нисбатан жой рельефининг, сунъий тўсиқлар инobatга олинган ҳолда, энг баланд нуқтаси баландлиги. Парвоз тезлиги 300 км/с ортиқ бўлганида сунъий тўсиқлар баландлиги $H_{\text{тўсиқ.}}$ ҳисобга олинади, тоғли жойларда эса, ҳамма ҳолатларда ҳам, парвоз тезлигидан қатъи назар, йўлканинг белгиланган кенглиги доирасида ҳисобга олинади, метр;

ΔH_t — қуйидаги формула бўйича метрларда аниқланадиган, баландлик ўлчашнинг методик тузатгичи:

$$\Delta H_t = \frac{t_o - 15^\circ}{300} H_{\text{тўғр.}} \text{ бу ерда,}$$

t_o — аэродромдаги ҳақиқий ҳарорат, дўл;

$$H_{\text{тўғр.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + \Delta H_{\text{тўсиқ}}, \text{ метр}$$

Йўналиш бўйича (авиация ишлари ҳудудида) пастки эшелондан пастда хавфсиз парвоз баландлиги қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$H_{\text{келт. хавфсиз.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{тўсиқ}} - \Delta H_t, \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}}$ — хавфсиз парвознинг белгиланган кўрсаткичи, метр;

$H_{\text{тўсиқ}}$ — жой рельефининг, ундаги табиий тўсиқларни инобатга олган ҳолда, энг баланд нуқтасининг абсолют баландлиги. Парвоз тезлиги 300 км/с ортиқ бўлганда сунъий тўсиқлар баландлиги $H_{\text{тўсиқ}}$ ҳисобга олинади, тоғли жойларда эса, ҳамма ҳолатларда ҳам, парвоз тезлигидан қатъий назар, йўлканнинг белгиланган кенглиги доирасида ҳисобга олинади, метр;

ΔH_t — қуйидаги формула бўйича метрларда аниқланадиган, баландлик ўлчашнинг методик тузатгичи:

$$\Delta H_t = \frac{t_o - 15^\circ}{300} H_{\text{тўғр.}} \text{ бу ерда,}$$

t_o — учиш ва қўниш (улардан камроғи) аэродромида ҳақиқий ҳарорат, дўл;

$$H_{\text{тўғр.}} = H_{\text{ҳақ. хавфсиз.}} + H_{\text{тўсиқ}}, \text{ метр}$$

Аэродром ҳудудида ўтиш эшелони ҳисоби қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$H_{\text{ўт. эш.}} = H_{\text{ўтиш.}} + 600 + H_{\text{аэр.}} \text{ бу ерда,}$$

$H_{\text{ўтиш.}}$ — аэродром ҳудудига ўтиш баландлиги, кўрсаткичи доира бўйлаб парвоз баландлигидан паст бўлмаслиги лозим (метр);

$H_{\text{аэр.}}$ — аэродромнинг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги (метр).

Аэродромнинг денгиз сатҳи даражасига келтирилган босими стандарт босимга тенглашган ҳолдаги шароитида ҳисобланади. Ҳисоблаш орқали олинган баландлик кўрсаткичи яқинроқ бўлган юқори эшелонгача яхлитланади.

Ҳисобланган ўтиш эшелони ушбу аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномада ва бошқа аэронавигация маълумотлари ҳужжатларида кўрсатилади.

Аэроузелга ўтишнинг пастки эшелони аэроузелга кирувчи аэродромларга ўтишнинг энг кўп эшелонидан паст бўлмаган қилиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
4-ИЛОВА


Кутиш ҳудудида парвоз ҚОИДАЛАРИ

Навбатдаги ХК аэродромга келишини ёки қўнишга киришини бошқаришни таъминлаш учун, қоида тариқасида аэродром аэронавигация нуқтаси ёки ҳаво коридори устида жойлашадиган кутиш ҳудудлари белгиланади.

ХК кутиш ҳудудидаги ҳаракатлари белгиланган схема бўйича бажарилади.

Кутиш схемасининг конфигурацияси ва фойдаланиладиган атамалар.

1-расм



1-расмда келтирилган кутиш схемаси кутиш ҳудудлари ўнг билан қайрилиш парвозлари (стандарт) схемаларига кирази. Кутиш ҳудудларида чап қайрилишли (ностандарт) парвозларнинг тегишли схемалари яқинлашиши йўлига нисбатан симметрик жойлашади.

Йўл чизиғи ҳамма схемаларда кўрсатилган ва учувчилар курсни маълум шамолга тўғрилаган ҳолда, курс ва вақтга кутиш ҳудудига киришда ва унда парвози давомида тузатишлар киритиб, йўл чизиғида ушлаб туришлари лозим

Кутиш ҳудудида парвозларнинг усуналар кўрсаткичлари бўйича тезлиги.

Парвозлар баландлиги	Одатий шароитлар	Турбулентлик шароитлари
Қўшимча 4200 метргача	425 км/с (230 уз) 315 км/с (170 уз) ²	425 км/с (230 уз) 315 км/с (170 уз) ²
4200 метрдан юқорилари қўшича 6100 метргача	445 км/с (240 уз)	520 км/с (280 уз) ёки нима камлигидан келиб чиқиб, 0.8 м
6100 метрдан юқорилари 10100 метр қўшимча	490 км/с (265 уз)	
10 100 метрдан юқори	0.83 м	0.83 м

Эслатма:

а) юқорида кўрсатиб ўтилган парвоз баландликлари баландлик ўлчагични мослаштирилишига қараб нисбий баландлик ёки парвознинг тегишли эшелонлари орқали акс эттирилади.

б) фақат А ва Б тоифадаги ХК кутиши учун


Барча қайрилишлар 25 даража оғиш бурчаги ва 3 даража/секунд бурчак тезлиги билан бажарилиши керак, бунда оғишнинг кичик бурчаги олинади.

Кетиш йўли чизиги бўйлаб парвоз вақти 4200 метр баландликкача бир дақиқа-ни ташкил этади ва 4200 метр баланд баландликларда 1 метр 30 сек, агар кутиш схемасида ўзгача белгиланган бўлмаса.

Кетиш йўли чизиги бўйлаб парвознинг ҳисобланиши назорат нукта устидан ёки унинг ёнидан, ундан кечроқ нима бўлишига қараб, бошланади. Агар ённинг жойлашган ўрнини аниқлаш мумкин бўлмаса, унда ҳисоб кетиш йўли чизигига қайрилган вақтдан бошланади.

Кутиш ҳудудига кириш қоидалари


Кутиш ҳудудларига кириш секторлари



Кутиш ҳудудларига кириш киришнинг ўша секторлари йўналишларидан (1, 2, 3) амалга оширилади, бунда сектор чегараларининг ҳар томонидан 5 даража оғишга рухсат этилади.

Кутиш ҳудудига кириш


Кутиш ҳудудига 1-сектордан кириш (параллел кириш)



Кутиш ҳудуди назорат нуқтасини учиб ўтган ХК кетиш йўли чизигига параллел бўлган йўл чизигига қайрилишни амалга оширади ва кетиш йўлида парвоз қилиш учун берилган вақтга тенг у бўйлаб давом этади. Сўнгра кутиш ҳудуди назорат нуқтаси томонга парвозга чиқиш учун кетиш йўли чизиги томонга қайрилишни бажаради. Кутиш ҳудуди назорат нуқтаси устидан иккиламчи парвоз амалга оширилганидан кейин кетиш йўли чизигига қайрилиш амалга оширилади ва кейинчалик схема бўйича:


- берилган вақт давомида кетиш йўли чизиги бўйлаб парвоз;
- 180 даражада яқинлашиш йўли чизигига қайрилиш;

Кутиш ҳудудига 2-сектордан кириш (аралаш кириш)



Кутиш ҳудуди назорат нуқтаси учиб ўтилганидан кейин ҲК яқинлашиш чизиғига 30 даража бурчак остида ётган чизикқа қайрилишни бажаради ва кетиш йўли чизиғи учун кўрсатилган вақт ёки 1 мин 30 сек, давомида парвозни бажаради. Шундан кейин яқинлашиш чизиғига қайрилишади ва қолгани схема бўйича бажарилади.

Кутиш ҳудудига 3-сектордан кириш (тўғри кириш)



Кутиш ҳудуди назорат нуқтасидан учиб ўтилгандан кейин ҲК кетиш йўли чизиғига қайрилишни амалга оширади ва кўрсатилган схема бўйлаб давом этади.

Кутиш йўли чизиги бўйлаб давом этиш вақти ҳисоби кутиш ҳудуди назорат нуқтаси ёнидан учиб ўтилган вақтдан бошланади. Сўнгра яқинлашиш йўли чизигига чиқиш учун 180 даражада қўшалоқ қайрилиш бажарилади. Қайрилишнинг ўртача бурчаги 25 даражадан ошмаслиги лозим.

Шамол таъсирини компенсация қилиш учун назорат ҳаракатлари

Яқинлашиш йўлидаги кутиш назорат нуқтасини учиб ўтгунга қадар яқинлашиш йўли чизигига қайтиш мақсадида шамол таъсирининг компенсацияси учун курсда ҳам ва вақт бўйича ҳам тузатишлар киритиш керак.

Бундай тузатишларни киритишда аэронавигация воситаларининг бор кўрсаткичларини ва назарда тутилган ёки маълум шамол ҳақидаги маълумотлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш лозим. ДМЕдан чекланган даражадаги оралиқ масофа доим йўлнинг орқага қайтиш чизигини чегаралайди. Чекланган радиал эълон қилинган ва самолёт дастлаб шу радиалга кирадиган тақдирда, у яқинлашиш йўли чизигига қайрилгунча, ҳеч бўлмаганида ДМЕдан керакли оралиқ масофага узоқлашгунча шу бўйлаб давом этиши лозим.

Кутиш ҳудудидан чиқиш

Кутиш пунктини тарк этишга рухсат олган учувчи кўрсатилган вақтда кутиш ҳудуди доирасида белгиланган вақтга, кўрсатилган вақтда кутиш пунктини тарк этиш учун, вақтини тўғрилаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
5-ИЛОВА

Ҳалокат ва шошилиш сигналлари рўйхати

ҲКдан узатиладиган ҳалокат сигналлари

Биргаликда ёки алоҳида узатилаётган ҳалокат сигналлари ҲКга жиддий ва бевосита хавф солинганлигини ва у зудлик билан ёрдамга муҳтож эканлигини аңлатади.

Ҳалокат сигналлари қуйидаги йўл билан узатилади:

а) радиотелефон орқали узатиладиган сигнал 3 марта такрорланадиган «SOS», 1 марта «ДЕ» ва ҳалокатга учраётган ҲК экипажи позивнойлари 3 марта такрорланиши;

б) радиотелефон орқали узатиладиган «Ҳалокатга учраяпман» сигнали (халқаро парвозларда «Мейдей») 3 марта, «Мен» 1 марта, ҳалокатга учраётган ҲК экипажи позивнойлари 3 марта узатилиши;

в) қисқа вақт давомида чиқариладиган, қизил рангда ярқирайдиган ракеталар; Ҳалокат сигналлари уларни қабул қилганлик ҳақида тасдиқ олинмагунча қисқа интерваллар билан такрорланиб туриши лозим.

Агар шароит бўлса ҳалокат сигнали ортидан ҳалокат тўғрисидаги маълумот узатилиши ҳам мумкин:

- а) жой кенглиги — 2 марта;
 - б) жой узоқлиги — 2 марта;
 - в) ўртача европа (Гринвич бўйича) вақти — 2 марта;
 - г) шикастланиш тури ва керак бўлган ёрдам — 1 марта;
 - д) ХК командири томонидан қабул қилинган қарор ва кидирув ва қутқарувига кўмаклашувчи бошқа маълумотлар — 1 марта;
 - е) «Қабул» — сўзи.
- Ҳалокат ҳақидаги ҳар бир хабардан кейин 1-2 дақиқа алоқага чиқиш лозим.

ХКдан узатилаётган сигналларнинг шошилинчлиги

Шошилинч сигналлар ХКни иложсиз қўнишга мажбур қиладиган, лекин зудлик билан ёрдам кўрсатилишини талаб этмайдиган қийинчиликни бошдан кечириётганини хабардор қилишини англатади:

- а) қўниш фараларининг такрорий ўчириб ёқиши;
- б) аэронавигация чироқларини уларнинг импульсив ёнишидан бошқача такрорий ўчириб ёқиши.

ХК ва ундаги йўловчилар ва экипаж учун эҳтимолий хавф мавжуд бўлганидаги узатиладиган халқаро шошилинч сигналлар узатилади:

- а) радиотелеграфда — «БББ»;
- б) радиотелефонда — «ПАН (PAN)

Кидирув-қутқарув ишларида қўлланиладиган сигналлар

Иложсиз қўнишни содир қилингунча, «КОСПАС-САРСАТ» спутник тизими билан пеленгацияни таъминлаш учун радиостанцияни тонли хабар узатиш тартиби («Маяк» тартибига) ёқиши лозим. Бу режимда уч соат давомида ишлаш лозим, кейин алоқа тартибига ўтилади. Кейинчалик иложсиз қўнишнинг биринчи кунлари ҳар бир соат бошида уч марта ҳалокат тўғрисида хабар узатишни ва улардан ҳар бир хабардан кейин уч дақиқадан қабул тартибига ўтиш керак, сутканинг бошқа вақтида радиостанцияни қабул тартибига ушлаш зарур.

Охирги суткаларда ҳар бир соат бошида уч марта ҳалокат тўғрисида хабар узатишни ва улардан ҳар бир хабардан кейин уч дақиқадан қабул тартибига ўтиш керак, сутканинг бошқа вақтида радиостанцияни ўчириб қўйиш лозим.

Ҳалокатга учраган ХК экипажига, ўзаро радио шовқинларга йўл қўймаслик мақсадида, радиостанцияларни бир вақтнинг ўзида бир нечта авария-қутқарув узатиш УКВ улаш ТАҚИҚЛАНАДИ.

«Ер — осмон» визуал сигналларининг кодлари. Ердан туриб кидирув-қутқарув ХК экипажларига узатиладиган сигналлар

Тирик қолганлар фойдаланиши учун «Ер — осмон» визуал сигналларининг коди

№	Сигналнинг мазмуни	Сигнал
1.	Ёрдам керак	V
2.	Тиббий ёрдам керак	X
3.	Йўқ ёки салбий	N
4.	Ҳа ёки ижобий	л
5.	Шу йўналишда ҳаракатланяпмиз	↑

№	Сигналнинг мазмуни	Сигнал
Ерда қидирув гуруҳлари фойдаланиши учун «ер — ҳаво» визуал сигналлари коди		
1.	Ҳаракатлар (операциялар) тугатилган	LLL
2.	Биз ҳамма одамларни топдик	LL
3.	Биз фақат бир нечта одамларни топдик	
4.	Биз қидирувни давом эттира оладиган аҳволдамасмиз. Базага қайтамиз.	XX
5.	Иккита гуруҳга бўлиндик. Ҳар бир гуруҳ кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракатланади	
6.	Ҳаво кемаси мана шу йўналишда эканлиги тўғрисида маълумот олинди	
7.	Ҳеч нарса тополмадик. Қидирувни давом эттираемиз.	Н Н

Сигнал ўлчамлари иложи борица узунлиги 2,5 метрдан кам бўлмаслиги, ва улар максимал даражада сезиларли бўлиши лозим.

Визуал сигналлар сифатида кўринарли жойда матодан, парашют материалидан, дарахт бўлакларидан, тошлардан, қопламалардан ва бошқа нарсалардан қўйиб чиқилган йўлакчалар бўлиши мумкин. Юқорида эслатиб ўтилган сигналларга радио, ёруғлик сигнал ракеталари, тутун ва бошқа нарсалар ёрдамида эътиборни жалб қилиш мумкин.

Қидирув қутқарув ХК экипажи томонидан ҳавода узатиладиган сигналлар

Ердан берилган сигнал тушунилганлиги тўғрисида ХК экипажи узатадиган сигналлар:

кундузи — ХКни қанотидан қанотига чайқалиши;

кечаси — қўниш фараларини икки марта учириб ёқиш, агар ХК бу фонарлари бўлмаса икки марта АНО ёқиб учириш.

Агар ХК шундай сигналларни узатмаса, демак экипаж ердан узатилаётган сигналларни тушунмаган.

Қидирув ХК экипажлари томонидан сув усти кемаларига узатиладиган сигналлар

Қидирув ХК экипажлари сув усти кемасини ҳалокатга учраган ХК ёки денгиз (дарё) кемасига йўналтиришда қуйидаги маневрларни бажаради:

— сув усти кемаси устида камида бир марта айланиб учади;

— қанотдан қанотга чайқалиб, сув усти кемаси юриши керак бўлган курсни паст баландликда кесиб ўтади;

— сув усти кемаси ортидан эргашиси лозим бўлган курсга чиқади.

Агар сигнал узатилган сув усти кемасининг ёрдами бошқа талаб этилмаса,

қидирув ХК сув усти кемасининг тумшуқ қисми яқинида қанотдан қанотга чайқалиб, паст-баландликда унинг юраётган чизигини кесиб ўтиб парвоз қилади.

**Сув усти кемаларидан қидирув ХК экипажига узатиладиган
сигналлар**

Сув усти кемалари қидирув ХК ушбу иловада кўрсатиб ўтилган сигналларини олганлиги ҳақида қуйидагича тасдиқлайди:

— кодли вимпел (вертикал қизил ва оқ йўллари бор) юқорига охиригача кўтариб;

— сигнал фонари билан Морзе коди бўйича бир неча марта «Т» ҳарфини узатиб;

— курсни ўзгартириб ХК орқасидан юриб.

Узатилган кўрсатмалар бажарилиши иложи йўқлиги тўғрисида сув усти кемалари қуйидагича сигнал узатади:

— халқаро «N» байроғини кўтариб (шахмат тахтасидаги каби оқ ва кўк квадратли);

— сигнал фонари билан Морзе коди бўйича бир неча марта «N» ҳарфини узатиб.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
6-ИЛОВА

Фуқаро ҳаво кемаларининг тутиб олиниши

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида риоя этилиши лозим бўлган принцип-лар:

а) фуқаро ҳаво кемаларини тутиб олиш фақат охирги зарурат пайтида қўлланади;

б) уни агар режалаштирилган йўл чизигига олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқариб юбориш тақиқланган, парвоз қилиниши чекланган ёки хавфли ҳудудидан бошқа тарафга йўналтириш ёхуд ушбу ХКга кўрсатилган аэродромда қўнишига зарурат бўлмаса тутиб олиш амалга оширилганида ХКни таниб олиш билан чекланилади;

в) фуқаро ХКларни ўқув тутиб олишларга йўл қўйилмайди;

г) тутиб олинган фуқаро ХК билан алоқа ўрнатиш иложи бўлганида парвоз йўналиши ва тегишли маълумотлар берилиши лозим;

д) тутиб олинган фуқаро ХК учиб ўтаётган территориясида қўнишни амалга оширилиши талаб этилса, қўниш учун кўрсатилган аэродром ХК хавфсиз қўнишни таъминлашга яроқли бўлиши лозим;

е) фуқаро ХКга нисбатан қурол ишлатишдан тийилиш;

ж) учувчи билан ердаги тегишли орган ўртасида ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлаш учун барча эҳтимолий кучларни қўллаш.

Учиш бўлинмалари учувчи-рахбар таркиби, СХБ органлари хизматлари раҳбарлари:

а) фуқаро ХК барча учувчилари ХК тутиб олинганида бажаришлари лозим бўлган ҳаракатлар ва қўлланиладиган сигналлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари;

б) фуқаро ХК командири ХК тутиб олинганида 121,5 мГц частотада алоқа ўрнатишга тааллуқли талабларни, визуал сигналлар узатиш қоидалари ва лозим бўлган ҳаракатларни бажаришлари;

в) СХБ органларининг барча ходимлари фуқаро ХК тутиб олинган ҳолларда ўзлари бажаришлари лозим бўлган ҳаракатлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари учун барча чораларни кўришлари лозим.

Тутиб олинган ХК учиб ўтаётган территориясида қўниши талаб этиладиган алоҳида ҳолатларда ХХК ва СХБ органлари қуйидагиларни назарда тутишлари лозим:

а) кўрсатилган аэродром ушбу ХК тури хавфсиз қўнишига яроқли бўлишини, айниқса бу аэродром қоида тарикасида фуқаро ҳаво ташувлари учун фойдаланилмаси;

б) атроф муҳит доира бўйлаб учишга, қўнишга киришга ва иккинчи доирага кетишга яроқли бўлишини;

в) тутилган фуқаро ХК аэродромга боришга етадиган ёнилғига эга бўлишини;

г) агар тутиб олинган ХК фуқаро транспорти самолёти бўлса, аэродром ушбу ХК қўниши учун етарли бўлган ўртача денгиз сатҳидаги узунлиги 2500 метрдан кам бўлмаган пишиқ қопламали УҚЙга эга бўлиши лозимлиги;

д) кўрсатилган аэродром Аэронавигация ахборотлари тўпламида тасвирланган бўлишини.

Тутиб олинган ХК хавфсиз қўнишга кириши ва қўниши учун зарур бўлган барча маълумотлар унинг бортига радиотелефон орқали етказиб берилади.

+

Тутиб олинган ХКнинг ҳаракатлари

—

Бошқа ХК томонидан тутиб олинган фуқаро ХК қуйидагиларга мажбур:

а) тутиб олган ХКга эргашиши ва визуал сигналларга тутиб олган ХК талабларига мувофиқ жавоб қайтаришга;

б) имкон қадар тегишли СХБ органини огоҳлантиришга;

в) тутиб олган ХК билан ёки тутиб олишни бошқараётган тегишли орган билан 121,5 мГц авария частотасида тутиб олинган ХКни, унинг парвози хусусиятини айтиб радиоалоқа ўрнатишга уриниб кўриши, агар алоқа ўрнатиш имкони бўлмаса, 243,0 мГц авария частотасида такрорий чақириқлар қилиб алоқа ўрнатишга уриниб кўришга.

Агар радио орқали ҳар қандай манбалардан олинган ҳар қандай кўрсатма тутиб олган ХК томонидан визуал сигналлар ёрдамида узатилаётган кўрсатмаларига зид бўлса, тутиб олинган ХК тутиб олувчи томонидан визуал юборилаётган кўрсатмаларини бажариб, ундан зудлик билан тушунтириш сўрайди.

Тутиб олинган ХК қўлланаётган визуал сигналларга қатъий амал қилиши, уларни тўғри тушуниши, авария ҳолатида зудлик билан тутиб олувчига бунга ишора этувчи сигналлар юбориши лозим.

Тутиб олган ХК сигнал-буйруқлари ва тутиб олинган ХК сигнал-жавоблари

Тутиб олган ХК сигнал-буйруқлари ва тутиб олинган ХК сигнал-жавоблари 1-жадвалда кўрсатилган.

I -жадвал

Серия сигналлари	Тутиб олувчи гуруҳи сигналлари		Тутиб олинаётган ҳаво кемаси жавоб сигналлари	
	Сигналнинг мазмун	Тутиб олувчининг ҳаракатлари	Сигнал мазмун	Тутиб олинаётган ҳаво кемасининг ҳаракатлари
I	2	3	4	5
биринчи	Сиз тутиб олиндингиз. Ортимдан эргашинг	Самолётлар ва вертолётлар Кундузи — тутиб олувчи, олдинда сал юқорида жойлашган ҳолда, қоида тариқасида тутиб олинаётган ҳаво кемасидан чап тарафда, қанотдан қанотга чайқалади (навбати билан чап ва ўнг крен ҳосил қилиб). Сигнал қабул қилинганлиги ҳақида тасдиқ олганидан кейин секин, қоида тариқасида чапга, горизонтал қайрилишни амалга ошириб, ҳаракатланши курсининг эгаллайди. Кечаси — худди кундузи бажарилган ҳаракатлар ҳамда қўшимча тарзда аэронавигация чироқлари ва қўниш фараларини нотекис ўчириб ёқиб.	Сизни тушундим, бажараман	Самолётлар Кечаси ёки кундузи — ҳаво кемасини чайқалтириш, аэронавигация чироқларини нотекис ўчириб ёқиб ва тутиб олган ҳаво кемаси ортидан бориш Вертолётлар Кечаси ёки кундузи — навбати билан ўнг ёки чап тарафга отиб парвоз этади, аэронавигация чироқлари ва қўниш фаралари билан нотекис интерваллар оралигида ўчириб ёқиб қўниш амалга оширади ва тутиб олувчига эргашади
Иккинчи	Сизнинг йўлингиз очиқ, режа бўйича парвозни давом эттиришингиз мумкин	Самолёт ва вертолётлар кечаси ва кундузи — тутиб олинган ҲҚ бораётган курсни кесиб ўтмаган ҳолда, баландликни эгаллаб, 90 ва ундан ортиқ даражага қайрилишни ичига олувчи, ишгиёқ билан тутиб олган ҲҚдан узоқлашиш маневри.	Сизни тушундим, бажараман	Самолётлар Кечаси ва кундузи — Қанотидан қанотига чайқалиш Вертолётлар Кечаси ва кундузи — чап ва ўнг кренларни навбатма- навбат бажариш билан учиб
Учинчи	Мана шу аэродромда қўнишни бажаринглар	Самолёт ва вертолётлар Кундузи — аэродром устида доира бўйлаб парвоз, шассини чиқариш ва қўниш йўналиши бўйича УҚЙ устидан парвоз, ёки, агарда тутиб олинган ҲҚ вертолёт бўлса, аэродром (вертолёт қўниш майдончаси) устидан учиб ўтиш. Кечаси — кундузи қилинган ҳаракатлар ва қўшимча қўниш фараларини ёқиб ва узлуксиз ёниб туриши.	Сизни тушундим, бажараман	Самолётлар Кундузи — шассини чиқариб тутиб олувчига эргашиб ва агар УҚЙ устидан учиб ўтилганда қўниш хавфсиз бўлса, қўнишга кириш ва қўнишни бажариш Вертолётлар Кундузи — тутиб олувчига эргашиб ва қўниш фараларини ёқиб уларнинг узлуксиз ёруғида қўнишни бажариш Самолётлар Кечаси — худди кундузи қилинган ҳаракатлар ва қўшимча қўниш фараларини ёқилиши ва узлуксиз ёниб туриши Вертолётлар Кечаси — тутиб олувчига эргашиб ва ёқилган қўниш фараларининг узлуксиз ёруғида қўнишни бажариш

+

+

Тутиб олинган ХК сигналлари ва тутиб олган ХК сигнал-буйруқлари

Тутиб олинган ХК сигналлари ва тутиб олган ХК сигнал-буйруқлари 2-жадвалда келтирилган

2-жадвал

Сигналлар серияси	Тутиб олинган ХК сигналлари		Тутиб олувчининг сигнал-буйруқлари	
	сигнал мазмуни	Тутиб олинган ХК ҳаракатлари	сигнал мазмуни	Тутиб олувчининг ҳаракатлари
1	2	3	4	5
Тўртинчи	Сиз томонингиздан қўрсатилган аэродром ХК турига мос эмас, қўнишга яроқсиз	Самолётлар Кундузи — УҚЙ устидан учиб ўтишда аэродром даражасидан 300 метр кам 600 метр қўп бўлмаган баландликда шассиларни йиғиб олиш ва аэродром устида доира бўйлаб ва давом этиш. Кечаси — УҚЙ устидан учиб ўтишда аэродром даражасидан 300 метрдан кам 600 метрдан қўп бўлмаган баландликда шассиларни йиғиб олиш ва қўниш фараларини ўчириб ёқиш ва аэродром устида доира бўйлаб парвозда давом этиш. Агар қўниш фаралари билан ўчириб ёқишнинг иложи бўлмаса, мавжуд ҳар қандай чироқларни ўчириб ёқиш. Вертолётлар кундузи — аэродром (вертолёт қўниш майдончаси) устидан аэродром даражасидан (вертолёт қўниш майдончаси) 50 метрдан кам 100 метрдан ортиқ бўлмаган баландликда учиб ўтиш ва доира бўйлаб учишни давом эттириши. Кечаси — аэродром (вертолёт қўниш майдончаси) устидан аэродром даражасидан (вертолёт қўниш майдончаси) 50 метрдан кам 100 метрдан ортиқ бўлмаган баландликда учиб ўтишда қўниш фаралари ва аэронавигация фараларини ўчириб ёқиш ва доира бўйлаб учишни давом эттириши.	Сизни тушундим, ортимдан боринг	Самолётлар Кечаси ва кундузи (агар тутиб олинган ХК тутиб олувчи ортидан захира аэродромга бориши талаб этилса) — шассини йиғиштириб тутиб олувчи сигналларининг биринчи классини узатиш Вертолётлар Кечаси ва кундузи (агар тутиб олинган ХК тутиб олувчи ортидан захира аэродромга ёки вертолёт қўниш майдончасига бориши талаб этилса) — тутиб олувчи биринчи серия сигналларни узатади Самолётлар ва вертолётлар кечаси ва кундузи (агар тутиб олинган ХКни қўйиб юбориш қарори қабул қилинган бўлса) — тутиб олувчининг иккинчи серия сигналларини юборади
Бешинчи	Сизнинг буйруғингизни бажара олмайман	Самолётлар ва вертолётлар кечаси ва кундузи — барча борт чироқларини ялтировчи чироқлардан фарқлай олиш мумкин бўлган тарзда, доимий ўчириб ёқиш.	Сизни тушунмадим	Самолётлар ва вертолётлар Кечаси ва кундузи — Тутиб олувчи иккинчи серия сигналларни узатади
Олтинчи	Ҳалокат ҳолатидаман	Самолётлар ва вертолётлар кечаси ва кундузи — нотенг вақт оралигида барча борт чироқларини ўчириб ёқиш.	Сизни тушундим	Самолётлар ва вертолётлар Кечаси ва кундузи — тутиб олувчи иккинчи серия сигналларни узатади

Агар тутиб олувчи билан алоқа белгиланган бўлса, бироқ алоқани умумий бўлган тилда ўрнатиш иложи бўлмаса, асосий маълумотни ва кўрсатмаларни қабул қилганлик тасдиғини икки марта қайтариловчи қуйидаги иборалар орқали етказишга уриниб кўрилади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

ТУТИБ ОЛУВЧИ томонидан қўлланадиган иборалар			ТУТИБ ОЛИНГАН ҲК томонидан қўлланадиган иборалар		
Ибора	Талаффуз этилиши*	Маъноси	Ибора	Талаффуз этилиши*	Маъноси
CALL SIGN	<u>КОЛ</u> САЙН	Позивнойингизни маълум қилишингизни сўрайман	CALL SIGN (call sign)**	<u>КОЛ</u> САЙН (позивной)	Менинг позивнойим
FOLLOW	<u>ФОЛ</u> -ЛОУ	Ортимдан юринг	WILCO	<u>ВИЛ</u> -КО	Сизни тушундим, бажараман
DESCEND	ДИ- <u>СЕНД</u>	Қўнишни амалга ошириш учун пастлашинг	CAN NOT	<u>КАН</u> НОТ	Бажара олмайман
YOU LAND	<u>Ю</u> ЛЭНД	Мана шу аэродромга қўнинг	REPEAT	РИ- <u>ПИТ</u>	Кўрсатмангизни такрорланг
PROCEED	ПРО- <u>СИД</u>	Ўз курсингизда давом этинг	AM LOST	<u>ЭМ</u> ЛОСТ	Мўлжални йўқотдим
			MAYDAY	<u>МЭЙДЕЙ</u>	Ҳалокатга учраяпман
			HIJACK***	<u>ХАЙ</u> -ДЖЭК	Эгаллаб олинган
			LAND (place name)	ЛЭНД (жой номи)	(Жой номи)га қўнишни сўрайман
			DESCEND	ДИ- <u>СЕНД</u>	пастлашиш лозим

Эслатма:

* Иккинчи колонкада урғу билан талаффуз этиладиган бўғинлар остига чизиб қўйилган.

** Талаб этилаётган позивной СХБ органлари билан радиотелефон алоқа ўрнатиш учун фойдаланиладиган ва ҲКнинг парвоз режасига киритилган таниш индексига мос келадиган позивной бўлиши лозим.

*** шароит ҳар доим ҳам ХАЙ-ДЖЭК иборасини қўллаш учун мос бўлавермаслиги мумкин.

Аэродром диспетчерлик пункти сигналлари

Ёруғлик сигнали кўринишидаги кўрсатмалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Чироқ	Аэродром диспетчерлик хизмати	
	ХК парвозда	ХК ерда
Яшил доимий ёниб туриш учун	Кўнишга рухсат этилган	Учишга рухсат этилган
Қизил доимий ёниб туриши	Бошқа кемаларга йўл беринг ва айлана бўйлаб учишни давом эттиринг	Стоп
Яшил чақнашлар серияси	Кўнишни амалга ошириш учун ортга қайтинг	Қайрилишларга рухсат берилди
Қизил чақнашлар серияси	Аэродром яроқсиз. Кўниш тақиқланади	Қайрилиш кўниш майдончасидан ташқарида амалга оширилади
Оқ чақнашлар серияси	Мана шу аэродромда кўнишни амалга оширинг ва перронга келинг	Аэродромдаги бошланғич жойга қайтинг

Тегишли ХК тарафига йўналтирилган қизил ракета, бундан олдинги ҳар қандай сигнал-буйруқдан қатъи назар, ҳозирги вақтда кўнишга рухсат этилмаслигини билдиради.

ХК сигнални олганининг тасдиғи:

а) парвоз чоғида:

1) кундузи — қанотларни чайқалтириш (бу сигнални учинчи ва тўртинчи қайрилиш орасида ва якуний тўғрида бериш керак эмас);

2) кечаси — кўниш фараларини икки марта ўчириб ёкиш ёки агар, улар ўрнатилмаган бўлса аэронавигация чироқларини икки марта ўчириб ёкиш;

б) ерда чоғида:

1) кундузи — элерон ёки бурилиш рулининг ҳаракати билан;

2) кечаси — кўниш фараларини икки марта ўчириб ёкиш ёки агар, улар ўрнатилмаган бўлса аэронавигация чироқларини икки марта ўчириб ёкиш.

Кузатиш автомобилидан узатиладиган сигналлар

Яшил ранг — менга қараб бошқаринг (ортимдан);

Қизил ранг — бошқаришни тўхтатинг (стоп);

Танаффусли ўчириб ёкиш — бошқариш тезлигини камайтириш (эътиборни ошириш).

Парвозлар чекланган, тақиқланган ёки хавфли ҳудудида, шундай ҳудудлардан бирига боровчи йўлда парвозларни бажараётган ХКни огоҳлантириш учун фойдаланиладиган визуал сигналлар:

кечаси ва кундузи ушбу ХК кейинги парвозлари бундай ҳудудлардан ташқарида ўтиши учун зарур чоралар кўриши лозимлигини англатувчи, портлаганида қизил ва сариқ ёруғлик ёки чўғлар берадиган ракеталарни 10 с интервал билан учуриш.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
7-ИЛОВА

Ҳаво кемаларининг ердаги ҳаракатларини бошқарувчи сигналлар

а) сигналчи томонидан ХК бериладиган сигналлар:

Бу сигналлар қўл билан кўрсатишга мўлжалланган, учувчи тушунишини енгиллаштириш учун агар лозим бўлса қўлда ёруғлик тарқатувчи восита бўлиши мумкин. Бунда сигналчи ХК томонга юзи билан қараган ва:

- а) ХКлар учун — ХК чап томонидан, учувчи энг кўринарли жойда, ва
- б) вертолётлар учун — у учувчига энг яхши кўринадиган жойда туради.

Куракчалар, ёруғлик таратувчи жезл ёки электр фонарлардан фойдаланилганда ҳам мазкур сигналларнинг мазмуни ўзгармайди.

Сигналчи юзи билан ХК қараб турганида ХК двигателлари ўнгдан чапга қараб рақамларга эга бўлади (яъни, 1-двигател — борт бўйича чапдан энг охиригиси).

Юлдузча билан белгиланган (*) сигналлар осилиб туриш тартибида вертолётлар учун мўлжалланган.

«Жезл» тушунчасига «ёруғда нур тарқатувчи бўёқ билан бўялган куракча ва қўлқоплар» (фақат кундуз куни фойдаланиш учун) ҳам киритилади.

«Сигналчи» тушунчасига «перрон диспетчери» ҳам киритилади.

1. Қуйидаги сигналларни ишлатишдан олдин сигналчи ХК ҳаракатланиши лозим бўлган майдон шатакка олиш, бошқаришни бошлаш вақтида у тўқнашиб кетиши мумкин бўлган объектлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Эслатма: кўпчилик ХК конструкцияси шундайки, ХК ерда ҳаракатланаётган вақтида қанотлар, двигателлар орқа томондаги чет қисмлари ва бошқа чет қисмлари ҳаракатланиш траекториясини экипаж кабинасидан визуал назорат қилишнинг имкони йўқ.

2. Ён томондан кузатувчи/йўналтирувчи.



Ўнг қўлни жезл билан бош узра вертикал кўтариш, чап қўлни жезл билан тана йўналишида ҳаракатни бажариш.

Қанот охирининг чет қисмида юз тараф билан туриб берилган бу сигнал думи билан олдинга қараб шатакка олиш учувчисига/перрон диспетчерига/ раҳбарига ХК туриш жойига/туриш жойидан тўсиқларсиз ҳаракатланиши мумкинлигига ишора қилади.

3. Қўниш галереясини (тўхташ жойини) кўрсатиш.

Олдинга чўзилган қўллар, жезлларни вертикал холда ушлаб, бош узра кўтариш.



4. Кейинги сигналчига бориш ёки КДП/ер усти диспетчери кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракатланиш.

Иккала қўллар билан тепага йўналишни кўрсатиш, чўзилган қўлларни танага нисбатан ён томонга чалиштириш ва жезллар билан кейинги сигналчи ёки бошқарув ҳудуди жойлашган томонни кўрсатиш.



5. Олдинга ҳаракатланиш.

Ёнга чўзилган қўлларни тирсакка букиш ва жезллар билан кўкрак ва калла даражасида тепа-паст йўналишида ҳаракатлантириш.



6. Чапга қайрилиш (учувчи томондан).

Ўнг қўл жезл билан танага нисбатан 90 даража бурчак остида ёнга чўзилган холда чап қўл олдинга ҳаракатланиш сигналини беради. Сигнал бераётган қўл ҳаракатининг тезлиги учувчига ХК қайрилиши тезлигига ишора қилади.



7. Ўнгга қайрилиш (учувчи томонидан).

Чап қўл жезл билан танага нисбатан 90 даража бурчак остида ёнга чўзилган ҳолда ўнг қўл олдинга ҳаракатланиш сигналини беради. Сигнал бераётган қўл ҳаракатининг тезлиги учувчига ХК қайрилиши тезлигига ишора қилади.



8. Оддий тўхташ.

Қўллари жезлар билан танага нисбатан 90 даража остида ён тарафларга чўзиш ва уларни жезлар кесиб ўтгунига қадар бош узра кўтариш.



9. Шошилиш тўхташ.

Қўллари бош узра кескин кўтариш ва жезларни чалиштириш.



10. Тормозларни қўшиш.

Очилган кафтни елка даражасидан сал тепароққа кўтариш. Учувчи экипаж билан визуал контактга ишонч ҳосил қилгач бармоқларни мушт қилиб сиқиш. Экипаж томонидан қўллари катта бармоқларини кўтариш орқали тасдиқ олмагунча жойидан қимирламаслик.



11. Тормозларни қўйиб юбориш.

Бармоқлари мушт қилиб сиқилган қўл панжасини елка даражасидан сал юқори-роққа кўтариш. Учувчи экипаж билан визуал контактга ишонч ҳосил қилгач муш-

тини очиб юбориш. Экипаж томонидан қўлларининг катта бармоқларини кўтариш орқали тасдиқ олмагунча жойидан қимирламаслик.



12. Колодкалар ўрнатилди.

Ичкарига йўналтирилган, чўзилган қўлларни жезл билан бош узра кўтариб, жезлларни улар теккунича кескин суриш. Учиш экипажидан тасдиқ олишга ишонч ҳосил қилинг.



+

13. Колодкалар олинган.

Ташқарига йўналтирилган, чўзилган қўлларни жезл билан бош узра кўтариб, жезлларни кескин очиш. Учувчи экипаж рухсат олинмагунча колодкаларни олиб ташламанг.

-



14. Двигателларни ёқинг.

Юқорига йўналтирилган жезл билан ўнг қўлни бош даражасигача кўтариб шу қўл билан айлантирувчи ҳаракатни бажаради, бунда бош узра кўтарилган чап қўл ёқилиши керак бўлган двигателга ишора қилади.



15. Двигателларни ўчириш.

Жезл билан ўнг қўлни елка даражасида олдинга чўзиш, жезл билан панжани чап елкагача, кейин томоқ олдидан ўнг елкагача ҳаракатни бажариш.



16. Тезликни камайтириш.

Белидан тиззасига тепадан пастга ҳаракатларни амалга ошириб, чўзилган қўллари «Қарсак чалиш» жести билан пастга туширилади.



17. Кўрсатилган томонда двигател (двигателлар) оборотларини камайтириш.

Кўллар кафти ерга қаратилган ҳолда пастга туширилган; кейин ёки ўнг ёки чап қўли билан двигател (двигателлар) оборотини чап ёки ўнг тарафда пасайтиришни ишора қилиб тепага-пастга кўтариб туширилади.



18. Орқага ҳаракатланиш.

Кўлларни тананинг олди томонида, бели баландлигида ушлаб олдинга қараб айлантириш. Орқага қараб ҳаракатланишни тўхтатиш учун 8 ва 9-сигналлардан фойдаланилади.



19. Орқага қараб ҳаракатланишда қайрилишлар.

Дум билан ўнгга: чап қўл бурчак остида пастга қаратилган; бош узра кўтарилган ўнг қўл билан олдинга горизонтал ҳолатда ва вертикал ҳолатда орқага такрорий ҳаракатларни бажаради.



20. Орқага қараб ҳаракатланишда қайрилишлар.

Дум билан чапга: ўнг қўл бурчак остида пастга қаратилган; бош узра кўтарилган чап қўл билан олдинга горизонтал ҳолатда ва вертикал ҳолатда орқага такрорий ҳаракатларни бажаради.



+

-

21. Тасдиқловчи жавоб/йўл бўш.




Ўнг қўл юқорига йўналтирилган жезл билан боши даражасигача кўтарилади ёки қўл панжасининг бош бармоғини юқорига қилган ҳолда тутиш, бунда чап қўл пастга туширилган ва тиззага қўйилган ҳолда бўлади.

Эслатма: бу сигнал техник-эксплуатация коммуникация сигнали сифатида фойдаланилиши ҳам мумкин.



* 22. Осилиб туриш.

Қўлларни жезллар билан танага нисбатан 90 даража бурчак остида чўзиш.



*23. Юқорироқ кўтарилиш.

Қўлларни жезллар билан танага нисбатан 90 даража бурчак остида кафтларни юқорига қилган ҳолда чўзиш ва улар билан юқорига ҳаракат қилиш (қўлларни юқорига, пастга чайқалтириш). Қўллар ҳаракатининг тезлиги баландликни олиш тезлигига ишора қилади.



*24. Пастроққа тушиш.

Қўлларни жезллар билан танага нисбатан 90 даража бурчак остида кафтларни пастга қилган ҳолда чўзиш ва улар билан юқорига ҳаракат қилиш (қўлларни юқорига, пастга чайқалтириш). Қўллар ҳаракатининг тезлиги баландликни олиш тезлигига ишора қилади.



*25. Горизонтал ҳолда чапга (учувчи томондан) ҳаракатланиш.

Ўнг қўлни танага нисбатан 90 даража бурчак остида чўзиш. Бошқа қўл билан ўша йўналишда такрорий ҳаракатлар билан ҳаракатни амалга ошириш.



*26. Горизонтал ҳолда ўнгга (учувчи томондан) ҳаракатланиш.

Чап қўлни танага нисбатан 90 даража бурчак остида чўзиш. Бошқа қўл билан ўша йўналишда такрорий ҳаракатлар билан ҳаракатни амалга ошириш.



*27. Ерга қўниш.

Олд томондан жезл билан пастга туширилган қўлларни чалиштириш.



28. Ёнғин.

Ўнг қўлда жезл билан елкадан тиззагача елпиғичсимон ҳаракатни амалга ошириб, бир вақтнинг ўзида чап қўлдаги жезл билан ёнғин жойини кўрсатиш.



29. Кутиш жойи/сигнални кутиш.

Қўлларни жезл билан танага нисбатан 45 даража бурчак остида чўзиш. Бу ҳолатни ХК бошқа ҳаракатни амалга ошириш учун рухсат олгунича сақлаб туриш.



30. ХКни жўнатиш.

Ўнг қўл ва/ёки ХКни жўнатиш жезли билан стандарт кутиб олишни бажаради. ХКни буриш бошлангунича экипаж билан кўриш орқали алоқани сақлаб туриш.

б) Техник-эксплуатация коммуникация сигналлари:

1. Фақат техник-эксплуатация коммуникация сигналлари нутқ орқали узатиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўл ҳаракатлари билан узатиладиган сигналлар.

2. Сигналчи учиш экипажидан техник-эксплуатация коммуникация сигналларига нисбатан тасдиқ олганида ишонч ҳосил қилади.

ЎК ҳаракатланиши жараёнида учувчи экипаж билан алоқа қилиш учун фойдаланиладиган техник-эксплуатация коммуникация сигналлар 7-иловага эксплуатация ёки техник характердаги қўл ҳаракати орқали ўзатиладиган сигналларни стандартлаштириш мақсадида киритилган.



3. Бошқариш ричагларига тегинманг.

Ўнг қўл бош узра, бармоқларини йиғиб, мушт қилган ҳолда ёки жезлни горизонтал ҳолда ушлаб, кўтарилади, бунда чап қўл пастга туширилиб, тиззага қўйилган бўлади.



4. Аэродром таъминотини ёқинг.



Чўзилган қўлларни бош узра кўтариб, чап қўл кафтини горизонтал ҳолда ушлаб ва ўнг қўл панжаси бармоқлари билан чап қўлнинг очик кафтига текқунигача ҳаракатни («Т» ҳарфини ҳосил қилиб) бажариш. Тунги вақтда ёниб турган жезлар бош узра «Т» ҳарфини ҳосил қилиш учун ишлатилиши мумкин.

5. Аэродром таъминотини ўчиринг

Чўзилган қўлларни бош узра кўтариб, чап қўл кафтини горизонтал ҳолда ушлаб ва ўнг қўл панжаси бармоқлари билан чап қўлнинг очик кафтига текқунигача ҳаракатни («Т» ҳарфини ҳосил қилиб) бажариш ва ўнг қўл панжаси билан чап қўл

панжасидан пастга ҳаракатлантириш. Тунги вақтда ёниб турган жезллар бош узра «Т» ҳарфини ҳосил қилиш учун ишлатилиши мумкин.



6. Рад жавоби.

Ўнг қўлни елка даражасида, ёнга чўзган ҳолда танага нисбатан 90 даража бурчакда жезл билан ёки панжанинг бош бармоғи билан йўналишни кўрсатган ҳолда ушлаб, бунда чап қўл пастга туширилиб, тиззага қўйиб турилади.



7. Ички алоқа тизимидан фойдаланиб алоқани ўрнатиш.

Иккала қўлни танага нисбатан 90 даража бурчак остида ёнларга чўзиб ва кафтлар кулоқларга қисилади.



8. Трапни очиш/ёпиш

Ўнг қўл пастга туширилган, чап қўл бош узра танага нисбатан 45 даража бурчак остида кўтарилган ҳолатда, ўнг қўл билан чап елка йўналишида ҳаракатларни бажариш.



Эслатма: бу сигнал биринчи навбатда олд қисмидан ҳар томонлама траплар билан жиҳозланган ҲҚлар учун мўлжалланган.

в) ҲҚ учувчиси сигналчига узатадиган сигналлари:

Эслатма: бу сигналлар учувчи кабинадан қўли билан сигналчига узатиш учун мўлжалланган, сигналлар сигналчига яхши кўриниши ва агар лозим бўлса, сигналларни тушунишни енгиллаштириш учун ёритилган бўлиши мумкин.

1. Тормозлар.

Эслатма: қўл панжаларини мушт қилиб тугиш ёки уларни очиш моменти ўз ўрнида тормозни босиш ёки қўйиб юбориш моменти англатади.

а) тормозлар ёқилган: қўл бармоқлари чўзилган ҳолда юзнинг даражасигача горизонтал ҳолатда кўтарилади, кейинги бармоқлар мушт ҳолатида қисилади.

б) тормозлар қўйиб юборилган: қўл бармоқлари муштга йиғилган ҳолда юзнинг даражасигача горизонтал ҳолатда кўтарилади ва кейинги бармоқлар ёйиб юборилади.

2. Стоянка колодкалари.

а) Колодкини ўрнатиш: қўлларнинг кафтини ташқарига очиш ва юзи олдида уларни чалиштириш;

б) колодкаларни олиб ташлаш: юзи олдида кафти ташқарига очилган ҳолда чалиштирилган қўлларни ён томонларга қараб очиш.

3. Двигател(лар)ни юрғизишга тайёрлик.

Юрғизиш керак бўлган двигателлар сонини англатувчи микдорга тенг равишда қўл бармоқларини эгиш.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ФА ҳаво кемаси бортида
парвозларни бажаришда кема ҳужжатларига қўшимча
равишда бўлиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

— Ўзбекистон Республикаси ФА ҳаво кемаси бортида парвозларни бажаришда ушбу қоидаларнинг 22-бандида кўрсатилган кема ҳужжатларига қўшимча равишда куйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- эксплуатант гувоҳномаси иловалари билан (нусхаси);
- тегишли гувоҳномалар (экипаж аъзоларининг ҳар бирида);
- ҳар бир конкрет ХКга унинг рўйхат номерини кўрсатган ҳолда, шовқин бўйича сертификат (*);
- жойдаги шовқин бўйича турнинг сертификати;
- суғурта полислари (ХКга ва учинчи шахслар томонидан зарар етказилишига) (*);
- ХК тутиб олинганидаги ICAO сигналлари;
- MEL (минимал жиҳозлар рўйхати) (агар қўлланса);
- ETOPS Check-list (транзит аэропортда ETOPS бўйича парвоз олдида ХК ТХ бўйича ишлар рўйхати);
- йиғма юклаш ведомости;
- бош декларация (*);
- йўловчи манифести (*);
- юк манифести (*);
- юк хатлари (*);
- парвоз топшириғи;
- аэронавигация маълумотлари ҳужжатлари (қўнишга кириш хариталари ва экипаж аъзолари томонидан фойдаланиш учун аэронавигация хариталари, штурманларнинг борт журналари, парвоз режаси ва бошқалар);
- парвоздаги алоҳида ҳолларда ХК экипажи ҳаракатлари бўйича тавсиялар тўплами (EFP) (агар қўлланилса);
- ХКдаги хавфли юклар билан боғлиқ инцидентлар ҳолатидаги авария шароитида ҳаракатлар тартиби тўғрисида йўриқнома (фақат хавфли юкларни ташишда);

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

- самолёт ва двигателлар ишлаши ва ресурси ҳақида маълумот («шарқий» ишлаб чиқаришдаги ХҚлар учун);
 - ХҚ борт номерига мос келадиган фидер схемалари комплекти («шарқий» ишлаб чиқариш самолётлари учун) ёки бошқа маълумот ташувчилар («ғарбий» ишлаб чиқариш самолётлари учун);
 - МСРП магнит тасмасига паспортлар ва НҚЗ-63га ҳисоботлар (агар қўлланилса);
 - ИCAO ДОК 4444дан етказиш шакли: авиация ҳодисаси, инцидент, хавфли яқинлашув;
 - ХҚ жиҳозларини экипаж аъзолари томонидан назорат текшириш варақлари (CL);
 - ХҚни экипаж томонидан назорат текшируви хариталари;
 - парвозларни амалга ошириш бўйича эксплуатант қўлланмаси;
 - ФЭАПҚҚ (ХҚ командирида);
 - йўналиш бўйича парвозларни ва ишлар кўринишини бажаришга лицензия;
 - ХҚ дезинсекцияси сертификати (*);
 - ХҚ ва двигателлар формулярлари, бутловчи буюмларга паспортлар ва этикеткалар (фақат ХҚни тузатишга олиб борганда ёки тузатишдан олиб чиқилганда, ёки ХҚ бошқа мулкдорга топширилганида);
 - ғайриқонуний аралашув актлари билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларда ХҚ экипажи ҳаракатлари бўйича йўриқнома.
- Эслатма: Ўзбекистон Республикаси ФАнинг маҳаллий йўналишлар бўйича парвозларни амалга оширувчи ХҚларига (*) белгили ҳужжатлар шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
9-ИЛОВА

Парвоз учун етарли ёнилғи миқдорини аниқлаш қоидалари

Парвоз учун етарли бўлган ёнилғи миқдорини эксплуатант ПАҚ ва ПФҚ талаблари асосида аниқланади.

Эксплуатант ўзининг эксплуатациясида бўлган ХҚлар ҳар бир тури ва модификацияси учун парвозга етарли бўлган ёнилғини аниқлаш методикасини ишлаб чиқади ва ПАҚга қўшиб қўяди.

Парвоз учун ёнилғи миқдорини аниқлаш услубиёти ХҚ УҚЙ мувофиқ эксплуатация шароитлари учун ишлаб чиқилади.

Парвоз учун ёнилғи миқдорини аниқлаш услубиётини ўз ичига олувчи, эксплуатант ПАҚ яна қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) парвоз учун ёнилғи миқдорини аниқлаш услубиёти;
- б) қўшимча ёнилғи миқдорини аниқлаш услубиёти;
- в) қўшимча ёнилғи миқдорини талаб этувчи йўналишлар рўйхати;
- г) автоматлаштирилмаган ҳисоблашда парвоз учун ёнилғи миқдорини аниқлаш тартиби;
- д) автоматлаштирилган ҳисоблаш натижасида олинган парвоз ишчи режаси намунаси, унинг шу каби ёнилғи бўйича таркиби баёни.

Бортида 2-бандга мувофиқ аниқланадиган, ёнилғининг талаб этиладиган миқдоридан кам ёнилғи билан учиш тақиқланади.

Парвоз йўналиши бўйлаб, белгиланган аэродромда ва захира аэродромида шунингдек, белгиланган аэродром ва захира аэродромгача бўлган масофадаги аэронавигация, метеорология ҳолатидан келиб чиқиб, лозим ҳолларда ХК командири қарорига мувофиқ талаб этиладиган ёнилғи миқдори кўпайтирилиши мумкин.

Умумий ҳолатларда ХК двигателларини ёқишдан олдин ХК бортидаги ёнилғи ёнилгининг талаб этиладиган миқдорини (Q тал.эт) шунингдек, ХК командири томонидан парвозга ёнилгини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда (Q ХКК) командир захирасини ўз ичига олади.

Талаб этиладиган ёнилғи миқдорини аниқлаш

Экипаж, агар ХК бортида қуйидагиларни ўз ичига олувчи, талаб этиладиган (Q тал.эт) ёнилғи миқдори бўлса, парвозни бошлаши мумкин:

а) ерда учиб чиққунга қадар ишлатиладиган ёнилғи (Q ер);

б) йўналиш ёнилғиси (Q йўналиш);

в) захира ёнилғи (Q захира);

талаб этиладиган Q:

Q тал.эт) = (Q ер) + Q йўналиш) + Q захира)

Ерда учиб чиққунга қадар ишлатиладиган ёнилғи (Q ер) миқдори қуйидагиларни таъминлаши лозим:

а) ижро старты бошлангунга қадар, аэродромнинг жой шароитларини инобатга олиб ёқиш ва бошқарувни (Q бошқ);

б) ёрдамчи кучлантириш мосламаси, агар у бўлса, ишини (Q ёкм).

Шу тарика: Q ер = Q бошқ + Q ёкм.

Йўналиш ёнилғиси (Q йўналиш) учидан белгиланган аэродромда (пункт) қўнгунига қадар бўлган парвозни таъминлаши шарт. Йўналиш ёнилғиси двигателларнинг ўртача ишлаш коэффициентини инобатга олиб ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ХК тезлик олиши бошланишидан то денгиз сатҳидан 450 метр баландликка учиб чиққунгача аниқланадиган учуш ёнилғиси (Q учуш);

б) аэродром даражасидан 450 метр баландликдан берилган эшелон/парвоз баландлигигача аниқланадиган баландликни эгаллаш ёнилғиси (Q бэг);

в) берилган эшелонни/баландликни эгаллашдан то пастлашгунгача аниқланадиган горизонтал парвоз ёнилғиси (Q гп). Парвоз баландлиги зинапоясимон ўзгартириладиган йўналишларда баландликни ўзгартириш қисмларида сарфланган ёнилғи Q гп.га қўшилади;

г) пастлашни бошлаш пайтидан белгиланган аэродромда қўнишга киришнинг бошлагич босқичи назорат нуқтаси (IAF) учун белгиланган баландликни эгаллашгача аниқланадиган пастлаш учун ёнилғи (Qпш);

д) белгиланган аэродромда қўнишга киришнинг бошлагич босқичи назорат нуқтасига (IAF) киришдан УҚЙга қўнишгача аниқланадиган қўнишга кириш ёнилғиси (Qқш).

Шу тарика:

(Q йўналиш) = (Q учуш) + (Q бэг) + (Q гп) + (Qпш) + (Q қш)

Захира ёнилғиси (Q зё) ўз ичига аэронавигация (Q АЁЗ), ёнилгининг компенсация захираси (Q НКЗ) ва қўшимча ёнилғи (Q кё) олади ва қуйидагича аниқланади:

(Q ёз) = (Q АЁЗ) + (Q НКЗ) + (Q кё)

Эслатма: қўшимча ёнилғи миқдори (Q кё) ўз ичига (Q ХКК) ва/ёки (Q алх) олади ва эксплуатант томонидан белгиланган йўналишлар бўйича парвоз учун захира ёнилғи таркибига киради. (Q ХКК) ва (Q алх) ёнилғи миқдори ХК конкрет

тури ва модификацияси, йўналиш ва парвоз шароитлари учун эксплуатант ПАҚда белгиланади.

Аэронавигация ёнилғи захираси парвоз ҳар қандай эҳтимолий режасидан четлашиш ҳолатлари (момақалдиروқларни айланиб ўтиш, берилган йўлдаги чизикни ушлаб туришдаги хатоликлар, парвоз эшелони ўзгариши, кутиш ҳудудидаги парвоз, захира аэродромига кетиш ва бошқалар учун). Учгунга қадар ҳисобланган парвоз траекториясидан четга чиқишнинг барча эҳтимолий ҳолатларини кўра билиш иложи бўлмаганлиги туфайли, Q АЁЗ қўйидаги вариантлардан бирида учиш тўғрисида қарор қабул қилинганда энг ёмон ҳолат учун аниқланади:

- а) ҚҚҚБ билан захира аэродромга/белгиланган аэродром МБП кетиш;
- б) кетиш чегарасидан захира аэродромига кетиш;
- в) захира аэродромсиз парвоз.

ҚҚҚБ захира аэродромга/белгиланган аэродром МБП кетиш билан учиш тўғрисида қарор қабул қилинганида аэронавигация ёнилғи захираси ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) белгиланган аэродром ҚҚҚБ/МБПдан захира аэродромга парвознинг белгиланган баландлиги/эшелонигача ёнилғи (Q бер.за);
- б) берилган эшелон/баландлик эгалланган пайтидан пастлаш бошлангунга қадар горизонтал парвоз учун ёнилғи (Q гп.за);
- в) пастлаш пайти бошланишидан захира аэродромдаги қўнишга киришнинг бошланғич босқичи назорат нуқтасига (IAF) белгиланган баландликни эгаллагунча ёнилғи (Q пш.за);
- г) аэродром устида кутиш ҳудуди айлана баландлигида ёки кутиш айланаси баландлиги белгиланмаганида 450 метр баландликда, парвоз тезлигида 30 мин парвоз этиш учун етарли бўлган ёнилғи (Q 130).

ҚҚҚБ захира аэродромига/МБП белгиланган аэродромга кетишда аэронавигация захира ёнилғиси қўйидагича аниқланади:

$$Q \text{ АЁЗ} = Q \text{ бал.за} + Q \text{ гп.за} + Q \text{ пш.за} + Q 130$$

Эслатма:

1. Ёнилғи микдори (Q t30) ХК конкрет тури ва модификацияси учун доимий микдор ҳисобланади ва эксплуатант ПАҚда кўрсатилади. Бу ёнилғи нафақат захира аэродромида ҳаракатланиш учун, балки белгиланган аэродромгача мўлжалланган парвоз траекториясидан оғиш ҳолатида ва захира аэродромига парвоз чоғида фойдаланиш учун мўлжалланган.

2. Бир қанча захира аэродроми танланганида Q АЁЗ энг четдагиси учун белгиланади.

Захира аэродромга кетиш чегарасини ҳисобга олиб ёки захира аэродромсиз учиш тўғрисида қарор қабул қилинганида аэронавигация ёнилғи захираси ХК белгиланган аэродромга учиб келганидан кейин стандарт атмосфера шароитларида, айланиш баландлигида кутиш тезлигида 60 дақиқа давомида парвоз этишни таъминлаши шарт, яъни, $Q \text{ АЁЗ} = 2 \times Q \text{ t30}$. Бунда кетиш чегараси шундай аниқланиши керакки, захира аэродромига учиб келганда кутиш ҳудудида айланиш баландлигида ёки агар айлана баландлиги белгиланмаган бўлса аэродром устида 450 метр баландликда 30 дақиқа давомида парвоз тезлигида парвоз этиш учун етарлича микдорда ёнилғи мавжуд бўлсин.

Эслатма: белгиланган аэродром ҚҚҚБ/МБПдан парвоз, чегарадан захира аэродромга кетиш (қайтиш) учун талаб этиладиган ёнилғи микдори қарама-қарши эсадиган шамош тезлигини инобатга олиб, йўл-йўлакай эсадиган шамолда эса штиль бўйича ҳисобланади.

Аэронавигация ёнилғи захираси ХК ПФҚ инobatга олган ҳолда ҳисобланади ва ҳамма ҳолатларда ҳам қуйидагидан кам қилиб ўрнатилмайди:

а) самолётлар учун — $Q_{\text{АЁЗ}} = 2 \times Q_{\text{t30}}$;

б) вертолётлар учун — $Q_{\text{АЁЗ}} = Q_{\text{t30}}$.

АЁЗ миқдори тўғрисида қарор ХК командири томонидан парвоз йўналишида, белгиланган аэродромда ва захира аэродромлардаги аэронавигация, метеорология ҳолати ва белгиланган аэродром ва захира аэродромгача масофани инobotга олиб чиқарилади.

Ёнилғининг компенсация захираси эксплуатант томонидан ХК ПФҚ талаблари ва ҳақиқий ёнилғи сарфи ҳисобланганидан оғишини инobotга олиб белгиланади, аммо ҳамма ҳолатларда ҳам йўналиш ёнилғиси миқдорининг 3 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

ETOPS бўйича, Арктика ва Антарктидада парвозлар бажарилаётганида, шунингдек бошқа ҳолатларда қўшимча ёнилғи тегишли қўлланмалар талабларига мувофиқ эксплуатант ПАҚсида белгиланади.

Парвоз ёнилғиси миқдорининг автоматлаштирилган ҳисоби

Парвоз ёнилғиси миқдорининг автоматлаштирилган ҳисоби двигателларнинг тавсия этилган ишлаш режимлари учун ХК ПФҚ асосида амалга оширилади ва қуйидагиларни инobotга олиши зарур:

а) ҳаво ҳарорати ва шомол прогнози;

б) ҳисобланган тижорат юки;

в) парвоз давомида ХК массаси ўзгариши;

г) учиш амалга ошириладиган, белгиланган ва захира аэродромларида рухсат этилган максимал учиш ва қўниш массалари бўйича чекловлар.

Парвоз учун талаб этиладиган ёнилғи миқдорини автоматлаштирилган ҳисоблар асосида аниқлаш учун:

а) агар конкрет парвоз учун талаб этилса ва автоматлаштирилган ҳисобда инobotга олинмаса, қўшимча ёнилғи қўшиш;

б) ҳисобланганидан фарқ қилувчи парвоз тартибини ушлаб туриш тахмин қилинса, ёнилғи миқдорини аниқлаштириш;

в) учишгача ерда сарфладиган ($Q_{\text{ер}}$) ёнилғи миқдорини аниқлаштириш;

г) яқинлашишнинг тахминий йўналишини ва қўнишга кириш тартиботини ҳисобга олиб, белгиланган аэродромда қўнишга кириш учун ($Q_{\text{қш}}$) ёнилғи миқдорини аниқлаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
10-ИЛОВА

Вақтинчалик аэродромда ва қўниш майдончасида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома (намунавий)

Умумий қоидалар

Вақтинчалик аэродромнинг (қўниш майдончасининг) мўлжалланганлиги ва тегишлилиги.

Вақтинчалик аэродромнинг ФА НАС талабларига мувофиқ зарурий жихозланганлиги.

Авиация ишларини бажаришга мўлжалланган авиация техникасининг вақтинчалик аэродромда қўриқлаш тартиби аниқланганлиги.

Вақтинчалик аэродром, қўниш майдончасининг таърифи

Вақтинчалик аэродром (қўниш майдончаси) энг яқин аҳоли пунктига нисбатан жойлашуви.

Қўшни аэродромлар ва қўниш майдончаларида бир вақтдаги парвозларнинг хавфсизлиги тайинланиши.

Аэродромнинг (қўниш майдончаси) абсолют баландлиги.

Магнит мойиллиги.

Ёғингарчилик ёғанида учиш майдони шакли, ўлчамлари, грунт ва қопламаси, унинг эксплуатацияга яроқлилиги, учиш йўлчалари юзасининг ҳолати.

Аэродромнинг (қўниш майдончаси) чизмаси.

Берилган магнит йўл бурчаклари (БМЙБ) ва аэродромдан (қўниш майдончаси) энг яқин захира аэродромигача масофа.

Ҳақиқий кўришни аниқлаш учун танланган мўлжалларнинг жойлашуви, шомол параметрларини аниқлаш учун флюгер ёки конус.

ХК химикатлар юклаш учун тайёрлаш ва юклаш учун юклаш майдончасининг жиҳозланганлиги.

Вақтинчалик ЁММ омборларининг жойлашуви, ёнғинга қарши жиҳозларининг мавжудлиги.

Сунъий қоплам тури, ўлчамлари (узунлиги, эни).

Бурчак маркировка белгиларининг мавжудлиги.

Шартли текислик қиялигининг максимал бурчаги (вақтинчалик аэродром, қўниш майдончаси чегарасидан 50 метр узоқликда 1:50дан ошмаслиги, ундан нарида 1:30).

Якорли тўхташ жойи ва боғлаб қўйиш воситалари мавжудлиги.

УҚЙ ҳар бир йўналиш учун турли турдаги ХК учиб қўниши учун вақтинчалик аэродром, қўниш майдончаси минимумлари.

Вақтинчалик аэродром, қўниш майдончаси ҳудуди

Жой рельефининг қисқача таърифи, қўшимча аэродром, қўниш майдончаси ҳудудида ва унга яқинлашишдаги табиий ва сунъий тўсиқлар, уларнинг маркировкаси, қўшимча аэродром, қўниш майдончасига нисбатан баландлиги, шунингдек схемада — чизмаларда жойлашуви (азимут, узоқлашув).

Қайта ишлашга ажратилган майдонларнинг жойлашган ўрни, рельефи, конфигурацияси. Уларда тўсиқлар мавжудлиги ва тўсиқларнинг тавсифи, уларнинг ер участкаси режасида жойлашган ўрни.

Парвозларни бажариш

Ишлов берилаётган участкага ва ортга ХК парвозини бажариш тартиби.

Вақтинчалик аэродром, қўниш майдончаси ҳудудида парвознинг минимал баландлиги.

Иккита бир хил турли ХКларнинг битта вақтинчалик аэродром, қўниш майдончасидан ишлаш тартиби.

Парвозларни бошқариш

СХБ ташкиллаштириш, ўзаро ҳаракатланиш тартиби.

Парвозларга буюртма бериш ва парвоз мавжудлиги ва тугаганлиги ҳақида ҳабардор қилиш тартиби.

ХК радиотехник ва визуал назорат қилиш тартиби.

СХБ органлари ва экипаж ҳаракатлари

Парвозда алоҳида ҳолат юзага келганида, шунингдек «Ковер», «Стрела», «Режим» сигналлари олинганида.

Парвозларни таъминлаш

Аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш.

Парвозларнинг метеорологик ва орнитологик таъминланиши.

Кузатув парвози ва об-ҳавони, ҳаво разведкасини ташкил этиш.

Алоқа воситалари ва РТУ билан таъминлаш.

АКИга авиация электр алоқасини ташкил этиш, электр алоқа сетлари ва йўналишлари рўйхати, уларнинг мақсади; радиоалоқа ҳар бир сети (йўналиш) учун частоталар, корреспондентлар позивнойлари; радио алоқа сетлари ва йўналишлари иш вақти; радио алоқа сети орқали метео маълумот узатиш вақти; МВ ва ДКМВ диапазонларида КДП АКИ эга ХК билан (ишлаш баландлиги ва ундан юқорида), шунингдек АКИ таянч базалари билан парвозда ва ишчи аэродромда бўлган вақтда, радио алоқа ўрнатиш хусусиятлари.

Авиация техникаси инженер-авиация таъминоти, тайёргарликни ташкил этилиши ва тартиби.

Вақтинчалик аэродромда, қўниш майдончасида ХК техник эксплуатацияси, хизмат кўрсатиш ва сақлаш.

Парвозлар бошланишидан олдин ишчи аэродром тарти ва маркировкасини ажратишни ташкил этиш.

Аэродром, қўниш майдончаси бўйлаб одамлар, ХК, аэродром-техник ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тартиби.

Ишчи аэродромда авария-қутқарув ишларини олиб бориш тартиби.

Тиббий таъминлаш.

Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши хавфсизлик.

Авиация хавфсизлиги.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
11-ИЛОВА

Синф	Максимал учиш массаси, т.	
	самолётлар	вертолётлар
1	75 ва ундан юқори	10 ва юқори
2	30 дан 75 гача	5 дан 10 гача
3	10 дан 30 гача	2 дан 5 гача
4	10 гача	2 гача

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
12-ИЛОВА

ХК тоифа	Таснифлаш тезлиги (км/соат)	ХК турлари
A	169 дан кам	Ан-2, Ан-28, Л-410, вертолётлар
B	169—223	Як-40, Як-42, Ан-24, Ан-26, Ан-30, Ан-72, Ан-74, Ил-114, Rj-85
C	224—260	Ил-76, А-310, Б-757, Ан-32
D	261—306	Ил-18, Ил-62, Ил-86, Ил-96, Ту-134, Ту-154, Ту-204, Ан-12, Ан-124, Б-767
E	307—390	

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
13-ИЛОВА

Жой	Парвоз тезлиги (ускуналар бўйича км/с)	ВПҚ бўйича парвозларнинг минимал шартлари		
		Рельефнинг энг баланд нуқтасидан булутлар пастки чегарасининг баландлиги, метр	Кўриш имконияти, метр	ХҚдан булутларнинг пастки чегарасигача бўлган оралиқ масофа, метр
Учиш ва қўниш ҳудудида				
Текислик ва тепаликли	300 ва ундан кам	150	2000	50
	300дан юқори	300	5000	100
тоғли	550 ва ундан кам	300	5000	100
Ҳаво трассалари ва белгиланган йўналиш бўйича яқинлашиш ҳудудида				
Текисликли, тепаликли ва сувли ҳудуди	300 ва ундан кам	150	2000	50
	300 дан юқори	300	5000	100
Рельефининг абсолют баландлиги 2000 метр ва ундан кам бўлган тоғли	Парвоз тезлигидан қатъи назар	400	5000	100
- 2000 метр ошиқ		700	10000	100
Соғлиқни сақлаш, қидирув-қутқарув, авария-қутқарув ишларини бажарувчи ташкилотларни хизмат қилиш ва тайёргарлик парвозлари				
Текис, тепалик ва сувли ҳудуди	300 ва ундан кам	100	1000	50
тоғли		400	2000	100

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
14-ИЛОВА

ХК тоифа	УҚЙ остонасидан минимал радиус (R), км	ВЗПда максимал тезлик, км/с
A	3,12	185
B	4,90	250
C	7,85	335
D	9,79	380
E	12,82	445

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
15-ИЛОВА

Вариант-лар	Белгиланган аэродромда		Белгиланган аэродромгача ҳисоб-китоблар бўйича парвоз вақти	Учиб борилиши белгиланган аэродром ҚҚҚБ билан таъминланадиган захира аэродромлари миқдори
	Ҳақиқий об-ҳаво (БҚЧБ, УҚЙ кўриш имконияти, шамол)	Прогноз билан белгиланган минимумнинг ўзаро мутаносиблиги (учиб келиш вақтига)		
1	Белгиланган минимумдан паст	Прогноз қилинаётган об-ҳаво минимумдан паст	2 соатгача 2 дан 5 соатгача	1 2 ёки 1 ^(*)
2	Ҳақиқий об-ҳаводан қатъи назар	Прогноз қилинаётган об-ҳаво минимумдан паст эмас	1 соат ва ундан ортиқ	1
3	Ҳақиқий об-ҳаводан қатъи назар	Прогноз қилинаётган об-ҳаво минимумдан паст	5 соатдан ортиқ	2 ёки 1 ^(*)

(*) Учиб келиш вақтига об-ҳаво прогнози булутлар пастки чегарасининг баландлигини 100м ва кўриш имкониятлари 1000 м минимумдан юқори бўлишини назарда тутса, аэродром захира сифатида танланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
16-ИЛОВА

Парвоз тезлиги (ускуналар бўйича), км/ соат	Хавфсиз парвоз баландлиги (ҳақиқий), метр	
	УПҚ бўйича	ВПҚ бўйича
Учиш ва қўниш ҳудудида ^(*)		
300 ва ундан кам	300	100
300 дан ортиқ		200
Яқинлашиш ҳудудида, ҳаво трассалари, МХЙ ва белгиланган йўналишлар бўйича:		
а) сув ҳудуди, текислик ва тепаликли жойлар устидан		
300 ва ундан кам	300	100
300 дан ортиқ		200
б) рельефининг абсолют баландлиги 2000 м ва ундан кам бўлган тоғли жойларда		
Парвоз тезлигидан қатъи назар	600	300
в) рельефининг абсолют баландлиги 2000 м ва ундан ортиқ бўлган тоғли жойларда		
Парвоз тезлигидан қатъи назар	600	600
Соғлиқни сақлаш ташкилотлари, қидирув-қутқарув, авария-қутқарув ишлари ва уларга тайёргарлик парвозларига хизмат кўрсатиш бўйича шошилинч парвозлар		
300 ва ундан кам	600	50

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
17-ИЛОВА

Жой рельефи характери	Парвознинг йўл қўйиладиган минимал баландлиги (хавфсиз), метр	Бериладиган парвоз баландликлари диапазони, метр
Текислик, тепаликли, ўрмонли ва 25км радиусда рельеф баландлиги 200 метргача ўзгариб турувчи (алоҳида тепаликларни ҳисобга олмаганда) тоғ текислиги	25	25—50

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Жой рельефи характери	Парвознинг йўл қўйиладиган минимал баландлиги (хавфсиз), метр	Бериладиган парвоз баландликлари диапазони, метр
Тепаликли ва 25 км радиусда рельеф баландлиги 500 метргача ўзгариб турувчи тоғ текисликлари	50	50-75
25 км радиусда рельеф баландликлари 500 метрдан юқорига ўзгариб турадиган кесишган тоғли жой	75	75-100
Абсолют баландлиги 2000 метрдан баланд бўлган жой	100	100-130

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
18-ИЛОВА

Жойларнинг шароитлари Суратга олиш парвозларининг турлари	Булутнинг ҳақиқий баландлиги, метр	Горизонтал қўриниш, км	Шамол тезлиги, м/с
Текислик ва тепаликли жойлар:			
Қидирув-суратга олиш парвозлари	200	5	10
Аэро суратга олиш парвозлари	200	5	10
Аэро қўриниш парвозлари	150	3	10
Тоғли жойлар:			
Суратга олиш парвозларининг барча тоифалари учун	400	6	10
Баланд тоғли жойлар (2000 метрдан юқори):			
Суратга олиш парвозларининг барча тоифалари учун	700	10	10

Участканинг мураккаблиги ва экипажнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда
авиакорхона командири барча ҳолатларда об-ҳавонинг жадвалда белгиланган қўрсат-
кичларидан кам бўлмаган бошқа минимумларини белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
19-ИЛОВА

Жой	ВПҚ бўйича парвозларнинг минимал шароитлари			
	Хавфсиз парвоз баландлиги (ҳақиқий), метр	Рельефининг энг баланд нуқтасидан булутлар пастки чегарасининг баландлиги, метр	Қўриниш, метр	ҲҚдан булут- ларнинг пастки чегарасигача бўлган вертикал оралиқ масофа
Текислик ва тепаликли	100	150	2000	50
Тоғли	300	400	5000	100
Ташқи илгичларда юк билан парвозни бажариш				
Текислик ва тепаликли	150	200	2000	50
Рельефининг абсолют баландлиги 2000 метр ва ундан паст тоғли	300	400	5000	100
Рельефининг абсолют баландлиги 2000 метр ва ундан баланд	600	700	10000	100

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ўзбекистон Республикаси давлат
ва экспериментал авиациясида
парвоз қоидаларига
20-ИЛОВА

Жой	Парвозларнинг хавфсиз баландлиги (ҳақиқий), метр		Рельефнинг энг баланд нуқтасидан булутлар пастки чегарасининг баландлиги, метр		Қўриниш, метр	
	Қундузи	Кечаси	Қундузи	Кечаси	Қундузи	Кечаси
Текислик ва тепаликли Тоғли	50	400	100	450	1000	4000
	300	-	400	-	2000	-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

421 Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул
муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
9 октябрда 1518-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 19 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага (2005 йил 26 октябрь, рўйхат рақами 1518) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 25 август,
22/9-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**422 Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
9 октябрда 1724-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 19 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

+

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

—

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь,
2007-54-сон

Давлат солиқ қўмитасининг
2007 йил 11 сентябрдаги
2007-54-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня
ҳисоблаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилиб, қонунда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи нотижорат ташкилотларига (кейинги матнларда «солиқ тўловчи») тааллуқлидир.

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўллаш мақсадида қуйидаги атама ва иборалардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар — бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар;

ортиқча тўланган сумма — муайян санада тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланган суммалардан ошиб кетиши;

ортиқча тўлов — солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан қайтарилиши ёки келгуси тушумлар ҳисобига ёзилиши лозим бўлган хато ёки ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси;

солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварақаси — ҳисобланган ва тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек пеня ва молиявий жарималар ҳисоби юритиладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

боқиманда — қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси;

пеня — тўлов муддати тугагач кечиктирилган ҳар бир куни учун қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳисоблаб ёзиладиган жарима.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича пеня ҳисоблаш учун жойлардаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан шахсий ҳисобварақалари очилади.

3. Боқиманда суммасининг ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ошган қисмига пеня ҳисоблаш учун солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварақаларида ҳар бир солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари (жисмоний шахслар даромад солиғи бундан истисно) бўйича барча операциялар қолдиқ суммалари акс эттирилган ҳолда операциялар амалга оширилган (солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақаларида ёзувларни юритиш) санага ёзилади.

II. Пеня ҳисобланиши

4. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақаларида акс эттирилган, боқиманда суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида ҳисобланади.

Мисол:

Солиқ тури	Боқиманда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	минг сўм
					Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	100,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	325,0	—	х	х	х
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	65,0	х	х	х
Жами	425,0	265,0	- 160,0	15 кун	1,2

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;

«-» — боқиманда бўйича қолдиқ.

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб ҳисобланган пеня суммаси 1,2 минг сўмни (160,0 х 15 кун х 0,05%) ташкил этади.

5. Боқиманда суммасининг солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган сумма миқдорига тенг қисмига пеня ҳисобланмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалар мавжудлиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланиши лозим.

Мисол:

Солиқ тури	Боқиманда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	минг сўм
					Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	300,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	—	200,0	х	х	х
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	100,0	—	х	х	х
Жами	400,0	400,0	0,0	—	0,0

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;

«-» — боқиманда бўйича қолдиқ.

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами боқиманда ва ортиқча тўланган суммалар тенг қийматни, яъни нуль қолдиқни ташкил қилади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

6. Жами ортиқча тўланган суммалар боқиманда суммаларидан ошиб кетганда пеня ҳисобланмайди.

Мисол:

Солиқ тури	Боқиманда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	минг сўм
					Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	250,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	—	300,0	х	х	х
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	250,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	200,0	—	х	х	х
Жами	450,0	550,0	+ 100,0	—	0,0

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;

«-» — боқиманда бўйича қолдиқ.

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами ортиқча тўланган сумма боқиманда суммаларидан ошиб кетади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

7. Ҳисобланган пеня суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича ҳар бир солиқ ва мажбурий тўлов бўйича боқиманда суммаларининг жами боқиманда суммасидаги улушидан келиб чиқиб тақсимланади.

Мисол:

Солиқ тури	Боқиманда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	минг сўм	
					Ҳисобланган пеня	Пеня тақсимоти
Қўшилган қиймат солиғи	100,0	—	х	х	х	0,3
Даромад (фойда) солиғи	325,0	—	х	х	х	0,9
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	65,0	х	х	х	х
Жами	425,0	265,0	- 160,0	15 кун	1,2	1,2

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;

«-» — боқиманда бўйича қолдиқ.

Бу мисолда 160,0 минг.сўм боқиманда қолдиқ суммасига 1,2 минг сўм миқдорида ҳисобланган пеня суммаси, қўшилган қиймат солиғи (24%) ва даромад (фойда)

солиғи (76%) бўйича боқиманда суммаларининг жами боқиманда суммасидаги улушларига мос равишда тақсимланади.

8. Пеня суммаси солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги (боқимандаси) суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

1-мисол:

Солиқ тўловчи 01.02.2007 йил ҳолатига даромад (фойда) солиғи бўйича 500,0 минг сўм боқимандага эга ва шу суммага ҳисобланган пеня суммаси 80,0 минг сўмни ташкил этади. Солиқ тўловчи 10.02.2007 йил куни даромад (фойда) солиғи бўйича 300,0 минг сўм боқимандани қоплади, мос равишда, боқиманда суммаси шу кунга 200,0 минг сўмни ташкил қилди. Демак, 01.02.2007 йилдан 10.02.2007 йил (шу кун ҳам ҳисоб-китобда инобатга олинган ҳолда) даврига 2,5 минг сўм пеня ҳисобланиб, жами пеня суммаси 82,5 минг сўмни ташкил этди.

2-мисол:

Келтирилган 1-мисолдаги солиқ тўловчи бўйича 10.02.2005 йил ҳолатига даромад (фойда) солиғидан боқиманда 200,0 минг сўмни, ҳисобланган пеня 82,5 минг сўмни ташкил этди. Солиқ тўловчи 15.02.2007 йил куни даромад (фойда) солиғи бўйича 150,0 минг сўм боқимандани қоплади, мос равишда, шу кунга боқиманда суммаси 50,0 минг сўмни ҳосил қилди. Демак, 11.02.2007 йилдан 15.02.2007 йил (шу кун ҳам инобатга олинади) даврига 0,5 минг сўм пеня ҳисобланиб, якуний пеня суммаси 83,0 минг сўмни ташкил қилди. 16.02.2007 йилдан бошлаб пеня ҳисобланмайди, сабаби илгари ҳисобланган солиқ суммаси боқиманда қолдиқ суммаси (200,0 минг сўм – 150,0 минг. сўм = 50,0 минг сўмдан) ошиб кетади.

9. Ҳисобланган пеня суммаси боқиманда мавжуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича тақсимланади, лекин илгари ҳисобланган пеня суммаси боқиманда суммасига тенг ёки ошиб кетган солиқ турлари бўйича солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақаларида акс эттирилмайди.

Солиқ тури	Боқиманда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня	минг сўм		
						Илгари ҳисобланган пеня қолдиғи	Пеня тақсими	Якуний пеня суммаси
Қўшилган қиймат солиғи	50,0	—	х	х	х	50,0	0,2	50,0
Акциз солиғи	50,0	—	х	х	х	65,0	0,2	65,0
Даромад (фойда) солиғи	200,0	—	х	х	х	10,0	0,7	10,7
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	100,0	х	х	х	—	х	—
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	50,0	х	х	х	—	х	—
Жами	300,0	150,0	-150,0	15 кун	1,1	125,0	1,1	125,7

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;

«-» — боқиманда бўйича қолдиқ.

10. Солиқ тўловчилар шахсий варақалари шакли ва уларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**423** **Актуарий малака сертификатини бериш тартиби**
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
10 октябрда 1725-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 20 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-618-сонли қарорини бажариш (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 143-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Хукумат қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-сон, 37-модда)

буюраман:

1. Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 сентябрь,
82-сон

Молия вазирининг
2007 йил 6 сентябрдаги 82-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 143-модда) актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Актуарий малака сертификати — жисмоний шахсга, агар у актуар ташки-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

лот штатида бўлса ёки у билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, актуар хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

2. Актуарий малака сертификати даъвогар томонидан малака имтихони муваффақиятли топширилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилади. Малака имтихонини топширишга мазкур Низом билан белгиланган малака талабларига жавоб берадиган даъвогарлар қўйилади.

3. Актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш учун, шунингдек унинг дубликатини бериш учун даъвогар мазкур Низомда белгиланган микдорларда йиғим тўлайди.

Кўрсатилган маблағлар Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва малака имтихонларини ўтказиш, актуарий малака сертификатларини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

II. Малака талаблари

4. Актуарий малака сертификатини олиш учун даъвогар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ олий маълумот йўналишлари ва ихтисосликларидан бири бўйича Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиш ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациядан ўтган тақдирда) олинган физика-математика ёки иқтисодиёт фанлари доктори (номзоди) илмий даражасига эга бўлиш;

б) сўнгги ўн йил ичида камида 5 йил суғурта, математика, статистика, информатизация соҳаларида иш амалиёти (шу жумладан ўриндошлик асосида) ёки шу соҳаларда дарс бериш стажига эга бўлиш.

III. Актуарий малака сертификатини олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

5. Актуарий малака сертификатини олишга даъвогар Молия вазирлигига мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ малака имтихонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ тўлдирилган анкета;

б) олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд физика-математика, иқтисодиёт фанлари доктори ёки номзоди илмий даражасини олганлик тўғрисидаги дипломнинг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси, ёхуд олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг эквивалентлигини тан олиш тўғрисидаги ваколатли давлат органи гувоҳномасининг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси (хорижий таълим муассасаларида олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги диплом мавжуд бўлган тақдирда);

в) меҳнат дафтарчасидан нотариал тасдиқланган кўчирма (ўриндошлик бўйича

иш стажы мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақида меҳнат дафтарчасига қайд қилинган ҳолда);

г) тўртта фотосурат (3 х 4);

д) актуарий малака сертификатини бериш учун тегишли йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

Кўрсатилган ҳужжатлар битта нусхадан тақдим қилинади.

IV. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш тартиби

6. Молия вазирлиги ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Молия вазирлиги даъвогарни 3 кунлик муддатда рад этиш учун асосларни кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган даъвогарларнинг рўйхатларини имтиҳон комиссиясига топширади.

7. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган даъвогарлар малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида у ўтказилишидан камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилинади.

8. Молия вазирлиги даъвогар томонидан тегишлича расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим қилиниши, шунингдек, даъвогарнинг мазкур Низомнинг 4-бандида баён этилган малака талабларига мувофиқ келмаслиги сабабига кўра даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этишга ҳақлидир.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган даъвогар, Молия вазирлиги томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этгандан кейингина, ариза билан қайта мурожаат қилиши мумкин.

V. Имтиҳон комиссияси

9. Малака имтиҳонларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан имтиҳон комиссияси ташкил қилинади. Имтиҳон комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камида уч аъзодан иборат.

Имтиҳон комиссияси таркибига Молия вазирлиги ходимлари ва заруратга кўра актуар ҳисоб-китоблар ва суғурта соҳаларидаги мутахассислар киритилади.

10. Имтиҳон комиссияси тўғрисидаги низом, унинг шахсий таркиби ва иш регламенти Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси учдан икки қисми иштирок этган таркибда ва раис ёки раис ўринбосарининг мажбурий иштирокида малака имтиҳонини ўтказишга ҳақлидир.

11. Имтиҳон комиссияси иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳон комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва барча аъзолар томонидан имзоланади.

VI. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

12. Даъвогарлар паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда малака имтиҳонини топшириш учун рухсат берилади. Ёнида паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат бўлмаган ёки малака

имтиҳонига кечиккан даъвогарлар имтиҳонга келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади.

13. Малака имтиҳони камида уч кишидан иборат гуруҳнинг шаклланишига кўра, лекин камида уч ойда бир марта ўтказилади. Малака имтиҳонини ўтказиш санасини Молия вазирлиги белгилайди.

14. Малака имтиҳони икки босқичда ўтказилади:

тест синови (3 академик соат давомида ёзма шаклда). Унинг натижасига кўра даъвогарга ёзма-оғзаки имтиҳонни топшириш учун рухсат берилади;

имтиҳон билетлари бўйича ёзма-оғзаки имтиҳон (масалаларни ечиш ва оғзаки жавобга тайёрланиш учун 3 академик соат берилади).

Малака имтиҳонининг иккала босқичини бир кун давомида ўтказишга ижозат берилмайди.

15. Тест ва имтиҳон билетлари Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тест бланклари ва имтиҳон билетлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тестлар ва имтиҳон билетлари мазмуни қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

16. Малака имтиҳонини ўтказишга ажратилган вақт ичида даъвогарлар имтиҳон комиссиясига тест, имтиҳон билетлари ва жавобларни топширишлари шарт. Ушбу талабларни бузган даъвогарлар малака имтиҳонини топширмаган ҳисобланади.

17. Имтиҳон тестлари қуйидаги таълим йўналишлари бўйича 40 назарий саволлардан иборат:

- а) актуар математика (10 савол);
 - б) статистика ва эҳтимоллар назарияси (10 савол);
 - в) суғурта иши ва таваккалчилик назарияси (10 савол);
 - г) инвестиция фаолияти ва молияни бошқариш (10 савол).
- Ҳар битта тўғри жавоб учун бир балл берилади.

Тест синовлари натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўладиган тўпланган баллар йиғиндиси 30 дан кам бўлмаслиги керак.

Тест синовлари натижалари салбий деб эътироф этилганда (30 баллдан кам тўпланган балл) даъвогар ёзма-оғзаки имтиҳонни топширишга қўйилмайди.

18. Имтиҳон билети қуйидаги таълим йўналишлари бўйича 4 назарий савол ва амалий масалалардан иборат:

- а) актуар математика;
- б) статистика ва эҳтимоллар назарияси;
- в) суғурта иши ва таваккалчилик назарияси;
- г) инвестиция фаолияти ва молияни бошқариш.

Имтиҳон билети саволларининг ҳар бири бўйича жавоблар (масалаларни ечиш билан бирга) беш баллик тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳон билети бўйича камида 15 балл олган даъвогарлар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

19. Малака имтиҳони ўтказилаётган вақтда қонун ҳужжатлари ва йўриқномавий материаллардан, маълумотномалардан ва махсус адабиётлардан фойдаланиш, бошқа даъвогарлар билан гаплашиш, шунингдек, алоқа воситаларидан фойдаланиш ман қилинади. Ушбу талабларни бузган даъвогарлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонини топширмаган деб ҳисобланади.

Малака имтиҳонида бегона шахслар ва кузатувчиларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

20. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссияси томонидан у ўтказилгандан сўнг икки кундан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва малака имтиҳони ўтказилган санадан сўнг 3 кунлик муддат ичида Молия вазирлигига топширилади.

Имтиҳон комиссияси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

имтиҳон комиссияси таркиби;

малака имтиҳонининг биринчи босқичида иштирок этган даъвогарлар ва тўплаган баллари кўрсатилган рўйхати;

малака имтиҳонининг биринчи босқичига келмаган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонининг иккинчи босқичида иштирок этиш учун рухсат берилган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонининг иккинчи босқичида иштирок этган даъвогарлар ва тўплаган баллари кўрсатилган рўйхати;

малака имтиҳонининг иккинчи босқичига келмаган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогарлар рўйхати.

21. Малака имтиҳонини топшириш бўйича ёзма ишлар (тестлар, билетлар ва уларга жавоблар), шунингдек, имтиҳон комиссиясининг баённомалари Молия вазирлигида белгиланган тартибда сақланади.

22. Малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогар малака сертификатини олиш учун йиғимни тўлаш шарти билан, малака сертификатини олиш учун ҳужжатларни белгиланган тартибда қайта тақдим этишга ҳақлидир.

Малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогарларга йиғим қайтарилмайди.

VII. Апелляцияларни кўриб чиқиш

23. Малака имтиҳони натижаларига кўра уларга нисбатан салбий қарор чиқарилган даъвогарлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида Молия вазирлигига апелляция бериш ҳуқуқига эгадир. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади.

24. Молия вазирлиги бир ҳафталик муддат ичида берилган апелляцияни кўриб чиқади ва апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва малака имтиҳонини қайтадан топшириш тўғрисида.

25. Имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

26. Имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва қайта малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги қарор малака имтиҳони мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

27. Малака имтиҳонини қайтадан топшириш тўғрисидаги қарор қабул қилин-

ган тақдирда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топшира олмаган деб топилган даъвогар учун қайта имтиҳон топшириш кунини белгилайди.

Агар дастлаб малака имтиҳонини топшира олмаган деб топилган даъвогар қайтадан малака имтиҳонини топшириш натижаларига кўра малака имтиҳонини топширган деб эътироф этилса, унга умумий асосларда актуарий малака сертификати берилади.

28. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

**VIII. Актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш
муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат
бериш тартиби**

29. Актуарий малака сертификати мазкур Низомнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ сертификатнинг махсус бланкида расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

Актуарий малака сертификати бланклари ҳисобга олиш серияси, рақами ва ҳимоя даражасига эга бўлган қатъий ҳисоботдаги ҳужжатлар ҳисобланади ва Молия вазирлиги буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босма усулда тайёрланади.

Актуарий малака сертификати 5 йил муддатга берилади.

Актуарий малака сертификатини бериш учун даъвогар томонидан тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим тўланади.

30. Актуарий малака сертификати Молия вазирлиги томонидан имтиҳон комиссиясининг баённомалари тузилган ва имзоланган санадан 10 кунлик муддат мобайнида расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома асосида бошқа шахсга актуарийлар реестрига имзо чектириб берилади.

31. Агар даъвогар актуарий малака сертификати расмийлаштирилган санадан бошлаб уч ой мобайнида уни олиш учун узрсиз сабабларга кўра келмаса, Молия вазирлиги актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ҳақлидир.

32. Актуарий малака сертификатининг эгаси актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин ва олти ойдан илгари бўлмаган муддатда Молия вазирлигига сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза;

мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ анкета;

нотариал тасдиқланган малака сертификатининг кўчирма нусхаси;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун тегишли йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

33. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ва актуарий малака сертификатининг эгаси томонидан малака имтиҳони муваффақиятли топширилган тақдирда амалга оширилади.

Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати даъвогар аризасида кўрсатилган ва 5 йилдан ошмаган муддатга узайтирилади. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати актуарий малака сертификати бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган санадан узайтирилади.

Актуарий малака сертификати муддатини узайтириш учун даъвогар томонидан

тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида йиғим тўланади.

34. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, дастлаб берилган актуарий малака сертификати бланкига махсус белги қўйиш йўли билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малака сертификати бланкининг амал қилиш муддатини узайтиришга тегишли бўлган реквизитлар тўлган тақдирда актуарий малака сертификатининг эгасига реестр бўйича дастлаб берилган тартиб рақам билан янги актуарий малака сертификати берилади. Дастлаб берилган актуарий малака сертификатининг бланки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

35. Фамилияси, исми, отасининг исми ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда актуарий малака сертификатининг эгаси дарҳол, аммо 3 кундан кечикмаган ҳолда, Молия вазирлигига қайта расмийлаштириладиган актуарий малака сертификатини ва тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини, шунингдек малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжатини илова қилган ҳолда актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириши шарт.

36. Актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш актуарий малака сертификати эгаси томонидан тегишли ариза топширилган санадан бошлаб 5 кун давомида амалга оширилади. Бунда дастлаб белгиланган амал қилиш муддати билан янги актуарий малака сертификати бланки берилади.

Дастлаб берилган актуарий малака сертификатининг бланки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун даъвогар томонидан тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида йиғим тўланади.

37. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган актуарий малака сертификатининг ўрнига актуарий малака сертификати эгасининг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда йўқотилган актуарий малака сертификатининг эгаси матбуотда актуарий малака сертификатининг йўқолгани ҳақида эълон қилиши ва нашр нусхасини Молия вазирлигига тақдим қилиши шарт.

Яроқсиз ҳолга келган актуарий малака сертификати Молия вазирлигига қайтарилиши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Актуарий малака сертификатининг дубликати реестр бўйича дастлабки тартиб рақами ва амал қилиш муддати, ҳамда актуарий малака сертификатининг янги бланкида «Дубликат» ёзуви қўйилган ҳолда берилади.

Актуарий малака сертификати дубликатини бериш учун даъвогар томонидан тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида йиғим тўланади.

IX. Актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартиби

38. Қуйидагилар актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади:

актуарийнинг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси;

актуар хизматларни кўрсатиш давомида актуарий томонидан олинган маълумотларни учинчи шахсларга актуар хизматлари буюртмачисининг рухсатисиз тақ-

дим этиш фактининг аниқланиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

актуар хизматларни кўрсатишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам равишда бузиш;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати мобайнида уч йил давомида актуар хизматларни кўрсатмаслик;

актуарий малака сертификатини бошқа шахсга ўз номидан актуар хизматларни кўрсатиш учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиши мақсадида бериш фактининг аниқланиши;

молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

39. Актуарий малака сертификати қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

Молия вазирлигининг актуарий малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний бўлганда;

қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда сертификатни олиш факти аниқланганда;

қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

40. Актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш учун асослар аниқланган тақдирда Молия вазирлиги тегишли қарор қабул қилади ва уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

41. Молия вазирлигининг актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори 5 кунлик муддат ичида актуарий малака сертификатининг эгасига ва у актуар хизматларни амалга оширадиган актуарий ташкилотига юборилади.

Актуарий томонидан актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб 10 кун давомида сертификат белгиланган тартибда йўқ қилиниши учун Молия вазирлигига қайтарилиши керак.

42. Малака сертификатларининг амал қилиши йўл қўйилган хатолари учун бекор қилинган ёки тўхтатилган актуарийлар унинг амал қилиши бекор қилинган ёки тўхтатилган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида актуарий малака сертификатини қайта олиш учун малака имтиҳонларини топширишга қўйилмайдилар.

Х. Малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритиш

43. Молия вазирлиги малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

актуарий малака сертификатини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, олган санаси ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва яшаш жойи;

актуарий малака сертификатининг рақами, берилиш санаси;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликати бериш тўғрисидаги маълумотлар.

44. Актуарийлар реестридан актуарий малака сертификатининг рақами, бери-

лиш санаси, қайта расмийлаштирилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши ва амал қилиши тўхтатилиши, шунингдек, актуарий малака сертификатининг бекор қилиниши ва дубликатининг берилиши тўғрисидаги маълумотлар кўчирмалар кўри-нишида манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этилиши мумкин.

45. Актуарийлар реестридан битта актуарийга оид ахборот тақдим этиш учун тўлов кундаги энг кам иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида ҳақ тўланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига актуарийлар реестридан маълумот бепул тақдим этилади.

46. Реестрдан маълумот тақдим этилганлиги учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига кирим қилинади.

47. Реестрдан маълумотлар тақдим этиш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб (маълумотларни тақдим этиш учун ҳақ тўлангани тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган ҳолда) уч кундан ошмаслиги лозим.

XI. Яқуний қоидалар

48. Молия вазирлигининг актуарий малака сертификатини бериш, амал қили-шини тўхтатиш ва бекор қилиш масалалари бўйича қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

49. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

50. Мазкур Низом Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон суғурта бозори
профессионал иштирокчилари
ассоциацияси бош директори*

М. МИРСОДИҚОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 4 сентябрь*

Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Олий маълумот йўналишлари ва ихтисосликлари рўйхати

Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)	5340100
Менежмент (тармоқлар бўйича)	5340200
Молия	5340600
Банк иши	5340700
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	5340900
Математика	5460100
Амалий математика ва информатика	5480100

Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигига

_____ дан

АРИЗА

Мени актуарий малака сертификатини олиш, амал қилиш муддатини узайти-
риш (кераксизлиги ўчирилсин) учун малака имтиҳонига киритишингизни сўрайман.

Аризага илова қилинади:

- 1.
- 2.
- 3.

ва х. к.

«_____» _____ 20__ й.

Шахсий имзо _____

Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

+

АНКЕТА

даъвогар тўғрисидаги маълумотлар

Биринчи қисм. Анкетани тўлдириш қоидалари

Анкета қўлёзма равишда, тушунарли ёзув, қора, қўқ ёки сиёҳранг рангдаги ручка билан тўлдирилади. Барча саналар араб сонларида келтирилиши лозим. Анкетанинг барча саволларига тўлиқ жавоб берилиши лозим, Анкетанинг бирорта ҳам қаторлари тўлдирилмасдан қолмаслиги керак. Битта тўлдирилмаган қаторнинг мавжудлиги бутун анкетанинг тўлдирилмаганлигини англатади ва у даъвогарга тўлиқ тўлдириш учун қайтариб берилади. Заруратга кўра анкета саволлари бўйича батафсил маълумот бериш учун анкетага қўшимча варақлар илова қилиниши мумкин.

Иккинчи қисм. Анкета

1. Даъвогар шахси тўғрисидаги маълумотлар

Код	Саволлар	Жавоблар	Фотосурат учун
1.	Фамилия		
2.	Исм		
3.	Отасининг исми		
4.	Олдинги фамилия (агар фамилия ўзгарган бўлса)		

5.	Туғилган сана	
6.	Паспорт серияси ва рақами	
	Паспортнинг берилган вақти ва ким томонидан берилганлиги	
7.	Турар жойи (паспортдаги қайд бўйича)	
	Турар жойи (яшаш манзили бўйича)	
8.	Телефон: алоқа учун:	Факс:
	уй:	

2. Маълумоти тўғрисидаги маълумотлар

(фақат олий таълим муассасаларидаги таълим кўрсатилади,
ҳар бир ОТМ бўйича алоҳида)

Код	Саволлар	Жавоблар
7.	Олий таълим муассасаси номи	
8.	Ушбу олий таълим муассасасининг даъвогарга маълум бўлган сўнгги манзили	
9.	Таълим шакли (кераклиснинг тагига чизилсин)	а) кундузги б) сиртқи в) кечки
10.	Ўқишга кириш санаси	
11.	Ўқишни тугатиш санаси	
12.	Олинган даража	
13.	Олинган мутахассислик	
14.	Диплом ёки олий таълим муассасасининг битирганлик тўғрисидаги бошқа ҳужжат серияси ва рақами	Серия _____ Рақам _____

3. Иш стажи тўғрисидаги маълумотлар

(меҳнат дафтарчасидан)

№	Давр		Иш жойи	Лавозим
	кириш	кетиш		
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
...				

Мен ўз томонимдан мазкур анкетада келтирилган маълумотлар ҳақиқийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман.

Анкетани тўлдириш санаси «___» _____ 200__ й.

Шахсий имзо _____

Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси Герби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

Серия:
АҒ

№ _____

Фотосурат

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «___» _____ 200__ йилда-
ги ___-сонли буйруғига мувофиқ ушбу сертификат билан _____

(актуарий Ф.И.О.)

(паспорт рақами ва серияси, ким томонидан ва қачон берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган актуар ташкилот номидан
актуар химатларни кўрсатиш ҳуқуқи тасдиқланади.

Мазкур сертификат берилган санадан бошлаб беш йил давомида ҳақиқийдир.

Сертификат берилган сана: «___» _____ 200__ йил

Реестр бўйича тартиб рақам: _____

Ваколатли шахс: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилди:

«___» _____ 20__ й. дан «___» _____ 20__ й. гача.

Ваколатли шахс: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

«___» _____ 20__ й. дан «___» _____ 20__ й. гача.

Ваколатли шахс: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

424 Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
10 октябрда 1726-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 20 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотларни ва хизматлари сертифицикаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертифицикаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицикаштириш агентлиги тўғрисидаги низомига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 майдаги 104 сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқига аккредитациядан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертифицикаштириш
агентлиги Бош директори**

Р. БЎРИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 август,
367-сон

«Ўзстандарт» агентлиги
Бош директорининг 2007 йил 14 августда-
ги 367-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва
аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга
мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини
аккредитациядан ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 майдаги 104-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

Қоидалар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган, ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳоловчи ва бу ҳақда хулоса берувчи юридик шахсларнинг метрология хизматларига тааллуқлидир.

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий атамалар ва тушунчалар қўлланилади:
метрология хизматларини аккредитациядан ўтказиш — метрология хизматларининг белгиланган аккредитациядан ўтказиш соҳасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш мақсадида ишлар ўтказишининг қонунийлигини расман тан олиш;

аккредитациядан ўтказувчи орган — тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг мавжуд талабларга мувофиқлиги ҳақида хулоса бериш ҳуқуқига расман ваколат берувчи давлат бошқаруви органи («Ўзстандарт» агентлиги);

апелляция — аккредитация аризачисининг унинг тегишли ҳолатига нисбатан бирор-бир салбий қарорни қайта кўриб чиқиш учун қилган ёзма мурожаати;

аккредитация аризачиси — аккредитация қилинишига талабгор юридик шахс;

метрология хизмати — давлат органлари ва юридик шахслар метрология хизматларининг тизими ва уларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти;

аккредитация мезонлари — аккредитация аризачисининг мувофиқ бўлиши лозим бўлган талаблар мажмуаси;

аккредитация соҳаси — мувофиқликни тасдиқлаш бўйича маълум фаолият соҳасидаги аниқ ишларни бажариш учун берилган ариза ва (ёки) берилган аккредитация;

аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома — белгиланган аккредитация соҳасида аккредитация қилинган метрологик хизматларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш ҳуқуқларини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

аккредитациядан ўтказиш бўйича Кенгаш — Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимининг ўтказилган аккредитациядан ўтказиш натижалари бўйича қарор қабул қилувчи раҳбарий идораси (бундан кейин Кенгаш деб юритилади);

техник эксперт — аккредитация соҳасида баҳоланишга нисбатан махсус би-

лимларни таъминлаш ёки экспертиза учун аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан тайинланадиган шахс;

сифат бўйича эксперт — аудитор — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, аккредитация соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакага эга мутахассис.

2. Аккредитация ўзининг тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги лаёқатини тан олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ҳамда аккредитациядан ўтказиш учун тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширган аризачига нисбатан аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилади.

3. Тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш бўйича ишларни ўтказиш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беришни амалга оширувчи метрология хизматларининг лаёқатини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

4. Метрология хизматлари Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида» Қонунида назарда тутилган бошқа турдаги метрология назоратига ҳам аккредитация қилиниши мумкин, шунингдек ўзининг таркибида ўлчаш воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда метрологик аттестациялаш, қиёслаш ва тиббий ускуналар ва аппаратураларни калибрлаш ҳуқуқига аккредитация қилинган калибрлаш лабораторияларига эга бўлиши мумкин.

5. Метрология хизматини аккредитациядан ўтказиш учун умумий мезонлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) тиббий ускуналар ва аппаратуралар ишлаб чиқарувчилари, етказиб берувчилари ва истеъмолчиларидан мустақиллиги;

б) аккредитацияланувчи аризачининг юридик ҳолатини тасдиқловчи ва тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқловчи ишларни бажариш қоидаларини белгиловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

в) малакали ва метрологик тайёргарликка эга, ўрнатилган тартибда аттестация қилинган мутахассисларнинг (бош метролог, ўлчаш турлари бўйича метролог) мавжудлиги;

г) баҳоланаётган объектларга норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

д) ўлчаш воситаларини аттестация қилиш, қиёслаш ва/ёки калибрлашни амалга оширувчи аккредитация қилинган лабораториялар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувларнинг мавжудлиги (ўзининг таркибида мутахассис метрологлар ва/ёки аккредитация қилинган лабораториялари мавжуд бўлмаган метрология хизматлари учун).

II. Аккредитациядан ўтказиш тартиби

6. Метрология хизматларини аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) аккредитациядан ўтказиш учун ариза бериш, аризани олдиндан кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш, аккредитациядан ўтказувчи орган билан экспертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш, ариза берувчи томонидан экспертиза ўтказиш учун тўловларни амалга ошириш;

б) экспертиза далолатномасини расмийлаштириш билан бирга ҳужжатлар тўпламини экспертиза қилиш, баҳолашга тайёрлаш ва уни ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш, аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш, баҳолаш ўтказилиши учун аризачи томонидан тўловнинг амалга оширилиши;

в) аккредитация объектини баҳолашга тайёрлаш (комиссия тайинлаш, буйрук чиқариш, объектни жойида баҳолаш дастурини ишлаб чиқиш);

г) далолатнома расмийлаштирилиши билан бирга аризачини жойида баҳолаш;

д) ҳужжатлар экспертизаси натижаси, жойида баҳолаш натижаларини, аризачи томонидан камчиликларнинг бартараф этилиши самарадорлигини таҳлил этиш, қарор лойиҳасини тайёрлаш;

е) экспертиза ва баҳолаш ҳужжатларини Кенгашда кўриб чиқиш, шунингдек аккредитациядан ўтказиш ёки аккредитациядан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

ж) аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш, қайд этиш ва тақдим этиш ва аризачи томонидан тўловларни амалга ошириш.

Аккредитациядан ўтказишнинг ҳар бир босқичи олдинги босқичнинг ижобий натижалари бўйича амалга оширилади.

7. Аккредитациядан ўтказиш учун тўловлар Хизматларга тўловларни амалга ошириш тартибига (1999 йил 28 апрель, рўйхат рақами 722) мувофиқ амалга оширилади.

8. Аккредитациядан ўтказиш бўйича тўловлар аризачи томонидан ҳар бир босқич учун алоҳида амалга оширилади.

Аризачи тузилган шартномага кўра аккредитациядан ўтказиш ишлари билан боғлиқ барча тўловларни уларнинг натижаларидан қатъи назар, тўлаши шарт.

9. Тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимининг доирасида метрология нормалари ва стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги ўзининг лаёқатини тан олиниши истагини билдирувчи аккредитация аризачиси аккредитациядан ўтказувчи орган мазкур Қоидаларнинг 1-ило-
васига мувофиқ ариза ва аккредитация мезонларининг бажарилганлигини тасдиқ-
ловчи ҳужжатларни йўллайди.

10. Метрология хизматини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида берилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) таъсис ҳужжатлари нусхалари;

б) аккредитация соҳасининг лойиҳаси;

в) тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича метрология хизмати низоми лойиҳаси;

г) тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш ва уларни метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича хулосалар бериш тартиби;

д) метрология хизмати мутахассисларининг метрологик тайёргарлиги кўрсатиб ўтилган рўйхати;

е) баҳоланувчи ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик хоссаларини белгилаш учун аккредитация соҳасининг лойиҳасида кўрсатилган мувофиқлик баҳолаш объектларининг норматив ҳужжатлари рўйхати.

Баҳоланувчи ускуналар метрологик хоссаларини белгиловчи норматив ҳужжатлари ўзгарганда, аккредитация қилинган метрология хизматлари аккредитациядан ўтказувчи органга тегишли ахборотни тақдим этадилар.

11. Аккредитациядан ўтказиш учун тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижаси бўйича, ариза қайд қилинган кундан бошлаб уч кун ичида аккредитация ишларини олиб бориш тўғрисида ёзма равишда қарор қабул қилинади.

12. Аккредитациядан ўтказувчи орган ариза бўйича қарор қабул қилиб экспертиза ўтказилишини таъминлайди. Экспертиза аккредитациядан ўтказувчи орган

томонидан экспертиза учун тўловлар амалга оширилгандан сўнг ўтказилади. Аккредитациядан ўтказиш ишларига (хужжатлар экспертизаси, метрология хизмати-ни текшириш ва ҳ. к.) аккредитациядан ўтказувчи орган штатига кирмайдиган эксперт-аудиторлар, маслаҳатчилар ва мутахассислар жалб этилган ҳолда, уларга тўловлар фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида амалга оширилади.

13. Хужжатлар экспертизаси ариза бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддат ичида амалга оширилади. Экспертиза натижаси сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан берилган хулоса билан расмийлаштирилади.

14. Экспертиза натижалари салбий бўлганда аккредитациядан ўтказувчи орган аккредитация мезонларига номувофиқлиги сабабли уни аккредитациядан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида аризачини хабардор қилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун муддат берилади. Ушбу муддат 30 кундан ошмаслиги лозим.

15. Аккредитациядан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома аризачига рад этилиш сабаблари ва камчиликлар бартараф этилиб, хужжатлар қайта тақдим этилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма равишда юборилади (тақдим этилади).

16. Аризачи томонидан аккредитациядан ўтказиш рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи сабаблар бартараф этилганда, хужжатларнинг қайта кўрилиши аризачининг аризаси билан биргаликда барча зарур хужжатлар олинганидан сўнг ўн кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Аризани қайта кўриш учун тўловлар ундирилмайди. Аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг тақдим этилган ариза янги тақдим этилган ариза бўлиб ҳисобланади.

17. Экспертизанинг ижобий натижалари бўйича аккредитациядан ўтказувчи орган аккредитация объектини жойида баҳолаш учун комиссия тузади. Комиссия аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбарининг комиссия таркиби, жойида баҳолашни ўтказиш мақсади, санаси ва муддати кўрсатилган буйруғи билан тайинланади.

Комиссия раиси сифат бўйича эксперт-аудитор даражасига аккредитация қилинган бўлиши лозим.

Комиссия шакллантирилишида баҳолаш объектив ўтказилиши учун зарур бўлган лаёқат, билим ва малака ҳисобга олинади.

18. Зарур ҳолларда эксперт-аудиторлар раҳбарлигида ишлашлари лозим бўлган техник экспертлар жалб этилиши мумкин.

19. Баҳолаш объектлари ва мезонларини қамраб олувчи баҳолаш режаси комиссия томонидан ишлаб чиқилади ва аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбари ёки бунга ваколатли бўлган шахс томонидан тасдиқланади. Баҳолаш буйруғи ва режаси баҳолаш ўтказилишидан олдин аризачига танишиб чиқиш учун тақдим этилади.

20. Аккредитация объектини жойида баҳолашда объектнинг амалдаги ҳолати аризага илова қилинган хужжатларга мувофиқлиги ва даъво этилаётган вазифаларни амалга оширишга қодирлиги текширилади.

21. Комиссия аккредитация объектнинг аккредитациянинг белгиланган мезонларига мувофиқлигини баҳолаш режасига мувофиқ баҳолашни ўтказди.

Баҳолаш давомийлиги бир ойдан ошмаслиги лозим. Аккредитация объектини жойида баҳолаш натижалари баҳолаш далолатномаси (маълумотномаси) билан ушбу Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади.

22. Далолатнома комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг бирор-бир аъзоси комиссия хулосаси билан рози бўлмаган ҳолда, у баҳолаш далолатномасига илова қилинадиган ёзма эътирозини билдириши мумкин.

23. Аккредитациядан ўтказувчи орган аризачи томонидан тақдим этилган барча маълумотларни текшириб бўлганидан сўнг, ҳужжатлар экспертизаси натижалари, баҳолаш далолатномаси, далолатнома бўйича ҳулоса ва эътирозлар, аризачининг тақдим қилинган фикрларини таҳлил этади ва Кенгашда кўриб чиқиши учун кiritади.

24. Кенгаш 15 кундан кўп бўлмаган муддатда аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва аккредитациядан ўтказиш ёки аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

25. Аккредитациядан ўтказиш рад этилган ҳолда Кенгаш томонидан аккредитация объектига аниқланган камчиликлар ва аккредитация талабларига номувофиқликларни бартараф этиш учун бир ойлик муддат берилади.

26. Қайта баҳолашда ҳам камчиликлар ва аккредитация талабларига номувофиқликлар аниқланса, Кенгаш аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

27. Аккредитациядан ўтказиш муддати аккредитация объектнинг тайёрлигига боғлиқ бўлиб, аккредитациядан ўтказиш учун ариза қайд этилган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

III. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани бериш

28. Аккредитациядан ўтказиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, аккредитациядан ўтказувчи орган аризачига ушбу Қоидаларнинг 3-иловасида келтирилган шаклдаги аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

29. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома Ўзбекистон Республикасининг Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими реестрида (бундан кейин реестр деб юритилади) қайд этилади.

30. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномага Аккредитация объектнинг низоми, шунингдек аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбари томонидан ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган аккредитация соҳаси илова қилинади.

31. Аккредитация соҳасининг ҳар бир саҳифаси «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитация бўлими бошлиғи ҳамда аккредитациядан ўтказилган ташкилот раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

32. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома муддатсиз берилади.

33. Аккредитация объекти фаолиятининг белгиланган аккредитация мезонларига мослигининг инспекция назорати аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»га (2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1472) мувофиқ амалга оширилади.

IV. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани бекор қилиш ва тўхтатиб туриш

34. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома аккредитация қилинган орган аризаси, шунингдек «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»да (2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1472) белгиланган ҳолларда бекор қилинади ва (ёки) тўхтатиб турилади.

35. Тўхтатиб турилган аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда номувофикликлар бартараф этилганидан сўнг тасдиқланиши мумкин. Бунда гувоҳнома эгаси томонидан номувофикликлар бартараф этиш бўйича қўрилган чораларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

36. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинганда, реестрга аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Реестрга тегишли ёзувлар киритилган санадан бошлаб уч иш кунни мобайнида аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома эгасига гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисида маълумот хати юборилади.

Аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинганидан сўнг қайта аккредитациядан ўтишга ариза мазкур Қоидаларнинг II-бўлими талабларига кўра тақдим қилиниши мумкин.

V. Юридик шахс қайта ташкил этилган, номи ёки манзили (почта манзили) ўзгарганда ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби

37. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган ҳолларда, аккредитация объекти қайта қайд этилганидан сўнг бир ҳафталик муддат ичида аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларнинг тасдиқловчи ҳужжатларни (Уставнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, Уставга киритилган ўзгаришлар қайд этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ва аввал берилган аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг асл нусхаси) илова қилган ҳолда аккредитациядан ўтказувчи органга топшириши шарт. Ариза ҳужжатлар тўплами билан биргаликда аризачи томонидан бевосита ёки почта алоқа воситалари орқали етказиб берилади. Гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунига қадар аккредитация объекти ўз фаолиятини аввал берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

38. Ариза келиб тушганида аккредитациядан ўтказувчи орган юридик шахснинг қайта ташкил этилгани, номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганини тасдиқловчи тақдим этилган ҳужжатларни ва ушбу ўзгаришларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайд этилганини текширади.

39. Агар аризачи аввал аккредитация қилинган юридик шахснинг ҳуқуқий во-
рисси бўлса, ҳужжатлар кўриб чиқилишининг кейинги босқичлари мазкур Қоидаларнинг II-бўлимининг 2-параграфида баён этилган тартибда амалга оширилади.

40. Қайта расмийлаштирилган аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кун давомида мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ берилади.

VI. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби

41. Аккредитациядан ўтказиш натижалари билан норози бўлган манфаатдор томон «Ўзстандарт» агентлигининг апелляция кенгаши ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

42. Апелляция кенгаши қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

VII. Якуний қоидалар

43. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент .,
2007 йил 13 август*

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент .,
2007 йил 13 август*

Метрология хизматларини тиббий ускуна-
лар ва аппаратураларнинг метрологик
нормалар ва стандартларга мувофиқлиги
тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини
аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ**

Аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбарига

**Аккредитациядан ўтиш учун
АРИЗА**

1. _____нинг
(аризачи номи)

тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга
мувофиқлигини баҳолаш учун _____
(аккредитация объекти)

_____ни аккредитациядан ўтказишни сўрайди.

2. Манзил, телефон, телекс, факс, ҳисоб рақами _____

3. Раҳбар Ф.И.О. _____

4. Жавобгар ходим Ф.И.О., телефони _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Аккредитациядан ўтиш учун илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____

Ҳақ тўлаш кафолатланади.

Аризачи _____
(ташкилот номи) (имзо) (И.Ш.)

Метрология хизматларини тиббий ускуна-
лар ва аппаратураларнинг метрологик
нормалар ва стандартларга мувофиқлиги
тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини
аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими

Аккредитациядан ўтувчи метрология хизматини баҳолаш ДАЛОЛАТНОМАСИ (МАЪЛУМОТНОМАСИ)

_____ (аризачи номи)

_____ (аккредитация соҳаси)

«___» _____ 20 г. дан «___» _____ 20 г. гача бўлган муддатда _____

_____ (баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат номи, сони, санаси)

Комиссия таркибида:

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О., лавозими)

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)

аккредитациядан ўтказиш мақсадида _____ ни баҳолашдан ўтказди
(аризачи номи)

Баҳолаш натижасида аниқланди:

Комиссия тавсия этади:

(комиссиянинг аризачи фаолиятини такомиллаштириш борасидаги тавсиялари)

Хулоса:

(аризачи ташкилотни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги комиссия хулосаси)

Комиссия раиси

(имзо)

Комиссия аъзолари

(имзо)

Метрология хизматларини тиббий ускуна-
лар ва аппаратураларнинг метрологик
нормалар ва стандартларга мувофиқлиги
тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини
аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Миллий
аккредитациядан ўтказиш тизими**

**Метрология хизматини
АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА**

Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими
Давлат реестрида қайд этилган
«___» _____ 20__ й.
№ UZ.AMT.06 (04).MAI_____

«Ўзстандарт» агентлиги тасдиқлайди,

(аризачи номи, манзили)

Аккредитациядан ўтказиш тизими талабларига _____ жавоб беради, ва
Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимида аккредита-
ция қилинганлигини тасдиқлайди.

Низом ва аккредитация соҳаси илова қилинади.

Гербли
муҳр ўрни

(лавозими)

Аккредитациядан
ўтказувчи орган
раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Метрология хизматларини тиббий ускуна-
лар ва аппаратураларнинг метрологик
нормалар ва стандартларга мувофиқлиги
тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини
аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Аккредитация соҳаси шакли

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Аккредитациядан ўтказувчи
орган раҳбари

Аккредитация қилинганлиги
тўғрисида гувоҳнома
ИЛОВАСИ

_____ (Ф.И.О.)
« ____ » _____ 20__ й.

№ _____
_____ 20__ й.

АККРЕДИТАЦИЯ СОҲАСИ

_____ (метрология хизматининг номи ва манзили)

Баҳоланувчи тиббий техника ва тиббий ўлчов воситаларининг номи (гуруҳи)	Маҳсулотга қўйиладиган мажбурий талабларни мужассамлаштирувчи норматив ҳужжатнинг белгиланиши
1	2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

425 Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар
учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилиш-
ни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом-
ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 октябрда 1727-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 22 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-
ки тўғрисида», «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон «Уй-жой қури-
лиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон,
54-модда), 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 сентябрь,
24/6-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун
уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни
молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда), 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ тижорат банклари (кейинги ўринларда банк деб юритилади) томонидан пудрат қурилиш ташкилотларига кўп квартирали уйларни қурилишини ва реконструкциясини молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомга асосан банклар томонидан кредитлар пудрат қурилиш ташкилотларига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва улардан мақсадли фойдаланиш шартларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган яқка тартибдаги ва намунавий лойиҳалар бўйича, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда («калити билан») қуриш ёки реконструкция қилиш шarti билан берилади.

Бунда пудрат қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи ҳам пудратчи сифатида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Пудрат қурилиш ташкилотларига кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредитлар бериш, ушбу қурилиш ташкилотининг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом»-нинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 17-сон, 146-модда) 40-бандига мувофиқ кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди. Қурилиш якунлангандан кейин кўп квартирали уйлар қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишга топширилади.

4. Пудрат қурилиш ташкилоти қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига ҳамда қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибага, етарли моддий-техника базаси ва тажрибали мутахассисларга эга бўлиши лозим.

5. Банк томонидан кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ажратиладиган кредит миқдори унинг, яъни тайёр ҳолда қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уйнинг қийматидан қурилиш ташкилотининг ўз айланма маблағлари ва бизнес-режасида олиниши режалаштирилган фойда миқдори чегирилган ҳолда, аммо қурилиш объектининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Агар пудрат қурилиш ташкилоти қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизи миқдоридagi ўз айланма маблағига эга бўлмаса, банк кредит қўмитаси унинг ижобий кредит тарихини ҳисобга олиб, ўз қарори билан қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг шу миқдордаги қисмига ҳам кредит ажратиши мумкин. Бунда банк томонидан ажратиладиган кредитнинг умумий суммаси қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

6. Кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шarti билан уйларни қураётган ёки реконструкция ишларини амалга ошираётган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида низом»га мувофиқ, суғурта компаниялари билан қурилиш объектини суғурталаш шартномасини тузган пудрат қурилиш ташкилотлари кредитланади. Бунда суғурта шартномаси кредитловчи банк фойдасига тузилади.

7. Кредитдан фойдаланиш муддати қурилиш ёки реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш муддатларидан келиб чиққан ҳолда, аммо 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Бунда 12 ойдан ошмаган муддатга имтиёзли давр берилиши мумкин.

8. Кредит бўйича фоиз ставкаси миқдори томонлар келишувига асосан белгиланади.

9. Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган, қурилиш хатарларини суғурталаш бўйича суғурта тўловларини тўлиқ ҳажмда тўламаган пудрат қурилиш ташкилотларига, шунингдек, улардан фойдаланишга топшириш муддатлари кечиктирилган, қурилиши тугалланмаган кредитланадиган объектлар ёки илгари берилган кредитлар бўйича муддатида тўланмаган қарз ёки бошқа молиявий маж-

буриятлар мавжуд бўлганида, кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишига кредитлар берилмайди.

II. Кредитни расмийлаштириш тартиби

10. Пудрат қурилиш ташкилоти томонидан кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) кредит мақсади, таъминоти, муддати ва суммаси кўрсатилган кредит олишга буюртманомаси;

б) кўп квартирали уй қурилиши учун ер участкаси ажратилганлиги ва ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқни ёки реконструкция қилинадиган объектга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

г) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан берилган экспертиза хулосалари, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсати, объектнинг рўйхат карточкаси;

д) электр энергия, газ, иссиқлик энергияси, сув ва канализацияга улашнинг техник шартлари;

е) белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишнинг аниқ мўлжалли рўйхати, титул рўйхати ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш жадваллари;

ж) пудрат қурилиш ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан тузган шартнома нусхаси ва суғурта полиси;

з) бизнес-режа;

и) пудрат қурилиш ташкилотининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлаш учун солиқ органлари томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган унинг охириги ҳисобот санасига бўлган молиявий ҳисоботлари (1, 2, 2а, 4 ва 5-сонли шакллар);

к) кредит бўйича таъминот тури ва ушбу таъминот бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатлар;

л) бошқа ташкилот ва муассасалар олдидаги қарздорликлари ва бошқа банклардаги мавжуд маблағлари бўйича маълумотномалар (маълумотлар молиявий ҳисоботларга мос бўлиши лозим) ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар устав капиталларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотнома;

м) қуриладиган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уйдаги қаватлар сони, ҳар бир квартиранинг умумий ва яшаш майдонлари ҳажми, 1 кв.м. ўртача қиймати ҳамда ҳар бир квартирани аниқ қиймати кўрсатилган маълумотнома.

11. Банк пудрат қурилиш ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларни лойиҳа ҳужжатларига мос равишда тузилганлигини текширади ва улар асосида бериладиган кредит миқдорини аниқлайди.

12. Бериладиган кредит миқдори аниқлангандан кейин банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилади ва унинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлайди.

Барча таҳлиллар амалга оширилганидан кейин банк кредит бўлими ходими ва кредит бўлими бошлиғи томонидан имзоланган хулоса тузилади ва банк кредит қўмитасига тақдим этилади.

13. Банк кредит қўмитаси кредит буюртманомаси, унга илова қилинган барча ҳужжатларни ва ушбу кредит буюртманомаси бўйича банкнинг кредит бўлими хулосасини кўриб чиқиб аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Кредит буюртманомасини кўриб чиқиш муддати ушбу буюртманомаси ва унга

илова қилинган барча ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан 20 банк иш кунидан ошмаслиги керак.

Банкнинг кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни муддатида қарз олувчига, кредит беришнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ёзма хулосани жўнатади.

14. Банкка пудрат қурилиш ташкилоти томонидан қўйидаги таъминот турларидан бири ёки бир нечтаси тақдим этилади:

кўчмас ва кўчар мулк гарови;

банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

кредитни қайтарилмаслик хатарининг суғуртаси.

Банк пудрат қурилиш ташкилотидан қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уйдаги квартираларни келажакда сотилишидан тушадиган маблағларни гаровга қўйилишини талаб қилиш ҳамда қурилиш ишлари ниҳоясига етмай қолганда қурилиш тугалланмаган кўп квартирали уйга эгалик қилиш ҳуқуқларига эга бўлади.

15. Кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун берилган кредитларни қайтарилиш таъминоти сифатида ушбу уйдаги квартираларни келажакда сотишдан тушадиган тушумлар гаровга олинган тақдирда бу борада алоҳида гаров шартномаси тузилади.

Гаров шартномасида банк кредити ҳисобидан қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уйдаги квартираларни сотишдан тушган барча тушум бевосита кредит учун ҳисобланган фоизлар тўловига ва кредитни қайтаришга йўналтирилиши белгилаб қўйилади. Ушбу шарт кредит шартномасида ҳам белгилаб қўйилиши лозим.

16. Кредит шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб олинган кредитлар тўлиқ сўндирилгунига, комиссиялар, фоизлар ва уларга доир пенялар тўлангунига қадар амал қилади.

III. Кредит бериш тартиби

17. Кўп квартирали уйларни қуриш, реконструкция қилиш учун банк томонидан кредит бериш, қарз олувчи номига ҳар бир объект номи ва рақами акс эттирилган алоҳида ссуда ҳисобварағи очиш ҳамда ушбу ҳисобварақдан пудрат қурилиш ташкилотининг тўлов топшириқномаси асосида қўйидаги мақсадлар учун пул маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

қурилиш материалларини харид қилишга;

қурилиш монтаж ишларини бажариш жадвалларига мувофиқ ёрдамчи пудрат ташкилотларига бажариладиган ва бажарилган ишлар, автотранспорт, механизм хизматлари учун тўловларни;

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатлари (ёқилғи-мойлаш материаллари, табиий газ, электроэнергия, сув ва бошқалар);

кредитланаётган қурилиш объектида банд бўлган ходимларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

18. Ссуда ҳисобварағидан қурилишнинг титул рўйхатига ва капитал маблағлардан фойдаланишнинг унда кўрсатилган йўналишларига мувофиқ келмайдиган тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

19. Пудрат қурилиш ташкилотини кредитлаш босқичма-босқич молиялаштириш

ва қурилиш-монтаж ишларни бажариш жадваллари асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг тўлов топшириқномасига асосан кредит шартномаси умумий суммасининг 50 фоизигача миқдорда аванс тўловлари бўйича;

б) қарз олувчи томонидан аванс маблағлари ҳисобига бажарилган ишлар далолатномаси тақдим этилгандан сўнг (аванс миқдоридан кам бўлмаган миқдорда), кредит шартномаси умумий суммасининг қолган 50 фоизи бажарилган ишлардан келиб чиққан ҳолда. Бунда банкнинг масъул ходимлари жойига чиққан ҳолда берилган кредит маблағларини мақсадли ишлатилганини ўрганган ҳолда далолатнома тузади.

IV. Кредитларни ва уларга ҳисобланган фоизларни сўндириш тартиби

20. Берилган кредитларга фоизлар кредит қолдиғига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва кредит шартномасида белгиланган муддатларда ундирилади.

21. Берилган кредитларга ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича асосий қарзни қайтариш, пудрат қурилиш ташкилоти томонидан банк кредити ҳисобига қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уйдаги квартираларни сотишдан тушган маблағларни жамлаш мақсадида очиладиган махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақдаги (22626 — корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

22. Кўп квартирали уйни қуриш учун банкдан кредит олган пудрат қурилиш ташкилоти кредит берган банкка унга қурилаётган кўп квартирали уйларни сотишдан тушган маблағларни жамлаш учун алоҳида махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағи очишни сўраб ариза тақдим этади.

Банк пудрат қурилиш ташкилотининг ушбу аризаси асосида унга белгиланган тартибда 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағини очади.

23. Ушбу махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига фақат банк кредити ҳисобига қурилаётган кўп квартирали уйдаги квартираларни сотишдан тушган пул маблағлари кирим қилинади.

24. Пудрат қурилиш ташкилоти томонидан кўп квартирали уйлардаги квартиралар ушбу турар жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларда, тижорат банкларининг ипотека кредитлари орқали аҳоли, шу жумладан ёш oilаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи гуруҳларининг тавсияларига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

Кўп квартирали уйдаги квартираларнинг бир қисmini банк билан келишилган ҳолда корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда олдиндан пул ўтказиш орқали сотиб олиб уларда ишлаб турган ёш oilалар аъзолари ва бошқа ходимларига беришлари мумкин.

25. Қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банк томонидан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун кредит бериш борасида ижобий қарор қабул қилинганидан кейин қарз олувчи ҳар бир жисмоний шахсга уларнинг аризаларига мувофиқ квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган дастлабки бадални киритиб қўйиш учун жамғарма омонат ҳисобварақлари очилади ва дастлабки бадал кирим қилинади ҳамда

унга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган ставкада фоиз ҳисоблаб борилади.

26. Банклар жамғарма омонат ҳисобварағига сотиб олинadиган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бадал қирим қилинганлиги тўғрисида пудрат қурилиш ташкилотига бадал қиритган жисмоний шахслар рўйхатини илова қилган ҳолда маълумотномани тақдим этади.

Ушбу маълумотнома пудрат қурилиш ташкилоти учун жисмоний шахс билан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиш борасида шартнома тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

27. Пудрат қурилиш ташкилотидан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олаётган жисмоний шахс банкдан кредит олмасдан тўлиқлигича ўз маблағлари ҳисобига сотиб олоқчи бўлгани тақдирда биринчи бадални қиритиш учун жамғарма омонат ҳисобварағини қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банкда очади. Жисмоний шахс ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш борасида шартнома тузилгандан кейин жисмоний шахс квартира қийматининг қолган 75 фоизини ўзининг номига очилган жамғарма омонат ҳисобварағига бирданига ёки қисмларга бўлиб ўтказиши мумкин.

28. Дастлабки бадалнинг бир қисмини ёки барча суммасини ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар томонидан пул ўтказиш орқали ипотека кредити олувчи ёш оила аъзоси номига очилган жамғарма омонат ҳисобварағига ўтказиб берилиши мумкин.

29. Жисмоний шахсга кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банк томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида низом»да (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда) белгиланган тартибда ипотека кредити берилади.

Ёш оилаларга ипотека кредити берилишида «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»да (2007 йил 18 июль, рўйхат рақами 1697, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 308-модда) белгиланган имтиёзлар ҳисобга олинади.

30. Жисмоний шахсларнинг жамғарма омонат ҳисобварақларида сотиб олинadиган кўп квартирали уйдаги квартира қийматига тенг миқдорда тўпланган маблағлар ёки камида 25 фоиз бошланғич бадали қиритилган ва қолган қисмига расмийлаштирилган ипотека кредити маблағлари жисмоний шахс ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида квартирани олди-сотди шартномаси имзоланганидан ҳамда кўп квартирали уй қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга (эксплуатацияга) қабул қилингандан кейин пудрат қурилиш ташкилотининг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Юридик шахслар томонидан ушбу кўп квартирали уйдаги квартирани ўз ҳодимларига, шу жумладан ёш оилалар тоифасига қирувчи ҳодимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олиш учун ўтказиб берилган маблағлари ҳам ушбу 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига қирим қилинади.

31. Пудрат қурилиш ташкилотининг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига кўп кварти-

рали уйлардаги квартираларни сотиш натижасида келиб тушган маблағлар, биринчи навбатда кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган кредитларга ҳисобланган фоизлар тўловига ва кредитларни қайтаришга йўналтирилади.

Кўп квартирали уй қийматининг 5 фоизи миқдоридаги қисми шартномада қайд этилган пудрат қурилиш ташкилотининг кафолатли муддати тамом бўлгунга қадар 22626-сонли «Қорхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағида сақлаб турилади ва қолган ортиқча маблағлар белгиланган тартибда банк томонидан мемориал ордер билан пудрат қурилиш ташкилотининг асосий ҳисобварағига ўтказиб берилади.

32. Пудрат қурилиш ташкилоти кредит бўйича қарз қолдиғини қайтаришни ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини муддатидан олдин банк билан келишган тартибда амалга ошириши мумкин.

V. Банкнинг кредитлардан мақсадли фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтарилишини мониторинг қилиш тартиби

33. Банклар кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида банк кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш жадвалига риоя қилинишини, ссуда ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш вақтида уларнинг лойиҳага мувофиқлигини ва кредитдан мақсадли фойдаланилишини, кредитни қайтарилишини ҳамда унинг бўйича фоизлар тўланишини ва кредит таъминоти ҳолати бўйича назоратини амалга оширади.

Банк мониторинг давомида берилган кредитни мақсадга мувофиқ ишлатилаётганлигини бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганади, шунингдек, зарурият вужудга келганда назорат ўлчовларини ҳам амалга оширади. Мониторинг вақтида берилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилганлиги ёки ҳисоботларда қайд этилган ҳажмларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда банк бошқа мақсадларга ишлатилган кредитларни ва ҳисобланган пеняларни ундириб олиш чораларини кўради.

Банк томонидан кредитдан бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчига нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

34. Асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, банк қарз олувчининг мажбуриятларини бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитни қайтаришни таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

35. Агар кредитни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чоралар зарур натижани бермаса ва кредитнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслик хавфи вужудга келса, берилган кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириб олади. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**426 Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини
юретиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 октябрда 1728-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 22 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юретиш тўғрисидаги йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк Раиси ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 сентябрь,
23/1-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 8 сентябрдаги
23/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини
юретиш тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, микрокредит ташкилотлари учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юретиш қоидаларини белгилайди.

І бўлим. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари, молиявий операцияларнинг ҳисобини юретиш ва назорат қилиш қоидалари, бухгалтерия апаратининг тузилиши, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

хужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисоботини тузиш тартиби белгиланган.

Ушбу Йўриқнома қоидалари банклар, кредит уюшмалари ва ломбардларга татбиқ этилмайди.

2. Бухгалтерия операцияларини амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш бўйича мазкур Йўриқнома ва унинг иловаларида белгиланган кўрсатмалар барча микрокредит ташкилотлари учун мажбурийдир. Микрокредит ташкилоти доирасида ҳужжатларнинг айланиш тартиби ҳар бир микрокредит ташкилотининг иш хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур Йўриқномада кўзда тутилган асосий қоидаларга амал қилинган ҳолда белгиланиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши лозим.

3. Микрокредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби барча микрокредит ташкилотлари учун ягона бўлган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига мувофиқ амалга оширилади.

4. Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисоб икки ёқлама ёзув усулида юритилади. Бунда ҳар бир асосий ҳисобварақ ёки асосий ҳисобварақлар гуруҳи учун контр-ҳисобварақлар мавжуд бўлиб, улардан фақат бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учунгина фойдаланилади. Баланс ҳисоботи ёки шу каби бошқа молиявий ҳисоботларда асосий ҳисобварақлар акс эттирилиб, контр-ҳисобварақлардаги маълумотлари кўрсатилмайди.

5. Микрокредит ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбари ҳамда бош бухгалтер бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича мазкур Йўриқномада ўрнатилган талабларга риоя қилиниши ва молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади.

II бўлим. Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия иши ва ҳужжатлар айланишини ташкил этиш

1-боб. Микрокредит ташкилотининг бухгалтерия аппарати тузилиши

6. Бухгалтерия аппарати микрокредит ташкилотларининг ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисобини, ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва назоратини амалга оширадиган ходимларни ўз ичига олади. Ушбу тузилма микрокредит ташкилотларининг бош бухгалтери томонидан бошқарилади. У микрокредит ташкилотлари бош бухгалтери тўғрисидаги низом (1-илова) асосида иш олиб боради.

7. Ҳар бир микрокредит ташкилотида ходимларнинг лавозим вазифалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши зарур. Мазкур лавозим вазифаларининг нусхалари тегишли ходимларга таништирилади ва бош бухгалтер томонидан имзо қўйдириб берилади. Бухгалтерия аппаратининг асосий вазифалари рўйхати мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган.

8. Бухгалтерия ходимиға, унинг лавозим мажбуриятларига мувофиқ маълум вазифаларни бажариш юклатилади.

9. Чиким касса операциялари устидан назорат махсус ажратилган бухгалтер-назоратчи томонидан, агар микрокредит ташкилотида бу лавозим кўзда тутилмаган бўлса, бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан микрокредит ташкилоти раҳбарининг буйруғи асосида амалга оширилади. Шу билан бир вақтда микрокре-

дит ташкилотида чиқим касса операциялари бўйича касса чиқим журнали юритилиши лозим.

10. Ҳисобга олиш ҳужжатларида микрокредит ташкилотлари операциялари ҳисобининг юритилишини ташкил этиш ва ҳисоботлар тузиш ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг сақланиши устидан раҳбарлик бош бухгалтерга юклатилади, у бўлмаган вақтда, микрокредит ташкилоти раҳбарининг буйруғи асосида бош бухгалтернинг ўринбосарига юклатилиши мумкин.

2-боб. Иш куни ва ҳужжатлар айланишини ташкиллаштириш

11. Бухгалтерия ходимларининг иш куни давомида микромолиялашга оид ҳисоб ҳужжатлари расмийлаштирилиши ва ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилган операциялар шу куннинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилиши лозим.

12. Ҳар бир микрокредит ташкилотида ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар айланиш жадвали белгиланади. Жадвалда ҳужжатларнинг барча кўриб чиқиш жабҳалари бўйича ўтиш тартиби белгиланади.

3-боб. Ички назоратни ташкил этиш

13. Молиявий операциялар амалга оширилганда уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек, маблағлар ва қимматликларнинг бут сақланишини тегишлича назорат қилиш таъминланиши лозим.

14. Микрокредит ташкилотларида касса операциялари амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

15. Касса чиқим операциялари чиқим касса ордери билан расмийлаштирилади (3-илова) ва мазкур Йўриқноманинг 9-бандида кўрсатилган тартибда марказлашган ҳолда назорат қилинади. Бош бухгалтер амалга ошириладиган операцияларнинг ҳаққонийлигини, қонун ҳужжатларига мослигини, ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини текширади. Касса чиқим ордери ижрочи директор ва бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Касса чиқим ҳужжатларини тўлов учун кассага йўналтирилиш тартиби микрокредит ташкилоти ижрочи директори ва бош бухгалтери томонидан ўрнатилади.

16. Касса кирим операцияларини расмийлаштириш ва микрокредит ташкилоти касса ҳисобварағига маблағларни киритиш фақат кассага ҳақиқатда пул келиб тушганидан сўнг амалга оширилиши лозим.

Бунда касса кирим ордери (4-илова) 3 нусхада расмийлаштирилиб, нақд пул топширилгандан сўнг, учинчи нусха нақд пул қўювчига квитанция сифатида микрокредит ташкилоти муҳри ва кассир имзоси билан қайтарилади, иккинчи нусха бухгалтерияга тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш учун берилади, биринчи нусха касса кунлик ҳужжатларига тикилади.

17. Микрокредит ташкилотининг бош бухгалтери муҳрлар, штамплар ва бланклардан фойдаланиш, уларнинг йўқолиши ёки суиистеъмолчилик мақсадларида фойдаланиш шароитига имкон бермаслик учун тегишли равишда сақланишини таъминлаш шарт. Микрокредит ташкилоти раҳбарининг буйруғи асосида бош бухгалтер муҳрларни рўйхатга олиш китобини юритади. Мазкур китобда муҳрлар ва бурчак муҳрларининг ҳисоби уларни сақлаётган бухгалтер ҳамда кассирлар фамилияси ва лавозими ҳамда бириктирилган бурчак муҳрларнинг изи кўрсатилган ҳолда имзо орқали расмийлаштирилади.

III бўлим. Бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари**1-боб. Ҳисобга олиш китоблари**

18. Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун Бош ва Ёрдамчи китоблардан (синтетик ва аналитик ҳисоб) фойдаланилади.

19. Бош китоб (5-илова) бу ҳисобварақлар режаси номенклатурасига мос ҳисобварақлар гуруҳи бўлиб, молия ҳисоботларни (баланс ҳисоботи, даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисоботи ва бошқалар) тайёрлашда ишлатиладиган йиғма маълумотларни акс эттиради.

20. Микрокредит ташкилотларида бош китоб кунлик баланс шаклида юритилади. Бундан ташқари бош китоб баланс ҳисобварақлари бўйича маблағлар айланмаси ва қолдиқлари маълумотидан ташкил топиши мумкин. Бош китоб маълумотлари қуйидаги ёрдамчи китоблар маълумотлари асосида шакллантирилади:

— пул маблағларини ҳисобга олиш китоби (6-илова);

— берилган микрокредит, микролизинг, микроқарз ва бошқа микромолиялаш операцияларни ҳисобга олиш китоби (7-илова);

— ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш китоби (8-илова);

— кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олиш китоби (9-илова);

— меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш китоби (10-илова);

— ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш китоби (11-илова);

— асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш китоби (12-илова);

— кирим ва чиқим касса китоблари (13, 14-иловалар).

21. Барча кунлик операциялар Ёрдамчи китобда хронологик тартибда акс эттирилади. Ёрдамчи китоб учун манба бўлиб қуйидаги бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ҳисобланади:

— кирим касса ордери (4-илова);

— чиқим касса ордери (3-илова);

— мемориал ордери (15-илова);

— тўлов топшириқномаси (умумий қабул қилинган шаклда);

— кирим ва чиқим бўйича касса китоблари (13, 14-иловалар);

— бошқа бирламчи ҳужжатлар.

22. Ёрдамчи китобни юритишни соддалаштириш ва қўшимча назорат учун касса операциялари ҳисоби кирим ва чиқим бўйича касса китобларида юритилади. Кун охирида кирим ва чиқим касса китобларидаги қолдиқлар касса билан солиштирилади. Мазкур дафтарлардаги маълумотлар ҳар бир ҳисобварақ бўйича алоҳида йиғилиб, ёрдамчи китобига ўтказилади. Касса ҳужжатлари алоҳида тикиб борилади ва улар кассада сақланади.

23. Микрокредит ташкилоти касса китобларининг барча варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва микрокредит ташкилоти ижро этувчи орган раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси, шунингдек, микрокредит ташкилоти муҳри билан тасдиқланади.

2-боб. Ҳисобга олиш даври

24. Ҳисобга олиш даври молиявий операциялар таҳлилидан бошланиб, молиявий ҳисоботларни тузиш ва ҳисобварақларни ёпишгача бўлган ҳисоб жараёнининг кетма-кет босқичини ўз ичига олади.

Ҳисобга олиш даври қуйидаги босқичлардан иборат:

- а) бирламчи ҳужжатларни расмийлаштириш (кирим касса ордери, чиқим касса ордери, мемориал ордери ва бошқа ҳужжатлар);
- б) ёрдамчи китобларда операцияларни рўйхатга олиш;
- в) ойнинг охирида ёрдамчи китоблардаги жами суммани Бош китобга ўтказиш;
- г) ой охирида бухгалтерия балансини тайёрлаш;
- д) бухгалтерия баланси асосида молиявий ҳисоботни тайёрлаш;
- е) ҳисобот йили охирида микрокредит ташкилотининг фойда ва зарарлар ҳисобварақларини ёпиш;
- ж) йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш.

3-боб. Бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатиш

25. Бош ва Ёрдамчи бухгалтерия китобларида ҳеч қандай тузатишлар қилинишига рухсат этилмайди. Ўчирувчи суюқликлар ёрдамида, шунингдек, суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш йўли билан тузатишлар киритиш тақиқланади.

26. Аниқланган хато ёзувлар ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга тескари ёзувлар киритиш йўли билан (сторно усулида) тузатиш ордерларини тузиш асосида тузатилиши лозим.

27. Тузатиш ордери икки нусхада тузилади:

- а) биринчи нусхаси ўтказмани тасдиқловчи бирламчи ҳужжат ҳисобланади;
- в) иккинчи нусхаси тузатиш ордерларини рўйхатга олиш китобига тикилади.

28. Тузатиш ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хатога йўл қўйилгани кўрсатилиши керак, агарда қарздорнинг ташаббуси билан берилган аризага асосан бўлса, унда аризага эслатма берилади. Ушбу ариза бирламчи ҳужжатлар билан бирга сақланади.

29. Тузатиш ордери иккинчи нусхасининг тескари томонида, шунингдек, рўйхатга олиш китобида хатога йўл қўйган шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими кўрсатилади. Рўйхатга олиш китоби бош бухгалтерда сақланади.

30. Суммаси кейинчалик сторно билан тузатилган кредит карточкасида ёки шахсий ҳисобварақдаги хато ёзув қаршисига албатта «Сторноланган» белгиси қўйилиши, тузатиш киритилган сана ва тузатиш ордерининг рақами кўрсатилиши шарт. Бу қайд тузатиш ордерини имзолаган бош бухгалтер ёки унинг муовини имзоси билан тасдиқланади.

IV бўлим. Микрокредит ташкилотларининг бухгалтерия операциялари ҳисоби

1-боб. Умумий қоидалар

31. Микрокредит ташкилотлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, банкларда депозит ҳисобварақлари ва бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Микрокредит ташкилотларида мижозларга микромолия хизматларини кўрсатиш ва ички хўжалик операциялари бўйича шахсий ҳисобварақларни очиш тартиби ушбу Йўриқноманинг 20-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

32. Микрокредит ташкилоти билан мижоз ўртасида микрокредит бериш бўйича кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан микрокредит ташкилоти ижрочи директори микрокредитнинг муддати ва фоиз став-

касани кўрсатган ҳолда, миждоз учун шахсий ссуда ҳисобварағи очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради. Фармойишга асосан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан миждозга шахсий ссуда ҳисобварағи очилади. Бунда микрокредит ташкилоти томонидан ҳар бир қарздорга алоҳида кредит карточкиси очилади (16-илова).

2-боб. Микрокредит ва микроқарз операциялари ҳисоби

33. Микрокредит ташкилотлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратиладиган микрокредитлар ҳамда жисмоний шахсларга микроқарзлар миқдори қонунчилик билан белгиланади.

34. Микрокредит ташкилоти томонидан якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсларга микрокредит ҳамда жисмоний шахсларга микроқарзлар берилганда ҳар бир қарз олувчига кредит карточкиси расмийлаштирилади. Кредит карточкисида берилган барча микрокредит ва микроқарзлар бўйича операциялар ҳисоби олиб борилади.

35. Микрокредит ва микроқарз бериш бўйича операциялар ўтказилганда бош бухгалтер:

ҳар бир қарздор учун микрокредит (микроқарз) шартномаси ва ижрочи директор фармойишига асосан алоҳида шахсий ссуда ҳисобварағини очади;

микрокредит ва микроқарзлар бериш бўйича фармойишдаги операцияларни ва тегишли ўтказмаларни амалга оширишни тасдиқлайди;

фармойишни ушбу қарздор ҳисобварағини юритувчи бухгалтерия ходимига беради, микрокредит ва микроқарз шартномасини кредит бўлими ходимига жўнатади.

36. Қарз олувчига маблағларни бериш ушбу Ўзбекистон Республикасида қўйилган талаб қилиб олинган пул маблағларни беришни расмийлаштириш жараёни ва ҳисобига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда микрокредит ва микроқарз бўйича нақд пул маблағлари берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет Микрокредит ва микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи;
Кредит 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ҳисобварағи.

Микрокредит ва микроқарз миждозга нақд пулсиз тарзда берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет Микрокредит ва микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи;
Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олинган пул маблағлари» ҳисобварағи.

37. Микрокредит ва микроқарз қайтариш ҳисобварағида маблағларни ҳисобга олиш ва фоизлар ҳисоблаш ушбу Ўзбекистон Республикасида қўйилган талаб қилиб олинган пул маблағларни расмийлаштириш жараёни ва ҳисобига мувофиқ амалга оширилади.

38. Микрокредит ва микроқарз бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар нақд пулда сўндирилганда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ҳисобварағи;
Кредит Микрокредит ёки микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи;

Кредит 163** — Микрокредит ёки микроқарз бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар бўйича тегишли ҳисобварақ.

Худди шунингдек, микрокредит ва микроқарз бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар нақд пулсиз шаклда сўндирилганда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи;

Кредит Микрокредит ёки микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи;

Кредит 163** — Микрокредит ёки микроқарз бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар бўйича тегишли ҳисобварақ.

39. Ҳисобланган фоизлар суммаси микрокредит ташкилоти томонидан ҳар хил микрокредит ёки микроқарз турлари бўйича белгилаган йиллик фоиз ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Фоизлар ҳисоблашда бир йил деб 365 (366) кун қабул қилинади. Фоизлар микрокредит ёки микроқарз берилган санадан бошлаб ҳақиқий кунлар миқдоридан (микрокредит ёки микроқарз берилган кун ҳисобга олинган ҳолда) ёки фоизларни қайтаришни охириг кунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

+

Кредит ёки қарз суммаси X фоиз ставкаси X кунлар сони
365 (366)

-

40. Олинishi лозим бўлган фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дебет 163** — Микрокредит ёки микроқарз бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар бўйича тегишли ҳисобварақ;

Кредит 42000 — 44500 — Микрокредит ва микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар тегишли ҳисобварағи.

41. Микрокредит ёки микроқарзнинг асосий суммаси ёки фоизлар қайтарилиши 60 ва ундан ортиқ кунга кечиктирилган ҳолда ва бундай микрокредит ва микроқарзлар бўйича фоизларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилганда, ҳисобланган, лекин олинмаган барча фоизлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилиши лозим:

Дебет 42000 — 44500 — Микрокредит ва микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар тегишли ҳисобварағи;

Кредит 163** — Микрокредит ёки микроқарз бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар бўйича тегишли ҳисобварақ.

Шунингдек, ушбу фоизлар суммасини кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида акс эттириш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 91501 — «Берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағи;

Кредит 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича контр-ҳисобварақ».

42. Фоизлар баланسدан ҳисобдан чиқарилганидан сўнг, фоизларни кейинги ҳисоблаш фақат баланسدан ташқари 91501 — «Берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар» ва 91505 — «Бошқа активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари» ҳисобварақларида қоида бўйича 3 йилдан ошмаган вақтгача амалга оширилиши мумкин. Бунда барча муддати ўтган фоизлар кредитнинг асосий суммаси тўлиқ қопланганидан ва тўланганидан кейин даромадга киритилиши мумкин.

Аввал ҳисобдан чиқарилган ва баланسدан ташқари ҳисобланадиган фоизларни қайтаришда:

Дебет 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича контр-ҳисобварақ» ҳисобварағи;

Кредит 91501 — «Берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағи.

43. Микрокредит ва микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасига ўтказмалар микрокредит ташкилотининг харажатиға 56802 — «Микроқарз ва микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағи орқали олиб борилиши ва жорий давр учун «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилиши шарт:

— Дебет 56802 — «Микрокредит ва микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағи; +

Кредит Микрокредит ва микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив).

44. Тегисли захиралар ҳисобидан микрокредит ва микроқарзларни ҳисобдан чиқариш қуйидаги ўтказма билан амалга оширилади:

Дебет Микрокредит ва микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив);

Кредит Микрокредит ва микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи.

45. Олдин баланسدан ҳисобдан чиқарилган микрокредит ва микроқарзлар бўйича асосий қарз ва фоизлар нақд пулда ундирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ҳисобварағи;

Кредит 45921 — «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» ҳисобварағи;

Кредит 42000 – 44500 — Микрокредит ва микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар тегишли ҳисобварағи.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида олдин ҳисобдан чиқарилган микрокредит ва микроқарз суммаси (асосий қарз)га:

Дебет 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кредит 95413 — «Ҳисобдан чиқарилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар».

3-боб. Микролизинг операцияларининг ҳисоби

3.1. Лизинг берувчи микрокредит ташкилотида микролизинг ҳисоби

46. Микрокредит ташкилоти томонидан микролизингга берилган активларнинг ҳисоби 15600 — «Микролизинг (молиявий ижара)» ҳисобварақларида юритилади.

47. Микрокредит ташкилотида микролизинг объектини дастлабки тан олиш микролизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, микрокредит ташкилоти ўз балансида лизингга берилган микролизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси ёки унинг ҳаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса ўша суммада актив сифатида тан олади.

48. Микрокредит ташкилоти микролизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб берган ҳолда микролизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, микрокредит ташкилоти фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

а) Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

б) Дебет 15607 — «Микролизинг»;

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

49. Микрокредит ташкилоти томонидан амалга оширилган ва микролизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар микролизинг объектининг қийматига қўшилади.

Микролизинг шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

50. Микрокредит ташкилоти томонидан микролизинг объекти дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган микролизинг бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб микролизинг объектини баҳолаб боришни ҳам ўз ичига олади.

51. Микрокредит ташкилотининг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

52. Микрокредит ташкилот томонидан микролизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет 16323 — «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар»;

Кредит 45105 — «Микролизинг бўйича фоизли даромадлар».

53. Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда, хусусан асосий қарзнинг қайтарилган суммасига ҳамда фоизли даромад суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 15607 — «Берилган микролизинг»;

Кредит 16323 — «Микролизинг (Молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар».

54. Микролизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15607 — «Берилган микролизинг»; ва 16323 — «Микролизинг (Молиявий ижара)» бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобварақлари қолдиғи нолга тенг бўлади.

Лизинг олувчи томонидан микролизинг объекти микролизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган ҳолларда ҳам ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқ нолга тенг бўлади.

55. Микролизинг объекти лизинг олувчи томонидан микролизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи микрокредит ташкилоти ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дебет 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар»;

Кредит 15607 — «Берилган микролизинг».

56. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Йўриқноманинг 41 — 42-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

57. Микролизинг операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасига ўтказмалар микрокредит ташкилотининг харажатиға 56838 — «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағи орқали олиб борилиши ва жорий давр учун «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилиши шарт:

Дебет 56838 — «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағи;

Кредит 15699 — «Микролизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)».

58. Тегишли захиралар ҳисобидан микролизингни ҳисобдан чиқариш қуйидаги ўтказма билан амалга оширилади:

Дебет 15699 — «Микролизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»;

Кредит Тегишли микролизинг ҳисобварағи.

59. Олдин балансдан ҳисобдан чиқарилган микролизинг бўйича асосий қарз ва

фоизлар нақд пулда ундирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари»;

Кредит 45921 — «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши»;

Кредит 45100 — «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар».

Худди шунингдек, балансдан ҳисобдан чиқарилган микролизинг бўйича асосий қарз ва фоизлар нақд пулсиз ундирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 45921 — «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши»;

Кредит 45100 — «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар».

Олдин ҳисобдан чиқарилган микролизинг суммаси (асосий қарз)га:

Дебет 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кредит 95413 — «Ҳисобдан чиқарилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар».

3.2. Лизинг олувчи микрокредит ташкилотида микролизинг ҳисоби

60. Микрокредит ташкилотлари микролизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи», лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар»нинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

61. Микролизинг лизинг олувчи микрокредит ташкилотининг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш микролизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи микрокредит ташкилоти лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса ўша суммада акс эттиради.

62. Микролизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи»;

Кредит 22100 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар»нинг тегишли ҳисобварағи.

63. Микролизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан амалга оширилган микролизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар микролизинг объектининг қийматига қўшилади.

64. Микролизинг объекти лизинг олувчи микрокредит ташкилоти балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим. Микролизинг бўйича мажбуриятни актив суммасидан чегириб ташлаган ҳолда (контр-актив ҳисобварақ сифатида) кўрсатишга рухсат этилмайди.

65. Лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан микролизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва микролизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юри-тишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, микролизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олув-чига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан микро-лизинг объектини баҳолаб бориш, амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

66. Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи микрокредит ташкилотнинг микролизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

67. Лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан лизинг тўловлари жад-валига мувофиқ микролизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет 54902 — «Бошқа фоизли харажатлар»;

Кредит 22408 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар».

68. Лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан лизинг тўловлари қу-йидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дебет 22408 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Дебет 22100 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»).

69. Лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан микролизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари ушбу Йўриқноманинг 99-банди талаблари асоси-да амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 56626 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси»;

Кредит 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)».

70. Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи микрокредит ташкилотининг микроли-зинг объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (микроли-зинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўлов-лари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

71. Микролизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи микрокре-дит ташкилоти томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

72. Лизинг олувчи микрокредит ташкилоти томонидан охирги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида маз-кур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Микролизинг объектининг лизинг олувчи микрокредит ташкилотига ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

а) Дебет 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»;

Кредит 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи»;

б) Дебет 16500 — «Асосий воситалар»нинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси тегишли ҳисобварағи (контр-актив).

73. Микролизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи микрокредит ташкилотига микролизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 22100 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»).

22100 — «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар» ҳисобварағи ёпилганидан сўнг, микролизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади ва бунда 72-бандда кўрсатилган бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

74. Микролизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб лизинг берувчи томонидан микролизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, микролизинг объектини лизинг берувчига қайтариш микролизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги микролизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»;

Кредит 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи».

75. Микролизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) микролизинг объектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида микролизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Микролизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланганида, олдинги қайта баҳолашлардаги микролизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағининг кредит қолдиғи микролизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисобварақ бўйича резерв капитални камайтиради.

4-боб. Факторинг операцияларининг ҳисоби

76. Факторинг операцияларининг ҳисоби «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га мувофиқ юритилади.

77. Факторинг операциялари бўйича тўлов ҳужжатларининг ҳисобини юритиш учун микрокредит ташкилоти томонидан 90966 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида шахсий ҳисобварақ очилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебетиди сотиб олинган дебиторлик қарзларининг тўла суммаси акс эттирилади, кредитида эса тўловчилар томонидан тўла тўлаб берилган сотиб олинган дебиторлик қарзлари суммаси ҳисобдан чиқарилади.

78. Тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин микрокредит ташкилоти — молиявий агент маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига, дисконт суммасини чегирган ҳолда, ўтказишни амалга оширади.

79. Маблағларни мижознинг асосий талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағига ўтказишни микрокредит ташкилоти тўлов топшириқномаси билан амалга оширади. Қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) факторинг бўйича маблағлар мижоз ҳисобварағига ўтказиб берилганда:

Дебет 11101 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг» — (факторинг умумий суммасига);

Кредит 11195 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг бўйича дисконт (контр-актив)» — (дисконт суммасига);

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунгача сақланадиган депозитлар» — (Умумий сумма билан дисконт суммаси ўртасидаги фарқ суммасига);

б) факторинг бўйича маблағлар белгиланган тартибда ундирилганда:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунгача сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»);

Кредит 11101 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг»;

в) факторинг бўйича дисконт суммаси даромадга тан олинганда:

Дебет 11195 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг бўйича дисконт (контр-актив)»;

Кредит 45217 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар — Факторинг».

80. Факторинг операцияларида мижоз тўлов талабномасининг юқори қисмида штамп қўйиши ёки «Факторинг» деб ёзиб қўйиши ва кредит бўйича микрокредит ташкилоти-молиявий агент факторинг ҳисобварағининг рақамини кўрсатиши керак.

5-боб. Пул маблағларини бериш ва қабул қилишни расмийлаштириш ва ҳисоб-китоби

81. Микрокредит ташкилоти мижозларга микрокредит, микроқарз ва бошқа микромолия хизматлари бўйича кассадан нақд пул беришда чиқим кирим касса ордерлари (3-илова)дан фойдаланилади.

82. Микромолиялаш хизматларини кўрсатиш учун бухгалтерия ходими берилаётган нақд пул суммаси бўйича ушбу Йўриқноманинг 15-бандига мувофиқ, чиқим касса ордерини тузади ва расмийлаштиради. Бухгалтерия ходими чиқим касса орде-

рини имзолаганидан сўнг, мижозга кассага тақдим этишлари учун ордернинг йирт-ма талонини топширади.

83. Чиким касса ордери фақат бухгалтерия ходими томонидан чиким касса ордерининг биринчи нусхасига кассир имзо қўйганидан сўнг кассага берилади. Чиким касса ордерини пул олаётган шахс орқали кассага топшириш тақиқланади.

84. Кассир чиким касса ордерини олганидан сўнг қуйидагиларни бажариши шарт:

а) пул олувчини чиким касса ордерининг рақами бўйича чақириди;

б) кассага тақдим этилувчи талоннинг рақамини чиким касса ордеридаги рақам билан таққослайди ва талонни тегишли ордерга ёпиштириб қўяди;

в) микрокредит ташкилотнинг пул беришга рухсат бериш ҳукукига эга бўлган мансабдор шахслар имзолари борлигини ва бу имзолар мавжуд намуналар билан бир хиллигини текширади;

г) ҳужжатда рақам ва сўз билан кўрсатилган суммалар ўзаро мос келишини текширади;

д) ҳужжатда пул олинганлигини тасдиқловчи имзо қўйилганлигини текширади;

е) пул олувчининг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат кўрсатилгани тўғрисидаги маълумотлар борлигини текширади;

ж) мижознинг шахсини тасдиқловчи паспорт текширилади ва кўрсатилаётган паспортдаги маълумотни ордердаги маълумотлар билан қиёслади;

з) ҳужжатда кўрсатилган пул суммасини тайёрлайди, пул олувчидан у қанча пул олаётганлигини сўрайди, тайёрланган пул суммасини яна бир бор чиким касса ордери билан қиёслади ва уни пул олувчига бериб, чиким касса ордерига имзо қўяди.

85. Қарздор томонидан микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микро-молия хизматлари бўйича ҳисобланган фоизлар ва бошқа комисион тўловларни қайтариш нақд пул ва нақд пулсиз шаклида амалга оширилиши мумкин.

86. Микрокредит ташкилоти мижозларидан микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолия хизматлари бўйича нақд пулларни қабул қилиш кириш касса ордерлари (4-илова) бўйича амалга оширилади.

Мижозлар ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни нақд пул шаклида амалга оширганда, бухгалтерия ходими ушбу Йўриқноманинг 16-бандига мувофиқ, 3 нусхада кириш касса ордерини расмийлаштиради ва операцияни 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттиради. Шундан сўнг кириш касса китобига имзо қўйган ҳолда, ҳужжатларни кассага топширади.

87. Кассир кириш касса ордерларини олганидан сўнг, уларда бухгалтерия ходимининг имзоси борлигини ва ушбу имзони кассирда сақланувчи намуналарига мос келишини текшириши, мижоз имзоси қўйилганлиги, ундаги кўрсатилган сумманинг сон ва сўз билан ёзилганлигига мос келишини текшириши, шундан сўнг пул қўювчини чақириб, ундан нақд пулларни бирма-бир санаб олиш орқали қабул қилиб олиши лозим.

88. Пул қабул қилиб олганидан сўнг, кассир кириш касса ордерида кўрсатилган суммани қайта саналганда чиққан сумма билан солиштиради. Улар мос келган тақдирда кириш касса ордерининг биринчи нусхасига имзо қўйиб, муҳр босади ва уни пул топширган шахсга беради, кириш касса ордерининг иккинчи нусхасини бухгалтерга ёки кириш касса дафтари юритувчи ходимга топширади, учинчи нусхасини касса ҳужжатларига тикиб қўяди.

89. Кириш касса китобини юритувчи ходим кассага нақд пул маблағлари қабул қилинганда кириш касса ордерлари асосида операцияни кассирдан олинган кириш касса ордери асосида пул маблағлари кириши касса китобига акс эттиради.

90. Микрокредит ташкилотининг касса китобларига ёзувлар пул келиб тушгандан ва чиқиб кетгандан сўнг дархол киритилиши лозим, сўнгра баланс ҳисобварағи бўйича кун охирида касса қолдиғи чиқарилади. Ушбу касса қолдиғи кейинги кун учун бошланғич қолдиқ бўлади. Касса китоби (17-илова) қолдиғи кун якунида кассадаги пул маблағлари мавжудлиги билан солиштирилади. Номувофиқлик аниқланган тақдирда, орадаги фарқ суммаси 19908 — «Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар» ҳисобварағининг дебетига ёки 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар» ҳисобварағининг кредитига олиб борилади.

91. Мижозлар томонидан микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолия хизматлари бўйича ҳисобланган фоизлар ва бошқа комисион тўловларни нақд пулсиз ўтказишда нақд пулсиз шаклидаги тўлов ҳисоби банкнинг микрокредит ташкилоти талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан кўчирма ва тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида банкнинг белгиси билан тўлов топшириқноманинг нусхаси асосида олиб борилади. Ушбу операция микрокредит ташкилотининг 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи дебити бўйича акс эттирилади.

92. Пул маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказишда бухгалтерия ходими:

банкнинг кўчирмасидаги микрокредит ташкилотининг 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағига келиб тушган маблағларни қарздорнинг тўлов топшириқномаси (банк квитанцияси) нусхасидаги ўтказилган сумма маълумотлари билан солиштиради;

белгиланган шаклдаги тўлов топшириқномасини расмийлаштиради;

қарздорнинг кредит карточкасига операция санаси, ўтказилган сумма, қолдиқ, ҳисобланган фоизлар суммаси, фоизлар қолдиғини ёзади.

6-боб. Тўланиши лозим бўлган кредитлар

93. Тўланиши лозим бўлган кредитлар ҳисобварағида, микрокредит ташкилоти томонидан банклардан, бошқа молиявий ташкилотлардан олинган кредитлар суммаси ҳисобга олинади.

94. Ҳар бир олинган кредит бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда ёрдамчи ҳисоб юритилиши зарур бўлиб, унда кредитнинг олинган санаси, олинган кредит бўйича барча тўловлар ва қолдиқ ҳисоби олиб борилади.

95. Олинган кредит ёрдамчи китобида кредит қисмининг «Бошқалар» устунида акс эттирилади. Кредитнинг қисман ёки тўлиқ қайтарилишида тўланган суммалар ёрдамчи китобининг дебет қисмининг «Бошқалар» устунида акс эттирилади.

96. Тузилган кредит шартномасига мувофиқ банкдан маблағлар олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит Кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган тегишли ҳисобварақ.

Олинган кредитларни сўндириш вақтида:

Дебет Кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган тегишли ҳисобварақ;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

97. Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича фоизларни ҳисоблаш ҳар ойда қуйидагича амалга оширилиши лозим:

Дебет Тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича фоизли ҳаражатларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 22410 — «Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

Ҳисобланган фоизларни сўндириш:

Дебет 22410 — «Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

7-боб. Асосий воситалар ҳисоби

98. Балансда асосий воситалар баланс (қолдиқ) қиймати бўйича акс эттирилади. Асосий воситалар кирим қилинганда балансда бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади.

Бошланғич қийматга асосий воситани сотиб олиш ёки уни қуриш (бино қуриш ва қурилишни тугаллаш) билан боғлиқ барча ҳаражатлар, шу жумладан, тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари ҳамда етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бевосита активдан белгиланган мақсадда фойдалана олиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа барча ҳаражатларнинг суммаси киритилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати вақти-вақти билан қайта баҳоланади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш билан ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тикланиш қиймати дейилади. Бухгалтерия балансида тан олинадиган актив суммаси, шунингдек, баланс қиймати деб ҳам аталади.

99. Фойдаланишда бўлган воситалар бўйича ҳар ойлик эскиришнинг ҳисобланиши улар фойдаланишга киритилган ойдан кейинги ҳар ойи эскириш ҳисобланади. Бунда 56600 — «Эскириш ҳаражатлари» дебетланади ва йиғилган эскиришнинг контр-актив ҳисобварағи кредитланади.

Асосий воситаларнинг фойдалилик хизмати муддати ичида унинг бошланғич қиймати асосида тугатиш қийматини айириш билан эскириш ҳисобланади. Тугатиш қиймати асосий воситалар фойдалилик хизмати муддатининг тугаш вақтида уларни тугатиш билан боғлиқ ҳаражатларни айириш орқали аниқланадиган ушбу асосий воситалардан кутилаётган қиймат ҳисобланади.

Эскиришни ҳисоблаш қуйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин:

- 1) тўғри чизиқли ҳисоблаш усули;
- 2) бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули;
- 3) тезлаштирилган усул (камайиб боровчи қолдиқ усули ва йиллар йиғинди усули).

100. Асосий воситаларнинг қийматини олдиндан тўлиқ ёки қисман тўлаш қуйидаги ўтказмалар билан расмийлаштирилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

Сотиб олинган асосий воситалар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан балансда акс эттирилади:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи ёки 16561 — «Омбордаги асосий воситалар»;

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

101. Асосий воситалар текинга олинганда:

Дебет 16561 — «Омбордаги асосий воситалар» ёки 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 30905 — «Текинга олинган мулк».

102. Қурилиш, асосий воситаларни янгилаш, қайтадан тиклаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча чиқим ҳисоби «Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағида олиб борилади:

Дебет 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар»;

Кредит 19909 — «Товар-моддий қийматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

— Бино (иморат)лар фойдаланишга тайёр бўлган тақдирда, уларнинг қиймати 16509 — «Микрокредит ташкилоти бинолари ва бошқа иморатлари» ҳисобварағига тегишли қабул қилиш далолатномаси асосида ўтказилади. Агарда қурилиш ёки қайта тиклаш харажатлари сметасида мебель ва ускуналар сотиб олиш кўзда тутилган бўлса, уларнинг қиймати қабул қилиш далолатномаси умумий қийматдан алоҳида ажратилади ҳамда тўлиқ рўйхати кўрсатилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

а) бино қиймати суммасига:

Дебет 16509 — «Микрокредит ташкилоти бинолари ва бошқа иморатлари»;

Кредит 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар»;

б) мебель ва ускуналар қиймати суммасига:

Дебет 16535 — «Мебель, мослама ва жиҳозлар»;

Кредит 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар».

103. Асосий воситаларни қайта баҳолаш асосий восита объектларининг бошланғич қийматини уларнинг ҳақиқий қийматига мослаштириш мақсадида мунтазам равишда амалга оширилади. Агар ҳақиқий қийматни етарлича даражада аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, микрокредит ташкилотлари барча асосий воситаларни битта гуруҳ доирасида қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттиради. Қайта баҳоланган қиймат бу объектларнинг қайта баҳолаш давридаги ҳақиқий қийматидан тўпланган амортизация ва қийматнинг пасайишидан кўрилган зарар суммаси чегириб ташланган қийматдир.

104. Асосий воситаларнинг алоҳида объектларини қайта баҳолашда асосий воситаларнинг ушбу объектига тегишли барча гуруҳлари қайта баҳоланади. Асосий

воситаларнинг гуруҳи — бу микрокредит ташкилотда фойдаланиладиган тур ва усулига ўхшайдиган активларнинг йиғиндисидир. Асосий воситаларнинг бир гуруҳи таркибидаги объектлар бир вақтда қайта баҳоланади.

105. Ташкилот тасарруфидаги барча асосий воситалар, уларнинг хўжалик қарамоғида ёки оператив бошқарувида бўлган, шунингдек, учинчи томонга ижарага берилган ва учинчи томондан ижарага олинган мол-мулк, фойдаланиладиган ва фойдаланмайдиган мол-мулк, консервацияда сақланаётган, ҳисобдан чиқаришга тайёрлаб қўйилган, лекин белгиланган тартибда тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар қайта баҳоланиши керак.

Ер майдонлари ва табиатдан фойдаланиш объектлари қиймати қайта баҳоланмайди.

106. Қайта баҳолаш микрокредит ташкилоти томонидан мустақил равишда ёки қонунчиликка мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган малакали баҳоловчилар — экспертларни жалб қилган ҳолда, амалга оширилади. Асосий воситалар объектининг ҳақиқий қиймати деб уларнинг бозор қиймати ҳисобланади. Ҳақиқий қийматни тасдиқловчи бозордаги таққослама нархларни ўрганишга асосланган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолатда микрокредит ташкилоти ҳақиқий қийматни даромад ёки амортизацияланган қийматга асосланган услуб ёрдамида тахминан аниқлаши мумкин.

107. Асосий воситалар қийматининг пасайиши активлар қийматининг пасайиши ҳисобини юритиш бўйича Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) талабларига асосланган ҳолда аниқланади.

108. Асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Индекс усули;

2. Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули.

109. Индекс усули. Қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг баланс қиймати ва қайта баҳолаш кунига шу активларнинг жамғарилган амортизацияси маълум индексдан фойдаланилган ҳолда қайта баҳоланади. Шундан кейин активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириш билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

1) агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

а) Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

б) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

Кредит 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив);

в) қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг ўсган қиймати, ушбу актив бўйича олдинги қайта баҳолаш натижасига кўра харажат сифатида ҳисобга олинган қисми миқдоридagina даромад сифатида ҳисобга олиниши лозим;

2) қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ҳақиқий қиймати камайса, у харажат сифатида ҳисобга олинади. Ушбу сумма 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағидан олдинги қайта баҳолаш натижасида бевосита мазкур актив бўйича ҳосил бўлган ижобий суммадан айириб ташланиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

а) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамланган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив);

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив ҳақиқий қийматининг камайиш суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

— в) 30908 — ҳисобварағида акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган ҳолда, камайиш ва олдинги қайта баҳолаш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси харажат сифатида ҳисобга олинади ва 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади: +

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар»;

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

3) қайта баҳолашнинг индекс усулида, асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ушбу активларнинг сотиб олиш давридан келиб чиққан ҳолда ҳар хил индекслар қўлланилади.

110. Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули. Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиши қиймати, алоҳида объектлар қийматини шунга ўхшаш янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор қиймати асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш орқали аниқланади.

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллашда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаш учун ташкилот хоҳишига қараб қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

1) тайёрлов ташкилотларидан ва уларнинг махсус дилерларидан, товар-хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ўхшаш активнинг нарх (баҳо)лари тўғрисида ёзма шаклда олинган маълумотлар;

2) асосий фондларни сотиб олиш ва қайта баҳолаш кунларидаги Марказий банк курсига нисбатан ҳисоб-китоб коэффиценти аниқланадиган эркин айирбошланадиган валютада сотиб олинган асосий фондларнинг қиймати (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

- 3) тегишли давлат ташкилотларидаги нарх (баҳо)лар тўғрисида маълумотлар;
- 4) қайта баҳолаш даврида оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётда эълон қилинган нарх (баҳо)лар тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) баҳоловчининг асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўғридан-тўғри усул билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий восита бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси, шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта баҳолангунга қадар бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффициентга кўпайтирилади.

111. Қайта баҳолашдан кейин активларнинг ҳақиқий қиймати уларнинг бошланғич тикланиш қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққосланади ва фарқ суммаларига мазкур Йўриқноманинг 109-бандига мувофиқ бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

112. Юқоридаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан кейин, активнинг қайта баҳоланган қиймати активнинг қолган ҳисоблаб чиқилган хизмат қилиш муддати давомида амортизацияланади.

113. 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағидаги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа ҳар ойда 31203 — «Тасдиқланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиб борилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

+

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

—

Тегисли актив ҳисобдан чиқарилаётганда 30908 — ҳисобварақдаги шу активга тегишли қайта баҳолаш натижаси тўлиқ 31203 — ҳисобварағига ўтказилади.

114. Омбордаги асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ҳисобга олинади:

- 1) тегишли активлар бўйича қайта баҳолашнинг ижобий натижаси:

Дебет 16561 — «Омбордаги асосий воситалар»;

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси».

- 2) қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиш суммаси:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ва/ёки

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар»;

Кредит 16561 — «Омбордаги асосий воситалар» — тегишли актив.

115. Микрокредит ташкилотининг асосий воситаларига эгалик ҳуқуқини беришни тасдиқловчи барча ҳужжатлар уларнинг баҳоси, суғрута полиси ва бошқа ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдларда сақланиши лозим. Асосий воситаларнинг ёрдамчи ҳисоби ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида карточкаларда (18-илова) юритилиши лозим.

116. Асосий воситалар ва эскиришни ҳисоблаш бўйича барча ўтказмалар 12-иловада акс эттирилади.

8-боб. Микрокредитлар ҳисоб-китобида олинган мол-мулк ҳисоби

117. Микрокредит ташкилоти томонидан микрокредит ва микроқарзни сўндириш ҳисобидан олинган кўчмас мулк ва бошқа мулклар, 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

118. Агар микрокредит ва микроқарзни сўндириш гаровга олинган мулк ҳисобидан, ушбу мулкка бошланғич эгалик ҳуқуқини олиш орқали амалга ошириладиган бўлса, микрокредит ва микроқарзни баланс қиймати ёки гаровга олинган мулкнинг, уни сотиш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда, ҳаққоний қийматидан энг ками бўйича ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар»;

Кредит Микрокредит ва микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи.

Агар гаровнинг бозор қиймати микрокредит, микроқарзнинг баланс қийматидан кам бўлса, уларнинг фарқи микрокредит, микроқарзлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши зарарлар ҳисобварағи орқали ҳисобдан чиқарилади.

Дебет Микрокредит, микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив);

Кредит Микрокредит ва микроқарз бўйича тегишли шахсий ссуда ҳисобварағи.

119. Бошқа хусусий мулк қийматининг ҳар қандай ўзгариши «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағида акс эттирилиши лозим.

Дебет 56834 — «Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»;

Кредит 16799 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)».

120. Бошқа хусусий мулкнинг қийматини назорат қилиш ва ҳисобга олиш уни сотишдан аввал амалга оширилади. Бошқа хусусий мулкни сотишдан кўрилган зарар ёки фойда, мос равишда даромад ёки харажат ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16799 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»;

Кредит 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар».

1) Бошқа хусусий мулк баланс қийматидан юқори баҳода сотилганда:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар»;

Кредит 45913 — «Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»;

2) Бошқа хусусий мулк баланс қийматидан паст баҳода сотилганда:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»;

Кредит 16701 — «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар».

9-боб. Камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби

121. Камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (кейинги матнда — КТБ) — бу микрокредит ташкилотлари фаолиятида фойдаланиладиган ва қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган моддий активлардир:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

б) хизмат муддатидан қатъи назар, (сотиб олинган вақтга) бир комплект учун қиймати Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача белгиланган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилига КТБ таркибида ҳисобини юритиш учун буюмлар қийматининг энг кам миқдорини белгилаш ҳуқуқига эга.

КТБга девонхона ва идора буюмлари, бланклар, почта ва ҳужжат маркалари ва бошқалар киради.

КТБ ҳисоби ҳақиқий сотиб олинган қиймати бўйича, божхона божлари ва йиғимлари, таъминловчи ва воситачи ташкилотларга тўланган воситачилик харажатлари, солиқлар (масалан, қўшилган қиймат солиғи) ва КТБ ни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда юритилади.

122. КТБ қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан амалга оширилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»).

КТБга кирим қилинганда:

Дебет 19921 — «Омбордаги камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

Омбордан КТБ фойдаланишга берилиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 56406 — «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»;

Кредит 19921 — «Омбордаги камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

КТБ билан барча операциялар 9-иловага мувофиқ ҳисобга олиниши мумкин. Фойдаланишда ва омборда бўлган КТБ сақланишининг ҳисоби ва назорати тизимидан ташқари (журналларда) амалга оширилади.

10-боб. Номоддий активларнинг ҳисоби

123. Номоддий активлар — бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан микромолиялаш хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, гудвилл (goodwill), савдо маркалари, компьютер дастурий таъминотлари, лицензиялар ва шу кабилар тегишлидир.

Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлса, у моддий актив сифатида қаралади. Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлмаса, у номоддий актив ҳисобланади.

124. Сотиб олинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини аниқлаш ушбу Йўриқноманинг 98-бандига мувофиқ аниқланади ва унинг ўзгаришига номоддий активларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Номоддий активлар билан боғлиқ харажатлар, агар ушбу харажатлар келажакда шу активлар бўйича дастлабки ҳисобланган меъёрлардан юқори иқтисодий фойда олиб келиши мумкин бўлса, уларнинг бошланғич (ҳақиқий) қийматига қўшилиши мумкин. Барча бошқа харажатлар, улар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврнинг жорий харажатлари сифатида акс эттирилади.

125. Хорижий валютага сотиб олинган номоддий активлар, балансда миллий валютада Марказий банкнинг хорижий валютага нисбатан давлат божхона декларацияси расмийлаштирилган кундаги курси бўйича акс эттирилади ва хорижий валюта курсининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайди.

126. Номоддий активлар қийматининг олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»).

Активлар келиб тушганда:

Дебет 16601 — «Номоддий активлар»;

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

127. Номоддий актив балансда дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олингандан кейин, қайта баҳолаш санасида, агар унинг бозор баҳосини аниқлаш мумкин бўлса, номоддий актив қайта баҳоланади ва қайта баҳоланиш (тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

128. Қайта баҳолагандан сўнг номоддий активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириши билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

129. Агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қий-

матининг ошган суммаси» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

а) Дебет 16601 — «Номоддий активлар»;

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

б) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

Кредит 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)».

130. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар қийматининг ўсган суммаси шу актив бўйича илгариги қайта баҳолашнинг харажат сифатида ҳисобга олинган ва қийматини камайтирган суммасини қоплайдиган қисмигина даромад сифатида тан олинади.

131. Агар активнинг қайта баҳолангандаги қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлса, унда активнинг суммаси камаяди ва бу камайиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

а) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»;

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив қийматининг камайиш суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» (илгариги ўсиш миқдори доирасида);

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

132. Агар 30908 ҳисобварақдаги кредит қолдиқ (номоддий активларнинг айнан шу тоифасига тааллуқли қисми) етарли бўлмаса, унда қайта баҳоланган активнинг қўшимча камайган қиймати қуйидагича ҳисобга олинади:

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар»;

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

133. Қайта баҳолашнинг 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағига қўшилган ижобий натижа, ушбу Йўриқноманинг 113-бандига мувофиқ, ҳар ойда 31203 — «Таксимланмаган фойда» (актив-пассив) ҳисобварағига бевосита ўтказиб борилади.

134. Номоддий активларга эскириш (амортизация ажратмалари), улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий

активларнинг амортизацияланадиган суммаси, уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда банк харажатларига ўтказиб борилади.

135. Номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати амортизация нормалари ёрдамида аниқланади. Амортизация нормалари банк томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва фойдали хизмат қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

136. Номоддий акивларга эскириш ҳисоблаш ушбу Йўриқноманинг 99-бандида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Эскиришни ҳисоблашнинг танланган усули микрокредит ташкилотининг ҳисоб юритиш сиёсатида аниқланиши ва бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот даврига кетма-кет равишда қўлланилиб борилиши ҳамда йил давомида ўзгармаслиги керак.

137. Амортизация ажратмалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали банк харажатларига ўтказиб борилади:

Дебет 56618 — «Номоддий активларнинг эскириш суммаси»;

Кредит 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси» (контр-актив).

138. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда қолдиқ қиймат қуйидагича аниқланади:

1) жамғарилган эскириш суммасига:

Дебет 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси» (контр-актив);

Кредит 16601 — «Номоддий активлар»;

2) ушбу номоддий актив бўйича 30908 — ҳисобварақда қолган қолдиқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

139. Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активлар сотилаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) Номоддий активлар жўнатилгандан кейин харидор томонидан тўлов амалга оширилган ҳолда:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»;

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

Тўлов келиб тушгандан кейинги бухгалтерия ёзувлари:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» (ёки 10101 «Кассадаги пул маблағлари»);

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи».

140. Номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскириш, форс-мажор ҳолатлар

билан боғлиқ бўлганда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарар сифатида қолдиқ (ликвидация) қиймати суммасига ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулкларни/ активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»;

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

Микрокредит ташкилотларида номоддий активларнинг ҳаракати ва ҳисоби ушбу Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ юритилиши мумкин.

11-боб. Микрокредит ташкилотидида ички хўжалик операциялар ҳисоби. Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи ва ходимлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ва олдиндан тўланган харажатлар

141. Микрокредит ташкилоти ўз операцион харажатларини Ижро этувчи органи томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширадilar.

Операцион харажатлар сметаси бўйича микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолия хизматлари учун маблағларни микрокредит ташкилотининг ижро этувчи орган раҳбари тасарруф этади. Смета харажатлари, шу жумладан келгуси давр харажатлари ҳисобидан маблағ сарфлаш учун ҳужжатда микрокредит ташкилоти ижрочи директорининг ижозат имзоси бўлиши шарт.

142. Микрокредит ташкилотининг операцион харажатлари ҳисоби микрокредит ташкилоти томонидан балансда қуйидаги тегишли ҳисобварақларда юритилади: «Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар», «Ижара ва сақлаш», «Хизмат сифари ва транспорт харажатлари», «Маъмурий харажатлар» ва шу кабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Микрокредит ташкилоти ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш ушбу Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ушбу Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ олиб борилади.

143. Микрокредит ташкилотларида товар моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисоб-китоби 19909 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи» ва 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» ҳисобварақлари бўйича олиб борилади.

Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар вақти-вақти билан инвентаризация қилиниши, шунингдек тўлаб берилган ва тўланиши лозим бўлган маблағлар бўйича дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳисоби юритилиши лозим.

144. Микрокредит ташкилотларининг ходимлардан, мижозлардан, бошқа дебиторлардан олиниши лозим бўлган турли хил суммалар олиниши лозим бўлган ҳисобварақда ҳисобга олинади.

145. Олиниши лозим бўлган ҳисобварақларни баланс ҳисоботида ҳақиқий қийматини акс эттириш учун 19911 — «Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағидан фойдаланилади.

146. Ушбу ҳисобварақлар бўйича ўтказмалар 8-иловада акс эттирилади. Ушбу

ҳисобварақнинг дебет қисмида дебиторнинг мажбурияти юзага келганда олиними лозим бўлган сумма. Кредит қисмида — Микрокредит ташкилотлари томонидан олинган сумма.

147. Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар 19925 — «Олдиндан тўланган харажатлар» ва 19931 — «Муддати узайтирилган солиқлар» ҳисобварақларида актив сифатида акс этирилиши ҳамда улар тегишли бўлган ҳисобот даври давомида амортизация (харажатга ўтказилади) қилиниши лозим. Бундай харажатларга йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи, хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, даврий нашрга обуна бўлиш бўйича, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси, бинони ижараси учун олдиндан тўлов, олдиндан суғурта бадали, олдиндан аудиторлик хизматлари учун тўловлар, фаолият кўрсатиш билан боғлиқ ташкилий харажатлар ва бошқа солиқ тўловлари мисол бўлиши мумкин.

148. Олдиндан тўланган ва қолдирилган харажатлар ҳисобварақлари бўйича ўтказмалар 6-илова шаклига мувофиқ алоҳида ҳисоб-китоб шаклида акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебет қисмида олдиндан тўланган сумма ёки қолдирилган харажатлар, Кредит қисмида — олдиндан тўланган харажатларнинг амортизация қилинадиган қисми.

149. Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган олдиндан тўланган ва қолдирилган харажатлар ҳисоби қуйидаги тарзда амалга оширилади (масалан, даврий нашрга обуна бўлиш учун тўланадиган йиллик сумма).

—

Дебет 19925 — «Олдиндан тўланган харажатлар»;

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

+

Бунда, обуна бўйича ҳар ой бўйича олдиндан тўланган харажатларнинг бир қисми ҳисобот даврининг харажатларига киритилади:

Дебет 56418 — «Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар»;

Кредит 19925 — «Олдиндан тўланган харажатлар».

150. Микрокредит ташкилоти операцион харажатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ходим бу харажатлар бўйича ҳужжатларни бухгалтерия қайдловлари учун қабул қилаётганда қуйидагиларни текширади:

а) пули тўланаётган ҳужжатда ижрочи директорнинг рухсат имзоси бор-йўқлиги (агар бўнак ҳисоботи каби жамлама ҳужжат пули тўланаётган бўлса, имзо фақат жамлама ҳужжатда бўлиши талаб қилинади);

б) 29802-ҳисобварақдаги бўнақларни ҳисобга олган ҳолда смета харажатлари қолдиги ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлиги;

в) пули тўланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва якунлар тўғрилиги;

г) ҳужжат тўғри расмийлаштирилгани ва хусусан, кўрсатилган хизматлар учун тузилган тўловномаларга микрокредит ташкилотининг тегишли мансабдор шахслари бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор-йўқлиги;

д) сотиб олинган моддий бойликлар учун ёзилган тўловномаларда бу бойликларни улар бут сақланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги тилхатлар бор-йўқлиги;

е) ҳужжат пули ҳисоботи топшириладиган суммалардан тўланган ҳолларда пул олингани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилгани.

151. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар микрокредит ташкилоти ихтиёрига кўра мазкур Йўриқноманинг 19-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

Ишончномалар микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбари ёки у томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан имзоланади.

152. Ишончномани бериш берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтарыда рўйхатдан ўтказилади.

Ишончномалар дафтары саҳифалари рақамланади ва ип ўтказиб тикилади. Дафтарнинг муқовасида ўтказилган иплар учи устидан алоҳида қоғозда микрокредит ташкилоти ижрочи директори ва бош бухгалтери томонидан «Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади, елимланади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтары ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

153. Ишончноманинг амал қилиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда белгиланади, бироқ у 10 иш куни муддатидан ошмаслиги керак.

154. Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириқлар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий бойликлар омборга (омборхонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни корхона бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт.

Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги санада уни берган корхонага қайтарилиши керак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтарыда («Ишончнома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги қайдлар» устунда) қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви билан сўндирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади. Йил тугагач бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу ҳақда тегишли далолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўқ қилинади. Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди ва муддати ўтган ишончномани қайтариб берилмаганлиги сабаби ўрганилади. Суиистеъмол ҳолати аниқланганда қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилиши шарт.

155. Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар, товар-моддий бойликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчида қолдирилади.

Товар-моддий бойликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган бойликларнинг охириги туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

12-боб. Моддий бойликларни инвентаризация қилиш ҳамда аниқланган ортиқча ва камомадларни расмийлаштириш тартиби

156. Микрокредит ташкилотларида моддий бойликларнинг амалда мавжудлигини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш учун улар микрокредит ташкилоти

томонидан даврий равишда, лекин камида йилда бир марта инвентаризация қилинади. Инвентаризация ўтказиш тартиби микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарияти томонидан белгиланади.

157. Моддий бойликларни инвентаризацияси натижасида аниқланган ортиқча ёки камомад юзасидан ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Микрокредит ташкилотида ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча моддий бойликлар, мисол учун, асосий воситалар баҳоланган қиймат бўйича балансга қуйидагича кирим қилинади.

1) фойдаланишга қабул қилинганда:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар»;

2) омборга кирим қилинганда:

Дебет 16561 — «Омбордаги асосий воситалар»;

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар».

158. Микрокредит ташкилоти ходимларининг айби билан фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий бойликлар ёки камомад аниқланган ҳолда, ушбу моддий бойликларнинг ҳақиқий қиймати, қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади. Етказилган зарар миқдорини, микрокредит ташкилоти мулкига зарар етказганлиги учун ташкилот ходими моддий жавобгарлиги доираси ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Ўтказилган асосий воситаларнинг инвентаризация натижаси юзасидан қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

1) йиғилган эскириш суммасига:

Дебет 165** — Асосий воситалар йиғилган эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив);

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

2) агар ундирилиши лозим бўлган сумма активнинг қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса:

Дебет 19908 — «Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан бўладиган ҳисобкитоблардаги олинishi лозим бўлган маблағлар» — айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган суммага;

Кредит 165** — Асосий воситанинг тегишли ҳисобварағи — қолдиқ қиймат — ва/ёки

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар» — ундирилиши лозим бўлган сумма билан активнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммага;

3) агар ундирилиши лозим бўлган сумма активнинг қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дебет 19908 — «Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан бўладиган ҳисобкитоблардаги олинishi лозим бўлган маблағлар» — ундирилиши лозим бўлган сумма;

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар» — активнинг қолдиқ қиймати билан ундирилиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарқ;

Кредит 165** — Асосий воситанинг тегишли ҳисобварағи — қолдиқ қиймати.

4) маблағлар ундириб олинганда:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ва/ёки

Дебет 29803 — «Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар» (ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш);

Кредит 19908 — «Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги олинаниши лозим бўлган маблағлар».

13-боб. Капитал ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби.

Олинган грант маблағларининг бухгалтерия ҳисоби

159. Молиявий йилнинг якунида барча даромад ва харажатлар ҳисобварақлари йиллик соф фойда (зарар) ҳисобварағида ёпилиши лозим.

Даромад ҳисобварақларини ёпиш:

Дебет Даромад ҳисобварақлари (фойда ва зарарлар ҳисоботидан);

Кредит 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

Харажат ҳисобварағини ёпиш:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»;

Кредит Барча харажат ҳисобварақлари (фойда ва зарарлар ҳисоботидан)». —

+

Сўнгра соф фойда (зарар) ҳисобварағидаги қолдиқ тақсимланмаган фойда ҳисобварағига ўтказилади:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»;

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

160. Тақсимланмаган фойда капиталнинг зарур ажратмалари ёки захиралар (фондлар) тузатишлари суммасига дебетланади (камаяди) ёки кредитланади (кўпаяди). Бошқа ҳолларда тақсимланмаган фойда олдинги ҳисобот даврига тегишли бўлган фақат катта суммалар бўйича тузатишлар киритилган тақдирдагина камайтирилади ёки кўпайтирилади.

161. Молиявий ҳисоботларга муҳим тузатишлар киритиш арифметик хатоликлар, маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ёки янглишиш, бухгалтерия ҳисоби таъминлари ва қоидаларини қўллашда хатоликлар оқибатида юзага келиши мумкин.

162. Микрокредит ташкилотининг устав капиталини фойда ҳисобидан ошириш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»;

Кредит 30301 — «Устав капитали».

163. Захира фондига ажратма ҳар йили соф фойданинг 5% дан кам бўлмаган ҳажмда микрокредит ташкилоти уставига белгиланган сумма миқдорида ўтказилади.

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»;

Кредит 30903 — «Умумий захира фонди».

164. Микрокредит ташкилотига берилган хайрия бадаллари ва грантлар фаолиятни молиялаштириш манбаи сифатида қаралади ва капитал ҳисобварағида қуйидаги тартибда ҳисобга олинади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» ёки 10503 «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»;

Кредит 31701 — «Грант маблағлари».

V бўлим. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш ва қатъий ҳисобда турувчи бланклардан фойдаланиш назорати

165. Микрокредит ташкилоти бухгалтерия ҳужжатларининг қатъий сақланишини таъминлаши шарт. Ҳужжатларини сақлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши ҳамда бу ишлар тўғри ташкил қилиниши учун жавобгарлик микрокредит ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади, улар микрокредит ташкилоти ходимларига кўрсатма бериши, ходимларга ҳужжатларни сақлаш учун маълум жой тақсимлаши ва бириктириб қўйиши лозим.

166. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар иш куни учун алоҳида шакллантирилиб, ўн кунлик ҳужжатлар бир жилдга тикилган ҳолда сақланади. Ҳужжатларни йиғиб шакллантириш ва алоҳида жилдларга тикиш билан бош бухгалтер томонидан шакллантириш бўйича мажбуриятлар вазифаси бириктириб қўйилган ходим шуғулланади. Касса ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдларда кассир ёки касса мудир томонидан жойлаштирилади.

167. Ходим ҳар бир иш куни бўйича бухгалтерия операциялари ўтказилган йиғмажилдларда барча ҳужжатлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шунингдек, ҳужжатларни шакллантиришда иловаси бор бўлган мемориал ордерларда бу иловалар қанчалиги кўрсатилганини ва улар ҳақиқатан ҳам мавжудлигини синчиклаб текширишлари лозим.

Яқунланган кун учун ҳужжатлар эртанги кундан кечиктирилмай, шакллантирилиши зарур. Кейинги кун бошлангунга қадар ҳужжатлар ёнмайдиган шкафта сақланиши лозим.

168. Янада узокроқ муддат сақланадиган, шунингдек, микрокредит ташкилотининг ички операцияларига тааллуқли қуйидаги ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдларда сақланиши керак:

микрокредит ташкилотининг асосий воситалар, операцияларга доир ва бошқа даромад ҳамда харажатлар ва бошқа хўжалик операциялари бўйича;

микрокредит ташкилоти мижозларининг микрокредит, микроқарзлари, шунингдек, микролизинг ва факторинг операциялари бўйича.

Касса ҳужжатларига кириш ва чиқим касса ордерлари барча иловалари билан тикиб қўйилади.

169. Бир кун учун шакллантирилган ҳужжатлар йиғмаси муқовасида қуйидаги мазмундаги матн ёзилади: «Мемориал ____ дона, умумий суммаси ____ сўм» ёки «Кунлик касса ҳужжатлари ____ даромад бўйича ____ дона ____ сўм миқдорида, чиқим ____ дона ____ сўм миқдорида». Мазкур ёзувлар микрокредит ташкилоти бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқланади.

170. Асосий воситалар билан операциялар ҳужжатлари ва турли даромад ҳамда

харажатлар билан боғлиқ операциялар, микрокредит ташкилотларининг бошқа ҳўжалик операциялари бўйича ҳужжатларга мемориал ҳужжатлар билан бирга касса ҳисобварағи билан ўтказилган корреспонденциялашган ва ордерларни (тўловномалар, иш ҳақи тўлаш қайдномалари ва бошқалар) тузиш учун асос бўлган асл нусхадаги ҳужжатлар ҳам жойланади.

171. Операциялар ҳажми кам бўлган тақдирда, микрокредит ташкилотларининг раҳбари қарорига кўра ўтган йилга тегишли бўлган узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар жорий йил тугаганидан кейин шакллантирилиши мумкин. Бундай ҳолда йил тугагунича бу ҳужжатлар йиғмажилдда тикиб борилиши ва ёнмайдиган металл шкафта бош бухгалтер жавобгарлиги остида сақланиши лозим.

172. Узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар шакллантириладиганда йиғмажилдда ҳар бир кун учун қистирма варақлар қўшилиши, уларда шу кун учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланган ҳар бир ҳисобварақ дебети ва кредити бўйича суммалари кўрсатилиши керак, йиғмажилд муқовасида эса, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланган ҳар бир ҳисобварақ дебет ва кредит бўйича ҳужжатларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

173. Қўйидаги ҳужжатлар омборда ёки ёнмайдиган шкафларда сақланиши шарт: йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда ойлик (чорак) баланс унинг барча иловалари билан;

охирги ўн икки ой учун касса ҳужжатлари;

жорий ой учун мемориал ҳужжатлар;

асосий воситалар ҳамда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби юритиладиган журналлар;

амалиёт журналлари, китоблар, имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар ва муҳр изи, фойзаларни ҳисоблаш бўйича қайдномалар.

174. Бухгалтерия ҳисобига тегишли барча материаллар (ўтган ойлар учун мемориал ҳужжатлар ва шахсий ҳисобварақлар ва бошқалар) улар архивга топширилгунига қадар, бухгалтериянинг стеллажлар ва темир жовонлар билан жиҳозланган бухгалтериянинг жорий архивида сақланиши керак. Бу жорий архив ҳужжатлар бут сақланиши учун жавоб берадиган махсус ажратилган ходим қўл остида бўлади. Агар омборда жой етмаса, айти шу ходим бухгалтериядаги ёнмайдиган темир жовонларда сақланадиган ҳужжатларнинг дахлсизлиги учун жавоб беради.

175. Бухгалтерия ва жорий архивда сақланаётган ҳужжатларга доир маълумотлар касса ҳужжатлари бўйича жавобгар ходим ҳузурида, бош бухгалтер имзолаган талабномалар асосида, жорий архив учун жавобгар ходим қатнашувида олинади. Маълумот олиш учун рухсат берилган микрокредит ташкилоти ходими кассир ёки жорий архивни бошқарувчи ходим қўлатида ишлаши лозим. Улар маълумот олишга рухсат берилган ходимлар ҳужжатларга бирор-бир тузатув ёзувларини киритмаслигини қўлатиб туришлари шарт.

176. Мижозларга тегишли ва бошқа пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари суд ва тергов органларининг ёзма талаби асосида фақат микрокредит ташкилоти раҳбарининг рухсати билан олинishi мумкин.

177. Ҳужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб, унга микрокредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтер ва ҳужжатни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатнома ёки баённомада айти қандай ҳужжат олинаётгани, уни кимнинг талабига ва рухсатига кўра олинаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Далолатнома ёки баённоманинг иккинчи нусхаси юқорида айтилган вакилга топширилади.

178. Олинган тўлов ҳужжатининг асл нусхаси ўрнига бош бухгалтер томони-

дан тасдиқлаган нусха (ксерокопияси), шунингдек ҳужжатнинг асл нусхасини олаётган шахс томонидан имзоланган баённоманинг биринчи нусхаси ва ҳужжатни олиш хусусидаги талабнома қўйилади. Ҳужжат олинганлиги тўғрисида бош бухгалтер шу ҳужжат турган йиғмажилднинг муқовасига ёзиб, имзо чекади.

179. Бир йилнинг турли саналарига тегишли пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида олинган ҳолларда, бу ҳужжатларнинг барчаси учун битта далолатнома ёки баённома тузилиб, унга шу ҳужжатлар рўйхати киритилади. Ушбу ҳужжатларнинг бири ўрнига унинг нусхаси, ҳужжатни олиш тўғрисидаги талабнома, далолатнома ёки баённоманинг биринчи нусхаси қўйилади, бошқаларининг ўрнига эса, шу ҳужжатлар нусхалари қўйилиб, уларда ҳужжатни олиш тўғрисидаги талабнома қаерда сақланаётганлиги ёзилади.

180. Микрокредит ташкилотларида ҳисоб-китоб китобчасининг берилиши, квитанция бланкалари ҳамда қатъий ҳисобда турувчи бошқа бланклардан фойдаланишни қатъий назорат қилинмоғи керак, шунингдек, улар ҳаракатининг ҳисобда ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Микрокредит ташкилотларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага
1-ИЛОВА

Микрокредит ташкилоти бош бухгалтери тўғрисида НИЗОМ

И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси микрокредит ташкилотларининг бош бухгалтерларига тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбари жавобгар ҳисобланади. Раҳбар бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисобини юритиш учун тақдим этиш тартиби борасидаги талаблари микрокредит ташкилотининг бўлинмалари, хизматлари ва ҳисобни юритишга алоқадор ходимлари томонидан оғишмай бажарилишини таъминлаши шарт.

2. Бош бухгалтер микрокредит ташкилотида бухгалтерия ҳисоби ташкил этилишини ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мулкнинг бут сақланиши устидан назорат олиб борилишини таъминлайди.

Микрокредит ташкилоти бош бухгалтери лавозимга ташкилот ижро этувчи органи раҳбари томонидан тайинланади ва озод қилинади. Агар микрокредит ташкилотининг юқори муассасаси мавжуд бўлса, унда бош бухгалтерни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юқори турган микрокредит ташкилоти раҳбари ҳамда бош бухгалтери билан келишилади ҳамда у бевосита юқори ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса, бевосита юқори ташкилот бош бухгалтерига бўйсунди.

3. Микрокредит ташкилотининг бош бухгалтери бошчилик қиладиган бухгал-

терия ҳисоби бўлими мустақил таркибий бўлинма бўлиб ҳисобланади ва бошқа бирон-бир бўлинма таркибига кирмаслиги лозим.

4. Микрокредит ташкилотининг бош бухгалтери лавозимига олий иқтисодий ёки иқтисодий ўрта махсус маълумоти ва шу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланади.

5. Бош бухгалтер лавозимга тайинланаётганда ва лавозимидан озод қилинаётганда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволи текширилиб, микрокредит ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин бўлинмани қабул қилиш-топшириш жараёни далолатнома билан расмийлаштирилади. Юқори ташкилот мавжуд бўлганда, ушбу далолатноманинг нусхаси микрокредит ташкилотининг юқори бошқариш органига юборилади. Зарур ҳолларда бош бухгалтер томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш жараёнида юқори ташкилотнинг вакили қатнашади.

6. Бош бухгалтер зиммасига пул маблағлари ва моддий бойликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифалар, шунингдек микрокредит ташкилоти раҳбари вақтинча ишда бўлмаган пайтда унинг вазифаларини бажариб туриш юклатилиши мумкин эмас. Бош бухгалтерга бевосита чеклар ва бошқа ҳужжатлар асосида микрокредит ташкилоти маблағ ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш тақиқланади.

7. Бош бухгалтер вақтинча ишда бўлмаган вақт мобайнида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва шу кабилар) бош бухгалтернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг муовинига ўтади ва бу ҳақда микрокредит ташкилотининг буйруғи чиқарилади.

II. Бош бухгалтернинг вазифалари

8. Бош бухгалтер бухгалтерия ҳисобининг юритилиши юзасидан белгиланган қондалар асосида уни ташкил этиб, қуйидагиларни таъминлаши шарт:

бухгалтерия ҳисобининг тўғри ташкил этилиши, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақларида операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри акс этирилиши;

микрокредит ташкилотига келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини уларга ишлов бериладиган участкалардан ўтишининг аниқ муддатларига риоя этилиб, микрокредит ташкилотининг тегишли ҳисобварақларида акс этирилиб, ҳужжатлар айланишини, кунлик баланс тузилиши ва уни тегишли жойга топширилишини ташкил этиш;

мижозларнинг келиб тушадиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари шаклига ва мазмунига кўра тўғри расмийлаштирилишини, шунингдек, уларнинг қонуний тарзда бажарилишини ҳамда маблағ ва бойликлар бут сақланишини таъминлаш;

катъий ҳисобдаги бланкларнинг бут сақланиши ва уларнинг ҳисобининг тўғри юритилиши;

электрон тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилишини ҳужжатларнинг асл нусхаси билан солиштириш орқали текшириш;

баланс тузиш;

бухгалтерия (кирим-чиқим) ҳужжатларини ўз вақтида (иш куни охиригача ёки кейинги куннинг эрталаб соат 10-00 дан кечикмай) жамланиши ҳамда расмийлаштирилиши, шунингдек улар ўрнатилган тартибда архивга топширилиши;

бухгалтерия ҳисобининг илғор шакл ва усулларида кенг фойдаланиш;

келиб тушган пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар ҳисобининг тўлиқ юритилиши, шунингдек улар ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида акс этирилиши;

мижозларнинг кредит ва қарз ҳисобварақлари бўйича фоизларнинг тўғри ва белгиланган муддатларда ҳисобланиши;

камомад ҳамда пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг талон-торож қилиниши бўйича материалларни расмийлаштириш юзасидан микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбари билан текширувлар ўтказиш, тегишли ҳолларда бу материаллар суд ва тергов органларига тақдим этилишини назорат қилиш;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғри ташкил этилишини текшириш, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи, назорат ва иқтисодий таҳлил масалалари юзасидан ходимларга ўз вақтида йўл-йўриқлар кўрсатиб бориш;

бирламчи ҳужжатлар ҳамда бухгалтерия ёзувлари асосида ҳақиқий ҳолатни акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, бу ҳисоботларни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, шунингдек, тегишли органларга тақдим этиш;

ўз тасарруфида бўлган микрокредит ташкилоти филиаллари бухгалтерия кўрсаткичлари бўйича белгиланган тартибда йиллик ҳисобот тузиш ва уни белгиланган муддатларда тегишли жойларга топшириш;

бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида микрокредит ташкилоти молиявий фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;

бухгалтерия ҳужжатларининг бут сақланиши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ва архивга топширилиши.

9. Бош бухгалтер тегишли бўлинма ва хизматлар ходимлари билан биргаликда қуйидагиларни синчиклаб назорат қилиши шарт:

а) товар-моддий бойликларнинг қабул қилиниши ва топширилишини расмийлаштиришда белгиланган қоидаларга риоя этилиши;

б) иш ҳақи фондининг тўғри сарфланиши, мансаб маошларининг тўғри белгиланиши, штатлар, молия ва касса интизомига қатъий риоя этилиши;

в) пул маблағлари, товар-моддий бойликлар, асосий фондларни инвентаризация қилиш, ҳисоб-китоблар ва тўлов мажбуриятларини бажаришнинг белгиланган қоидаларига риоя этилиши;

г) белгиланган муддатларда дебиторлик қарзини ундириб олиниши ва кредиторлик қарзининг қайтарилиши, тўлов интизомига риоя этиш;

д) камомадлар, дебиторлик қарзи ва бошқа йўқотишларни бухгалтерия ҳисобининг баланс ҳисоботларидан қонуний тарзда чиқарилиши.

10. Бош бухгалтер камомадлар юзага келиши, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг ғайриқонуний тарзда сарфланиши, молиявий ҳамда хўжалик қонунлари бузилишининг олдини оловчи тадбирларни тайёрлашда фаол қатнашиши шарт. Мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилинаётгани (яъни ошириб ёзиш, маблағлардан нотўғри фойдаланиш ҳамда бошқа қоидабузарлик ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳоллари) маълум бўлган ҳолларда бош бухгалтер чора кўриш учун бу ҳақда микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарига ахборот беради.

11. Пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, шунингдек кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятномалари раҳбар ва бош бухгалтер ёки улар шундай ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Бу ваколатли шахсларга ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқининг берилиши микрокредит ташкилоти бўйича чиқариладиган буйруқ билан расмийлаштирилади.

Юқорида айтилган ҳужжатларга бош бухгалтер ёки шундай ваколат берилган

бошқа шахслар томонидан имзо чекилмаса, улар ҳақиқий ҳисобланмайди ва мазкур микрокредит ташкилоти масъул шахслари томонидан ижрога қабул қилинмайди.

12. Бош бухгалтер қонун ҳужжатларига ҳамда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва сарфлаш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган операциялар билан боғлиқ ҳужжатларни ижрога қабул қилиши ҳамда расмийлаштириши тақиқланади.

III. Бош бухгалтернинг ҳуқуқлари

13. Бош бухгалтер ўзига бўйсунувчи ходимлар учун хизмат вазифаларини белгилаб беради. Бунда ҳар бир ходим ўз мажбуриятларини билиши ҳамда улар бажарилиши учун жавобгар бўлиши зарур.

14. Бош бухгалтернинг бажарилган операцияларни расмийлаштириш ҳамда маълумотларни электрон тўлов тизими орқали жўнатиш зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни бухгалтерияга тақдим этиш борасидаги талаблари микрокредит ташкилоти бўлинма ва хизматлари учун мажбурийдир.

Бош бухгалтер ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб берган кўрсатмаларнинг бажарилмагани ёки бузилгани учун айбдор шахслар белгиланган тартибда микрокредит ташкилоти раҳбарининг фармойишига биноан мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилиши.

Микрокредит ташкилоти бўлинма ва хизматлари:

бажарилаётган операцияларнинг қонунийлиги ва улар тўғри расмийлаштирилиши учун тўла жавобгар ҳисобланадилар;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, назорат қилиш ва жўнатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни бухгалтерияга ўз вақтида топширишлари шарт.

Бу ҳужжатлар сифатсиз тузилгани ва расмийлаштирилгани ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишга берилиш вақтидан кечиккани, ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги, шунингдек, гайриқонуний операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар тузилгани учун бу ҳужжатларни тузган ва имзолаган мансабдор шахслар жавобгар бўладилар. Бирламчи ҳужжатларни тузиш вазифаси юклатилган ҳамда бу ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар рўйхати бош бухгалтер билан келишилади.

15. Моддий жавобгар шахслар (кассир, омбор мудирлари ва бошқалар)ни лавозимга тайинлаш, озод этиш ва бошқа лавозимга ўтказиш масаласи бош бухгалтер билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

16. Ходимларга мансаб маошлари, иш ҳақи устамалари ҳамда мукофотларни белгилаш тўғрисидаги буйруқлар ва фармойишларни дастлаб бош бухгалтер кўриб чиқади ва уларга имзо чекади.

17. Бош бухгалтер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришни микрокредит ташкилоти раҳбаридан талаб қилиш;

б) таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибда амал қилинишини текшириб туриш;

в) мукофотлар ҳажмларини пасайтириш ёки мукофотдан маҳрум этиш тўғрисида таклифлар бериш.

18. Микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбари бош бухгалтерга ушбу Низомда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ҳуқуқларидан фойдаланишида атрофлича ёрдам беришга мажбур.

Бош бухгалтер ана шу мажбуриятларни бажаргани ҳамда ўз ҳуқуқларидан фойдалангани учун унга тазийқ ўтказиш борасида қилинадиган ҳар қандай уринишларга қатъиян барҳам берилиши, бунга айбдор бўлган шахслар эса қатъий жавобгарликка тортилиши лозим.

IV. Бош бухгалтернинг жавобгарлиги

19. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

а) бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, оқибатда бухгалтерия ҳисоби палапартиш ҳолатга келган ва бухгалтерия ҳисоботи бузилганда;

б) пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар ижрога қабул қилинган ҳамда расмийлаштирилган ҳолларда;

в) микрокредит ташкилоти ҳисобварақлари бўйича операциялар, шунингдек дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;

г) камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни бухгалтерия баланси ҳисоботларидан чиқариш тартиби бузилганда;

д) бухгалтерия айби билан нотўғри бухгалтерия ҳисоботи тузилганда;

е) бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилганда.

20. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолатлар учун микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбари билан баб-баравар жавоб беради:

а) молиявий-ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи қоидалар ва низомлар бузилиши;

б) мансабдор шахслардан улар етказган зарар суммасини ўз вақтида ундириб олмаслик;

в) кунлик, ойлик, чорақлик ва йиллик баланс ҳисоботи ва бошқа бухгалтерия ҳисоботларини ҳамда балансларини тегишли органларга тақдим этиш муддатлари бузилиши;

г) микрокредит ташкилоти баланс ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар ҳамда электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларининг қонунийлик ва бут сақланиш ҳамда кунлик архивлаш тартиби учун.

21. Бош бухгалтерларнинг тартиб-интизоми, моддий ва жиноий жавогарлиги амалдаги қонунларга мувофиқ тарзда белгиланади.

Микрокредит ташкилотларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага
2-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари бухгалтерия ходимларининг асосий вазифалари рўйхати

Бухгалтерия ходимининг вазифалари қуйидагилар:

1. Бухгалтерия ходими томонидан юритиладиган ҳисобварақлар бўйича микрокредит ташкилоти мижозлари ва ходимларидан қабул қилинган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларига тегишли ишлов бериш.

2. Келиб тушган барча ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича амалга оширилган

операциялар қонунийлиги ҳамда улар кредитлаш ва ҳисоб-китоб қилиш қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириш.

Товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун ёзилган тўлов ҳужжатларида, товар-транспорт ҳужжатларининг ёки улар ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларнинг номерлари ҳамда улардаги суммалар кўрсатилганлиги текширилади;

Микрокредитлар бериш ва шахсий ссуда ҳисобварақларини тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатларда микрокредит раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат имзолари борлиги текширилади.

3. Тўлов ҳужжатларида ва уларга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари ёхуд уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда бу ҳужжатлар белгиланган шаклдаги бланкларда тузилганини, уларнинг кўзда тутилган барча реквизитлари тўғри тўлдирилганлигини текшириш;

рақам ва сўз билан ёзилган суммаларда тузатиш ва қўшимча рақам киритиш аломатлари йўқлиги, қўшимча рақам ёзилмаслиги учун тўлов ҳужжатларида бўш ўринларга чизик тортилганлиги;

ҳужжатнинг қўшимча нусхаларининг биринчи нусхасига мос келиши, ҳужжатда белгиланган тартибда имзолар ва муҳр изи борлиги, уларнинг олдиндан берилган намуналарга мослиги;

чиқим ордерида олувчининг паспортини кўрсатгани тўғрисидаги ёзувнинг тўғрилиги, пул ва бошқа қимматликлар олингани тўғрисида эгаси кўрсатилган чеклардаги чиқим касса ордерларидаги ва бошқа ҳужжатлардаги тилхатнинг мавжудлиги ҳамда бу ёзилган тилхатларнинг ҳақиқийлиги.

4. Маълум бир операцияларни бошлаб берган бухгалтериянинг бошқа ходимлари имзоларини, зарур бўлган ҳолларда тегишли назоратчи ходимларнинг улардан келаётган ҳужжатлардаги имзоларини олдиндан белгиланган намуналарга солиштириш ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Бухгалтериянинг бошқа ходимларидан келиб тушган ҳужжатларнинг шакллари бажарилаётган операциялар турига мос келишини текшириш.

5. Кассадан келган кириш ҳужжатларидаги кассирлар имзоларини намуналарга қараб текшириш.

6. Мижозларга ўрнатилган тартибда берилган нақд пулларини тегишли варақчаларда қайд этиш.

7. Ижро учун қабул қилинган ва ижрочининг ўзи тузган ҳужжатларни имзолаш.

8. «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинadиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари варақчаларини юритиш.

9. Кўрсатиладиган микромолиялаш хизматлари учун, шунингдек ҳужжатлар ҳақини тўлаш ёки қарзларни қайтариш муддатлари кечиккани учун пенялар ҳамда фоизлар суммаларини ҳисоблаш.

10. Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар тўғрилигини текшириш. Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар тўғри акс этирилгани ҳисобварақ дебети бўйича бу ёзувлар учун асос бўлган асл нусхадаги ҳужжатларга қараб, кредит бўйича эса, келиб тушган ҳужжатларнинг электрон нусхаларига қараб текширилади.

11. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини йиғиш ва сақлаш ҳамда уларни жорий архивга ўз вақтида топшириш.

12. Бажарилган операциялар бўйича белгиланган ҳисоботларни тузиш.

13. Мижозлар ва бошқа микрокредит ташкилотлари ва банкларнинг бажараётган операциялари ҳамда мазкур микрокредит ташкилотида хизмат кўрсатилаётган мижозларга доир хатлари ва рекламацияларини ижро этиш.

14. Ҳужжатлар айланиш жадвалига ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш жадвалига риоя этилиши.

Микрокредит ташкилотларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага
3-ИЛОВА

Чиқим касса ордери шакли

(микрокредит ташкилоти номи)	
- сонли чиқим касса ордери	
Сана	ДЕБЕТ ХВ КРЕДИТ ХВ 10101
Олувчининг Ф.И.Ш. (юр.шахс номи)	
Тўлов мақсади:	
Сумма рақамда:	
Сумма ёзувда:	
Мижоз имзоси: ордерда кўрсатилган суммани олдим _____	
Имзолар:	
Кассир	Бухгалтер

Микрокредит ташкилотларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага
4-ИЛОВА

Кирим касса ордери шакли

(микрокредит ташкилоти номи)		
- сонли кирим касса ордери		
Сана	ДЕБЕТ ХВ	10101
	КРЕДИТ ХВ	
Топширувчининг Ф.И.Ш. (юр.шахс номи)		
Тўлов мақсади:		
Сумма рақамда:		
Сумма ёзувда:		
Имзолар:		
Мижоз	Кассир	Бухгалтер

Микрокредит ташкилотларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага
5-ИЛОВА

20 йил _____ учун Бош китоб						
					Бет рақами _____	
Хисобварақ рақами _____						
_____ микрокредит ташкилоти					Хисобварақ номи _____	
Сана	Изоҳ	Корреспон денцияланувчи ҳисобварақ	Эслатма	ДЕБЕТ	КРЕДИТ	ҚОЛДИҚ
1.						
2.						
3.						
.						
.						
31.						

Раҳбар	_____	_____
	(исми-шарифи)	(имзо)
Бош бухгалтер	_____	_____
	(исми-шарифи)	(имзо)

М.Ў.

+

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
6-ИЛОВА

41-42 (281-282)-сон

Пул маблағларини ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун _____ ҳисобварағи бўйича

Ҳисобот даври бошига бўлган сальдо _____

Т/р	Сана	Операция мазмуни	Ҳисобварақлар кредитидан ҳисобварақлар дебетига						Ҳисобварақ дебетига ҳисобварақлар кредитидан				
			№	№	№	№	№	Жами	№	№	№	№	Жами
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	12	14

Ҳисобот даври охирига бўлган сальдо _____

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

— 277 —

426-модда

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
7-ИЛОВА

426-модда

Берилган микрокредит, микролизинг, микроқарз ва бошқа микромолиялаш
операцияларни ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун
№ _____ ҳисобварақ бўйича

Т/р	Микромолиялаш хизматлари кўрсатилган томон	Ҳисобот даври бошига бўлган олиними лозим бўлган ҳисобварақларга оид қолдиқ	Хужжат рақами	Сўндирилган микромолиялаш маблағлари	_____ ҳисобварағи кредитидан ҳисобварақ дебетига				_____ ҳисобварағи дебити бўйича айланмалар ҳисобварақлар кредитига					Олиними лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
					№	№	№	Жами	№		№		Жами	
									сана	сумма	сана	сумма		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

— 278 —

41-42 (281-282)-сон

+

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
8-ИЛОВА

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш китоби
_____ ҳисобварақ бўйича

Т/р	Ҳисобдор шахснинг исми- шарифи	_____ га бўлган қарз қолдиғи	Ҳисобот учун берилди (_____ ҳисобварағи дебетидан _____ ҳисобварақлари кредитига)					Сарфланган (_____ ҳисобварағи кредитидан ҳисобварақлари дебетига)				_____ га бўлган қарз қолдиғи
			№	№	№	№	Жами	№	№	№	Жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
9-ИЛОВА

426-модда

Камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун _____ ҳисобварағи бўйича

Т/р	Камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси (ҳақиқатдаги таннархи)	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ		_____ ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобварақлар кредитига келиб тушди ва акс эттирилди				Сарфланган ва ҳисобварақлар дебетига киритилган				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ	
						№		№		№		№			
				миқдо-ри	сумма-си	миқдо-ри	сумма-си	миқдо-ри	сумма-си	миқдо-ри	сумма-си	миқдо-ри	сумма-си	миқ-дори	сумма-си
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

— 280 —

41-42 (281-282)-сон

+

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
10-ИЛОВА

Мехнатга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш китоби

Т/р	Исми-шарифи	Лавозими	Ҳисобот даври бошига бўлган қарз қолдиғи (иш ҳақининг депонентлаш- тирилиши)	_____ ҳисобварағи кредити бўйича оборот ҳисобварақлар дебетига (ҳисоблаб ёзилган)			_____ ҳисобварағи дебети бўйича оборот ҳисобварақлар кредитига (ушлаб қолинган)			Бериш учун	Ҳисобот даврида берилган		Ҳисобот даври охирига қарз қолдиғи (депонент- лаштирилган иш ҳақи)	Ажратмалар ва мажбурий бадаллар				
				№	№	№	№	№	№		Кор. ҳисоб.в	суммаси						

Раҳбар

Бош бухгалтер

(исми- шарифи)

(исми-шарифи)

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
11-ИЛОВА

426-модда

Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш китоби**20 йил _____ учун ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш китоби**

Т/р	Ҳисобварақ номи	Харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебетига ҳисобварақларнинг тегишли ҳисобварақлари кредитидан				Харажатлар қолдиги		Харажатлар ҳисобварағи кредитидан ҳисобварақлар дебетига				жами
		№	№	№	жами	давр бошига бўлган	давр охирига бўлган	№	№	№	№	

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

— 282 —

41-42 (281-282)-сон

+

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
12-ИЛОВА

41-42 (281-282)-сон

— 283 —

426-модда

Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш китоби

20 йил _____ учун

Т/р	Асосий воситалар ва номоддий активлар тури	Қисқача тавсиф	Фойдали хизмат муддати	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ		
				сони	қиймати	шу жумладан қайта баҳолаш суммаси
1	2	3	4	5	6	7

Давоми

Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳаракатланиши						Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ			
Дебет (кирим)			Кредит (чиқиб кетишлар)			Чиқиб кетиш сабаби	сони	қиймати	шу жумладан, қайта баҳолаш суммаси
сони	Бошланғич қиймати	Қийматнинг ўзгартирили ши	Сони	Тўпланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	Баланс қийматининг ҳисобдан чиқарилиши				
8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

Раҳбар

(исми-шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исми-шарифи)

(имзо)

М.Ў.

_____ микрокредит ташкилоти Бет рақами _____

Нақд пул кирими бўйича касса китоби

Ой _____ Йил _____

[illegible]

Микролизинг		
Фоизлар		
Бошқалар		
Мижоз банки:		
Сумма ёзувда:		
Қолдиқ		
Имзолар:		
Мижоз	Бухгалтер	

—

+

+

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
16-ИЛОВА

41-42 (281-282)-сон

— 287 —

426-модда

Микрокредит ташкилоти _____													
КРЕДИТ ВАРАҚЧАСИ													
Ссуда ҳисобварақ рақами _____							Қарздор рақами _____						
Исми _____							Таъминот тури _____						
Паспорт рақами _____							Манзил _____						
Туғилган санаси _____							Аҳоли пункти _____						
Телефон рақами _____							Сектор _____						
Кафиллар:							Қарздор рақами _____						
Исми _____							Таъминланмаган _____						
Телефон рақами _____							Қарздор рақами _____						
Кафил рақами _____							Бош қалар _____						
Кафил рақами _____							Қарздор/Аъзо имзоси _____						
Кафил рақами _____							Бош бухгалтер имзоси _____						
Кафил рақами _____							Муҳр ўрни (юридик шахслар учун) _____						
Кафил рақами _____							Раҳбар имзоси _____						
Кредит мақсади _____													

Қарз мажбуриятини рўйхатга олиш							Қўшма/гуруҳий кредитлаш		Кредитлар бўйича бошқа аъзоларга кафолатлар					
Қарз мажбурият-лар рақами	Тасдиқ-ланган кредит санаси	Сумма	Тўлов муддати	Тўлов суммаси	Йиллик фоиз ставкаси	Тўлиқ ундириш санаси	Қарздор рақами	Исми	Бошқа таъминот тури	Сана	Қарздор исми	Қарз мажбу-риятлар рақами	Сумма	Тўлов санаси
Олиниши лозим бўлган ссудалар		Берилган сумма	Тўланган сумма	Қолдиқ	Олинган фоизлар	Олинган устама	Муддати ўтган тўлов учун пеня	Тўлов санаси фоизда	Тўлов рақами	Муддати ўтишни назорат қилиш		Қўшимча ахборотлар		
Сана	Эслатма #	ДЕБЕТ	КРЕДИТ		КРЕДИТ	КРЕДИТ	КРЕДИТ			Кредитларни сўндириш устунига мувофиқ қолдиқ	Сана			

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
17-ИЛОВА

КАССА КИТОБИ		Бет рақами _____
_____ микрокредит ташкилоти		
Сана _____		
Кирим		
Микрокредит		
Микроқарз		
Микролизинг		
Тўловларнинг муддати ўтганлиги учун тўлов		
Фоизлар		
Устамалар		
Бошқа тушумлар: (ўтказиш)		
Жами нақд тушум: (А)		
Чиқим:		
Микрокредит		
Микроқарз		
Микролизинг		
Бошқа чиқимлар (ўтказиш)		
Жами нақд чиқим (А)		
Кўпайиш (камайиш) нақд пулда (А) - (В)		
МИНУС: Нақд пул камайиши		
ПЛЮС: Нақд пул кўпайиши		
Нақд пулда соф кўпайиш (камайиш)		
ПЛЮС: Кун бошига қолдиқ		
Кун охирига қолдиқ**		
Ўрнатилган касса лимити қолдиғи		
Кассир томонидан тақдим этилган суммага тенг бўлиши лозим		
Тайёрлади		Сана:
Текширди		Сана:

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
18-ИЛОВА

Асосий воситалар инвентар варақчаси шакли

[illegible]

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
19-ИЛОВА

Ишончнома**Ишончнома № _____**

Берилган сана 20 _____ йил « _____ » _____
Ишончнома 20 _____ йил « _____ » _____ гача ҳақиқий ҳисобланади.

Микрокредит ташкилоти номи ва унинг манзили

Ишончнома берилган шахс _____
Лавозими ва Ф.И.Ш.

Паспорт серияси _____ № _____
Ким томонидан берилган _____
Берилган сана _____ йил « _____ » _____

_____ дан
Етказиб берувчи номи

Хужжат номи, рақами ва санаси

бўйича моддий бойликларни олиш учун.

Орқа томони

Олинадиган моддий бойликлар рўйхати

№	Моддий бойликлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони (ёзув билан)
1	2	3	4

Ишончномани олган шахснинг имзосини _____ тасдиқлаймиз.

М.Ў.

имзо

Ф.И.Ш.

имзо

Ф.И.Ш.

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия
хисобини юритиш тўғрисида йўриқномага
20-илова

Шахсий ҳисобварақларни рақамлаш тартиби тўғрисида кўрсатмалар

1. Микрокредит ташкилотларида очиладиган шахсий ҳисобварақлар ички ҳисобварақлар бўлиб, улар мижозларга ажратиладиган микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолия хизматлари бўйича маблағлар ҳисобини юритиш учун ҳамда микрокредит ташкилотларининг ички хўжалик операциялари ҳисобварақларига бўлинади.

2. Микрокредит ташкилотининг ички хўжалик ҳисобварақларига ички фаолияти ҳисобини юритиш учун очиладиган ҳисобварақлар киради. Хусусан, асосий воситалар ҳисобини юритиш ҳисобварақлари, даромад ва харажатлар ҳисобварақлари, касса ҳисобварақлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ҳисобварақлар Микрокредит ташкилоти томонидан мустақил равишда очилади. Бунда банкнинг ички фаолиятидаги барча операциялар тўлиқ акс эттирилиши кераклиги ҳисобга олинади.

Шахсий ҳисобварақлар номерлари 20 разряддан иборат бўлади.

Микрокредит ташкилотининг ички шахсий ҳисобварағи тузилиши қуйидаги кўрсаткичлардан иборатдир:

CCCCC VVV

--	--	--	--	--	--	--	--

 NNN

бунда:

CCCCC — Бош китобнинг баланс ҳисобварағи;

VVV — Валюта коди;

NNN — Фақат шу баланс ҳисобварағи бўйича банк бўлимида қайд этилган шахсий ҳисобварақ тартиб рақами.

Бош китобнинг баланс ҳисобварағи рақами ҳисобварақлар режасига мувофиқ аниқланади, валюта коди «Жаҳон мамлакатлари ва валюталар таснифлагичи»га асосан белгиланади, назорат калитини банкларнинг ўзи ҳисоблаб чиқаради.

Битта баланс ҳисобварағида шахсий ҳисобварақнинг тартиб рақами (банкнинг ички ҳисобварақлари учун) доимо «001» дан «999» гача бўлган тартиб рақамларидан бошланади (1-жадвалга қаранг).

3. Мижозлар ҳисобварақларига микрокредит ташкилоти томонидан мижозларга ажратиладиган микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолия хизматлари бўйича маблағлар ҳисобини юритиш учун очиладиган ҳисобварақлар киради.

Мижозлар шахсий ҳисобварақларининг номерлари уларда ҳисобга олинadиган маблағлар ва қимматликларнинг характериға қараб 20 разряд (рақам)дан иборат бўлади.

Мижозлар шахсий ҳисобварағининг структураси қуйидаги кўрсаткичлардан таркиб топади:

CCCCC VVV

--	--	--	--	--	--	--	--

 NNN

бунда:

CCCCC — Бош китобнинг баланс ҳисобварағи;

VVV — Валюта коди;

NNN — Шу баланс ҳисобварағи бўйича шахсий ҳисобварақнинг тартиб рақами.

Шахсий ҳисобварақнинг тартиб рақами доимо «001» дан «999» гача бўлган тартиб рақами билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 6 октябрдан 19 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари»ни тасдиқлаш тўғрисида (ЎЗР АҚ-91)»ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сонли буйруғи.*

2007 йил 29 сентябрда 1723-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 октябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 августдаги 22/9-сонли қарори.*

2007 йил 9 октябрда 1518-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 октябрдан кучга киради).

3. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сонли қарори.*

2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 октябрдан кучга киради).

4. «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сонли буйруғи.*

2007 йил 10 октябрда 1725-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 октябрдан кучга киради).

5. «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар бериш ҳукукини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2007 йил 14 августдаги 367-сонли буйруғи.*

2007 йил 10 октябрда 1726-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 октябрдан кучга киради).

6. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сонли қарори.*

2007 йил 12 октябрда 1727-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 октябрдан кучга киради).

7. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сонли қарори.

2007 йил 12 октябрда 1728-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 октябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Бурғ қудуқларини таъминлаш учун кўчма қурилмалар ҳолатини техник диагностика қилиш бўйича йўриқнома». Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2000 йил 18 октябрдаги 170-сонли ва 2007 йил 21 августдаги 129-сонли буйруқлари.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича ғуруҳлаш;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар ҳаритаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

— фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;

— базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг